БОБОҚУЛ ИБРАТОВ

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ

"МОЛИЯ"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Б. ИБРАТОВ

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2001

67.99(2)
И 155

УДК 347.7 (575.1)

Б. Ибратов. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Тошкент, «Молия», нашриёти, 2001 йил, 268-б.

Дарслик тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси, асосий тамойиллари ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги ўрни, тадбиркорликнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари, турлари, амалга ошириш асослари, уларнинг мажбуриятлари тадбиркорлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик, тадбиркорлар иштирокида тузиладиган шартномаларнинг ҳуқуқий ҳолати, тадбиркорлик соҳасидаги солиқ тўлаш билан боғлиқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларнинг ҳуқуқий ҳолати ёритиб берилган.

Олий ўқув юртлари ва ҳуқуқшунос мутахассис тайёрловчи коллежларнинг талабаларига, аспирантлар ва ўқитувчиларга, суд, прокуратура, адвокатура, нотариат ва бошқа ташкилотларнинг ходимларига, тадбиркорларга ва тадбиркорлик фаолияти билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар: ю.ф.н., профессор **И. Б. Зокиров**
ю.ф.н., доцент **Б. Жомбоқиев**
ю.ф.н., доцент **Ф. Отахонов**

© Узбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Молия» нашриёти, 2001 й.

SamISI
Inv № 438668

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
ўн йиллигига бағишланади.

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Тадбиркорлик билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бўлиб, бу ҳуқуқларни юзага чиқарилишига давлат ҳар томонлама кўмаклашади, уларни тўла кафолатлайди. Зероки тадбиркорлик тараққий топган юртгина иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, гуллаб-яшнаши мумкин.

Маърифатли бозор иқтисодига асосланган давлат ва жамият барпо этишга киришган бизнинг мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш шартларидан бири сифатида фуқаролар биринчи навбатда тадбиркорликка оид муносабатларда иштирок этувчи кишилар иқтисодий тафаккурини, ҳуқуқий дунёқарашини замон талабларига мос равишда шакллантириш, уларни ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, ўзини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қила биладиган шахслар сифатида тарбиялаш вазифалари илгари сурилган. Бу вазифани бажариш йўлларидан бири — бозор муносабатларининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини содда, тушунарли тилда оммага етказувчи қўлланмалар, дарсликлар, илмий-оммавий асарлар яратиш ва нашр қилишдан иборатдир.

Бундан ташқари, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларни бозор иқтисодининг ҳуқуқий билимлари билан етарли даражада қуроллантириш, бўлғуси мутахассис кадрларда замонавий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам бугунги куннинг энг долзарб вазифа-ларидан бўлиб, бу вазифаларни муваффақиятли бажарилиши ҳам кўп жиҳатдан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш юзасидан давлатимиз раҳбари

томонидан илгари сурилган ғояларни қанчалик тез ҳамда самарали юзага чиқарилишига боғлиқдир.

Бозор иқтисодининг ҳуқуқий жиҳатлари билан қизиқувчи кенг китобларга, биринчи навбатда ҳуқуқшунослик, иқтисодчилик касбини эгаллаётган талаба ёшларга мўлжалланган мазкур "Тадбиркорлик ҳуқуқи асослари" дарслиги юқорида қайд этилган долзарб вазифаларни муваффақиятли бажаришга самарали тарзда ёрдам берадиган илмий асар бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятга молик воқеа деб баҳоланмоғи лозим.

Дарслик мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан вужудга келиши, ривожланиши масалаларини, тадбиркорлик муносабатлари иштирок-чиларининг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш усуллари ҳамда воситаларини, тадбиркор ва жамият, тадбиркорлик ва давлат муносабатларининг ҳуқуқий томонларини янгиланиб бораётган қонунлар асосида тўла равишда баён этади.

Мазкур дарслик мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи юқори малакали юрист-мутахассислар тайёрлашда қўл келади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Тошкент Давлат юридик институти
ректори, профессор *Х. Б. Бобоев*

I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

1-§. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси

Ўзбек халқининг азалий орзуси ушалиб, у ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий соҳада мутлақо мустақил бўлди. Эндиги вазифа иқтисодий соҳада ҳам тўлиқ мустақилликка эришишдир. Буни амалга ошириш учун асосий эътиборни бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратиш лозимдир. "Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз, - деб ёзган эди Президентимиз И. А. Каримов, - Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзининг ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади"[1].

Ҳа, бозор муносабатларига ўз моделимиз орқали ўтиб бормоқдамиз. Бу жараён Президентимиз раҳбарлигида собитқадамлик, тинчлик, барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш, республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш ва янгилаш асосида амалга ошириляпти.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг моҳияти ҳар бир фуқаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, боқимандаликка хотима бериш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулкка эгалик туйғусини кучайтириш, унга ишлаб чиқаришга бўлган ҳукмронлик ҳиссини сингдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига бўйсундириш, уларнинг маҳсулотга бўлган талабини аниқ ҳисобга олиб, шунга яраша тезлик билан иш тутиш, хўжаликда

[1] Каримов И. А.. Ўзбекистон буюк келажак сари (Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари). Т., «Ўзбекистон», 1998, 567-б.

тежамкорликка эришиш, харажатларни камайтириш, талон-торож ва суиистеъмолчиликка қарши кураш, янгиликларга нисбатан сезгир бўлиш ва фан-техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этишдан иборат. Мана шулар ҳаётга тадбиқ этилгандагина халқимиз ҳар қандай иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиб олиши ва фаровон ҳаёт кечириши учун имконият яратилади.

Эндиликда бозор иқтисодиёти турли хизматлар кўрсатиш, товарлар ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш муносабатла-рининг барча соҳларини борган сари кенг қамраб олмоқда. Бу жараён ўз навбатида ҳар бир фуқародан тадбиркорлик билан иш кўришни, тадбиркор фаолиятини тобора ривожлантириб боришни тақозо этмоқда.

Тадбиркор – бизнесменлик фаолияти асосан XVIII асрда пайдо бўлиб, кўпинча "мулкдор" деган тушунча билан тенг англанган. Хусусан, А. Смит бизнесменни фойда олиш учун бирон бир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида тавак-калчилик билан иш кўрувчи мулкдор, деб таърифлайди.

Тадбиркорнинг барча ҳаракатлари асосан бозор имконият-ларини таҳлил қилиш, ундан фойдаланиш, новаторлик ғояларини амалга оширишдан иборат бўлди.

Ғарбда бизнесга фойда олиш мақсадини кўзлаб, хўжалик юритиш санъати, ижодкорлик, ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, наваторлик, хавф-хатарга доим тайёр туриш каби кўп қиррали фаолият деб қаралади. Бизнинг тафаккуримизда ҳам тадбиркорликка нисбатан шу сингари тушунча пайдо бўлмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахслардан маҳорат, зеҳн, ақл ва хушёрлик талаб этилади ва бу ҳислатлар муҳим аҳамият касб этади, албатта. Шу маънода тадбиркорлик фойда олиш мақсадидаги мустақил фаолият сифатида таърифланади.

Умуман тадбиркорликка ва унинг аниқ ифодасига, ижтимоий-психологик томондан ёндашмай, балки унинг табиати ва фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмунига диққат-эътиборни қаратиш лозим.

Бунда тадбиркорликнинг капиталистик эксплуататорлик моҳиятига олиб келувчи анъанавий синфий таърифи эмас, балки инсон фаолиятининг шу соҳадаги функцияси, унинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий аҳамиятига эътиборни қаратмоқ лозим. Агар тадбиркорликка шу томондан ёндашиб талқин қилинса, у, аввало, бозор хўжалиги ва иқтисодий манфаатларни амалга ошириш усули сифатида намоён бўлади.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, у бозор иқтисодиётининг алоҳида бўғинларида такрор ишлаб чиқариш борасида хизмат кўрсатувчи ташкилий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хўжалик муносабатларининг мажмуидир. Шу сабабли тадбиркорлик, образли қилиб айтганда, ҳар бир хўжалик бўғинларининг, товар айирбошлашни, бозор хўжалигининг ривожланишини таъминловчи воситадир.

Маълумки, тадбиркорлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолияти яхши ҳуқуқий база мавжуд бўлган тақдирда ҳам, мақбул шароит мавжуд бўлмаса, етарли даражада ривожланмайди.

Демак, тадбиркорлик билан тараққиёт ҳамиша ёнма-ён борган. Тараққиёт иқтисодий-ижтимоий шароитларда тадбиркорликнинг турли, яъни жамоа, индивидуал, ҳусусий ва бошқа шаклларда ривожланишини тақозо этган.

Тадбиркорликнинг ривожланиши бозор иқтисодиётининг шаклланиб бориши билан боғлиқ.

Аммо бозор иқтисодиёти муносабатлари бирданига тўлиқ шаклланмайди. У аста-секин ривожланиб борадиган жараён бўлиб, ақл билан иш тутишни тақозо этади. Республикамизда пухта тузилган режага биноан босқичма-босқич иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиб борилиши бунга ёрқин мисол бўлади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишидан асосий мақсад бозор муносабатларини ташкил этиш, бозорни турли моллар ва хизматлар билан тўлдириб, истеъмолчиларга товар-ни танлаб харид қилишларига кенг имкониятлар яратиб бериш, оқибат натижада халқнинг турмуш шароитини фаровонлаштиришдан иборатдир. Бунда тадбиркорликнинг ўзига ҳос ўрни бор. Чунки тадбиркорлик қанчалик ривожланса, ҳуқуқий томондан ҳимоя қилинса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик тараққий этади.

Тадбиркорлик мулк ҳуқуқини субъектларининг товар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш асосида фойда кўриш ёки даромад олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишидир. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркор-лик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ишининг ҳуқуқий таянчидир[1].

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 15 июнь.

Тадбиркорлик тўғрисидаги мазкур қонунда фуқароларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланди ва тадбиркорларимизнинг жаҳон бозорларига ўз товарлари билан кириб боришларига ҳар томонлама қулай имконият яратилди.

2-§. Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Республикамизда тадбиркорликнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг кўп қиррали йўналишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжига мослаш, тақчилликни, қимматчиликни енгиб ўтиш, фуқороларнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги эркинлигини таъминлаш, ҳар бир кишининг шахсий қобилиятини қадрлаш ва тадбиркорлик соҳасидаги уларнинг бой имкониятлари очилишига, юксак унумдорлик ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишларига шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Тадбиркор фаолияти фақат қонун доирасида бўлиши керак. Бу юқорида таъкидланганидек, ҳар бир тадбиркор республикамизда ҳозир амалда бўлган қонунларга мос фаолият билан шуғулланишга ҳақли эканлигини англатади. Тадбиркор бирон фойда ёки даромад олиш мақсадида товар ишлаб чиқариш ёки маиший қулайлик яратиш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланар экан, унинг фаолияти фақат қонун доирасида бўлиши керак.

Тадбиркор фойда олиш мақсадида ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштиради, харидоргир моллар ишлаб чиқаради. Агар молларга талаб, таклиф ўзгарса, дарҳол шу таклифга кўра ишлаб чиқариш жараёнини унга мослаштиради. Қисқаси, харидор учун зарур моллар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Ўзга ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар билан доимо рақобатда бўлади. Рақобатга бардош бериш йўлида тинмай изланади, иқтисодий имкониятларни ҳар томонлама ошириб боради.

Тадбиркорликдан кутиладиган мақсад, юқорида айтилганидек, даромад олишдир. Даромад қанчалик кўп бўлса, тадбиркор ўз фаолияти натижасидан шунча мамнун бўлади. Бу ҳол янги-янги изланишларга чорлайди, юқори иқтисодий самараларга эришиш

йўлида вақт билан ҳисоблашмай тинимсиз меҳнат қилади. Мазкур меҳнат натижаси ўз навбатида фақат тадбиркорнинг фойдаси, бойлиги бўлмай, балки халқимизнинг ҳам бойлиги ҳисобланади. Чунки тадбиркор ўз хўжалигини ташкил этиш натижасида олган умумий даромадидан қонунда белгиланган миқдорда солиқ тўлайди, бошқа тўловларни қоплайди. Қолгани эса тадбиркорнинг соф фойдаси ҳисобланиб унинг тасарруфига ўтади. Тадбиркорлик аксарият ҳолларда мулк билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Тадбиркор уни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида ўзининг хусусий мулкидан фойдаланади. Хусусий мулк фуқаронинг қонунга мувофиқ фаолият юритиш асосида олган соф фойдаси, хусусийлаштирилган, қонунчилик асосида, хусусий мулк деб ҳисобланган бошқа мулклардан ташкил топади.

Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиши, 54-моддасида эса мулкдор мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгиланган.

Ҳар бир фуқоронинг мулкдор бўлиши ва ундан фойдаланиши республикамизда бозор муносабатларининг ривожланишига ниҳоятда катта замин яратади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", деб кўрсатилган. Бу қоиданинг амалиётда тўлиқ тадбиқ этилиши натижасида республикамиз фуқоролари турли хилдаги мулклардан, шу жумладан хусусий мулкдан ҳам фойдаланиб тадбиркорлик фаолиятларини бирмунча ривожлантирадилар. Натижада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида, ўтган қисқа муддатда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли ниҳоятда чуқур мазмунга эга бўлган китобида республикамизнинг мустақилликка эришган кунидан бошлаб, то шу кунгача

ўтган даврда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда қилинган ишлар, эришилган ютуқлар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бирга келгусида амалга оширилиши лозим бўлган асосий ишлар аниқ белгилаб берилди, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

«Меҳнат кўп талаб қилинадиган ва хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этилса ва тез ривожлантирилса, тадбиркорлик рағбатлантирилса, ҳунармандчилик-косибчилик ва халқ бадиий устачилиги қайта тикланса, республика учун ғоят муҳим муаммо ҳал этилади»[1]. Шу сабабли тадбиркорлик соҳасида мулкдор дуч келадиган муаммоларни ечиш, унга кенг йўл очиб бериш, кўплаб ҳақиқий мулк эгаларини тарбиялаш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, тадбиркорликнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш керак. Бу ўринда шуни айтиш керакки, тадбиркорларга ва бозор муносабатларини жорий этишга интилаётган шахсларга фақат ҳуқуқий кафолат бериш кифоя эмас. Уларни амалга ошириш учун ана шу ҳуқуқ ва кафолатлардан тўла фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш, ишбилармонлар фаолиятига қилинаётган тўсқинликларни бартараф этиш лозим. Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга бугун республикамизнинг иқтисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида қараш ва қонунчилик фаолиятига ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндашиш даркор.

Тадбиркорлик ўзга шахсларнинг мулкидан қонун доирасида фойдаланиш асосида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бунда, тадбиркор фаолиятини мулк эгаси билан ижара шартномаси тузиб, унинг мулкидан фойдаланиш ҳисобига ташкил этади. Тадбиркор билан мулк эгаси ўртасида тузиладиган шартнома 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади[2]. Мазкур қонунга мувофиқ ижара, мулкнинг барча шаклларига тадбиқ этилади. Агар мулк хусусий бўлса, шу мулк эгаси билан ижарачи ўртасида, мулк хўжалик юритиш асосида мул-

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995, 241-б.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар, Ижара, Мулкчилик тўғрисидаги қонунлари. Т., «Адолат», 1997.

қдорга тегишли бўлса, шу мулкни идора қилувчи шахс билан, мулкдор чет эл фуқароси бўлса, улар билан шартнома тузилади. Мулк эгасининг мақсади ўз мулкини ижарага топшириб, ундан фойда олиш бўлса, ижарачининг мақсади ижарага олинган мулкдан фойдаланиб даромад олишдир. Қисқаси, ижарачи ҳам, мулкни ижарага берувчи ҳам ана шу йўсинда тадбиркорлик билан шуғулланади. Ижарага олувчи фақат фуқарогина бўлиб қолмай, балки юридик шахслар, яъни корхоналар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон ёки чет эл юридик шахсларининг мулклари асосида ташкил этилган ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик тадбиркорнинг ўз мулки ҳисобига ташкил этилади. Аммо тадбиркорлик билан шуғулланиш учун мулкдор, яъни хусусий мулк эгаси бўлиб иш бошлаши шарт эмас. Балки тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳам тадбиркорликни ташкил этиш учун етарлидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунида[1] белгиланишича, корхоналар ўз мулкига нисбатан, агар улар давлат ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлса, тўла хўжалик юритиш ёки мулкни тезкор бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

Ана шу қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир. Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, унга нисбатан ўз хоҳиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан, агар Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор ўз фаолиятини мулкдор томонидан белгиланган ҳуқуқ доирасида амалга оширади. Тадбиркорнинг бу мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф

[1] Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, ижара, мулкчилик тўғрисидаги қонунлар. Т., «Адолат», 1997.

этиш ҳуқуқи низомга асосан белгиланади. Аммо мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор фойда (даромад) олиш мақсадида қонунларга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ташаббус кўрсатиш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ барча ҳаракатларни ўзи мустақил бажаради.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири тадбиркорнинг таваккалчилик билан ишни ташкил этишидир. Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганида, шу фаолиятдан келадиган фойда ҳам, шунингдек зарар ҳам ўз зиммасида бўлишини аниқ билади. Зарар турли сабаблар туфайли юзага келади. Айрим ҳолда тадбиркорлик фаолиятини шахсан ўзи ташкил эта олмаслиги оқибатида ҳам зарар келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, баъзи ҳоларда маҳсулот, хомашё билан таъминловчи шериклар, яъни таъминотчиларнинг шартномада белгиланган вақтда маҳсулотни етказиб бермаслиги натижасида ҳам юз беради. Бундай ҳолатда, албатта, маҳсулот етказиб бермаган, шартномани бузган томондан тадбиркор келтирилган зарарни ундиришга ҳақли. Аммо ундирилган ҳар қандай зарар шартнома бажарилгани натижасида олинадиган фойдани тўлиқ қоплай олмаслиги аниқ. Тадбиркор ишлаб чиқарган товари сифатсиз, рақобатбардош бўлмай, айирбошлаш жараёнида зарар кўриб қолиши туфайли синиш хавфига дуч келиши мумкин. Бундай пайтда у сезгир бўлиши, бозорни доимо кузатиб бориши, янгиликларни тезда илғаб, ишлаб чиқариш жараёнини ана шунга мослаштириши зарур бўлади.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти тадбиркорга боғлиқ бўлмаган табиий ҳодисалар, яъни қайтариб бўлмайдиган табиий куч таъсирида ҳам ривожланмай қолиши мумкин. Тадбиркор ана шу ҳолатларни ҳам назарда тутиб ўз фаолиятини таваккал қилиб юргизади. Ўз тадбирини оқилона ишга солиб, келиб чиқадиган зарар оқибатларидан қўрқмай таваккал қилган тадбиркор доимо ютиб чиқади, кўзланган мақсади сари илгарилаб бораверади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, ундан фойда ёки даромад олиши учун ишига талабчан, уддабурон бўлиши керак. Чунки ўз фаолиятида ташаббус кўрсата олмаса, олдига қўйган мақсадга эриша олмайди. Ташаббус кўрсатиб иш юритмаган тадбиркор

рақобатга бардош беролмай, синиши аниқ. Шу туфайли у рақобатда ғолиб чиқиш учун бозор шароитига тезроқ мослашишга, ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил белгилашга, ривожлантиришга ва уюштиришга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун у ўзи ишлаб чиқараётган товарга, маҳсулотга, кўрсатаётган хизматга бўлган бозор талабини доимо ҳисобга олиб бориши ва ўз фаолият тараққиётини шу асосда мустақил ривожлантириб бориши лозим. Бу эса эркин бозор талабидан келиб чиқади.

Республикамиз қонунлари билан тадбиркорларга кенг имкониятлар берилган. Уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Шу сабабли ташаббус кўрсатиш амалдаги қонунлар доирасида, тадбиркорлик фаолияти эса ўз устави ёки низоми доирасида бўлиши керак.

Тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири тадбиркорлар эгаллаган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий мавқедан қатъий назар, уларнинг ўзаро муносабатларда тенглигидир. Тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, улар билан таъминланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб, фойда (даромад) олишда, шунингдек турли ишларни бажаришда ўзга, яъни хизматдан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахслар билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатда бўладилар.

Тадбиркор ўзга шахслар билан шартнома муносабатларида бўлар экан, фақат ўзаро тузилган шартнома шартларига ва бу муносабатни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун-қоидаларга оғишмай риоя этишга мажбурдир.

Тадбиркорлик фаолияти чет эл инвестицияларидан фойдаланиб ҳам ташкил этилиши мумкин. Хусусан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлари[1] билан республикамизга чет эл инвестицияларини жалб этиш турлари ва тартиби белгилаб берилди. Унда белгиланишича, чет эл инвестицияларидан фойдаланиш шакллари; республикамиз тадбиркорларининг хорижий давлат фуқаролари

[1] *Қаранг.* Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-сон, Т., «Адолат», 1988.

ва юридик шахслари билан биргаликда корхоналар, банклар, суғурта компаниялари барпо этиш ва бошқа ташкилотларда ўз улуши билан қатнашиши; чет эл фуқаролари ва юридик шахсларнинг ўз корхоналари, банклари, суғурта компаниялари ва бошқа ташкилотларини барпо этиши; мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш; мустақил равишда ёки жисмоний шахс ва юридик шахслар иштирокида мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилиши, фойдаланиш ҳуқуқларини эгаллаш йўли билан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти ўзга шахслардан қарз ёки тегишли муассасалардан кредит олиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида[1] белгиланганидек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро, жамоа (ширкат), ташкилот пул маблағларига бўлган эҳтиёжини тегишли банклардан оладиган қарзлар (кредит) ҳисобига қаноатлантириши мумкин.

Корхоналар ҳам тадбиркорлик фаолияти юргизиш учун банк ва бошқа корхоналарнинг кредитларидан фойдаланадилар. Корхоналарнинг бири иккинчисидан пул ёки натура шаклида қарз олишининг йўлга қўйилиши бевосита республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич чуқурлашиб бориши ва бу муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Муқаддам бир корхона (ташкилот)нинг иккинчи корхона (ташкилот)га қарз бериши ман этилган эди. Собиқ тузум шароитида кредит тасдиқланган режа асосида иттифоқ давлат банки ва бошқа банклар томонидан қонунларда белгиланган тартибда бирон мақсадга қаратилган бўлсагина берилар эди. Масалан, колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, контракт шартномаси асосида ёки комиссион шартнома асосида сотиши учун банклардан бўнак (аванс) олар эди. Ҳозирги пайтда эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, корхона (ташкилот)ларнинг бири иккинчисига қарз беришларини ман этувчи қоидалар бекор қилинган.

---

[1] *Қаранг.* Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 13-сон. Т., «Адолат», 1996.

3-§. Бозор муносабатларини ривожлантириш ва шакллантиришда тадбиркорликнинг аҳамияти

Маъмурий буйруқбозлик шароитидаги режалаштириш тизими хўжаликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни чеклаб келган эди. Бу ҳолатдан тез қутулиш мақсадида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш зарурати туғилди.

«... Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди»[1].

Кўп укладли иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик муносабатлари ҳам алоҳида ўринга эга. Чунки тадбиркорлик ривожланиши хизмат кўрсатишга, турли моллар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, бозорни кенг истеъмол моллари билан тўлдиришга сабаб бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятига қадам қўяётган ҳар бир шахс, тадбиркорлик одоби (этикаси)га риоя қилиши керак. Тадбиркорлик одоби ўзаро тадбирли иш муносабатларида ҳалол ва соф виждонли бўлиш билан белгиланади. Чунки тадбиркор кўплаб шахслар билан турли муносабатда бўлади. Шунинг учун улар ҳалол ва соф виждонли бўлишлари лозим.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки шу орқали иқтисодий муносабатлар ривожлантирилмоқда, қўшма корхоналар ва кичик корхоналар ташкил қилинмоқда.

Агар биз бозор иқтисодиёти муносабатларига мос келадиган касбларни пухта эгалласак, бозор муносабатларининг шаклланишини ҳам тез ҳал эта оламиз.

Бунга мисол сифатида дастлабки тадбиркорликни олайлик. Бу чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаларидаги тадбиркорлик бўлиб, натижада бозоримиз кўплаб моллар билан тўлдирилди. Ҳозирги пайтда ички бозоримиз барқарорлашиб турганлигида ҳам тадбиркорликнинг ўрни борлигини изоҳлашга ҳожат йўқ.

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995. 45-46-бетлар.

Тадбиркор учун энг муҳими тадбиркорликнинг шаклларини тўғри танлай билиш. Шундай қилингандагина тадбиркорлик муносабатлари ривожланади ва барқарорлашади.

Бу соҳанинг ривожланишида Президентимизнинг 1995 йил 5 январда имзо чеккан «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони[1] муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармоннинг биринчи бандида таъкидланганидек, аввало давлат корхонаси билан хусусий корхоналарнинг мавқеи тенглаштирилди. Бу дегани – хусусий корхоналарга иккинчи даражали сифатда қарашларга чек қўйилди. Кичик корхона тузмоқчи бўлган шахсларга жуда қулай имконият яратилиб, тадбиркор турли хилдаги кераксиз ҳужжатларни тўплаш каби синовлардан қутилди.

Тадбиркор қайси фаолият тури билан шуғулланишидан қатъий назар, унинг аризаси олинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида рўйхатдан ўтказилиб, рухсат берилиши мазкур Фармоннинг 2-бандида кўрсатилди.

Бундан ташқари мамлакатимизда «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма» (Бизнес фонд) ташкил этилганлиги ҳам тадбиркорлик фаолиятини бирмунча енгиллаштирди[2]. Ушбу жамғарма иш бошламоқчи бўлган ва ёрдамга муҳтож тадбиркорларнинг банкдан қарз олишига ёрдам беради. Бунинг учун уни тадбиркорлик фаолиятининг келгусида қандай самара бериши ва яшаб турган жойида бунга имкониятлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этишлари зарур.

Юқорида тадбиркорликнинг турли соҳалари ҳақида гапириб ўтдик, улардан бири чорвачилик соҳасидаги тадбиркорликдир. У билан шуғулланаётган тадбиркор олдида жуда кўп қийинчиликлар ва муаммолар мавжуд эди. Уларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги «Чорвачиликни хусусийлаштириш, давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Унда:

- чорва моллари, бинолар ва асбоб-анжомларни танлов, кимошди савдоси асосида сотиш;

[1] *Қаранг.* «Халқ сўзи», 1995, 6 январь.

[2] Халқ сўзи, 1995, 27 июль.

- ер майдонларини умрбод эгалик қилиш учун янги мулкдорларга сотиш;

- чорва моллари ва бошқа мулк қийматини тўлаш муддатини узайтириш тартибини ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди.

Шу билан бирга унда хусусий фермерларга озуқа етиштириш учун ер ажратилиши, фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида маҳсулдор моллар подасини мунтазам янгилаб бориш мақсадида наслчилик заводлари ва хўжаликларини аниқлаш вазифаси ҳам белгиланди. Бу эса хусусий фермерлар фаолиятини ривожлантириш ва келгусида наслдор молларни етиштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шунингдек, фермерлар фаолияти учун маблағлар ажратиш ва ҳисобот-статистика ишлари йўлга қўйилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ташкил этилган тадбиркорлик тизимини ривожлантириш учун барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса ўз навбатида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб боришга, шу асосда бозорни турли моллар билан тўлдиришга, нарх-навонинг арзонлашувига, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

4-§. Тадбиркорлик ҳуқуқининг турдош ҳуқуқлар – хўжалик, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқлардан фарқи

Тадбиркорлик ҳуқуқи турдош ҳуқуқлар – хўжалик, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг моҳияти мулкчилик субъектларининг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан фойда ёки даромад олишга қаратилган фаолиятидан иборат.

Хўжалик ҳуқуқининг моҳияти ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ, аммо бу фаолият доимо фойда олишга қаратилмайди. Тадбиркорлик соҳасидаги фаолият аксарият мустақил бўлиб, тадбиркорнинг ўз хоҳиши, истаги билан аниқланади. Тадбиркорлик ҳуқуқи билан хўжалик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабат-

SamISI
Inv № 438668

лар гўё бир хилдек кўринади, аммо улар бир-биридан фарқланади.

Хусусан хўжалик ҳуқуқи қоидалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг ривожига бир назар ташласак, унинг тадбиркорлик ҳуқуқидан фарқи жуда аниқ кўринади. Энг аввало, хўжалик ҳуқуқига собиқ иттифоқ даврида берилган таърифга эътибор берайлик Хўжалик ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида социалистик хўжалик юритишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш ниятида ҳуқуқий бошқаришнинг турли усулларидан фойдаланиш билан социалистик ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари ўртасидаги хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ва раҳбарлик қилиш тартибини аниқловчи ҳуқуқий қоидаларни ўзида ифодалайди.

Аммо 1991 йилга келиб ижтимоий-иқтисодий тараққиётда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Социалистик ишлаб чиқариш усуллари ва хўжалик муносабатлари мутлақо янгича ёндашув, янгича муносабатларни қўллаш ва уларни қонуний тартибга солишни тақозо этди. Натижада социалистик тузум ўз-ўзидан тугади, янгича иқтисодий муносабатлар юзага келди. Бевосита эркин бозор, рақобатли ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, мулкка нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириш, кўп укладли иқтисодий муносабатларни шакллантириб бориш билан боғлиқ бўлди. Шу туфайли иқтисодий ишлаб чиқариш, молиявий муносабатларни ташкил этиш, бозорни эркинлаштириш йўлида янгича ишлаб чиқарувчилар гуруҳи пайдо бўлди. Улар энди товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бозорини рақобатбардош моллар ва хизматлар билан тўлдиришда ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб боряпти.

Шу туфайли хўжалик ҳуқуқига таъриф беришга айрим муаллифлар янгича усулда ёндашмоқдалар. Масалан, профессор В. С. Мартемьянов томонидан хўжалик ҳуқуқига берилган таърифга кўра, хўжалик ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш мақсадида, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солишга қаратилган (шу жумладан, савдо-сотиққа оид бўлмаган) қоидалар йиғиндисини ўзида ифода этади[1].

[1] *Қаранг.* Мартемьянов В. С. Хозяйственное право I том. Издательство «Бек», 1994, 1-б.

Таърифдан маълумки, хўжалик ҳуқуқининг мазмуни давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш мақсадида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва уни давлат томонидан тартибга солишга доир қоидалардан иборатдир. Аммо таърифда тадбиркорлик муносабатлари ва у билан боғлиқ бошқа муносабатлар ҳам кўрсатилган. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик давлат корхонасини идора қилишда ҳам қўлланилиши табиий, лекин у тўлиқ маънодаги тадбиркорлик эмас, албатта. Тадбиркорлик муносабати фойда ёки даромад олиш мақсадида тадбиркор таваккал қилади, ўз тақдирини шу мавҳум йўлга тикади ва бу соҳада фақат ўзига аён бўлган иш усулларига асосланиб фаолият олиб боради ва уларни сир сақлайди, рақобатга қарши тинимсиз ҳаракат қилади. Рақобатда ютқазса, оқибат аниқ - синади. Давлат корхонасига банкротлик жорий этилмайди. Ҳар икки турдаги тадбиркорлик ана шу жиҳати билан бир-биридан фарқ қилади.

Маълумки, хўжалик ҳуқуқи ва бу ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган муносабатлар ҳам давр талабига, яъни бозор муносабатларига қараб ўзгаради. Бу деган сўз хўжалик ҳуқуқи билан тадбиркорлик ҳуқуқи бир хил, ягона бир фанни ташкил этади, деган маънони англатмайди. Хўжалик ҳуқуқининг моҳияти давлат корхона ва ташкилотлари, жамоа корхоналари, акциядорлик жамиятлари ва шунга ўхшаш бошқа давлатга алоқадорсиз корхоналар товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тик ва уфқий муносабатлардан иборат. Тадбиркорлик ҳуқуқининг моҳияти эса тадбиркорнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан фойда (даромад) олишга қаратилган фаолиятидир. Тадбиркорлар бу фаолиятни амалга оширишда бири иккинчисига итоат этмайди, балки фақат қонунга ва ўзаро тузилган шартномага риоя этади. Шу туфайли ўзлари ишлаб чиқарадиган товар ёки кўрсатадиган хизматни ўзлари белгилайдилар ва ўзлари айирбошлайдилар. Хўжалик ҳуқуқида ҳам корхона ёки ташкилотни идора этувчи тадбир билан иш олиб бориш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳаракат қилишга мажбур. Аммо унинг бу соҳадаги фаолияти давлат ёки жамоа ташкилоти томонидан белгилаб берилган режа ёки кўрсатма доирасида бўлади. Тадбиркор ишлаб чиқариш фаолиятини ўзи хоҳлаганидек ўзгартириб, белгиланган тартибда тегишли рўйхатдан ўтказиб,

фаолият кўрсатишга ҳақли бўлса, давлат корхоналари ва ташкилотлари бунақа ҳуқуқдан тўла фойдалана олмайди. Улар фақат нима мақсадда ташкил этилган бўлса, шу фаолиятнигина бажаради. Фаолиятни ўзгартириш эса ташкилотни ёки корхонани ташкил этган мулкдорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

Хўжалик ҳуқуқи билан тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларига назар ташласак, уларнинг фарқи янада аниқ ва равшан кўринади. Хўжалик ҳуқуқининг субъектлари деб корхона, ташкилотлар билан бирга давлат банклари, биржалар, хўжалик фаолияти олиб борувчи давлатга алоқадор фондлар, давлатнинг ўзи ва унинг таркибига кирувчи мухтор республика, маъмурий ҳудудий тузилмалар, яъни вилоят, туман, шаҳарларни кўрсатиш мумкин. Фуқаролар, фуқаролар гуруҳи, шу жумладан давлат, кооператив ва бошқа корхона жамоаси, чет эл фуқароси ёки юридик шахс, фуқаролиги бўлмаган шахслар, аралаш мулк субъектлари тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти ҳисобланади. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик, фуқаролар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги юридик шахс билан фуқаронинг мулкини ва мулк ҳуқуқини бирлаштириш асосида амалга ошириладиган биргаликдаги фаолият тадбиркорлик шакллари ҳисобланади.

Тадбиркорлик қоидалари билан тартибга солинадиган муносабатлар хўжалик ҳуқуқи қоидалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан фарқ қилади. Хўжалик ҳуқуқига доир фаолият давлат ёки жамоа ташкилоти томонидан белгиланган фаолият ҳисобланади, унинг иштирокчилари фақат ўз вазифасини бажарган бўлса бас, ундан қанча фойда ва даромад келиш-келмаслиги уларни қизиқтирмайди. Юқорида санаб ўтилган ана шу жиҳатлари билан тадбиркорлик ҳуқуқи хўжалик ҳуқуқидан фарқ қилади.

Фуқаролик ҳуқуқи мулк ҳуқуқи, битимлар, юридик шахслар, турли шартномалар, муаллифлик ва ворислик ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Тадбиркорлик ҳуқуқи эса тадбиркорнинг фаолиятини, яъни якка тартибдаги фаолият, ишчи кучи жалб этилган ҳолдаги хусусий тадбиркорлик, фуқаролар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик, чет эл фуқароси ёки юридик шахслари иштирокидаги тад-

биркорлик бўлиб, аксарияти фойда ёки даромад олишга қаратилган бўлади. Шу сабабли тадбиркор ўз мулки, чет эл фуқароси мулки, давлат ва ташкилотлар мулкидан фойдаланиб тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқидан шу жиҳатлари билан фарқланади.

Маъмурий ҳуқуқ тадбиркорлик ҳуқуқидан деярли бутунлай фарқ қилади. Чунки маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган муносабатлар ижро фармойиши билан боғлиқ бўлиб, тадбиркорликдан бирмунча узоқроқда турадиган муносабатдир.

Тадбиркорлик муносабатларини амалга оширишда тадбиркор ёлланма меҳнатдан фойдаланиши ҳам мумкин. Лекин бу муносабатга меҳнат қонунчилиги тадбиқ этилади.

Меҳнат қонунлари, меҳнат шартномалари, жамоа шартномалари, меҳнат жамоаси фаолиятини, унинг кенгаши фаолиятини тартибга солишда тадбиқ этилади.

Тадбиркорлик фаолиятида ҳам меҳнат шартномаси тузилиб, у ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу ҳол тадбиркорлик соҳасидаги меҳнат шартномасини алоҳида ўрганиб чиқишни талаб этади.

Тадбиркорлик соҳасида ҳам молия муносабатлари мавжуд, аммо у молия ҳуқуқидан мутлақо фарқ қилади. Молия ҳуқуқининг моҳияти давлат даромадини сарфлаш ва даромад режасини ташкил этиш билан боғлиқ молия бюджетини тартибга солишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Тадбиркор товар айирбошлаш жараёнини узлуксиз давом эттиришда даромад манбаидан фойдаланади. Бу муносабат тадбиркорлик ҳуқуқининг мағзидир. Тадбиркорлик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, хўжалик жараёни каби ҳуқуқ соҳаларидан ҳам ўзига хос жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади.

II БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Тадбиркорликнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари

Ўзбекистон Республикасидаги турли шаклдаги мулклар тенг ҳуқуқий мавқега эга бўлганлиги ва ана шу мулкларга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги тадбиркорликнинг келиб чиқиши ва ривожланишига сабаб бўлди. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»[1]. Бу бежиз айтилмаган, Президентимиз бунда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ривожланишининг асосий моҳияти бевосита мулкка бўлган муносабат билан боғлиқ эканлигини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиб, ана шундай фикрга келганлиги шубҳасиз.

Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида асосий диққат-эътибор мулкка бўлган аввалги муносабатни бутунлай ўзгартириш ва бозорни шакллантиришга қаратилди.

Буни амалга оширмай туриб, тадбиркорликни ривожлантириш, бозорни сифатли моллар ва хизматлар билан тўлдириш мумкин эмас. Чунки тадбиркорликни ривожлантириш бевосита бозор билан боғлиқдир. Бозорнинг ривожланиши эса ишбилармон тадбиркорлар ишлаб чиқарадиган турли истеъмол молларининг ҳажми билан аниқланади. Истеъмол моллари қанча кўп ишлаб чиқарилса, рақобат шунча кучаяди, нархнаво пасаяди. Тадбиркорликни ривожлантириш, аввало, мулк ва шу мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун республикамизда хусусий мулкка

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995, 43-б.

кенг йўл очиб берилди. Шу мақсадда давлат мулкини хусусийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг сабаби — то мулкни хусусийлаштириш жараёни бошлагунига қадар ўтган вақт, яъни собиқ иттифоқ барпо этилганидан бошлаб, у барҳам топгунига қадар кўплаб турдаги мулклар марказлаштирилиб, ягона давлат мулкига айлантирилди. Унга эса мулкнинг бошқа шаклларидан устунлик берилиб, умумхалқ мулки деб эълон қилинди. Мулк умумий бўлиши туфайли ундан манфаатдор бўлиш, ана шу мулк учун ким қанча меҳнат қилгани, ким қанча улуш қўшганига қараб эмас, балки барча бирдек фойдаланиши, манфаатдор бўлиши билан белгиланди. Мазкур мавҳум тушунча кишиларда давлат мулкига нисбатан хўжасизларча муносабатнинг шаклланишига ва мулкдан моддий манфаатдор бўлиш, уни кўпайтириш, авайлаб асрашга бўлган қизиқишининг сўниб боришига ва умумхалқ мулкининг эгасиз бўлиб қолишига олиб келди. Энди бундай муносабат моддий манфаатдорликни, тадбиркорликни амалга оширишга, кишилардаги жўшқин ижодкорликка ғов бўлди. Бунинг сабаби ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи асосий тармоқдаги яккаҳокимлик мавқеини берувчи ҳукуматнинг тартибот қоидалари ёрдамида давлат корхоналари доимо рақобатдан ҳимояланиб келишидир. Мазкур ҳимоя юқори тариф тўсиқлари ҳамда хорижий рақобатни қисман чеклаш ёки тўлиқ олдини олишга қаратилган ўз чора-тадбирлари ёрдамида ҳам таъминланди.

Рақобатнинг йўқлиги туфайли давлат корхонларининг самарали бўлишга, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат турларини таъминлашга қизиқиши ҳам пасайиб борди.

Давлат корхоналарининг фойда олишга қизиқишининг пастлиги истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ёки ўзга ижтимоий гуруҳларнинг манфаатига ҳам зарари тегди. Ҳукумат томонидан бериладиган субсидиялар давлат корхоналари ишлаб чиқарган товарларга ёки хизматларга, электр қуввати, бензин ёки бошқа маҳсулот ва хизмат турларига бозор нархларидан паст нарх белгилашга имкон яратди. Шу билан бирга ҳукуматнинг мазкур мадади давлат корхоналарига зарар етказиб, давлат тармоғи ресурсларининг исроф бўлишига ҳам олиб келди. Бундан ташқари фойда олишга моддий қизиқишнинг йўқлиги ва самарадорликнинг пастлиги, бошқача айтганда,

очиқ рақобатдош шароитни юзага келтирувчи интизомнинг йўқлиги собиқ иттифоқ давлат корхоналарининг жиддий ва мунтазам талофотлар кўришига сабаб бўлди. Давлат тармоғи камомадининг катталиги, турли қарзлар давлат корхоналари кўрсатган самарасиз фаолиятнинг бевосита оқибати эди. Давлат корхоналарининг доимий равишда зарар кўриши аксарият ҳолларда зарарни қоплаш учун ҳукуматни қарз олиш ёки пул зарб этишга мажбур қиларди. Булар эса сармоя ажратиш рағбатини сусайтириб, маблағнинг давлатдан қочишига сабабчи инфляцияни янада чуқурлаштирди.

Маълумки, собиқ иттифоқнинг марказлашган режалаштириш тизими хар қандай иқтисодий фаолиятни ёппасига назорат қилишга шароит яратди. Бу эса хусусий секторнинг йўқолишига олиб келди. Мазкур тизимнинг фаолият тажрибаси шуни кўрсатдики, марказлаштирилган режалаштириш шароитида бозор алоқалари умуман рўёбга чиқмади. Натижада, очиқ бозор алоқалари ривожланмади, корхоналарда мажбуран ўрнатилувчи рақобатбардошлик интизоми ҳам йўқ бўлди.

Марказлашган режалаштиришнинг бундай камчилиги умуман барча соҳаларда ҳам қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Марказлаштирилган режалаштириш тузумида нархларни бозорнинг ўзи ўрнатиши ҳуқуқини бериш ўрнига давлат белгилади. Собиқ социалистик мамлакатлар бозор алоқаларига қаратилган иқтисодиёт тизимига ўтишининг илк қадамларидан бири маҳсулотлар нархини эркин қўйиб юбориши бўлди. Бундан аксарият ҳоларда пул қадрсизланишининг чуқурлашуви юзага келди. Ўзбекистонда эса, нарх-наво давлат назоратида бўлди. Бу эса нарх-навонинг мувозанатлашувига, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга имкон яратди.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳукумат барчани иш билан таъминлаш кафолатини ўз зиммасига олганлиги сабабли марказлаштирилган режалаштириш шароитида давлат корхоналари лозим бўлганидан зиёд ишчи-хизматчиларни ишга ёллаган эди. Бундай кафолат сабабли ишчилар ўз меҳнати натижасидан қатъи назар, иш ҳақи олишни билишар эди. Яъни давлат корхоналари ўз ишининг сифати учун қайғурмайдиган ишчи-хизматчиларни боқишга мажбур эди. Оқибатда собиқ социа-

листик мамлакатлар саноати ривожланган ёки яқинда оёққа туриб, илдамлаб бораётган бошқа қатор мамлакатлардан орқада қола бошлади. Чунки, марказлаштирилган режалаштириш собиқ иттифоқда халқаро бозор рақобатига умуман дош беролмайдиган кўплаб саноат корхоналарини юзага келтирган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар бундай корхоналарнинг аксарият қисмини ёпилишдан сақлаб қолди. Ўтмишда марказлашган режалаштириш иқтисоди давом этаётган кўпчилик мамлакатлар, шу жумладан, Болтиқбўйи давлатлари ва Россияда ишлаб чиқариш инқирози аён эканлигига қарамай, оғир саноат соҳасидаги йирик корхоналар банк кредитларини олиши туфайли «чўкиб» кетмасликкм муваффақ бўлди. Юқорида тилга олинган давлатларда кредитларга барҳам бериш корхоналар ёпилишига ва кўплаб одамларнинг кўчада қолишига сабаб бўлар эди. Уларга кредит бериш эса инфляцияни янада авж олдирди. Бу қийинчиликларга қўшимча равишда давлат корхоналари маънавий эксирган технологиялар Марказий Европа ҳамда собиқ иттифоқда жиддий экологик уқубатларга олиб келди. Бу эса атроф-муҳитни ифлослашга қарши курашни авж олдиришни тақозо этди.

2-§. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Республикамиз, қолаверса собиқ иттифоқ тизимида бўлган бошқа республикалардаги ҳозирги иқтисодий тенгликдан чиқиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар бир кишининг тадбиркор, ижодкор ҳамда мулкдор бўлиш манфаати ва шунга ўхшаш турли эҳтиёжлари эндиликда мулкни буткул давлат қўлида марказлаштирмай бир қисмини давлат тасарруфидан чиқариб бошқа шаклларга ўтказиш, улар тенг мавқега эга бўлиши ва кўпайтирилиши зарур эканлигини кўрсатади. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси мулкка нисбатан бўлган муносабатни бошқача шаклда ўзгартиришни тақозо этади. Шу мақсадда давлат ўз мулкининг бир қисмини ўз тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга эътиборни қаратди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган, 1993 йилда 7 майда эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва ху-

сусийлаштириш тўғрисида»ги қонун муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Унда мулкни давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш жараёни ҳуқуқий кафолатланди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида асосан кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди. Давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантириши учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус идоралар тузилди.

Кичик хусусийлаштиришда асосан давлатга қарашли савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусий ва жамоа (ширкат) мулкига айлантириш амалга оширилди. Кичик хусусийлаштириш асосан 1994 йилда деярли тугалланди. Ҳозирги кунда хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди, кўлами эса кенгайди. Бозор ислоҳотлари натижасида халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли умумий миқдорининг ва ҳосил қилинган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97,7 фоизи давлатга алоқадорсиз сектор ҳиссасига тўғри келади.

Кичик хусусийлаштириш тажрибаси мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштиришга тўғри ёндашилганлигини тўлиқ исботлади. Хусусийлаштириш тажрибаси ортиб борган сари бу жараён янада чуқурлаша борди. Айниқса, 1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида[1]» ва 1994 йил 15 мартда қабул қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»[2]ги фармонлар хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва унинг сифатли ўтишига асос яратди. Натижада давлат мулкини фақат янги мулкдорларга сотиш, яъни мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантириш йўли маъқул эканлиги аён бўлди. Чунки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бундай ёндашишнинг мазмуни, ваучерлашган «қиёфасиз» мулкдордан қочиш ва ўзига топширилган мулкни тўғри тасарруф эта оладиган, фаолиятнинг дастлабки босқичидаёқ ундан самарали фойдаланишни таъминлайдиган шахсларга мулк беришдан иборатдир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси фармонлар ва қарорлар. Т., «Ўзбекистон», 1994, 7-12-б.

[2] Ўша жойда, 38-39-б.

Агар мулк бепул қўлга киритилган бўлса, у чинакамига асраб-авайланмайди. Ундан самарали фойдаланишда худди ишлаб топилган пулга сотиб олинган мулкка бўлгани каби ҳақиқий манфаатдорлик бўлмайди. Шу туфайли давлат мулки кимошди савдоси бўйича хусусийлаштирилмоқда.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»[1] ги қарорига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, сотиб олиниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларининг рўйхати белгилаб берилди. Булар жумласига қуйидагилар киради:

- республика ҳудуди доирасида ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

- тарихий-маданий ва табиий мерос объектлари, музейлар ва музей бойликлари, бошқа бадиий қадриятлар (тарих ва маданият ёдгорликлари давлат фондлари, шу жумладан, китоблар, кино, фото ва фотоҳужжатларнинг давлат фондлари, архивлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондлари);

- республика Давлат хазинаси, республика давлат бюджетининг, валюта захирасининг, нафақа жамғармасининг ва давлатнинг бюджетидан республика жамғармаларининг, Марказий банк маблағлари, шунингдек, республиканинг олтин заҳираси;

- пул муомаласи соҳасида хизмат кўрсатувчи давлат муассасалари, пул белгиларини, давлат хазина белгиларини, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни, орденлар, медаллар ва почта тўлови белгиларини чиқаришни таъмин этувчи давлат зарбхонаси корхоналари ва муассасалари;

- республика Қуролли кучлари. Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда ишлов берилгунига қадар, шунингдек, саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);

- рентген ускуналарини, радиоактив моддаларини ва изотопларни ишлатиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик

[1] *Қаранг*: «Ўзбекистоннинг янги қонунлари». II-сон, Т., «Адолат», 1995, 162-164-б.

ишлари олиб борувчи, шундай ускуналар, моддалар ва изотоплар ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва объектлар;

- овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар, улар учун ўқ-дори, шунингдек тиғли қурол (совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

- кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёҳванд ва заҳарли моддалар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, таркибида гиёҳванд ва заҳарли моддалар бўлган ўсимликларни экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар;

- атом энергетикаси объектлари (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятга молик объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

- портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни ташувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, махсуслаштирилган автоколонналар;

- санитария-эпидемиология станциялари, суд-тиббий экспертизаси бюролари;

- атроф-муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар,

- даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, ахлоқ тузатиш – меҳнат муассасаларининг корхоналари;

- почта алоқаси корхоналари ва махсус вазифаларни бажарадиган корхоналар;

- қабристонлар[1].

Бундан ташқари айрим турдаги объектлар ва корхоналар фақат Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорига биноан хусусийлаштирилиши ва давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

асосий фондларнинг баланс қиймати 100 миллион сўмликдан ортиқ (1995 йил 1 январгача) бўлган корхоналар:

---

[1] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. II-сон, Т., «Адолат», 1995, 162-164-б.

қимматбаҳо, нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш корхоналари.

Саноатнинг таянч тармоқлари ёқилғи энергетикаси, кон қазиб олиш, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш корхона ва ташкилотлари мажмуаси;

нефть, газ ва кўмир қазиб чиқариш қудуқлари, бурғулаш корхоналари ва ташкилотлари;

катта нефт ўтказгичлар ва газ, нефть маҳсулотларини етказиб берадиган қувурлар, электр ва иссиқлик ҳосил қилувчи станциялар ва туман қозонхоналари, тизим ҳосил этадиган электр тармоқлар, автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари;

кимё корхоналари (гербецидлар, минерал ўғитлар, синтетик толалар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатадиган заҳарли кимёвий дорилар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш);

фармацевтика саноати ҳамда тиббий-биологик дори-дармонлар саноати корхоналари;

электр алоқаси корхоналари, телекўрсатув, радиоэшиттиришни қабул қилиш ва радио узатиш марказлари ҳамда уларнинг муҳандислик иншоотлари;

матбаа корхоналари ва нашриётлар;

ахборот ва телеграф агентликлари;

махсус техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

стандартлаштириш ва метерологик корхоналари ва ташкилотлари;

таваккалчилик ишлари мўл объектлар ҳамда ботиний ва зохирий хавф-хатар эҳтимоли бор ишлаб чиқариш объектлари, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш билан, улар учун ускуналар, назорат қилиш ва фалокатларнинг олдини олиш тизимларини тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

ёнғинга қарши автоматика воситалари, қўриқловчи, ёнғиндан огоҳлантирувчи ва қўриқлаш – ёнғиндан огоҳлантиришга мўлжалланган сигнал бериш воситаларини лойиҳалаш, таъмирлаш, монтаж қилиш, созлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

сув хўжалиги ҳамда мелиорация тизимларини, авария - қутқарув кемаларини, гидротехника иншоотларини, техника

назорати кемаларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ҳамда уларни ишлатиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

мухандислик инфратузилмаси объектлари: шаҳарлар ва туман марказларининг электр, иссиқлик ва газ таъминоти, водопровод-канализация хўжалиги, ташқи ёритиш, ободонлаштириш объектлари, шунингдек, бундай объектларни лойиҳалаш, қуриш улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналар;

темир йўл, ҳаво ва дарё транспортида йўловчилар ва юклар ташиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

шаҳарда йўловчилар ташиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар;

вазирликлар, идораларнинг олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, шунингдек, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, болалар уйлари ва мактабгача тарбия болалар муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг ташкилотлари;

давлат илмий марказлари;

давлат наслчилик хўжаликлари ва фермалари, от заводлари, элита-уруғчилик хўжаликлари, уруғчилик ва селекция станциялари, давлат уруғчилик инспекциялари ва қишлоқ хўжалик экинларининг технологик сифатини баҳолаш лабораториялари, нав синов станциялари ва участкалари;

ўрмон хўжалигининг, геология, картография-геодезия, гидрометериология хизматларининг корхоналари ва ташкилотлари, технология алоқаси ва унинг ахборот марказлари;

саноатнинг катта чиқиндилари ва рўзғор чиқиндилари кўмиладиган майдонлар, бинолар, иншоотлар ва кўмиш учун керакли ускуналар, чорва моллари кўмиладиган жойлар;

машина синаш станциялари, элеваторлар, совутгичлар, омбор хўжалиги объектлари;

республикадан четда жойлашган давлат санаторий-курорт хўжаликлари;

концерт-томоша кўрсатиш муассасаларининг корхоналари ва объектлари, кинолаштириш объектлари, шунингдек, кутубхоналар ва қироатхоналар;

совлиқни сақлаш муассасалари;

ветеринария хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати корхоналари ва муассасалари;

ногиронлар, кексалар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган бошқа тоифалари қаровда бўладиган уйлар ва интернатлар;

болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг соғломлаштириш муассасалари;

маросимлар ўтказишда хизмат кўрсатадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар[1].

Давлат мулкини хусусийлаштириш ҳозирги пайтда кимошди савдоси бўйича амалга оширилянти. Бундан мақсад мулкни ҳақиқий мулк эгаси бўла оладиган шахслар қўлига топширишдир. Шу туфайли энди ўртача корхоналарни ва бошқа ишлаб чиқариш бирликларини кимошди савдоси ва танлов бўйича хусусийлаштиришга эътибор бериляпти.

Бу муносабатлар мулкни хусусийлаштиришга доир қонунлар билан бирга тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳам батафсил тартибга солинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелдаги «Республика кўчмас мулк биржаси фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори ва шу қарор билан тасдиқланган «Давлат мулкини аукцион ва конкурс асосида сотишдан тушган маблағлардан фойдаланиш, тақсимлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Муваққат низом», Республика Давлат мулк қўмитаси 1994 йил 17 майда тасдиқлаган «Давлат мулки объектларини аукцион ва танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисидаги Муваққат Низом» ҳамда «Тугалланмаган қурилишлар ва объектларни аукцион ва танлов бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги Муваққат низом»[2] ана шундай ҳужжатлар ҳисобланади.

3-§. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатдан афзалликлари

Республикамизда давлат мулкини хусусийлаштириш ўтказилаётгани иқтисодий ислоҳотларнинг ва аҳоли турмуш шароитининг тобора фаровонлашувига олиб келадиган ҳуқуқий воситалардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, мулкни хусусийлаштириш жараёни ҳар бир давлатнинг ўз ички сармоясини, шунингдек, ташқи хусусий сармояларни

[6] *Қаранг:* «Халқ сўзи», 1995, 14 сентябрь.

[7] *Қаранг:* Сборник документов по проведению аукционов-конкурсов. Т., «Адолат», 1994, 4-44-б.

олиб киришни рағбатлантиришга асос бўлади, мамлакатимиз ва чет эллик сармоя соҳибларига янги ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятлар очиб беради. Бошқача қилиб айтганда, хусусийлаштириш хусусий секторнинг ривожланиши ва тадбиркорларнинг кўпайишига, давлатга, қолаверса, истеъмолчиларга ҳам фойда келтиради. Чунки бу моддий неъматлар ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишнинг ривожланиши ва рақобатнинг кучайишига, бозор нархининг пасайишига ёрдам беради, шунингдек, мамлакатимизда янги-янги иш жойлари яратилишига, ишсизлар сонининг қисқаришига, хусусий секторда хизмат қиладиган шахсларнинг кўпроқ фойда олиши ва шу туфайли янада самаралироқ меҳнат қилишга қизиқишларининг ортишига олиб келади.

Давлат корхоналари билан хусусий корхоналар ўртасида ишбилармон, билимдон мутахассисларга бўлган эҳтиёж асосида рақобат келиб чиқади. Маълумки, етук мутахассислар барча корхоналарга ҳаводек зарур. Мутахассис, албатта, қайси корхонада иш ҳақи юқори бўлса, ўша жойга интилади. Демак, мулкни хусусийлаштириш туфайли корхоналарда етук мутахассисларни сақлаб қолиш учун ҳам кураш боради. Ҳар бир корхона, у хоҳ давлатга, хоҳ хусусий секторга қарашли бўлсин, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматларининг сифати юқори бўлишига ҳаракат қилади. Бу уларнинг ҳар бирини ўз корхонасига етук кадрларни тўплашга ундайди. Аммо мамлакатимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги-янги корхоналар очиш, уларни идора қилиш, бошқариш учун малакали кадрлар ҳозирча етишмаяпти. Натижада товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тайёр маҳсулотларга нарх қўйиш, уларни айирбошлаш борасида қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Шу билан бирга давлат корхоналари, одатда, кўпроқ давлат буюртмасига мувофиқ мол ишлаб чиқарганлиги ва мазкур корхоналар бошлиқлари давлат хизматчилари бўлганлиги сабабли хусусий фирмалар фаолиятида етакчи омил ҳисобланган фойда олишга интилиши ҳар доим ҳам уларга хос бўлавермайди. Хусусийлаштирилган корхоналарда эса вазият бошқача. Улар доимо фойда олиш учун ҳаракат қиладилар. Дуч келган турли қийинчиликларга қарамай бозор шароитларига тезроқ ёндашишга имкон берувчи мослашув майли билан иш юритади.

Республикамиздаги мавжуд корхоналар, шунингдек, хусусийлаштирилаётганлари ҳам, маънавий эскирган технология билан қуролланган. Давлат корхоналарини ҳозирги кун талабига жавоб бера оладиган янги техника ва технология билан қайта қуроллантириш учун етарли сармоя ажратишдаги қийинчилик уларни мушкул аҳволга солиб қўйган. Шу сабабли хусусийлаштирилган фирмалар янги ходимлар тайёрлашда ҳам, ишлаб чиқариш технологияси билан қайта қуролланишда ҳам давлат корхоналарига нисбатан ҳар томонлама қулай имкониятларга эга бўлади.

Хусусийлаштириш иқтисодий жиҳатдан ҳам, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам афзалликларга эга бўлади. Уларни юзага чиқариш учун хусусийлаштириш режасини ривожлантириб бориш, уни тадбиқ этиш ниҳоятда аниқ ва собитқадамликни талаб этади. Хусусийлаштириш янада очиқ эркин ва рақобатли бозорлар мавжуд бўлганидагина муваффақиятли ривожланади.

Республикамизда демократияни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириб бориш хусусий мулкни вужудга келтиришнинг дастлабки даврларида иқтисодий, сиёсий жиҳатдан бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқариши, ҳуқуқ бузилишлари, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир бўлиб, жиноятчиликнинг кўпайиши каби ҳолатлар учраб туради. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида булар вужудга келиши табиий. Шунинг учун давлатимиз аҳоли орасида уларнинг чуқур илдиз отишига қарши курашга раҳнамолик қилди. Тезликда жиноий ҳаракатларга чек қўйилди. Аҳолининг келажакка умиди, ишончи ортди. Республикамизда осойишталик ҳукмрон. Бу эса мулкни хусусийлаштиришни охирига етказиш, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай имконият яратмоқда.

4-§. Хусусийлаштириш усуллари

Мулкни хусусийлаштириш давлат учун ҳам, хусусий мулк эгалари учун ҳам бир қатор афзалликлар яратади. Шу сабабли мулкни хусусийлаштириш жараёни жадаллик билан олиб бориляпти. Қуйида ана шу жараённинг асосий турларини кўриб

ўтамиз. Улардан бири давлат корхоналарини кимошди савдоси бўйича фуқароларга мулк сифатида сотишдир.

Давлат мулки ҳисобланган корхоналар ва бошқа мулкларни кимошди савдоси бўйича сотиш учун, аввало, Давлат мулк қўмитаси, унинг жойлардаги бўлимлари қарор қабул қилади ва улар мулк сотувчи ҳисобланадилар.

Кимошди савдосида жисмоний ёки юридик шахслар мулкни сотиб олувчи сифатида қатнашадилар.

Кимошди савдоси бўйича сотилган мулк тўғрисидаги баён тузилгандан сўнг ўн кун муддатдан кечикмай сотувчи билан сотиб олувчи ўртасида амалдаги қонунларга мувофиқ олди-сотди шартномаси имзоланиши керак. Унда сотилган мулкнинг номи, нархи, янги мулк эгасига сотилган объектни ўтказиш, сотиб олган шахс билан ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа бандлар кўрсатилиши лозим. Харидор томонидан тўланадиган барча маблағ Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Сотилган мулкнинг қиймати тўлиқ тўлангандан кейин Давлат мулк қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан давлат далолатномаси берилганидан сўнг сотиб олувчи мулк эгаси ҳуқуқини олади. Агар мулк қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби билан кимошди савдосида сотилган бўлса, сотиб олган шахс томонидан дастлабки тўлов қисми тўланиши билан Давлат мулк қўмитаси унга мулкдан вақтинча фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беради.

Хусусийлаштириш усулларининг иккинчиси давлат корхоналари акцияларини ошкора савдога қўйишдир. Бу усулда корхона акциялари қимматли қоғозлар бозорида сотиш йўли билан ҳиссадорлар гуруҳи ташкил бўлади. Корхона ва унинг бошқа мулк комплекслари акция сотиб олган шахсларнинг ана шу акцияси миқдори ҳисобидаги шерик мулкига айланади. Бу усулда мамлакатимизда бирмунча давлат корхоналари ҳиссадорлар мулкига, яъни хусусий мулк шаклига айланиб бормоқда.

Хусусийлаштириш усулларининг учинчиси давлат мулкини ўзгага текинга мулк қилиб ўтказишдир. Бир қатор мулклар, жумладан, давлатга қарашли турар-жойлар, айрим турдаги мулклар уни эгаллаб турган ёки фойдаланиб турган шахсларга шу усул билан берилди. Масалан, давлат фондига тегишли ту-

рар жойлар уни эгаллаб турган ўқитувчилар, илмий ходимлар, маданият ва тиббиёт ходимлари, уруш фахрийлари, биринчи ва иккинчи гуруҳ меҳнат ногиронлари, кам таъминланган айрим гуруҳдаги оилаларга текин хусусийлаштирилди. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жойларни хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва Президентнинг шу ҳақдаги Фармонига мувофиқ амалга оширилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, давлатга қарашли уй-жойларнинг бир қисми эгаллаб турган ва имтиёзли гуруҳга кирмайдиган кишиларга арзон нархларда хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг тўртинча усули давлат корхоналарини тугатиб ёки муайян қисмларга ажратиб сотишдир. Агар корхона ўз қарзини қоплай олмай қолса, у тугатилади ва мулки сотилиб, тушган маблағдан қарзлари тўланади. Корхонани муайян қисмларга ажратиб сотишда унга фойда келтирувчи бўғинлари мустақил фирмалар сифатида сотилади. Бундан корхона ходимлари томонидан ҳам сотиб олиниши мумкин. Бу усулда меҳнат жамоаси ўз маблағларини қўшиш асосида янги фирма таъсис этади ва мавжуд давлат корхонасини сотиб олади. Шу тариқа давлат мулки хусусий мулкка айлантирилади.

Давлат корхонаси жисмоний шахслар томонидан ижарага олиниб фойдаланилиши ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш усулларидан бири ҳисобланади. Бу усулда давлат ўз мулкини тасарруф этишини ўз қўлида сақлаб қолади. Ижарачилар эса ана шу мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Республикамизда давлат мулкини ижарага бериш, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг ривожланди.

Ҳосилдор ерлар деҳқонларга узоқ муддатга ижарага берила бошланди. Бу эса ўз навбатида жойларда аҳолининг ижарага қизиқишини ошириш билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайишига, ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади. Хусусийлаштириш мумкин бўлмаган мулклардан бошқаси ижарага берилганда ижарачилар шу мулкни сотиб олиши ҳам мумкин. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг Ижара тўғрисидаги қонунида белгилаб берилган.

Мулкларни хусусийлаштиришдан ягона мақсад фақат мулкдор бўлиш ва шу йўл билан каттагина фойда, даромад олиш эмас, балки элимизга, юртимизга кўпроқ фойда келтиришдир.

Мулкдан эл-юрт тинчлиги, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини янада яхшироқ таъминлаш йўлида фойдаланишдир. Чунки ҳар бир инсон давлат менга нима беряпти, деб яшаши эмас, балки мен давлатимга нима бердим, қандай хизмат қилдим деб ўйлаши ва шу ўй билан яшаши керак.

Давлатимизнинг мустақиллик йўлида шаҳдам одимлар билан бориши, илғор давлатлар сафидан муносиб ўрин олиши, халқимизнинг тўкин-сочин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун хормай-толмай меҳнат қилишимиз, халқимиз, давлатимиз, мустақиллигимиз учун курашишимиз керак. Ана шундагина биз ҳақиқий қудратли, келажаги порлоқ давлат қурган бўламиз.

5-§. Хорижий давлатларда хусусийлаштириш жараёни

Хорижий давлатлардаги мулкни хусусийлаштириш жараёнига эътибор берадиган бўлсак, илгари социалистик тузумда бўлган давлатлардаги хусусийлаштириш капиталистик тузумда бўлган давлатлардаги хусусийлаштиришга нисбатан жуда тез ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунки собиқ социалистик мамлакатлардаги хусусийлаштиришнинг ривожланиши мутлақо бошқача. Уларда хусусий мулкни кўпайтириб, эркин бозорни шакллантириш мақсадида, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни шиддат билан олға силжиб бормоқда. Давлат мулкининг Россия Республикаси мисолида хусусийлаштирилишини олиб кўрайлик. Давлат мулкини тақсимлаш, яъни бошқа мулк шаклларига айлантириш 1993 йилдан бошланди. Унда мулк кимошди савдосида эмас, балки мамлакатнинг барча фуқароларига ваучер асосида тақсимлаш йўли билан ўтказила бошланди. Бунинг учун фуқарога маълум ҳиссадаги мулкка эга эканлиги хусусида ҳужжат берилди. Аммо мулкни хусусийлаштиришнинг самарадорлиги хусусида ҳозирга қадар бахслар давом этиб келмоқда. Масалан, бир гуруҳ шахсларнинг фикрича, Россияда давлат мулкини ҳамма фуқароларга ваучер асосида эмас, балки фақат корхонада ишлаган жамоа аъзосига ҳисса ажратиши лозим эди. Иккинчи гуруҳ эса мулкни текинга тақсимлаш иқтисоднинг равнақига салбий таъсир қилади деб ҳисоблайди. Шу сабабли мулк Россиянинг жамғарма банкига қўйилган омонатларнинг қадрсизланганлигини ҳисобга олиб ўтказилган ислоҳотга му-

вофиқ ваучер асосида мулк тақсимланганида иқтисодий самарадорликни оширган ва ҳар бир корхона жамоасининг ўз меҳнатига яраша мулкдор бўлиб ҳисобланиши хусусийлаштириш жараёнининг самарасини оширади.

Учинчи гуруҳ шахсларнинг фикрича, ваучер асосида мулкни хусусийлаштириш тор доирадаги шахсларнинг қўлида мулк тўпланиши ва яқин йилларда фонд биржаси ва шунга ўхшаш ҳар хил яроқсиз усулларда, ҳуфя иқтисоднинг ривожланишига олиб келади. 90-йилларда қўплаб хусусий ва юридик шахслар арзимаган пулга аҳоли қўлидаги ваучер ҳақидаги ордерни сотиб олиб (номинал қиймати 10 минг сўм бўлган ордерни бир шиша ароққа алмаштириб), унинг ёрдамида бутун бир корхонани сотиб олиши мумкин бўлган эди. Маълумки, ваучер усулида хусусийлаштириш концепциясини таклиф этганлар башорат қилганидек, оддий кишиларнинг машинали ёки мулкдор бўлиши ишончли эркин келажак яратишга олиб келмади. Аксинча, айрим шахсларнинг қўлида жуда катта мулк тўпланишига, ўзича бозорларни фойда келтирувчи жойга айлантириб олишга сабаб бўлди. Бунга мисол сифатида «Уралмаш» заводнинг 51% акциясини бир киши сотиб олганлигини кўрсатиш етарли.

Россияда хусусийлаштиришнинг мушкуллиги коммунистик тузумнинг хароб бўлиши пайтида хусусий секторнинг йўқлиги билан белгиланди. У ҳам бўлса, марказий режалаштиришнинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги давридан қолган меросдир. Бошқача айтганда, давлат корхоналарини иқтисоднинг фақат бир муҳим ёки ҳукмрон сектори деб қарамай, балки таг-томири билан ўзиники қилиб олганди. Шунга қарамай, маҳаллий ҳокимият таркибидаги ислоҳотларнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли Россиянинг айрим шаҳарлари кичик миқёсли хусусийлаштириш томон йўл очишга муваффақ бўлган эди. Масалан, 1992 йилнинг биринчи ярми мобайнида Санкт-Петербург магазинларининг 47,7 фоизи ва ресторанларнинг 30,5 фоизи, Москвада эса магазинларининг 41,9 фоизи, ресторанларнинг 25,2 фоизи хусусийлаштирилган эди.

Россияда катталиги жиҳатидан учинчи ўриндаги Нижний-Новгород шаҳри маҳаллий ҳокимияти вакилларининг хусусийлаштиришга ишонгани туфайли кичик миқёсли хусусийлаштиришни кенг кўламда жорий эта бошлаган илк шаҳар бўлган.

У эришган муайян муваффақиятлар туфайли, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар томонидан бутун Россия учун намуна сифатида олқишланган эди. Унда уч тоифага мансуб бўлган тахминан уч минга яқин чакана савдо магазинлари, маиший хизмат шаҳобчалари ва умумий овқатланиш муассасалари хусусийлаштиришга мўлжалланган ва 1992 йилнинг биринчи ярмида магазинларнинг 39,5 фоизи, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг 38 фоизи, ресторанларнинг 84 фоизи хусусийлаштирилган эди.

Хусусийлаштириш режасини бошлашдан аввал маҳаллий ҳокимият муниципал мулкчиликни аниқ белгилаш ва давлат корхоналари устидан назорат ўрнатишга мажбур бўлди. Бу қадам илгари чакана савдо шахобчаларини назорат қилган улгуржи савдо тақсимоти тармоғини бекор қилишни талаб этади. Шаҳар Кенгаши қарорига биноан уч тоифага кирувчи ҳуқуқий ва молиявий масалаларни қамраб олган ўз фаолиятига ўзи мустақил бўлган барча кичик корхоналар муниципал корхоналар миқёсига ўтказилди. Собиқ улгуржи савдо тармоқлари юридик шахс сифатидаги фаолиятини тўхтатди ва ўртада воситачи ташкилотлар мақомини олиб, яқинда мустақилликка эришган чакана савдо корхоналарининг фаолиятига аралашиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Чакана савдо сектори таъминотчилари орасига рақобат яратиб, ҳокимият кичик магазинлар ва бошқа савдо жойларини хусусийлаштиришга замин тайёрлади.

Хусусийлаштиришнинг ягона мақбул усули сифатида кимошди, яъни ҳеч бир шартсиз корхоналарни ошкора савдога қўйиш усули танланди.

Корхоналарни ишлаб турган таркиб сифатида эмас, балки унга барҳам бериб, мулкни сотишга қарор қилинди. Шаҳар ҳокимияти корхоналарнинг барча мажбуриятлари, шу жумладан, ишлаб турган ходимларга берилган қарз ва мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олди. Бу қарор хусусийлаштириш жараёнини соддалаштирди ва корхонани қўлга киритганларга ўз мулкини эркин бошқариш ҳуқуқини берди.

Шунингдек, шаҳар ҳокимияти биноларини сотишдан кўра уларда жойлашган чакана савдо муассасаларига беш йиллик муддатга ижарага бериш афзалроқ деган қарорга келди. Аксарият биноларда бир неча магазин жойлашганлиги сабабли улар бир нечта эгага тўғридан-тўғри сотилганда уларнинг ўзаро

келишуви талаб қилинади. Бу эса хусусийлаштириш жараёнини чигаллаштириши ва секинлаштириши мумкин. Беш йиллик ижара муддати ниҳоясига етгач эса, шаҳар ҳокимияти биноларни сотади. Бинодан ҳиссадорлик асосида фойдаланиб турган ижарачилар уни сотиб олишни истаса уларга олдиндан шартланиб олинган 30 фоизгача арзон нархда олиш имтиёзи кафолатланади. Шу тариқа кимошди савдосида улар ўзаро келишиб, биргаликда иштирок эта олишлари учун молиявий асос яратилди.

Худди кутилганидек, Россияда хусусийлаштириш жараёнига ёндашув бир қанча муаммоларни ўртага ташлади. Эҳтимол, уларнинг орасида энг жиддийси мамлакатнинг ўзаро турли минтақаларида ислоҳотларнинг нотекис кетишидир. Тақдир ҳизили шундан иборатки, хусусийлаштириш дастурининг кучи маҳаллий ҳокимият вакилларига хусусийлаштириш жараёни ўзлари тасаввур қилганларидек ўтказишга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланмагани сабабли унинг заиф томонига айланди қолди. Эски қолипдаги коммунистлар ҳали ҳам ўз таъсирини ўтказиб турганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги минтақаларида бу яна ўткир муаммо ҳисобланади.

Шунга кўра мамлакатдаги хусусийлаштириш борасида марказлаштирилган, юқоридан пастга қараб ёндашув яхшироқ натижа бериши шубҳалидир. Хусусийлаштириш соҳасида иккиланиб турган минтақаларни ислоҳотларни Нижний-Новгород сингари ўтказишда етакчи ўринга чиққан минтақалардан ўрнак олишга ундаш стратегияси келажакда самарали чиқиши мумкин. Россияда кенг миқёсдаги ваучер усулида хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашуви қийин бўлиб қолди.

Чехия ва Словакия республикаларида хусусийлаштириш Россияга нисбатан бирмунча бошқача усулда бошланди. Уларда фуқароларга ваучер текинга берилмади, балки «купон китобча»сини арзимаган пулга сотиб олиш учун имконият яратиб берилган. Эндиликда икки давлат Чехия ва Словакия ўзининг хусусийлаштириш режасини 1991 йилдан тадбиқ эта бошлади. Бу пайтга келиб ўзга давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси Чехия ва Словакия аҳолисига мулкни хусусийлаштириш режаларининг фойдали томонларини ўзлаштириш мумкинлигини кўрсатди. Шу сабабли уларда ваучер асосида эмас, балки «купон китобчаси»ни сотиш энг маъқул деб топилди.

Бунга асосий сабаб, энг аввало, купон, акциялар сотиб олишга пули, қимматли қоғозларнинг инвестициявий

аҳамиятини баҳолашда тажрибаси бўлмаган фуқароларга бирданига акция соҳибларига айланиш ва мамлакатнинг эндигина куртак отаётган бозор иқтисоди соҳасида иштирокчи бўлиш имконини беришдир. Бу тизим давлат корхоналарига шерик бўлувчи фуқаролар сонининг кескин ўсишига сабаб бўлиб, хусусийлаштиришга ялпи аҳоли кўмагини таъминлашга қаратилди.

Чехия ва Словакияда хусусийлаштириш жараёни Венгрия ёки Россияга нисбатан аҳолининг анча кенг иштирок этишига олиб келди. Шарқий Европа давлатлари Россияга нисбатан ваучер усулида давлат мулкини хусусийлаштиришда эҳтиёткорлик йўлини тутди. Уларда корхоналарнинг 35 фоизи қийматини ваучер асосида сотишга рухсат берилди. Бунинг сабаби, экспертлар хусусийлаштириш дастурини чуқурроқ ишлаб чиққанида бўлди. Аммо купонли усул кўпгина соҳаларда мақсадга мувофиқ келмаган. Хусусийлаштиришнинг ваучер усулида амалга оширилишида хусусийлаштириш инвестициявий фондлари (ХИФ) ёрдами ҳам муҳим ўринга эга.

ХИФ ҳиссадорлик компаниялари тариқасида яратилган бўлиб, уларга ўз ваучерларини киритган фуқаролар акционерлик мавқеини олади. Улар корпорацияни бошқаришга доир қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этиш, унинг даромадларини тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Хусусийлаштиришнинг инвестициявий фондларини, одатда, сармоя ажратувчи фонд ёки бирон бир банк таъсис этади.

Фонднинг сармоя таъсис ҳужжатлари Чехия ёки Словакия республикаларида хусусийлаштириш вазирлигига тақдим этилиши керак. Вазирлик фонднинг сармоя киритиш соҳаси (сектор ёки минтақавий), маблағ ажратиш йўналиши (инвестициялар дарҳол фойда олишга мўлжалланган ёхуд узоқ муддатли равнақ эҳтимоли бор корпорацияларга киритилишни) ҳамда даромаддан фойда тўлаш миқдорини белгилайди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи беш поғона орқали ўтган. Ҳар бир поғонада харидорлар ўз вазифаларининг муайян улушини хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишга ишлатади. Акцияларнинг қадр-қиммати хусусийлаштириш вазирлиги томонидан баҳоланган ва ҳар бир поғонада бошланғич нарх асосида акцияларга бўлган талабга биноан ўзгариб турган.

Шундай қилиб, эҳтиёж таклифдан юқори турган акцияларнинг нархи тушган, ишлатилмай қолган ваучер улушлари харидорларга келгуси поғонада ишлатиш учун қайтариб бе-

рилган. Ҳар бир поғонада нархни ўзгартириб туриш тартиби, корхона акцияларини баҳолаш бозор алоқаларига таянган бўлиб, эҳтиёж ва таклиф механизмига асосан кафолатланган. Биринчи поғонанинг натижалари ваучерлар тизимининг қуйидаги йўналишларидаги муваффақиятларни намоён этади: ўз акцияларини таклиф этган 1491 корхонадан 291 таси барча акцияларни сотишга эришиб, бутунлигича хусусийлаштирилган. Бундан ташқари 600 дан ортиқ корхона акцияларининг 90 фоиздан ортиғини сотишга эришган.

Ваучер улушларига айирбошлаш эвазига сотишга таклиф этилган салкам 300 миллион акциянинг 90 фоиздан ортиғи сотилган.

8500 миллиондан ортиқ ваучер улуши 98,8 фоизининг савдода ишлатилиши хусусийлаштириш жараёнида аҳолининг бевосита ёки хусусийлаштиришнинг инвестициявий фондлар орқали кенг иштирок этишига олиб келган.

Бироқ ваучер асосида хусусийлаштириш жараёни айрим жиддий муаммоларни ҳам вужудга келтирган. Қимматли қоғозлар операцияларини тартибга солувчи қонуннинг йўқлиги туфайли акцияларни сотиш билан боғлиқ ноаниқликлар учрайди.

Ундан ташқари, кичик сармоя соҳибларини ҳимояловчи кафолатлар ҳам етарли эмас. Фондларнинг сони ўсиб боришига қарамай, ҳозиргача уларнинг фаолиятини назорат қилувчи агентлик барпо этилмаган. Шунингдек, фондлар фаолиятини назорат қиладиган инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи бирорта акционерлар уюшмаси ҳам йўқ. Хусусийлаштириш инвестициявий фондларининг аксарияти инвесторларга ваъда қилинган улкан даромад тўлаш билан боғлиқ молиявий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда.

Қисқаси давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ваучер усули фуқароларнинг хусусийлаштириш жараёнига тенг иштирокини таъминлай олмайди. Кўпгина аҳоли моддий қийинчилик сабабли давлат мулкидаги ўз улушидан воз кечган. Руминияда ҳам Россиядагига ўхшаб купонни жуда оз қийматга сотиб юборишлар бўлган.

Россия ва Шарқий Европа давлатларидаги мулкни хусусийлаштириш тажрибаси шуни кўрсатдики, хусусийлаштиришни сунъий равишда ташкил этиш иқтисодий самарадорликка эришиш жараёнига ва бозор муносабатларининг ривожига салбий таъсир этар экан.

III БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАИ

1-§. Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи тушунчаси

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ тизимининг манбаи ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонун ва чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатлардир. Мазкур қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, Ўзбекистон халқининг эркини, хоҳишини ифодаловчи ҳуқуқий қоидалар мажмуидир. Ана шу қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг қай бири ёки уларнинг қайси қоидаси у ёки бу фан учун манба эканлигини фарқлаш муҳим. Бу айниқса тадбиркорлик ҳуқуқи учун катта аҳамиятга молик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча ҳуқуқларга бўлгани каби тадбиркорлик ҳуқуқига ҳам асосий манба ҳисобланади. Бу ўринда унинг XII-боби муҳимдир. Жумладан, 53-моддада: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деб белгиланган.

Шу билан бирга Конституцияда хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари билан бир қаторда давлат муҳофазасида бўлиши, унга мулкдорнинг ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши (54-модда) каби қоидалар бевосита тадбиркорлик ҳуқуқига ҳам тегишлидир.

2-§. Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларининг турлари

Конституцияга мувофиқ қабул қилинган қонунлар ва белгиланган тартибда чиқарилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларининг турлари ҳисобланади. Улар

Ўзбекистоннинг шу кундаги иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлмиш бозорни ташкил этиш, унинг иқтисодий муносабатларини ривожлантириш ва қонун билан кафолатлашга қаратилган. Чунки бу муносабатлар қонун билан кафолатланмас экан, товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек ривожланмайди. Натижада ундан моддий манфаатдор бўлиш ҳам сусаяди, мулкдор гуруҳи шаклланмайди. Бу ўз навбатида давлатимизнинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилади, аҳолининг моддий ва маиший фаровонлигини таъминлашни қийинлаштиради. Шунинг учун республикамизда бозор иқтисодий муносабатларини ривожлантириш ва унинг тараққиётини қонун билан кафолатлашга алоҳида эътибор бериляпти. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси[1] қабул қилинганлиги бу борада, айниқса муҳим воқеа бўлди.

Фуқаролик кодексининг мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахс эгалигига ўтишига қаратилган шартнома хусусидаги қоидалари бевосита бозорни ташкил этишга, уни товарлар ва хизматлар билан тўлиқ таъминлашга, тадбиркорнинг бозорда эркин савдо-сотиқ қилишини йўлга қўйишга қаратилган. Бозорнинг ривожланиши эса ишбилармон тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган турли товарларнинг ҳажми, сифати билан белгиланади. Албатта товарлар қанча кўп ишлаб чиқарилса, уни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий рақобат шунчалик кучайиб боради. Корхона синмаслиги учун рақобатбардош моллар ишлаб чиқариш кўпаяди ва ривожланади. Бу эса ўз навбатида ана шу моллар нархининг арзонлашувига олиб келади.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг негизини илгаригидек ягона давлат (умумхалқ) мулки эмас, балки тенг ҳуқуқли мавқега эга бир неча хилдаги мулклар ташкил этади. Ана шундай мулк шаклларидан бири хусусий мулкдир. Хусусий мулкнинг кўпайиб бориши тадбиркорликнинг ривожланиши ва бозор муносабатларининг шаклланишига олиб келади. Бу ҳол хусусий мулкни шакллантириб, унинг бошқа мулк шакллари билан тенг ҳуқуқли мавқега эга бўлишини қонуний кафолатлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу борада «Мулкни дав-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 1996 й.

лат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун[1] муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонунга мувофиқ давлат мулкининг бир қисми хусусийлаштирилиб борилди. Натижада мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланди, ҳақиқий кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилди, давлатга алоқадорсиз шўъба мустаҳкамланди ва у иқтисодиётимизда муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Тадбиркорларнинг қўлида мулк бўлишининг ўзигина бозор иқтисодиёти муносабатларини тўлиқ шакллантирмайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тадбиркор-мулкдорнинг бўлиши билан бирга шу мулкнинг кўпайиши, уларни айирбошлаш билан мулкдорларга хизмат кўрсатиш, яъни бозор инфратузилмасининг шаклланиши билан бирга ривож топади. Айниқса, Фуқаролик кодексидаги мажбуриятларнинг айрим турларини ташкил этган шартномаларга оид қоидалар бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш — контрактация шартномалари республикамизда бозор иқтисодий муносабатларининг босқичма-босқич шаклланиб боришида бутунлай янгича муносабатга айланди. Мазкур шартномаларни тузиш ва ижро этиш юзасидан бўладиган давлат режа топшириқлари, маъмурий буйруқбозлик асосида товарларни тақсимлаш каби чеклашлар бутунлай олиб ташланди.

Шунга ўхшаш мулк ижараси, лизинг, пудрат, қурилиш пудрати, юк ташиш, кредит, ҳисоб-китоб сингари тадбиркор-субъектлар иштирокида тузиладиган шартномаларга оид қоидалар бевосита тадбиркорлик ҳуқуқига манба бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси[2], Хўжалик-процессуал кодекси[3] ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Ҳаво кодексида аэрофлот, ҳаво транспортида юк ташиш, керхона ва ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга бир марталик буюртма асосида хизмат кўрсатишга доир қоидалар белгиланган. Хўжалик-процессуал кодекси эса бевосита хўжалик субъектлари ўртасидаги ва тадбиркор фуқаролар иштирокидаги мулкий низоларни хўжалик судлари томонидан ҳал қилинишида қўлланилади.

[1] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 5-сон, Т., «Адолат», 1993 й.
[2] Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 8-сон, Т., «Адолат», 1994.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси. Т., «Адолат», 1998.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган бир қатор қонунлар ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Республикамизда бозор муносабатларини шакллантиришга бевосита ёки билвосита хизмат қилади. Улардан бир гуруҳи мулк билан боғлиқ муносабатларга доирдир. Жумладан, бозор муносабатларини кафолатлашга қаратилган Мулкчилик, Корхоналар, Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, Ижара, Хўжалик жамиятлари тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Уларнинг айримлари бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳолатига бағишланган. Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар[1], Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари[2], Банклар ва банк фаолияти[3], Деҳқон хўжалиги, Фермер хўжалиги[4], Биржа ва биржалар фаолияти тўғрисида[5]ги ва бошқа қонунлари ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти муносабатларини кафолатлашга қаратилган қонунлар, жумладан, «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»[6] 1993 йил 7 майдаги қонун, Стандартлаштириш, метрология, Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунлари[7] бу соҳада муҳим аҳамиятга эга. «Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни[8] айниқса бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Чунки мазкур қонун билан республикамизда тадбиркорликнинг кенг ривож топишига йўл очиб берилди.

Хусусан қонуннинг биринчи бўлимида умумий қоидалар, иккинчи бўлимида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари, учинчи бўлимда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари, тўртинчи бўлимда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бешинчи

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар, Ижара, Мулкчилик тўғрисидаги қонунлари. Т., «Адолат», 1997.
[2] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 7-сон. Т., «Адолат», 1993.
[3] Ўша туркум, 13-сон, Т., «Адолат», 1996.
[4] Ўша туркум, 19-сон, Т., «Адолат», 1998.
[5] Ўша туркум, 13-сон, Т., «Адолат», 1998.
[6] Ўша туркум, 8-сон, Т., «Адолат», 1994.
[7] Ўша туркум, 10-сон, Т., «Адолат», 1994.
[8] «Халқ сўзи». 2000 й. 15 июнь.

бўлимда тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва олтинчи бўлимда эса якунловчи қоидалар белгилаб берилган.

Юқорида номлари келтирилган қонунлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни[1] ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Бу қонун орқали тадбиркорлар билан ҳуқуқий муносабатда бўлган истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Айрим ҳолларда тадбиркор ҳам истеъмолчи бўлиб ҳуқуқий муносабатларда қатнаша олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бошқа қарорлар ҳам тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларини ташкил этади. 1995 йил 31 августдаги «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарор[2] шулар жумласидандир. Қарорда хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган ва Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан хусусийлаштириладиган мулк объектлари кўрсатилди. Тадбиркорлик ҳуқуқининг янги шароитда бозор иқтисодий муносабатлари билан бирга ривожланишида Президентимиз имзо чеккан Фармонлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»[3] ги, 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»[4] ги, 1997 йил 31 январдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»[5] ги Фармонлар айнан шунга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар, қарор ва фармонлар тадбиркорлик манбаи ҳисобланади. Уларда тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг мулк ҳуқуқи ва бо-

---

[1] Ўша туркум, 13-сон, Т., «Адолат», 1996.
[2] Ўша туркум, II-сон, Т., «Адолат», 1996.
[3] Отахонов Ф., Эрназаров У. Хусусий тадбиркорлик: савол-жавоблар, норматив ҳужжатлар, «Адолат», 1995, 29-35-б.
[4] Ўша асар, 41-44-б.
[5] «Тошкент оқшоми», 1997 йил 3 февраль.

зорни ташкил этиш, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятларини ташкил этиш, ривожлантириш ва кафолатлашга оид қоидалар белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида»[1] ги, 1995 йил 29 мартда қабул қилинган «Чорвачиликда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада хусусийлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги[2], 1995 йил 28 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида»ги[3] ва бошқа қарори шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Ўзбекистон республикаси вазирликлари ва қўмиталарининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлари тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи сифатида хизмат қилади, айниқса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ўз ҳудуди доирасида кучда бўладиган ҳуқуқий ҳужжатлари бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Тегишли тартибда давлат идоралари томонидан тасдиқланган қоидалар тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи бўла олади. Масалан: Ўзбекистон Республикасида Хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низомга ана шундай вазифа юкланган. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралда қабул қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги[4] қарори билан тасдиқланган эди. Уларда хусусий тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш қоидалари: хусусий корхонани ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби, хусусий корхонанинг мулки ва унинг фаолияти, хусусий корхонада ишчи кучини ёллаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, хусусий корхонани тугатиш, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан

[1] «Ўзбекистон овози», 1996 йил 13 февраль.

[2] «Халқ сўзи», 1995 йил 16 март.

[3] «Халқ сўзи», 1995 йил 29 август.

[4] «Туркистон», 1995 йил 15 февраль.

шуғулланиш, хусусий тадбиркорликка бериладиган давлат кафолатлари кабилар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида «мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва Хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади», деб кўрсатилган. Шунга асосан хўжалик судларида кўриладиган ишларнинг тўғри ва аниқ ҳал этилиши юзасидан суд амалиётини умумлаштириб, Олий хўжалик суди пленумида қарорлар қабул қилинади. Бундай қарорлар ҳуқуқ учун манба бўлмаса-да, хўжалик судлари томонидан қонунлар тўғри тадбиқ этилиб, хўжалик низоларини тез ва тўғри ҳал этишда муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

IV БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари деганда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ёки хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олиниб, фаолият юритишга рухсат этилган, ўзига хос мулкка эга бўлган, ўз номидан мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эга бўла оладиган, судда хўжалик судида мустақил даъвогар ёки жавобгар бўла оладиган жисмоний ва юридик шахслар тушунилади.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўла оладиган субъектлар Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлишлари мумкин эмас[1].

1-§. Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида фуқаролар

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунларда белгиланганидек, тадбиркорлик фаолиятининг субъектларидан бири фуқаролардир. Фуқаролар тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланиши Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг 5-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, юридик шахс ташкил этмай ҳам тадбиркорлик

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 15 июнь.

фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти бўлиб ҳисобланадилар[1].

Фуқаролар, чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳуқуққа ва муомала лаёқатига эга бўлишлари шарт.

Фуқароларнинг, яъни жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди[2].

Ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига кўра, «Фуқаролар, мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан муҳофазаланадиган бошқа интеллектуал фалият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин» (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 18-модда). Ана шу ҳуқуқ лаёқатининг деярли барчаси тадбиркор фуқароларга ҳам тааллуқли.

Тадбиркор фуқаролар ҳуқуқ лаёқатидан тўлиқ фойдалана олишлари учун, албатта муомала лаёқатига эга бўлишлари шарт. Ҳеч бир киши муомала лаёқатига эга бўлмай туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмайди.

Фуқароларнинг муомала лаёқати деганда, уларнинг онгли ҳаракатлари билан ўзларига ҳуқуқ ва бурч келтириб чиқара олиш лаёқати тушунилади.

Муомала лаёқати ҳуқуқ лаёқатидан фарқланади. «Муомала лаёқатининг ҳуқуқ лаёқатидан фарқи шундаки, барча фуқаролар ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайди. Муомала лаёқатига эга бўлиш шарти шундан иборатки, муомала лаёқатига

---

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 15 июнь.

[2] Бундан кейин фуқаролар деганимизда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахсларни назарда тутамиз.

эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб, ҳаракат қиладилар»[1].

Фуқароларнинг тўла муомала лаёқати 18 ёшга тўлишлари билан бошланади.

Қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда фуқаролар 18 ёшга етмасдан аввал ҳам тўла муомала лаёқатига етган деб ҳисобланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида белгиланган қоидалар бунга мисол бўла олади. Мамлакатимизда никоҳ ёши - ўғил болалар учун 18, қиз болалар учун 17 ёш белгиланган. Аммо узрли сабаблар мавжуд бўлганда никоҳ ёшини ҳокимият бир ёшга қисқартириб никоҳ тузишга рухсат этиши мумкин. Бундай ҳолда никоҳланаётганлар қонунда белгиланганидек никоҳ ёшига етмай ҳам никоҳ тузадилар. Шу билан улар тўла муомала лаёқатига эга ҳисобланадилар.

Бундан ташқари фуқаролик қонунчилиги бўйича фуқаролар 18 ёшга етмасдан аввал ҳам тўла муомала лаёқатига эга деб ҳисобланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасида белгиланганидек, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси, шу жумладан контракт бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш ота-онанинг, фарзандликка олувчининг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Баъзан тадбиркорлик муносабатида иштирок этиши лозим бўлган айрим фуқаролар, гарчи тўла муомала лаёқати ёшига етган бўлсалар ҳам, ақлий ёки руҳий касаллиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар хусусий тадбир-

[1] Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи, I-қисм, Т., «Адолат», 1996. 39-б.

кор бўлиб шуғуллана олмайдилар. Борди-ю, улар билан битим тузилган бўлса, мутлақо ҳақиқий эмас деб топилади. Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлган фуқаро – якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Якка тартибдаги тадбиркорга давлат рўйхатидан ўтказилганидан ва бу ҳақда гувоҳнома берилганидан бошлаб ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларидан бири шахслар гуруҳининг тадбиркорлиги (биргаликдаги тадбиркорлик)дир. Биргаликдаги тадбиркорлик эса юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқароларнинг уюшмасидир. Бундай тадбиркорлик: эр-хотиннинг оилавий тадбиркорлиги, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалиги, оддий ширкат шаклида олиб бориладиган фаолиятдир. Бу хилдаги тадбиркорлик шаклларини амалга ошириш фақат фуқароларнинг мулки асосида иқтисодий фаолият юргизишга асосланади. Биргаликдаги тадбиркорликнинг афзаллик томони шундаки, унга бирлашган фуқаролар фаолияти фақат бир мақсадга, хусусан фойда олишни жамоа асосида ташкил этишга қаратилган бўлади.

2-§. Давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси тузган жамоа тадбиркорлари, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлишлиги

Юқорида айтиб ўтганимиздек фуқаролар билан биргаликда корхоналарнинг меҳнат жамоаси ҳам тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари сифатида иштирок этишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган меҳнат жамоаси, хоҳ давлатга, хоҳ аралаш шаклда бўлсин ёки фуқарога хусусий мулк шаклида тегишли бўлсин, қонунда белгиланган ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўлган юридик шахс деб танилади.

Тадбиркорлик фаолияти олиб бораётган корхона, ташкилот, фирма ва бошқа шунга ўхшаш номлар билан аталувчи меҳнат жамоаси қонунда белгиланган асосда юридик шахс сифатида ташкил топади ва ҳаракат қилади.

Юридик шахс тушунчаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасида берилган. Унда айтилишича, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий мулк

бўлмаган ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга оширадиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ёки жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс деб ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда корхоналарнинг меҳнат жамоаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, даромад олишга ҳаракат қилмоқда. Жамоа тадбиркорлиги мустақил юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхона тузиб, фаолият кўрсатмоқда. Бу корхона қонун билан ман этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Жамоа тадбиркорлари ўз мулкларини бирлаштириш асосида ёки муқаддам давлатга ёки жамоа ташкилотларига қарашли бўлган корхоналарни хусусийлаштириш асосида ҳам ташкил этилган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жамоа тадбиркорлигини олиб бораётган корхоналар юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадилар. Маълумки, ҳар қандай жамоа, уюшма юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш лаёқатига молик бўлмасдан туриб, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўла олмайди.

Ҳар қандай жамоа эмас, балки муайян талабларга жавоб берадиган жамоагина юридик шахс бўла олади.

Юридик шахс фаолият олиб бориш учун улар ташкилий бирлик, мулкий мустақиллик, мустақил мулкий жавобгарлик, фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт.

Ташкилий бирлик юридик шахснинг субъект сифатида ташкил бўлганлигини муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини билдиради.

Юридик шахснинг ташкилий жиҳатдан тузилишини кўрсатадиган устави бўлиши керак. Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти бўлиш учун юридик шахс ҳисобланган жамоа корхонаси, жамоа (ширкат)нинг ўзига хос мулки бўлиши лозим.

Алоҳида мулкка эга бўлмаган ёки мустақил равишда бошқара олмайдиган ва шу сабабли бошқа шахслар билан хўжалик муносабатларида бўла олмайдиган ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланмайди.

Мустақил мулкий жавобгарлик шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли мулк билан жавоб беради.

Юридик шахс ҳисобланган жамоа корхонаси ўз номидан турли битимлар туза олади. Ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқларга, мажбуриятларга эга бўла олади.

Юридик шахс мол-мулк эгаси (эгалари) ёки улар вакил қилган идора, ташкилот қарорига ёхуд меҳнат жамоасининг қарорига мувофиқ ёки таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарорига биноан Корхоналар тўғрисидаги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда вужудга келиши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб вужудга келган ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқини олади.

Ташкил бўлишда юридик шахс, одатда, бир неча босқичдан ўтади. Чунончи:

а) юридик шахсни ташкил этиш учун зарур бўлган моддий ва ташкилий тайёргарлик кўрилади, устав ишлаб чиқади, таъсис шартномаси тузилади;

б) юридик шахс бўлиб ташкил топиш учун ваколатли давлат идораларининг қарори ёки ижозати олинади;

в) устав тасдиқланади, рўйхатдан ўтказилади.

Юридик шахс ҳисобланган жамоат ташкилоти ижозат олиш тартибида пайдо бўлади.

Юридик шахслар тугатилади ёки қайтадан ташкил этилади.

Юридик шахс қайси идора қарорига асосан ташкил этилган бўлса, ўша идора қарорига асосан ёхуд қонун ёки уставда назарда тутилган бошқа асосларда, шунингдек, банкрот туфайли тугатилади.

Юридик шахс тугатилиш йўли билан бекор бўлишида ташкилотнинг фаолияти бутунлай тўхтайди, унинг фаолияти ва мулки тугатилади.

Давлатга қарашли ёки аралаш мулк шаклидаги юридик шахсни тугатиш билан махсус тузилган тугатиш комиссияси шуғулланади. Тугатиш комиссияси муайян муддатга тузилади. Шу муддат давомида тугатилаётган ташкилотда ҳаққи бўлган шахслар ўз талаблари билан тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тугатилаётган юридик шахснинг қарзлари у бекор қилиниши даврида тузилган балансда кўрсатилган мулк ҳисобидан тўланади.

Юридик шахс фаолияти ва мулки тугатилмай бекор бўлиши қайта ташкил этиш дейилади.

Қайта ташкил этишда мазкур юридик шахснинг фаолияти унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини оладиган бошқа юридик шахс томонидан давом эттирилади. Чунки қайтадан ташкил этилаётган юридик шахснинг мулки, мулкий ҳуқуқлари ва мулкий мажбуриятлари унинг ҳуқуқини олган юридик шахсга ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 49-моддасига кўра юридик шахснинг қайтадан ташкил бўлиши қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш каби тартибда амалга оширади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг таркибий бўлинмалари иштирокчилари ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс идораси қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат идоралари ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассис (иштирокчи)лари улар вакил қилган идора ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган идораси юридик шахсни ваколатли давлат идорасининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этилаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил қилиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суд тасдиқидан ўтган ушбу ҳужжатлар янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февраль қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низомнинг 5-бандида кўрсатилишича, хусусий корхона, яъни юридик шахс мулк эгасининг қарори бўйича ёки суд томонидан

таъсисчиларнинг корхонани ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларни қонуний кучга эга эмас, деб топилганда: юридик шахс банкрот бўлганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид фаолиятини амалга оширганда хўжалик суди қарори билан тугатилади.

Юридик шахс давлат рўйхатидан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Аммо шуни ҳисобга олиш зарурки, давлатга қарашли юридик шахслар банкротлик асосида бекор бўлмайди.

Юридик шахс тугатилганида, унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинади.

3-§. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари

Тадбиркорлик фаолиятининг субъектларидан бири кичик ва ўрта тадбиркорликдир.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳозирги бозор муносабатлари жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда, республикамизнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада ҳисса қўшмоқда. Шу туфайли кичик ва ўрта тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, кичик ва ўрта тадбиркорлик қанчалик ривожланса, уларнинг сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ва сифат ошиб борса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ошади, халқ фаровонлиги юксалади.

Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти воқеликка айланди. Биргина 1997 йилнинг бошида хусусий ва кичик корхоналар 200 мингдан ошди. Қишлоқ жойларда 19,5 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этилган. Аммо бу ҳали етарли эмас, чунки ўлкамизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг ошиқчалиги, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва хомашё базаси, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада фаол ривожлантиришни тақозо этади. Бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонунлар чиқарил-моқда, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг қонуний манфаатлари ҳимояси белгилаб берилмоқда. «Биз, - дейди И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор

йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида, - хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оғишмай амал этиладиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт. Кимки бу ишга халақит бераётган бўлса, тўрачилик, таъмагирлик, юлғичлик билан шуғулланаётган бўлса, шафқатсиз суръатда жазоланиши зарур. Расмиятчиликни ўзига қалқон қилиб олиб, амалда кичик бизнес тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кимсаларнинг баҳридан ўтиш керак. Биз кичик ва ўрта корхоналарнинг турли шаклари тез ва кенг ривожланиши учун *йўл очишимиз лозим»*[1].

Шунинг учун энг аввало ўз ички манбаларимизни тўлиқ ишга солишимиз, кейин чет эл сармоядорларининг ҳамкорлигидан фойдаланишимиз лозим. Бу борада 1997 йил 31 январда Президентимизнинг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Унда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, унинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш имконини берадиган замонавий хорижий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида, хорижий сармоядорларни жалб этиб, ундан самарали фойдаланишга шарт-шароит яратиб беришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди[2].

Республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга давлатимиз томонидан амалга ошириладиган ёрдамни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 март фармойиши чиқарилди. Мазкур фармойиш билан вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг ва бозор инфратузилмаси институтларининг республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг таркиби тасдиқланди. Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-

[1] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-ж., Т., «Ўзбекистон», 1997, 367-б.

[2] «Халқ сўзи», 1997 йил 28 март.

қувватлаш бўйича давлат бошқаруви идоралари ҳамда бозор инфратузилмаси фаолиятини мувофиқлаштириш, кичик, ўрта ва хусусий бизнесни рағбатлантиришга доир амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, танлаб олиш, молиялаш ва амалга ошириш воситасини тадбиркорлар кенг доираси ўртасида, оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини ташкил этиш кабилар унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди[1]. Бу эса келажакда кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланишига олиб келади. Шундагина Ўзбекистон ҳам ўзини ўзи ишлаб чиқариш ва халқ истеъмоли товарлари билан тўлиқ таъминлабгина қолмай, бошқа илғор давлатлар сингари чет элга товар ва хизматларни экспорт қилиб, жаҳон бозорида ўзига хос ўринга эга бўла олади, албатта.

Агар биз чет эл, яъни Европа, Америка, Осиё давлатларига бир назар ташласак, уларда бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланиб фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни беқиёс эканлигини кўрамиз. Масалан, Германияда яратилаётган миллий бойликларнинг бешдан тўрт қисми кичик корхоналар ҳисобига тўғри келар экан. Японияда эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўндан тўққиз қисми кичик корхоналарда иш билан банд экан.

Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ташкил этишга бундан беш йил аввал киришилди. Собиқ иттифоқнинг 1990 йил 8 августдаги «Кичик корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори бунга ҳуқуқий асос қилиб олинган эди. Лекин Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилиши ва собиқ иттифоқнинг давлат сифатидаги ўз фаолиятини тўхтатиши юқорида тилга олинган қарорнинг бекор бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 ноябрдаги «Республикада деҳқон фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Кичик корхоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва давлат йўли билан уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги қарори билан тасдиқланди. Унда кичик корхоналарни ташкил қилиш ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди. Республикамиз моддий ишлаб чиқариш жараёнида хусусий тадбиркорликнинг

[1] «Тошкент оқшоми», 1997 йил 3 февраль.

ўрни тобора ошиб борди. Натижада кичик ва хусусий бизнесни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати туғилди. Ана шу эҳтиёж «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишига олиб келди ва у 1995 йил 21 декабрда қабул қилинди.

Аммо Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 майда қабул қилинган Қонуни билан у ўз кучини йўқотди[1].

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг бешинчи моддасида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг сони кўрсатилди. Жумладан:

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, савдо хизмати кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга алоқадорсиз соҳанинг бошқа тармоқларида кўпи билан беш киши бўлган кичик фирмалар;
- саноат соҳасида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан қирқ киши, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида кўпи билан йигирма киши бўлган корхоналар;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва ишлаб чиқаришга алоқадорсиз соҳанинг бошқа тармоқларида кўпи билан ўн киши бўлган кичик корхоналар.

Ходимларнинг ўртача йиллик сони кичик корхоналар учун белгиланганидан кўпроқ, аммо саноатда юз кишидан, қурилишда эллик кишидан, қишлоқ хўжалиги, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқларида ўттиз кишидан, чакана савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — йигирма кишидан кўп бўлмаган ўрта корхоналар ўрта тадбиркорлик субъектларидир.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда белгиланади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари жумласига киритилади.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

---

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 15 июнь.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари зарур ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, маҳаллий ҳокимият идоралари уларни рўйхатга олишни рад этишга ёки рўйхатга олиш учун қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмас. Агар уларни рўйхатга олиш асоссиз рад этилган бўлса, унинг устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин. Суд рўйхатга олиш идорасининг хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топган тақдирда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни мазкур идора зиммасига юклайди.

4-§. Хусусий корхоналар ва бирлашмалар тадбиркорлик фаолиятининг субъекти

Маълумки, ҳозирги пайтда хусусий тадбиркорлик икки турда олиб борилмоқда. Унинг бири ёлланма меҳнатни жалб қилиш асосида юридик шахсни ташкил этиб, уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик, иккинчиси эса юридик шахсни ташкил этмай ўзи фаолият кўрсатадиган, ёлланма меҳнатни талаб этмайдиган якка тартибдаги тадбиркорликдир.

Хусусий тадбиркорлик давлат, кооператив ва бошқа шаклдаги мулкларни сотиб олиш асосида ташкил бўлган хусусий мулк асосида олиб борилади.

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тадбиркор туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман ҳокимликларига ариза, корхона устави, шунингдек, бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдорида бадал тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этади. Агар тадбиркор бир неча киши бўлиб, хусусий корхона ташкил этмоқчи бўлса, унда таъсис шартномаси бўлиши лозим. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги Қонуннинг ўнинчи моддасида белгиланганидек тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида қонунга мувофиқ уюшма (иттифоқ)лар ва бошқа бирлашмаларга бирлашади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини биргаликда юритиш мақсадида хўжалик бирлашмалари, хўжалик ширкатлари ёки жамиятлари тузишлари мумкин.

Агар қатнашчиларнинг қарорига биноан уюшма (иттифоқ) зиммасига тадбиркорлик фаолиятини юритиш юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) қонун ҳужжатларида назарда тутил-

ган тартибда концернга, корпорацияга ва бошқа шаклдаги хўжалик бирлашмаларига ёҳуд хўжалик ширкатларига ёки жамиятига айлантирилиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмасини тузиш, унинг фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланган корхона, бирлашма давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотлари ҳамма танишиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектини ташкил этишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилиши ёки таъсис ҳужжатларининг қонунга зид бўлиши корхонани ёки бирлашмани давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга сабаб бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи идоралар тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, тадбиркорлар, агар тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилса, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддати бузилса судга шикоят қилишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти юридик шахс бўлса, у давлат рўйхатидан ўтказилганидан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва ўз фаолиятини бошлашга ҳақли бўлади. Тадбиркорлик фаолиятининг мазкур субъектлари қонунларга мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига ажратма ажратади. Хусусий корхона мулк эгасининг қарори ёки таъсисчиларнинг корхона ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатлари қонуний эмас деб ҳисобланганида, банкрот бўлганида, қонунга зид фаолият амалга оширилганда суд (хўжалик суди)нинг қарори билан тугатилади.

Хусусий корхона давлат рўйхатидан чиқарилган кундан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Тугатилган корхонанинг барча қарзлари унинг мулкидан тўланганидан сўнг қолган маблағ шу корхона эгасига тегишли бўлади.

Хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади. Давлат тадбиркорга тегишли асбоб-ускуна ва бошқа ресурслар олишга, ундан фойдаланишга шароит яратади. Бозорнинг монополия бўлишига йўл қўймайди. Давлат идоралари ёки бошқаларнинг ғайриқонуний ҳужжатлари туфайли корхонага зарар етса, шу зарарни ва олинмай қолган даромадни ҳам қўшиб ундириб олиш кафолатланади.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда республикамизнинг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан бирга Президентимизнинг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони[1] муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жумладан, унда кўрсатилишича, хусусий корхоналар қонунда кўзда тутилган ҳужжатларни улар жойлашган туман ҳокимиятига топширганидан кейин уч кун муддат ичида белгиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олиниши, фойдаланилаётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда ижарага бериш мумкинлиги белгиланди. Хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, истеъмол моллари сотишни ташкил этишга ёрдам кўрсатиш тегишли идоралар зиммасига юклатилди. Мазкур Фармоннинг амалиётда ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида низом»[2] тасдиқланган эди. Ана шу Низомда ҳам юридик шахс ташкил этиб, тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий тартиби белгилаб берилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек фуқаролар томонидан тадбиркорлик асосида ташкил этилган корхона давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс деб тан олинади ва турли хил ҳуқуқий муносабатларга мустақил киришади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси: фармонлар ва қарорлар. 3-китоб, Т., «Ўзбекистон», 1995, 89-92-б.

[2] «Туркистон», 1995 йил 15 февраль.

V БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ушбу фаолият субъектлари, аввало, давлат рўйхатидан ўтишлари шарт. Давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб ҳеч бир субъект, шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Агар улар бирон фаолият билан шуғулланса, у қонунга зид фаолият ҳисобланади ва қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Шу сабабли ҳар бир тадбиркор шахс тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури билан шуғулланмасин, албатта давлат рўйхатидан ўтиши ва маълум бир фаолият билан шуғулланишга ҳақли эканлиги хусусида рухсатнома олган бўлиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат идораси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Маълумки тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибда олиб борилиши мумкин.

Агар юридик шахс ташкил этилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган бўлса таъсисчилар конференцияси чақирилиб таъсис шартномаси тузилиши, шу йиғилишда юридик шахс устави қабул қилиниши ва бошқа ҳужжатлар, яъни ушбу корхонанинг муҳри, босқи намунаси ариза билан қўшиб топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказишда, аввало, жисмоний шахсни рўйхатдан ўтказишда йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат аризасига қўшиб топширилиши ва аризада қонуний фаолият тури билан шуғулланиши ва унинг муддати кўрсатилган бўлиши лозим.

Ариза берилган пайтдан бошлаб уч кун муддат ичида рўйхатга олинади ва унга аризасида кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланишга ҳақли эканлиги хусусида гувоҳнома берилади. Якка тартибдаги тадбиркорлик давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда солиқ идораларида ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот Вазирлиги ҳузуридаги нафақа фонди идораларида ҳисобга қўйиш учун асос бўлади.

Рўйхатдан ўтганлик йиғими ставкасининг энг юқори миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтганлик йиғими миқдорлари ва уни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан белгиланади.

Тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, агар рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган субъектлар якка тартибдаги тадбиркор-жисмоний шахс ёки нодавлат ташкилоти шаклидаги хусусий корхона бўлса улар туман ҳокимиятига мурожаат этади, агар давлатга қарашли юридик шахс бўлса, тегишли давлат идорасига мурожаат этиши лозим.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни, уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Барча талабларга аниқ амал қилинган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилади, аксинча бўлса, рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган қарор қабул қилинган бўлса, жисмоний шахс бу ҳақда уч кун ичида ёзма шаклда хабардор қилинади.

Агар тадбиркор ўзини давлат рўйхатидан ўтказиш асоссиз рад этилган деб ҳисобласа, бу ҳақда судга шикоят қилиши мумкин. Бундан ташқари тадбиркорни давлат рўйхатига олиш учун белгиланган муддат узрсиз бузилганида ҳам тадбиркор судга шикоят қилишга ҳақлидир. Тадбиркорнинг шикояти суд томонидан тўғри деб ҳисобланса, тадбиркорни давлат рўйхатига олувчи органнинг қарори, шунингдек тадбиркорларни давлат рўйхатига олувчи органнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қопланади. Агар тадбиркорга маънавий зарар етказилган бўлса, бу зарар учун ҳам товон тўлайдилар. Тўланадиган товоннинг аниқ миқдори тегишли далилларга асосланиб суд томонидан белгиланади.

Айрим турдаги фаолият билан шуғулланиш учун лицензия олиш лозим. Дори-дармонлар тайёрлаш ва сотиш, репититорлик фаолияти билан шуғулланиш шулар жумласига киради.

Лицензияланиши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятининг тури қонун билан белгиланади. Лицензиялаш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тадбиркор маълум бир фаолият билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркорлик фаолияти тури билан шуғулланиши учун лицензия олган кундан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ўз мулкидан фойдаланади.

Шунингдек, тадбиркор ўзининг мулкидан ҳам фойдаланиб ўз фаолиятини ташкил эта олади. Бунинг учун тадбиркор мулкдор билан шартнома тузиб, унинг мулкини ижарага олади ёки лизинг шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритади. Бундан ташқари мулкдорнинг мулкига оператив бошқариш асосида эгалик қилаётган бўлса ана шу мулкдан фойдаланиб тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш учун ўзининг хусусий мулкини жалб этадими ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бўйича мулкдорнинг мулкидан ё ижарага олинган мулкдан фойдаланиб, фаолият юритадими, ҳар қандай ҳолда ҳам унинг мулк ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади. Тадбиркор ўз мулкидан қонунга мувофиқ фойдаланади, эгаллайди ва уни тасарруф эта олади. Шунингдек ушбу мулклар юзасидан олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа шартномалар тузиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асосларидан яна бири тадбиркорларнинг ўз тадбирини амалга ошириши учун тегишли кредит олиши мумкин. Қонунда белгиланишича, айрим турдаги тадбиркорлар имтиёзли кредитдан фойдалана олади. Бундай турдаги тадбиркорлар жумласига кичик ва ўрта тадбиркорликни ташкил этаётган хусусий тадбиркорлар киради.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва фаолият юритиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредит берилаётганида банк муассасалари, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Шунингдек, тўловга қобилиятли бошқа юридик ва жисмоний шахслар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти субъектларини суғурта қилиш, фаолиятни амалга ошириш асосларидан ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини суғурта

қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш асосларидан яна бири бу тадбиркорларнинг солиқ муассасалари билан боғлиқ муносабатларидир. Бу муносабатлар солиқ қонунлари билан тартибга солинади. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан солиқ ундириш бўйича ўзгартиришлар киритилган тақдирда мазкур субъектлардан кейинги икки йил мобайнида бундай ўзгартиришлар кучга киргунга қадар амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади, деб белгилаб қўйилган.

Акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган микрофирмалар ва кичик корхоналар акциз солиғини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда тўлаганлари тақдирда соддалаштирилган солиқ солиш тизимига ўтишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг солиқ тўлашини соддалаштириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, алкоголли маҳсулот учун, акциз солиғини истисно этганда, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ягона ер солиғи тўлайдилар.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асосларидан яна бири бу тадбиркорлар томонидан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ва ҳисоботлардир. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб-китоб ва ҳисоботни қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борадилар. Жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика идоралари ҳамда солиқ идораларига белгиланган шаклда ҳисобот тақдим этадилар.

Давлат бошқарув идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида белгиланмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаш ман этилади.

VI БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУР (ШАКЛ)ЛАРИ

Тадбиркорнинг товар ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга қаратилган фаолияти маълум бир шаклда олиб борилади. Тадбиркорликнинг шакллари Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган. Унда белгиланишича:

а) якка тартибдаги тадбиркорлик;

б) юридик шахс ташкил этган кичик ва ўрта тадбиркорлик;

в) жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлиги.

Мазкур тадбиркорлик шаклларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Бинобарин, якка тартиб (шакл)даги тадбиркорлик фаолияти тадбиркор фуқаронинг фақат ўзи томонидан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда олиб борилади.

Бу шаклдаги тадбиркорлик хусусий бўлиб, бунда фуқаролар юридик шахс мақомини олмай шуғулланадилар. Тадбиркорликни якка тартибдаги фаолият асосида амалга ошириш деганда, мулкчилик субъектларининг ўзи мустақил тарзда иқтисодий фаолиятнинг бирон тури бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиши тушунилади.

Фуқаро якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиши учун рухсат олиш мақсадида ўзи яшаб турган жойдаги ҳокимликка ариза билан мурожаат этади. Унинг аризаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ кўриб чиқилади. Мазкур қонуннинг 12-моддасида белгиланишича, якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат ҳокимияти органи томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш, жисмоний шахс ариза берган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлайди.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими банк муассасалари ёки аҳолидан тўловларни қабул қилувчи бошқа муассасалар орқали тўланади. Тўланган рўйхатдан ўтказиш йиғими қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими ставкасининг энг юқори миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Йиғимнинг аниқ миқдорлари ва уни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан белгиланади. Йиғим тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Жисмоний шахс рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этганидан кейин, унга аризада кўрсатилган муддатда якка тартибдаги тадбиркорлик давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, бундай қарорни қабул қилган идора жисмоний шахсни уч кун ичида ёзма шаклда бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси солиқ идоралари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа идоралар манфаатдор шахсларининг талабига биноан кўрсатилади.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг солиқ идоралари ҳамда нафақа фонди идораларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга туришлари шарт.

Тадбиркорлик шаклларидан яна бири юридик шахс ташкил этиб, ёлланма меҳнат, яъни бошқа шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиб тадбиркорлик фаолиятини юргизишдир. Бу турдаги тадбиркорлик мулк билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунида хусусий мулк бошқа мулк шакллари билан бир хил ҳуқуқий мавқега эга эканлиги белгиланган. Ана шу асосда ёлланма меҳнатга рухсат этилиб, бу ҳақдаги қоидалар бошқа қонунларда янада ривожлантирилди. Маълумки, собиқ шўролар даврида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ман этилган эди. Ёлланма меҳнатни қўллаш капиталистик эксплуатация

маҳсули ҳисобланиб, фуқароларнинг фақат давлат ташкилотларига қарашли корхоналарда ишлаши мажбурий бўлган.

Аммо бозор иқтисодий муносабатлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг тобора шаклланиб бориши ҳамда хусусий мулкчилик тараққиёти асосида хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ёлланма меҳнатдан фойдаланишни тақозо этди. Шу туфайли хусусий тадбиркорлар ўзлари тузган корхоналарда ёлланма меҳнатдан фойдаланишга ҳақли бўлдилар.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланиш учун албатта хусусий корхона ташкил этилган бўлиши лозим. Хусусий корхона эса ҳар қандай фуқаронинг хусусий мулки асосида ёки давлатга, жамоат ташкилотларига ёки кооператив ва бошқа субъектлар билан биргаликда давлатга алоқадорсиз ташкилот сифатида, яъни кичик фирма, кичик корхона, ўрта корхона шаклида ташкил этилиши мумкин. Агар хусусий корхонани ташкил этмоқчи бўлса, ташкил этиш истагини билдирган шахслар ўзлари яшаб турган туман, шаҳар ва шаҳар туманлари ҳокимиятига ариза ҳамда унга қўшиб рўйхатдан ўтказилганлик йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни ва корхонани рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўладиган бошқа ҳужжатлар, хусусан, хусусий корхона тузиш истагини билдирган фуқаролар таъсис йиғилишининг нотариал тасдиқланган нусхаси (корхонанинг турига мувофиқ); таъсисчилар томонидан тасдиқланган корхона (Устав)ининг лойиҳаси (икки нусхада), муҳр ва тўрт бурчакли босқи (икки нусхада) намунасини тақдим этади. Бундай ҳужжатлар ичида корхонанинг Устави алоҳида аҳамиятга эга. Унда корхонанинг номи ва манзили, фаолият соҳаси, мақсад ва вазифалари, мулки ва мулкнинг вужудга келиш асослари, бошқариш тартиби корхонада меҳнат қилиш ва унга ҳақ тўлаш тартиби, корхонанинг молиявий хўжалик натижаларини ҳисоб-китоб ва назорат қилиш тартиби, корхонани тугатиш ва уни қайта ташкил этиш тартиби кабилар кўрсатилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар аризага қўшиб топширилгандан кейин хусусий корхона уч кун ичида рўйхатга олиниши ёки рўйхатга олиш асосли тарзда рад этилиши керак. Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилмаса ёки тадбиркор корхонани рўйхатдан ўтказмаслик сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли.

Хусусий корхона ўзи жойлашган ердаги туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимиятида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, юридик шахс мақомига, мустақил баланс, муҳр ва банкларда ҳисоб рақамига эга бўлади.

Кейинги пайтда республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва корпорациялари товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорларга, ўзларининг буюртмаларига асосан республика корхоналари, бирлашмалари, кооперативлар ва бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган хомашё, материаллар ва ишлаб чиқариш воситаларини шартнома асосда сотиб олишни таъминлашда ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Шу билан бирга жойларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма фондларини шакллантиришда, ижарага бериш ёки сотиш йўли билан зарур хоналар ажратиш ҳамда уларнинг унумли ишлашини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришда ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида хусусий корхоналар моддий манфаатдорлигининг ошишига сабаб бўлади.

Тадбиркорлик шаклларидан яна бири жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорликдир. Бу турдаги тадбиркорлик бир гуруҳ фуқаролар томонидан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилади. Тадбиркорликнинг бу шакли ҳозирда кенг йўлга қўйилган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланиб, бунда жисмоний шахслар маълум бир хўжалик фаолиятини олиб бориш учун биргаликда фаолият юритадилар. Бунинг учун улар ўз мол-мулкларининг бир қисмини ўртада жамлаб, жамоа мулкини ташкил этадилар. Бу мулк жамоа аъзоларининг ҳар бири қўшган мулклар, чунончи, бино, асбоб-ускуна, пул ва бошқа шаклдаги мулклардан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига кўра тадбиркорликнинг бу шаклига қуйидагилар киради:

эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик:

деҳқон хўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизида амалга ошириладиган деҳқон хўжалиги; фуқаролар гуруҳи томонидан ташкил этилган ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган оддий ширкат.

Бу турдаги тадбиркорликдан бири оилавий тадбиркорлик бўлиб, у эр-хотиннинг умумий мулки асосида амалга оширилади. Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомиласида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан эр-хотиндан бири иштирок этади. Бу розилик якка тартибдаги тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш пайтида тасдиқланиши лозим. Тадбиркорлик фаолияти олиб бораётган шу оиланинг умумий мулки тадбиркорлик фаолиятининг объекти ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолият объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда, уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда, шу уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомаласига киришиши бошқа мулкдорларнинг нотариал тасдиқланган розилиги билангина бажарилади.

Оддий ширкат шаклидаги тадбиркорликда бир неча шахслар (шериклар, яъни икки ёки ундан ортиқ шахслар) фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз хиссаларини қўшиб, юридик шахс тузмасдан фаолият олиб боради. Бунинг учун улар биргаликда фаолият юритиш мақсадида битим тузадилар. Фақат якка тадбиркорлар ва тижорат ташкилотлари бу битимнинг иштирокчилари ҳисобланадилар. Оддий ширкат шаклидаги тадбиркорликда иштирокчилар ўз мол-мулкларини жалб этиб, маълум бир ишларни бажариш мажбуриятини оладилар. Бу шартнома ёзма шаклда тузилади. Шериклар ҳисса қўшиб иштирок этадилар. Шерикларнинг пули, бошқа мол-мулки, касбий ва бошқа билимлари, малака ва маҳорати, шунингдек ишбилармонлик обрў-эътибори уларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобланади.

Биргаликдаги тадбиркорлик шаклларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳаллий жойларида фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларидир. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган туб ислоҳотлар натижаси сифатида вужудга келади. Унинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши, ерга эгалик

қилиш, ердан, сувдан фойдаланиш, деҳқон хўжалиги ҳамда аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, деҳқон хўжалиги фаолиятининг асослари ҳамда деҳқон хўжалигини тугатиш каби қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун билан ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди[1]. Мазкур қонуннинг биринчи моддасига мувофиқ деҳқон хўжалиги деб оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғи номига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қила оладиган майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик тушунилади.

Деҳқон хўжалиги фаолияти тадбиркорлик билан боғлиқ фаолият бўлиб, деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган шаклда олиб борилади.

Деҳқон хўжалиги юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатадиган бўлса, бу якка тартибдаги тадбиркорликнинг бир шакли бўлган биргаликдаги тадбиркорлик ҳисобланади. Бу хўжаликнинг аъзолари — биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнат қилиш қобилияти ёшига етган бошқа қариндошларидир.

Деҳқон хўжалигига шу хонадон бошлиғи раҳбарлик қилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бири деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлади. У ўзга шахслар билан бўладиган барча муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан иш кўради.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман ҳокимига ёзган мурожаатига асосан ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони ҳамда ер участ-

[1] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон, Т., «Адолат», 1998, 138-б.

касидан белгиланган мақсадда фойдаланиш йўналишлари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор шу корхона, ташкилотлар, муассасаларнинг юқори бошқарув идораси, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув идораси, иш берувчиси (маъмурияти)нинг қарори асосида ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олиб, туман ҳокими деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шундан сўнг шу хўжалик давлат рўйхатидан ўтказилади. Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролари ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, яъни юридик шахс ташкил қилинганлиги ёки юридик шахс ташкил қилинмаган деҳқон хўжалик эканлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этади ва хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига кўра биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улушини олади, шунингдек қонунда белгиланганидек бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади, мажбуриятларни бажаришга ҳақли бўлади.

Деҳқон хўжалиги юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият кўрсатадиган бўлса, унинг ҳуқуқий ҳолати юқорида айтиб ўтганимиздек юридик шахс ташкил этган ҳолдаги тадбиркорлик шакли асосида белгиланади.

VII БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда бир қатор ҳуқуқларга эга. Уларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида батафсил кўрсатиб ўтилган. Хусусан унда белгиланишича, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларидан бири тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва уни янада ривожлантириш учун ишлаб чиқариш дастурини мустақил равишда шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари)нинг истеъмолчиларини танлашдир. Бунинг учун фуқаро тадбиркорлик фаолияти турларидан бирини танлаб, уни ташкил этиш режасини мустақил тузади. Ўзининг имкониятини чамалаб кўради. Бозорни ўрганади. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олади. Шундан сўнг тадбиркорлик фаолиятини бошлайди.

Фуқаро тадбиркорлик фаолиятини таваккал қилиб бошлайди. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда шу фаолият натижасидан оладиган фойдадан ташқари келадиган салбий ҳолатдан ҳам қўрқмай бошлайди, демакдир.

Маълумки, аввалдан пухта тузилган режа асосида таваккал қилиб иш бошлаган тадбиркор доимо ютиб чиқади, унинг тадбиркорлиги ривож топади.

Тадбиркорлик субъектларининг асосий ҳуқуқларидан яна бири маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотини харид қилувчи истеъмолчиларни эркин танлашдир. Тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ишлаб чиқариш қурол-воситаларини ҳамда хомашёларни харид қилиш, ишлаб чиқарган товарларни сотиш, хизмат кўрсатиш каби турли хилдаги муносабатларга шартнома тузиб қатнашадилар. Улар истеъмолчилар билан фақат шартнома асосида ўзаро боғланиб турадилар. Шартнома тузишда ҳам, уни ижро этишда ҳам бири иккинчисига

бўйсунмайди, итоат этмайди. Улар фақат ўзаро тузилган шартнома шартларига риоя этишга мажбур бўладилар, холос.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Тадбиркорнинг даромад (фойда) олиш мақсадида олиб борадиган фаолияти фақат қонун доирасида, шу билан бирга юридик шахс ташкил этган ҳолда тадбиркорлик фаолияти олиб бориладиган бўлса, шу юридик шахснинг уставида белгиланган фаолият турлари доирасида бўлиши шарт. Ана шу қоидага риоя қилган ҳолда даромад (фойда) олган бўлсагина тадбиркор уни мустақил тасарруф эта олади.

Агар тадбиркорлик фаолияти товар (иш, хизмат)лар бозорида монопол мавқени қонунга зид ҳолда эгаллаб олиш натижасида фойда (даромад) олган бўлса, тадбиркор бу фойдани мустақил тасарруф этишга ҳақли бўлмайди. Ваҳоланки, у бундай ғайриқонуний ҳаракати учун қонун бўйича жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг асосий ҳуқуқларидан яна бири уларнинг якка тартибдаги фаолият билан шуғулланишидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасида белгиланганидек, жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузаётганида, агар бунинг моҳияти тузилаётган битимнинг мазмунидан аниқ келиб чиқмаса, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганини кўрсатиши лозим. Бундай кўрсатманинг бўлмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари юзасидан зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, босқилардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлигидан далолат бериши лозим.

Тадбиркор ёлланма меҳнатни жалб этиб тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ёлланма меҳнатни қўллаш асосида олиб бориладиган тадбиркорликда хусусий корхона эгаси ходимларни корхонага ёзма шаклда тузилган меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ёллайди.

Тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасида ишга қабул қилинаётган шахснинг ихтисослиги, малакаси ёки лавозим

бўйича ишни бажариш мажбурияти, тузилган шу контрактнинг муддати, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби белгиланади. Шу билан бирга ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлиги, меҳнат шартномаси шартларини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳамда томонларнинг келишувига кўра, бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлади.

Хусусий тадбиркорлик албатта хусусий мулк билан боғлиқ бўлади. Хусусий мулкни ишлаб чиқариш ва истеъмол тавсифига асосланиб қуйидаги турларга бўлинади:

- фуқароларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши ва қайта тақсимлаш асосида вужудга келадиган истеъмол тавсифидаги мулк;

- мулкдор ўзига тегишли мол-мулклардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришда иштирок этиши натижасида вужудга келадиган якка тартибдаги истеъмол ва товар тавсифидаги майда хусусий мулк ҳамда мулкдорларнинг ўз ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб, ёлланма ишчи кучини жалб этиши натижасида даромад, фойда олиш билан боғлиқ бўлган товар сифатидаги хусусий мулк ва бошқа кўчмас мулклар;

- ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган тадбиркорлик субъекти ўз мулкининг қайси шаклда бўлишидан қатъий назар, ёлланиб ишловчи шахсга амалдаги қонунларда белгиланган иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаш, меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатлар билан таъминлашга мажбур. Ёлланма меҳнатдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган инсон ҳуқуқларига, меҳнат қонунларига, Мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва бошқа қонунларда белгиланган қоидаларга тўлиқ мос бўлиши шарт;

- хусусий корхона эгаси бўлган тадбиркорнинг мутлақ ваколатига ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида яратилган товарни ёки маҳсулотни сотишдан тушган пулдан барча ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара ҳақи, қарзларни тўлаш, ссудалар бўйича фоизлар ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар қопланганидан сўнг қолган даромад мулкдорнинг, яъни хусусий тадбиркорнинг соф фойдаси ҳисобланади. Тадбиркор бу даромадни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади. Тадбиркорлик фаолиятини ёлланма меҳнат асосида амалга ошираётган хусу-

сий тадбиркорнинг даромадларига мулк эгасининг хусусий даромади сифатида қаралади ва унга амалдаги қонунга мувофиқ даромад солиғи солинади.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган тадбиркорлик субъекти ёлланиб ишлаётган шахсга меҳнат қилиш учун шарт-шароитлар яратиб бериши шарт. Шу билан бирга ёлланиб ишлаётган шахслар меҳнат қонунчилигида белгиланган қоидаларга риоя қилишга мажбур.

Тадбиркор ёлланиб меҳнат қилаётган шахсларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга. Лекин ишдан бўшатиш ҳам Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги доирасида бўлиши керак.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 97-моддасида белгиланган. Унда кўрсатилишича:

- меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига кўра;
- тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- шартнома муддатининг тугаши билан;
- тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

Шунингдек, иш берувчи меҳнат шартномасини ўзининг ташаббуси билан бекор қилиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасига мувофиқ номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Тадбиркор томонидан меҳнат шартномасини тугатиш учун қуйидаги сабаблардан бири бўлиши керак. Акс ҳолда тадбиркор меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қила олмайди. Агар бекор қилган бўлса у қонунсиз ҳисобланади.

Иш берувчи қонунда белгиланганидек қуйидаги ҳолларда:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нис-

батан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги:

а) ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузган деб ҳисоблаш асослари;

б) ички меҳнат тартиби қоидалари;

в) корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

г) айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиш қўпол тусга эгалиги ёки қўпол эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир этилган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги. Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб турганида, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Тадбиркор ўз фаолияти орқали чекланмаган миқдорда, солиқ солинадиган даромад орттириш ҳуқуқига эга. Тадбиркорнинг якка фаолияти асосида ёки ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида орттирган шахсий даромади унинг хусусий мулки ҳисобланади. Албатта тадбиркорлик юқорида айтиб ўтилганидек қонун доирасида бўлиши керак.

Хусусий мулк ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгилаб берилган. Унинг

207-моддасида белгиланишича, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Шунга кўра тадбиркорнинг ўз фаолиятидан олган даромадлари ҳам, фойдаси ҳам чекланмайди. Аммо унга қонунда белгиланган миқдорда солиқ солинади.

Тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини тузиш, таъсис этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонуни билан тартибга солинади. Тадбиркорлар таъсис этадиган ташкилотлардан бири тўлиқ ширкатдир. Фуқаролик кодексининг 60-моддасида тўлиқ ширкатга шундай деб тариф берилади: «Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади».

Тадбиркорлар томонидан тузиладиган ширкатлардан бири коммандит ширкатдир. Коммандит ширкат деб ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчи (тўлиқ шерик)лар билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи) мавжуд бўлган ширкатга айтилади.

Шу билан бирга тадбиркорлар турли хилдаги жавобгарликка эга бўлган жамиятлар тузиши мумкин. Бундай жамиятлардан бири масъулияти чекланган жамиятдир.

Масъулияти чекланган жамият деб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 62-моддасида белгилаб берилишича, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан оли-

нади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Унинг шу ҳолати бошқа турдаги жамиятлардан фарқлашга сабаб бўлади. Жумладан, масъулияти чекланган жамият билан қўшимча масъулиятли жамият бир-бирига жуда ўхшаб кетади, аммо уларнинг ўзига хос хусусияти биридан иккинчисини фарқлашга ёрдам беради. Фуқаролик кодексининг 63-моддасида белгиланишича, қўшимча масъулиятли жамият бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдордаги улушларга бўлинган жамиятдир. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солиқлар тарзида субсидар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилари ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Тадбиркорлар акциядорлар жамиятини ҳам таъсис этиши мумкин. Акциядорлар жамияти деб устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамиятга айтилади. Акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар (ФКнинг 64-моддаси).

Акциядорлар жамияти очиқ акциядорлар жамияти ёки ёпиқ акциядорлар жамияти шаклида бўлади. Иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлар жамияти очиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади (ФКнинг 65-моддаси). Акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган акциядорлар жамияти ёпиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади (ФКнинг 66-моддаси).

Фуқаро тадбиркорлик жамиятини ўзга шахсларнинг корхоналарини сотиб олиш йўли билан ҳам бошлаши ва давом эттириши мумкин. Давлатга қарашли ёки ўзга шахсларга тегишли корхоналарни сотиб олиш томонлар ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Корхоналарни сотиш шартномаси Фуқаролик кодексининг 489-моддасида белгиланган. Унда белгиланишича, корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчининг ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари сотиб олувчига ўтади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, корхонани сотиб олувчига ўтади.

Шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмаган туфайли остиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар.

Корхонани сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Корхонани сотиш шартномаси имзолагунга қадар инвентаризация далолатномаси бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосасини, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият)лар рўйхатини тарафлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак (Фкнинг 491-моддаси). Бу ҳужжатлар шартномага илова қилинади. Унда

кўрсатилган мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар агар корхонани сотиш шартномасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ҳамда корхона сотиш шартномасида белгиланган бўлмаса, сотувчи томонидан сотиб олувчига топширилиши лозим.

Корхонани сотиш билан боғлиқ бошқа барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 489-496-моддалари қоидалари билан тартибга солинади.

Тадбиркор корхонани қайта ташкил этиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини юргизишга ҳақли. Корхонани қайта тузиш, мавжуд корхонани қайта ўз хоҳиши, истагидек фойда келтирадиган қилиб қайтадан ташкил қилиш, қўшиб юбориши, иккига, учга ажратиши ёки бўлиб юборишидир.

Корхонани қайта ташкил қилиш деганимизда тадбиркор мавжуд корхонани фойдалироқ фаолият кўрсатадиган ҳолатда қайта тузади. Қайта тузиш албатта қонунда белгиланганидек қайтадан рўйхатдан ўтказилиши шарт. Корхонанинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корхонага ўтади.

Агар яхлит бир корхона икки ёки ундан кўпроқ корхоналарга ажратилса, тўғрироғи, корхона бўлиб юборилса, бўлиб юбориш натижасида қайтадан ташкил бўлган корхонага, бўлиб юборилган корхонанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, бўлиб юбориш ҳужжатига мувофиқ, тегишли қисмларда, уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир корхона бошқа корхонага қўшиб юбрилганда эса қўшилаётган корхонанинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олаётган корхонага ўтади.

Корхоналарни бўлиш, қўшиб олиш, янги корхона тузиш, умуман корхонани қайта тузиш йўли билан янги корхона ташкил этилаётган бўлса, албатта, шу корхона давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Корхона Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун фуқаро ўз мулкидан ташқари ўзгаларнинг мулкидан ҳам қонунга мувофиқ равишда фойдаланишга ҳақли. Бунинг учун улар мулк эгаси билан ижара шартномасини тузадилар. Ижара шартномасини тузиш ва уни ижро этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон

Республикаси Фуқаролик кодексининг мулк ижараси ҳақидаги 34-бобида белгиланган қоидалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

Ижара, бу – мулк эгасининг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мол-мулкларни муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа бировга топширишдир. Мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкини бировга (ижарачига) фойдаланиш учун беради. Айни вақтда мулк эгаси ҳам, ижарачи ҳам фойда олишни кўзлаб шартнома тузадилар.

Ижара муносабатларида мулкни ижарага берувчи ижарага берилган ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлиб қолаверади. Ижарачи эса вақтинча шартномада кўрсатилган муддат давомида, мулкдор ҳуқуқини олади ва ижара мулкидан фойдаланганлиги учун ижара ҳақини тўлайди. Шу билан бирга ижарачи ўз фаолияти давомида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб, олинган маҳсулот ва даромадларнинг мустақил эгаси ҳисобланади. Тадбиркор ўз фаолиятини ана шундай ўзгалар мулкини ижарага олиб бошлаши мумкин. Бундан ташқари тадбиркор фаолиятини қарзга олинган маблағ ҳисобидан ҳам ташкил этиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у бошқа бир шахснинг мулк маблағини қарзга олиб, ишни бошлайди. Қарз ижарадан фарқланади. Ижарачи юқорида айтиб ўтилганидек мулклар, яъни бир марта фойдаланиш билан ўзининг дастлабки хусусиятини йўқотмайдиган, бирмунча вақт фойдаланиш мумкин бўлган ва ўзининг хусусий аломатлари, белгилари билан ажралиб турадиган мулклар ўзга шахсга фойдаланиш учун берилса, бу ижара деб аталади. Шартнома муддати ўтгандан сўнг ана шу мулкнинг ўзи, мулк (масалан, уй, бино, машина каби мулклар) эгасига қайтарилади.

Қарз шартномасида эса пул ёки бошқа жисмий аломатлар билан белгиланадиган (сон, оғирлик ва ўлчов билан белгиланадиган) ашёлар бошқа шахсга фойдаланиш учун берилади. Шартнома муддати тугаганидан сўнг ана шу миқдордаги ва шунга ўхшаш хусусиятдаги мулк қайтарилади.

Шунингдек тадбиркор ўз фаолиятини бошқа шахсдан қарз олишдан ташқари давлатнинг кредит муассасаларидан кредит олиб бошлаши мумкин. Бунинг учун тадбиркор кредит муассасалари, яъни банклар билан кредит шартномасини тузади.

Фуқаро тадбиркорликни лизинг шартномасини тузиб ҳам ташкил этиши мумкин. Бунинг учун у тадбиркорликни ташкил этиши мақсадида ўзга, яъни лизинг берувчи билан келишади. Лизинг берувчи шахс тадбиркорга тадбирини амалга ошириш учун маълум бир мулкни, яъни ишлаб чиқариш воситасини сотиб олиб бериш мажбуриятини олади. Лизинг олувчи эса лизинг мулкидан фойдаланиб иш бошлаши ва лизинг берувчига лизинг тўловини ва келишилган ҳақни тўлаб туришга мажбур бўлади.

Демак, тадбиркор ўз фаолиятини юқорида қайд этилган шартномалар тузиш орқали ташкил этиш ва давом эттириши мумкин.

Тадбиркорларнинг муҳим ҳуқуқларидан яна бири ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида белгиланишича, «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». Демак, ҳар бир тадбиркор фуқаро ана шу ҳуқуқдан фойдалана олади. Бунинг учун у республикамизнинг нафақа жамғармасига олган даромадларидан ажратмаларни ўз вақтида тўлаб туриши лозим. Республикамизда меҳнат қилаётган барча ходимлар мажбурий ижтимоий суғурта қилинадилар. Ижтимоий суғурта қилиниш, мулк шаклларидан қатъий назар, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса тегишли бўлишига қараб ўз идоралари томонидан суғурта қилинади. Шунга кўра тадбиркорлар ҳам мажбурий тартибда ижтимоий суғурта қилинадилар. Суғурта қоидалари тадбиркорларга ҳам тўлиқ қўлланилади. Чунки меҳнат қонунлари қоидалари давлатга алоқадорсиз корхоналарда меҳнат қилаётган шахсларга ҳам тўлиқ тадбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 282-моддасига асосан барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинадилар.

Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ходимга қуйидаги таъминот турларидан бири берилади:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда, аёлларга эса бундан ташқари, ҳомиладорлик, бола туғиш ва болага қараш, парваришлаш юзасидан бериладиган нафақалар, бола туғилиши билан бериладиган нафақалар;

- дафн этиш маросими учун бериладиган нафақалар;
- қарилик;
- ногиронлик, боқувчисидан жудо бўлганлик учун тайинланадиган нафақа.

Ижтимоий суғурта фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солиниб мулкий ва шахсий суғуртадан фарқ қилади. Чунки тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошираётганда ўз мулкларининг нобуд бўлиши ёки зарарланиши ёхуд ўзининг соғлиғига, ҳаётига ёки қобилиятига зарар етишини назарда тутиб суғурта қилдирадилар.

Бу муносабат Фуқаролик кодексининг 914-962 моддалари билан тартибга солинади.

Агар тадбиркор ижтимоий суғуртадан бош тортган, бўйин товлаган ёки суғурта қилинган бўлса-да, суғурта тўловларини тўлаб туришдан бош тортган бўлса, ижтимоий суғурта таъминотидан маҳрум бўлади. Аммо бу ҳолат шу тадбиркорни нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Тадбиркорнинг асосий ҳуқуқларидан бири ўзига белгиланган жазо чораларининг ёки қилинган даъволарнинг ўринсиз эканлиги хусусида баҳслашишга ҳақли эканлигидир. Тадбиркор маълум бир юридик хатти-ҳаракатларни бажариши юзасидан вакил тайинлаши мумкин. Шунга кўра тадбиркор ҳам, шунингдек, у вакил қилган шахс ҳам хўжалик юритувчи бошқа шахсларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорларга қилаётган даъволари хусусида баҳслашишга ҳақли. Қонунларга мувофиқ сўзсиз қўлланиладиган чоралар бундан мустасно, албатта.

Шу билан бирга тадбиркор ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни, ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва таърифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш ҳуқуқига эга (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Тадбиркор белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Тадбиркорлар фақат ана шу юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар билан чекланиб қолмай, балки қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

VIII БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида маълум бир мажбуриятларга эга бўладилар. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари - қонунларда белгиланган маълум бир хатти-ҳаракатларни содир этишга ёки бундай хатти-ҳаракатларни содир этишдан сақланишдан иборат. Мазкур мажбуриятлар икки асос: бири қонунга, иккинчиси эса шартномага мувофиқ келиб чиқади.

Тадбиркорнинг қонунга мувофиқ мажбуриятлари умумий ва махсус бўлиши мумкин. Умумий мажбуриятлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланади. Жумладан, Конституциянинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир, деб белгиланган. Шунга кўра фуқаро ўз тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётганда давлат билан боғлиқ бир қатор мажбуриятларга, масалан, қонунларда белгиланган ва бошқа қоидаларга риоя қилиш, олган даромадларидан солиқ тўлаб туриши шарт. Шу билан бирга тадбиркор фуқаролар Конституциянинг 20-молдасида белгиланганидек, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Шунингдек, бошқа шахслар, яъни юридик шахслар ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Тадбиркор фуқароларнинг қонунларда белгиланган мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-52-моддаларида ҳам белгилаб берилган. Хусусан, тадбиркорлар Конституцияда белгиланган бурчларини бажаришда Консти-

туция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга ҳамда ватанимизни ҳимоя қилишга бурчлидирлар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг махсус мажбуриятлари қонунга мувофиқ ҳам келиб чиқади.

Қонунга мувофиқ келиб чиқадиган махсус мажбуриятларга Ўзбекистон Республикасининг Мулк, Ижара, Деҳқон хўжаликлари, Суғурта, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда белгиланган мажбуриятларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қонунларда белгиланган мажбуриятлар мажбурий кучга эга бўлиб, тадбиркорларнинг риоя қилиши шарт бўлган қоидалардир. Бу ҳақда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида белгилаб берилган. Унда кўрсатилишича, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

Тадбиркорларнинг мажбуриятлари ўзлари иштирокида тузиладиган турли битимлардан ҳам келиб чиқади. Бундай мажбуриятларни ҳам улар ўз хоҳишлари билан бажаришлари ёки уни бажаришдан ўзини сақлаб туришлари лозим. Мисол сифатида тадбиркорлар иштирокида тузиладиган ва ниҳоятда кенг тарқалган битимлардан бири олди-сотди шартномасини олиб кўрайлик. Агар тадбиркорлар товар ишлаб чиқариб уни сотадиган ёки воситачи сифатида иштирок этадиган бўлсалар, албатта ўзгалар билан товар айрибошлаш муносабатини ўзлари келишиб белгилайдилар. Бунда сотувчи сифатида иштирок этаётган тадбиркор шартномани **бажариш бўйича келиб чиқадиган барча мажбуриятларни** бажариши **шарт. Агар белгиланган мажбуриятни** бажармаса, унга нисбатан **шартномада ёки қонунларда белгиланган жавобгарлик тадбиқ этилади.**

Тадбиркорнинг муҳим мажбуриятларидан бири ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлари)ни тузиш ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишдир.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида белгиланганидек тадбиркор ёлланган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши лозим.

Дарҳақиқат, тадбиркор ўзининг хусусий корхонасига ходимларни ёлланма меҳнат асосида жалб этишга ҳақли. Бундай пайтда у ёлланиб ишлаётган ходим билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг меҳнат шартномасини тузиш тўғрисидаги 77-87-моддалари қоидаларига риоя этишга мажбурдир. Ёлланиб ишлашга рози бўлганлар билан меҳнат шартномасини тузиш учун шу фуқаро ўн олти ёшга тўлган бўлиши керак. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахс (васий ёки ҳомий)нинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилинадилар. Ишга қабул қилиш учун паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлар тақдим этадилар. Ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этиш билан бирга турар жойдан маълумотнома ҳам топширадилар. Улар аввал бошқа жойда меҳнат қилган бўлсалар, меҳнат дафтарчасини тақдим этадилар. Биринчи марта ишга жойлашаётган ходимга ишга жойлашиши билан беш кундан сўнг меҳнат дафтарчаси очилади.

Хусусий корхонада ёлланиб ишлаётган ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда ҳам давлат ва жамоат корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилигида қандай қоидалар белгиланган бўлса, уларга ҳам ана шу қоидалар тўлиқ татбиқ этилади. Жумладан, иш куни, иш ҳафтаси ва меҳнат таътили давомийлиги, меҳнат низоларини ҳал этиш ва бошқалар қонунларга мувофиқ белгиланади.

Тадбиркор ходимларни ишга ёллашда бажариладиган ишнинг хусусиятига, давомийлигига қараб меҳнат шартномаси ёки битим (контракт) тузиб расмийлаштириш мумкин.

Тадбиркор билан ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси билан битим (контракт)ни фарқлаш лозим. Бу фарқ шундан иборатки, битим (контракт) малакали мутахассислар билан тузилади. Ўз мазмуни бўйича меҳнат шартномасига айнан

ўхшаш бўлса-да, айрим шартлар фуқаролик ҳуқуқий шартномалари (масалан, муаллифлик, топшириқ, пудрат, юк ташиш каби шартномалар)да белгиланган каби шартлар киритилиши мумкин.

Тадбиркорнинг қонунда белгиланган мажбуриятларидан яна бири – ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ корхонанинг молиявий аҳволидан қатъий назар, тўла ҳисоб-китоб қилишдир. Бу мажбуриятнинг мазмуни шуни англатадики, тадбиркор қандай иқтисодий аҳволда бўлишидан қатъий назар, ёлланиб ишлаётган, шунингдек, унинг қўлида меҳнат қилаётган бошқа барча ходимлар билан доимо тўла ҳисоб-китоб қилиб бориши лозим. Тўла ҳисоб-китоб қилиш тушунчаси ходим тадбиркорнинг корхонасида меҳнат қилаётган вақтида, шунингдек, ишдан бўшаб кетаётганида ҳам ходимнинг ҳақига хиёнат қилинмаслигини англатади.

Маълумки, хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш давлат корхонасида меҳнатга тўланадиган ҳақдан кам бўлмаслиги керак. Хусусий корхона меҳнат қилаётганларга тўланадиган иш ҳақи қонунда белгиланган тартибда олиб борилиши лозим. Иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасида белгиланган муддатларда тўланиши керак. Мазкур моддада белгиланишича, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли суммалар Меҳнат кодексининг 110-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ ушбу моддада белгиланишдек:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга, у ҳисоб-китоб қилишни талаб қилган кун тўланиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганида унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида тарафлар ўртасида низо келиб чиқмаса:

1) қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчи огоҳлантириши шарт бўлган ходимга, огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирилмасдан;

2) меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга, - ишдан кетган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиқмаган тақдирда, ходимга шак-шубҳасиз тегадиган сумманинг иш берувчи Меҳнат кодексининг 110-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Дарҳақиқат, тадбиркор моддий аҳволининг ночор бўлиш-бўлмаслигидан қатий назар, ходимларга иш ҳақи тўлашни ёки ишдан бўшаганидан сўнг ҳисоб-китоб қилишни кечиктиришга ҳақли эмас. Хусусий корхона молиявий жиҳатдан инқирозга учраганда, яъни тўловга қобилиятсиз, ночор қарздор ёки синган деб топилганда ҳам энг аввало ходимлари билан ҳисоб-китоб қилиши лозим. Тадбиркор ходим билан ҳисоб-китоб қилганида унга тегишли ҳақни бир йўла тўлаши шарт. Тўланадиган ҳақни қисмларга бўлиб тўлашга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Тўланмай қолган суммани талаб қилиб олиши учун уч йиллик даъво муддати белгиланади.

Тадбиркорнинг қонунда белгиланган асосий мажбуриятларидан бири ёлланиб меҳнат қилаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилишдир.

Ижтимоий ва тиббий суғурта қилдириш ходимнинг мавсумий, вақтинчалик ёки доимий ишга қабул қилинганидан қатъий назар амалга оширилади.

Хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низомнинг 27-моддасида белгиланганидек, хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармасига мажбурий ажратмалар ажратади.

Ижтимоий суғурта тўловлари ходимлар иш ҳақидан ушлаб қолмай тадбиркор томонидан тўланади. Тадбиркор меҳнат

шартномаси асосида ёлланиб ишлаётган барча ходимлар учун ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган тартибда тўлов тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 282-моддасида белгиланганидек барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозимдир.

Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинганларнинг ўзлари бадаллар тўлайдилар. Меҳнат кодексининг 283-моддасида белгилаб қўйилганидек, иш берувчиларнинг давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Демак, ёлланиб меҳнат қилаётган ходимларни суғурта қилиш умумий қоидага кўра хусусий тадбиркор зиммасида бўлади.

Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун нафақа жамғармасига, аҳолини иш билан таъминлаш жамғармасига, ижтимоий суғурта жамғармасига мажбурий тўловлар ажратиш жорий этилган.

Ана шу ажратмалар ҳисобидан ижтимоий суғурта қилинган ходимларга ижтимоий суғурта содир бўлганда тегишли таъминот белгиланган тартибда тўланади. Хусусан, тўланадиган таъминот қуйидагичадир:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда, бериладиган нафақалар;
- аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш даври учун бериладиган нафақа;
- бола туғилганда бериладиган нафақа;
- ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган пенсиялар;
- дафн этиш маросими учун бериладиган нафақалардан иборат.

(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 285-288-моддалари).

Бундан ташқари ходимлар тиббий суғурта ҳам қилинади. Тиббий суғурта ишга ёлловчи томонидан амалга оширилади.

Тиббий суғурта Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга», деб таъкидланади.

Тиббий суғурта шартлари ва миқдори Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади.

Тадбиркорнинг Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида белгиланган асосий мажбуриятларидан бири хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишларидир.

Тадбиркорнинг ўз корхонасига ходимларни ишга жалб этиши учун қонунда белгиланган бундай қоиданинг аҳамияти тадбиркор шахснинг, истеъмолчининг, ёлланиб меҳнат қилаётганларнинг, қолаверса, давлатимизнинг ҳам манфаатидан келиб чиқади. Чунки меҳнатга жалб қилинган шахс иш фаолиятини хавфсиз амалга ошириши учун ҳамма шароит яратилган бўлиши керак. Маълумки, атроф-муҳитни, экологияни сақлаш ҳозирги кунда ўта долзарб муаммога айланиб қолди. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга оширишда хусусан экологияни сақлаши, атроф-муҳитни ифлослантирмаслиги шарт. Эҳтиётсизлик натижасида экологияга етказилган зиён қайта тузатиб бўлмас даражага келиб қолиши ҳам мумкин. Бу ҳолда давлат ҳам, халқ ҳам катта зарар кўради.

Тадбиркорлар, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари лозим. Шу билан биргаликда меҳнатни муҳофаза этиш қоидаларига риоя этишни таъминлашда ишга қабул қилинаётганларнинг ана шу ишга ёки лавозимга қанчалик мос, яъни махсус билимга ёки тайёргарликка эга эканлиги ҳам аҳамиятга эга.

Демак, тадбиркор фуқароларни ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидасига тўлиқ риоя этиши керак. Ходим махсус билимга ёки тегишли маълумотга эга бўлиши, деганимизда, фуқаронинг маълум бир соҳа бўйича олий маълумотга ёки махсус ўрта маълумотга эга бўлганлиги ва бу хусусда тегишли ҳужжати борлиги ҳисобга олинади.

Зарур тайёргарликка эга, деб ҳисоблаш учун ходим бажарадиган иш, иш шароитлари, хавфсизлик қоидалари, иш юритиш тартиби ҳақида тўғри тасаввурга эгалиги ёки илгари ҳам мазкур вазифаларда меҳнат қилганлиги ҳисобга олинади.

Ишга қабул қилинаётган шахс касб жиҳатдан яроқли бўлиши лозим. Касб жиҳатдан, дейилганда ходимнинг малакаси, ҳунари, бажарадиган ишга мос бўлиши, саломатлиги, хулқ-

атвори, ёши ва бошқа ҳолатлари бажарадиган ишига мувофиқ бўлиши лозимлиги тушунилади.

Тадбиркор ходимларни ишга қабул қилишда юқорида кўрсатилган ана шу қоидаларга риоя этиши лозим. Акс ҳолда келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар учун тадбиркор ҳам жавобгар бўлади.

Агар тадбиркор маҳсулотлар ишлаб чиқариб уни реализация қилиш натижасида фойда (даромад) оладиган бўлса, айирбош қилинадиган маҳсулотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларига эга бўлишлари лозим.

Тадбиркорлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида белгиланганидек, бухгалтерия тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари лозим.

Улар ўзлари олиб бораётган фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Бундан ташқари манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарган бўлса, улар бу ҳақда тегишли давлат органларига ўз вақтида хабар беришга мажбур.

IX БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1-§. Тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш

Тадбиркорлик қайси шаклда олиб борилишидан қатъий назар, у давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши турли шаклларда ва усулларда олиб борилади. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти энг аввало давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг ваколати доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 41-моддасида давлат бошқарув органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолияти кўрсатиб ўтилган. Бу моддада белгиланишича, давлат бошқарув идоралари ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни, мавжуд муаммоларни ўрганишни ҳамда тадбиркорликни ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив ҳужжатларни такомиллаштиришни;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техника ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда кўмаклашади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хил хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларига кадрларни тайёрлашда, қайта тайёрлашда ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашади;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқарув идоралари томонидан қўллаб-қувватлашда энг аввало тадбиркорларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш билан бирга чет эл инвестицияларини жалб этишда ёрдам кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш усулларидан бири чет элдан замонавий ихчам техникаларни ва ускуналарни республикамизга келтириб, улардан унумли фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари самарали фаолият юритиши учун уларни зарур ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш, зооветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек солиқлар, йиғимлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар белгилаш орқали, қонунга мувофиқ бошқа шаклларда тадбиркорлик фаолияти рағбатлантирилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантирилиши Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 43-моддасига кўра, тадбиркорликни ривожлантириш дастурини юзага чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини юзага чиқаришга тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий рағбатлантириш чоралари, шунингдек ҳуқуқий, ахборот, консалтинг, лизинг ва бошқа хизматларни ривожлантириш назарда тутилади.

Тадбиркорликни рағбатлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари алоҳида роль ўйнайди. Чунки тадбир-

корлик маҳаллий жойларда қанча ривожланса, ўша жойнинг аҳолиси шунча моддий манфаатдор бўлади. Шу сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш соҳасида алоҳида ваколатларга эга бўлади. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тадбиркорликни рағбатлантириш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурини яратади ва уни юзага чиқаради, тадбиркорлар фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди, бу борада бошқа ваколатларни амалга оширади.

2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари қонунда белгиланган тартибда тегишли идоралар томонидан ҳимоя қилинади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзларининг ижтимоий жамиятда эгаллаган мавқеларига, мулкий аҳволларига, хизмат кўрсатиш тури ва бошқа ҳолатларга қарамай тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Уларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги давлат томонидан кафолатланган. Давлат ҳар бир тадбиркорлик фаолияти субъектларига моддий-техника билан таъминланишлари, шунингдек ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб ўз фаолиятини олиб боришларида уларнинг биридан иккинчисига устун ҳуқуқ белгиламайди. Молиявий фаолият олиб боришда, меҳнатни ташкил этишда, ёлланма меҳнатдан фойдаланишда ёки якка тартибдаги фаолиятни амалга оширишда, ахборотдан фойдаланишда, шунингдек табиий ва бошқа ресурслардан фойдаланишда давлат уларга тенг имконият яратиб беради. Тадбиркорларнинг тижорат сири ҳисобланувчи ахборотнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини камситишга йўл қўйилмайди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз мулкининг мулкдори бўлиб ҳисобланади. Ўзларига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли тадбиркор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлашнинг муҳим жиҳатларидан бири улар мол-мулкининг муҳофаза этилишидир.

Маълумки, тадбиркорлик мулкдорнинг ўз мол-мулки ҳисобига ташкил этилишидан ташқари ўзга шахсларнинг мол-мулкидан фойдаланиш асосида ҳам тадбиркорлик фаолияти юритиши мумкин. Ана шундай мулкдор бўлмаган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ашёвий ҳуқуқлари бузилишидан қонунларда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларидан мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек, улар ваколатини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Тадбиркорларнинг муҳим бойликларидан бири уларнинг интеллектуал фаолияти натижаларидир. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг, кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасида белгиланганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига ва унинг ўзига хос воситаларига (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказоларга) бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан қўриқланади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Интеллектуал фаолият натижаларига эга бўлган тадбиркорлар шу мулкдан ўзлари тўлиқ фойдалана оладилар.

Мутлақ ҳуқуқ объектлари бўлган инителлектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситалардан учинчи шахслар шу ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин.

Тадбиркорлар интеллектуал фаолият натижалари билан бирга тижорат сирига ҳам эга бўлишлари мумкин. Тижорат сири бўлган ҳали ошкор этилмаган ахборот ҳам қонун билан ҳимоя қилинади. «Тижорат сири бўлган, учинчи шахсларга маълум бўлмаган ахборот (ошкор этилмаган ахборот), агар у учинчи шахсларга маълум эмаслиги ва ахборотнинг эгаси

унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўраётганлиги туфайли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлса, у ҳимоя қилинади.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажариш (уни давлат рўйхатидан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказо)дан қатъий назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни ҳимоя қилиш қоидалари қонунга мувофиқ тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга (давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилган битимлар ҳақидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотларга ва бошқаларга) нисбатан тадбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга ҳақли эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни қоплашга мажбур.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил тарзда ва ҳақли равишда олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъий назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди (Қонуннинг 37-моддаси).

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатларидан бири улар ишчанлик обрўсининг ҳимоя қилинишидир. Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларга, агар улар ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлса, раддия берилишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Башарти, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Башарти суднинг қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жарима тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи ва маълумотлар тарқатилган тадбиркорлик фаолиятининг субъекти, бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда, уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарар тўланишини ва маънавий зарар учун товон тўланишини талаб қилишга ҳақлидир! (Қонуннинг 35-моддаси).

Тадбиркорлар ўз фаолияти натижасидан олган даромадларини мустақил тасарруф этишга ҳақли эканлиги ҳам қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланганидан, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, шунингдек кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган даромади (фойдаси) ўзларининг ихтиёрига биноан ишлатилади».

«Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузарлик аниқланса, улар ўз ваколатлари доирасида ана шу бузилишни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ бўлган чораларни кўришлари мумкин. Давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишлари мумкин эмас.

Давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда,

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим (Қонуннинг 40-моддаси).

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига бундан ташқари яна бирмунча бошқа кафолатлар ҳам белгиланган. Ана шундай кафолатлардан бири тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзларининг қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатларидан эркин фойдалана олишлари мумкинлигидир.

Юқорида тилга олинган қонуннинг 42-моддасига кўра, «Давлат органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг сўровларига биноан уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тақдим этишлари шарт». Қонуннинг 43-моддасида эса, «Тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳимоя қилишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда қонун ҳужжатлари билан қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари, шу жумладан шериклар томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари олдидаги ўз мажбуриятлари аниқ бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва ҳимоя чоралари белгиланиши ва берилиши мумкин», деб уқдирилади.

X БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Тадбиркорлик фаолияти қонун доирасида олиб борилиши лозим. Агар тадбиркорлик қонунга мувофиқ бўлмаса, бунинг учун тегишли тартибда жавобгарлик белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддасида белгиланишича, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар».

Бинобарин, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган тадбиркор фуқаро солиқ ва кредит мажбуриятларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Солиқ мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик қўллашда тадбиркор қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмай, ўз манфаатини кўзлаб, даромадни яширишлиги сабаб бўлади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ тўлашдан бош тортишининг белгилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига иловада унинг тури кўрсатилган. Хусусан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойда даромадни қасддан яшириш ва солиқ тўлашдан бош тортишининг белгилари қуйидагилардан иборат:

1) ҳужжатларни сохталаштириш (тузатиш, ноқонуний тўғрилаш);

2) қалбаки бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;

3) фойдаланган моддий харажатларни ишлаб чиқариш ҳисобига қўшиб ҳисобдан ўтказиш;

4) корхонада ишламайдиган, лекин ҳисобда турадиган ходимларга иш ҳақи ёзиш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ошириш;

5) сотишдан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромадни қасддан камайтириш);

6) моддий, ёқилғи – энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (эскириш) миқдорини сунъий равишда ёки норматив (лимит)ларни нотўғри қўллаш;

7) ҳужжатларни йўқ қилиш ёки уларни тақдим этишни рад этиш;

8) сотиш жойларида бухгалтерлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тегишли равишда расмийлаштирилмаган маҳсулот (товар)ларнинг мавжуд бўлиши;

9) давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органларида ҳисобга турмасдан хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини юритиш;

10) давлат солиқ хизматининг ёзма билдируви мавжуд бўлган ҳолда икки ёки бир неча манбалардан даромад олувчи жисмоний шахслар томонидан даромадлари ҳақида декларация тақдим этмаслик.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фойда (даромад)ни қасддан яшириш ва солиқ тўлашдан бош тортишнинг белгилари юридик шахслар учун ҳам, жисмоний, яъни юридик шахс тузмай хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Юридик шахс тузмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг солиқ идораларида ҳисобдан ўтишдан бош тортишлари уларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади.

Жисмоний шахсни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома бошқа шахсга берилган ёки бошқа шахсга тегишли гувоҳнома бўйича тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олиб қўйилади, қоидани бузувчига нисбатан эса тегишли маъмурий жавобгарлик чораси кўрилади.

Жисмоний шахс томонидан товарлар сотиш (хизматлар кўрсатиш)дан олинган тушум касса дафтарида кирим қилинмай савдо қилиниши (хизмат кўрсатилиши) учун уларга

солиқ органлари томонидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари, бу ҳол яна қайтарилганида эса эллик баравари миқдорида молиявий жазо кўрилади.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун молиявий жазо қўллашдан ташқари жиноий жазо ҳам белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида белгиланишича, «Фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) такроран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Тадбиркор солиқ мажбуриятларидан ташқари кредит мажбуриятларини бузган тақдирда ҳам қонунларда белгиланганидек жавобгар бўлади.

Агар тадбиркор банкдан олган кредитларни ўз вақтида қайтариш мажбуриятларини бажармаганда унга нисбатан банк тегишли жавобгарлик воситаси қўллайди.

Банк томонидан қўлланиладиган чоралар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланган. Чунончи, банк олган кредитларни ўз вақтида қайтариш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган қарзларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиб, асосий кредит берганларга, юқори турувчи идорага, корхона рўйхатга олган маҳаллий ҳокимият бошқарув идорасига қарздор (қатнашчи)ларни таъсис этувчиларга хабар бериши лозим.

Тўловга қобилиятсиз деб топилган қарздорларга нисбатан, банкнинг таклифларига биноан, қуйидаги чора-тадбирлар

қўлланилиши мумкин. Бундай чора тадбиркор оператив бошқарувни банк-кредитор иштирокида тайинланган маъмуриятга топшириш ёки қарздор ташкилотни қайта ташкил этиши кабилардир.

Банк таклиф этган чора-тадбирлар қарздорнинг ҳуқуқий мақомига қараб унинг юқори идораси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси, муассислар (қатнашчилар) томонидан амалга оширилади.

Қарздор гаровга мулк қўйиб кредит олиши мумкин («Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддаси). Қарзни қайтариш муддатидан анча вақт ўтиб кетганида, банк корхона гаровга қўйган мол-мулкини сотиб олинган пулдан ўз қарзини қоплашга ҳақли бўлади.

Бундан ташқари қарздор томонидан кредитлар муддатида қайтарилмаса, кредитор суд орқали ундириб олишга ҳақли. Қарздорнинг мажбуриятлари қарзни қоплашга етарли бўлмаса, суд қарзни ундириш мумкин бўлган мулклардан ушлаб қолади. Қарздорнинг мулкини сотишдан тушган маблағдан кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилади. Ортиб қолган маблағ қарздорнинг ўзига қайтарилади.

Тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга оширишда ўзга шахслар билан турли битимлар (шартномалар) тузадилар. Ана шу битимларга мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар ҳамда уларнинг ижро этилиши учун масъулдирлар.

Тузилган битимлар (шартномалар) бўйича мажбуриятлар лозим даражада ижро этилиши лозим. Бунда тарафлардан ҳар бири ўз мажбуриятларини тежамли тарзда бажариши ва мажбуриятларни бажаришида қарши тарафга ёрдам кўрсатмоғи керак. Тадбиркор тузган битими бўйича мажбуриятлар бажарилмай ёки сифатли бажарилмай қолганлиги сабабли етказилган зарарни тўлиқ қоплашга мажбур бўлади. Зарар деганда, қарздор томонидан мажбуриятнинг бутунлай ижро этилмаётганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредитор томонидан қилинган харажатлар, мулкининг йўқотилиши ёки камайтирилиши назарда тутилади.

Тадбиркор тузилган битимнинг ижро этилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги туфайли кредиторга етказган зарарни тўлиқ тўлашга мажбур. Аммо мажбуриятнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ

мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла қоплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкин (чекланган жавобгарлик). Масалан, юк ташувчи транспорт ташкилоти ташиш учун қабул қилган мулкни йўқотганида келган зарарни йўқотилган ашё қиймати бараварида юк жўнатувчига ёки юк олувчига тўлайди. Агар юк зарарлантирилган бўлса, у ҳолда зарарланган юкнинг қиймати қанча бўлса, шу миқдорида зарар тўланади. Ҳолбуки, юк юборувчи ёки юк олувчининг зарарлари фақат йўқотилган юк қиймати ёки қийматининг камайиши натижасида келган зарардангина иборат бўлмай, яна юкларни сақлаш учун омборларни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлардан, ишчиларнинг бекор туриб қолган даврида уларга тўланган иш ҳақининг ва юк ташувчининг айби билан материаллар ва ускуналарнинг ўз вақтида олинмаслиги натижасида содир этилган бошқа зарарлардан иборат бўлиши мумкин. Аммо транспорт ташкилотларига нисбатан чекланган жавобгарлик белгиланганлиги сабабли кейинги зарарлар ҳисобга олинмайди. Чекланган жавобгарлик транспорт ташкилотларидан ташқари бошқа ташкилотларга ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, электр қувватини етарли миқдорда етказиб бера олмаган электр станцияси — фақат бериғмаган электр қуввати қиймати миқдорида жавобгар бўлади.

Тадбиркор алоҳида ҳолларда битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганида жавобгарликдан озод бўлиши ҳам мумкин. Тадбиркорни жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатларга мисол сифатида тасодифий ҳол, енгиб, қайтариб бўлмайдиган куч ёки шартномада белгиланган бошқа шартларни кўрсатиш мумкин.

Тасодифий ҳол юридик маънода битим мажбурияти тадбиркор томонидан, шунингдек, битимдаги иккинчи томоннинг айби бўлмай битимни ижро этиш мумкин бўлмайдиган ҳол тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасида белгиланганидек, «Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади».

Башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб

бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар, енгиб бўлмайдиган куч дейилганда, маълум бир табиий ҳолатнинг тадбиркорнинг битимларидан келиб чиққан мажбурияти айнан ана шу табиий ҳолатнинг, масалан, қурғоқчилик келиши, жала ёғиши, дўл уриши, ер силжиши, тошқин, ёнғин сингари тарафларнинг истагига, хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган ва унинг олдини олиш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, тўхтатиб, бартараф этиб бўлмайдиган ҳодисалар англашилади. Ана шундай вазиятлар содир бўлганда тадбиркор жавобгарликдан озод бўлади.

Тадбиркорнинг мажбуриятни лозим даражада бажармаслигига кредитор ҳисобланган тараф айбдор бўлганида тадбиркор жавобгарликдан озод бўлиши лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 335-моддасида шундай қоида белгиланган: «Агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли».

Қонунда кўрсатилган ана шу ҳолатлардан бошқа барча ҳолларда тадбиркор битимдан келиб чиққан мажбуриятларни бажармаслиги учун мулкий жавобгар бўлади. Бошқа субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузиши икки ҳолатдан келиб чиқади. Бири – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бузиш бўлса, иккинчиси мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бузишдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам мулк субъектларининг ҳуқуқлари бузилади.

Ҳуқуқлар қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 228-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 38-модласига асосан мулкдор ўз мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли. Бундай талаблар виндикацион даъво деб аталади.

Виндикацион даъво қилиш учун мулк мулкдорнинг қўлидан, эгалигидан ғайриқонуний чиқиб кетган бўлиши ва шу мулк бошқа шахснинг эгалигида бўлиши керак. Мулк эгаси бундай пайтда ўз мулкини эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шу сабабли мулкдор виндикацион даъво қўзғаб ўз ҳуқуқининг тикланишини суд орқали талаб қила олади. Тадбиркор бошқа субъектларнинг мулкини қонунсиз эгаллаган барча ҳолларда жавобгар бўлади.

Айрим ҳолларда мулкка бўлган ҳуқуқнинг бузилиши ашёни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаган ҳолда ҳам бўлиши мумкин. Бундай пайтда ашё мулк эгасининг ихтиёрида бўлса-да, шу мулкдан тўлиқ фойдалана олмайди. Мулк эгаларининг мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганида улар бундай бузилишни бартараф этишини талаб қилишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 231-моддасида белгиланганидек, «Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин», бу талаб ҳуқуқ назариясида «негатор даъво» деб аталади. Негатор даъво қўзғаш учун мулкдорнинг ўз мулки унинг эгалигидан чиқиб кетмаган, балки шу мулкдан тўлиқ фойдаланишга қандайдир тўсқинлик бўлиши керак. Мулкдор ана шу мулкидан тўлиқ фойдаланишга қилинаётган тўсқинликни бартараф этишни талаб қила олади. Негатор даъво фақат мулк эгаси томонидан қилинмай, балки ашёни қонуний асослар бўйича вақтинча эгаллаб турган шахслар томонидан ҳам қўзғатилиши мумкин. Масалан, ижарага олинган мулкдан фойдаланишга тўсқинлик қилинган ҳолларда ижарага олувчи ҳам бу тўсқинликнинг бартараф этилишини талаб қила олади. Ҳар қандай тадбиркор ўзгаларга ўз мулкидан тўлиқ фойдаланишида тўсқинлик қилса, бундай тўсқинлик қасддан ёки эҳтиётсизликдан бўлишига қарамай, қонун бўйича жавобгар бўлади.

Тадбиркорнинг мажбуриятларидан бири меҳнат шароитини яратишдир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-моддасига асосан, «Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради».

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-223-моддаларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, 224-247-моддаларида эса аёлларга ва ёш болаларга бериладиган имтиёзлар хусусида қоидалар белгиланган. Тадбиркор аёллар ва ўспиринларни ишга жалб этганида меҳнат қонунларида белгиланган меҳнат шароитини таъминлаши, уларга берилган қўшимча кафолат қоидаларига риоя этиши шарт. Хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этмаслик сабабли ходимга етказилган зарар учун тадбиркор моддий жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 187-моддасида ходимга тўланиши лозим бўлган зарар ҳақида қоида белгиланган. Жумладан, «Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, – унинг оила аъзоларига (192-модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай зарар (шу жумладан, маънавий зарар)ни иш берувчи, башарти ушбу кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, – иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади».

Тадбиркор ёлланиб меҳнат қилаётган шахснинг соғлиғига, ҳаётига ва меҳнат қобилиятига ҳамда мулкига зарар етказганлиги учун жавобгар бўлади. Жавобгарликни белгилаш учун, аввало, ҳақиқатдан зарар мавжуд бўлиши лозим. Зарар моддий, маънавий бўлиши мумкин. Зарарнинг келиб чиқишида ғайриқонуний хатти-ҳаракат бўлиши керак. Ғайриқонуний хатти-ҳаракат тадбиркор томонидан бехатар меҳнат шароитини яратмаслик ҳисобланади. Шу билан бирга келиб чиққан зарар билан субъектнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати ўртасида сабабли боғланиш бўлиши талаб этилади. Ва ниҳоят, зарар етказган субъектнинг айби бўлиши керак. Айби субъект томонидан қасддан ёки эҳтиётсизлиги туфайли содир бўлади. Ана шу санаб ўтилган белгилар жавобгарликни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-моддасида белгиланишича, «Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб бера олмаса, тўланиши шарт».

Ходимга ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида ошиқча хавф манбаидан ҳам зарар етиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-моддаси тўртинчи қисмида белгиланишича, «Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни бартараф қилиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасддан қилганлиги оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

«Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса, - бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар – ногиронларга зарарни қоплаш учун

тўланадиган маблағ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас» (Меҳнат кодексининг 190-моддаси).

Агар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб, мувофиқ равишда камайтирилади.

Бехатар меҳнат шароитини таъминланмаганлиги сабабли ходим вафот этганда, унинг оила аъзоларига улар кўрган зарарнинг қопланиши қонунда белгиланган. Бинобарин, ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар ишламай марҳумнинг уч ёшга тўлмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлиб, ундан таъминот олиб турган шахслар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига асосан:

«...ўн олти ёшдан катта шахслар, агар улар шу ёшга тўлгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг зарарини ундиришга бўлган ҳуқуқига таъсир этмайди.»

Бехатар меҳнат шароити яратилмаганлиги сабабли боқувчиси вафот этиши натижасида зиён кўрган шахсларга зарар тўланиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан ҳам белгиланган. Фуқаролик кодексининг 1009-моддасида белгиланишича: «Боқувчиси вафот этган тақдирда қуйидагилар зарарни ундириш ҳуқуқига эга:

марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар:

марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди;

меҳнат қобилиятидан қатъий назар марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасига кўра, саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлашда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;

марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Зарар қуйидагиларга тўланади:

вояга етмаганларга - ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;

ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга – улар кундузги шаклда ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма ёшдан ошмагунча;

эллик беш ёшдан ошган аёлларга, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришлашда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзосига.

Меҳнат кодексининг 193-моддасига кўра «тўланадиган зарар миқдори марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида, унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундиришга ҳақли бўлмаган меҳнатга қобилиятли шахсларнинг улушини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади. Зарар тўловни олишга ҳақли бўлган шахсларнинг ҳар бирига тегишли бўлган зарар миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг мазкур шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган қисми улар сонига тақсимланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар учун зарар тўловининг миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

агар таъминот маблағи суд орқали ундирилган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари суд томонидан тайинланган сумма миқдорида белгиланади;

агар таъминот маблағи суд тартибида ундирилмаган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари уларнинг моддий аҳволи ҳамда вафот

этган шахснинг ҳаётлик вақтидаги уларга ёрдам кўрсатиш имкониятини ҳисобга олиб белгиланади.

Агар вафот этган шахс қарамоғида бўлган шахслар ҳам, унинг қарамоғида бўлмаган шахслар ҳам айни бир вақтда зарар тўловини олишга ҳақли бўлсалар, бундай ҳолда зарар тўловлари миқдори аввало марҳумнинг қарамоғида бўлмаган шахслар учун белгиланади. Улар учун белгиланган зарар тўлови суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнгра иш ҳақининг қолган миқдоридан келиб чиқиб ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда марҳумнинг қарамоғида бўлган шахслар учун қопланадиган зарар миқдори белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси худди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва бошқа даромадлар қопланадиган зарар тўлови ҳисобига киритилмайди».

Бундан ташқари ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла нафақалар ҳам берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 194-моддасида белгиланганидек, «Ходимнинг соғлиғига шикаст» етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, - иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас».

Иш берувчи меҳнат шартномасида белгиланган вазифаларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида ходимнинг шахсий буюмлари ёки бошқа мол-мулкига зарар етказган бўлса, бу зарарни натура ҳолида қоплаши лозим. Зарарни натура ҳолда қоплашнинг иложи бўлмаган тақдирда ёки ходим-

нинг розилиги билан мол-мулкнинг қиймати шу жойда амалда бўлган баҳо бўйича тўла ҳажмда қопланади.

Демак, бехатар меҳнат шароитларини таъминлашга риоя этмаган тадбиркор, бунинг натижасида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилишидан ёки ходимнинг вафот этиши билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган зарарни юқорида белгиланган тартибда қоплашга мажбурдир.

Тадбиркорнинг истеъмолчиларга, шу жумладан одамларнинг соғлиғига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги учун жавобгарлиги қонунда белгиланган. Чунки тадбиркорлар ишлаб чиқилган маҳсулот (товар)лар ундан фойдаланганларнинг ёки уни истеъмол қилганларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган даражада сифатли бўлиши лозим. Тадбиркор томонидан тайёрланадиган товарлар шу сабабли давлатнинг тегишли идоралари тасдиқлаган андозаларга мос бўлиши лозим.

Агар тайёрланган товар ёки маҳсулотда камчиликларга йўл қўйилган бўлиб, булардан фойдаланишда истеъмолчиларнинг соғлиғига, ҳаётига ёки мулкига зарар етказилса, у қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш хусусидаги қоидалар қонунларда белгилаб берилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкий жавобгарлик, 22-моддасида эса маънавий зарар учун ҳақ тўлаш ҳақида қоидалар белгиланган.

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланиши оқибатида истеъмолчиларнинг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганлигидан қатъий назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли ўзига етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилик муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Ана шундай қоида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1019-моддаси, биринчи қисмида ҳам назарда тутилган. Шу модданинг иккинчи қисмида эса биринчи қисмида кўрсатилган муддатлардан ташқари қонун талаблари бузилиб товар (иш, хизмат)нинг яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса, товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилик муддати тугаганидан кейин зарур бўлган ҳаракатларни қилиши ва кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса, унинг натижасида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғига ва мулкига етказилган зарар ҳам қопланиши кўрсатилган.

Тадбиркорнинг маҳсулот тайёрлаш, ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун фойдаланилган материаллар, ускуналар, приборлар, асбобларнинг зарарли хусусиятларини билмаганлиги, истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар учун жавобгарликдан уларни озод қилишга асос бўлмайди.

Бундан ташқари тадбиркорлар тайёрлаган ёки етказиб берилган маҳсулотларидаги нуқсонлар оқибатида одамларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига етказилган зарар учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1017-1020-моддаларида ҳам назарда тутилган. Истеъмолчиларга етказилган моддий зарар билан бирга бой берилган фойда ҳам қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш хусусидаги қонунлар Фуқаролик кодексининг 1021-1022-моддаларида. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасида белгилаб қўйилган.

Истеъмолчиларнинг ҳаётига, саломатлигига зарар етказиш сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш оқибатида келиб чиқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-

моддасига мувофиқ жавобгарлик белгиланади. Бозорга сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб истеъмолчиларнинг соғлиғига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш истеъмолчининг ўлимига сабаб бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача, одамлар ўлимига ёки бошқача оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланади.

Тадбиркор ўз фаолиятини олиб бораётганида атроф-муҳитга эҳтиётқорона муносабатда бўлиши, экологияни бузмасдан уни авайлаб асраши лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида белгиланганидек, «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиётқорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар». «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» (Конституциянинг 55-моддаси). Мулкдорлар ўз мулкидан фойдаланишда ана шу табиий бойликка ва экологик муҳитга зарар етказмаслиги шарт. Демак, тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак.

Агар атроф-муҳитга зарар етказилса, бунинг учун қонунларда тегишли жавобгарлик белгиланган. Бундай завобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Табиатни муҳофаза қилиш, Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган.

Атроф табиий муҳитга зарар етказилганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида маъмурий жазо белгиланган. Мазкур Кодексда: ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш, вақтинча эгаллаб турган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузиш, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бу-

зиш; ўрмон фондидан нотўғри фойдаланиш; дарахтлар, буталар ва бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш, ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш; «Қизил китоб»га киритилган ўсимликларни йиғиш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш; ифлослантирувчи моддаларни атмосферага меъёридан ортиқ ёки рухсатсиз чиқариб ташлаш, шунингдек атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир кўрсатиш; атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик; ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш; саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш; «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб ҳисобланган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш; ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш; ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш; табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик кабилар учун тегишли маъмурий жазо чоралари белгиланган. Унда ҳар бир қоидабузарликнинг оғир-енгиллигига, етказилган зарарга қараб жарима ундириш белгиланган.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини ва экологияни бузганлик учун маъмурий, шунингдек ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг қанчалик оғир-енгиллигига қараб Жиноят кодекси махсус қисмининг IV бўлимида тегишли жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган. Жумладан, Жиноят кодексининг 193-моддасида «Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объ-

ектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидаларини бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларга олиб келса, Жиноят кодексининг 196-моддасида кўрсатилганидек, уч йилгача, бу қилмишлар одам ўлимига сабаб бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 198-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади. Етказилган зарарнинг кўп ёки озлигига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача, зарар кўпроқ бўлса, эллик бараваридан юз бараваригача, етказилган зарар жуда кўп бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЖКнинг 194-моддаси), атроф табиий муҳитни ифлослаиш оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (ЖКнинг 195-моддаси), ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (ЖКнинг 197-моддаси), ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш (ЖКнинг 199-моддаси), ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш

(ЖКнинг 200-моддаси), зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (ЖКнинг 201-моддаси), ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (ЖКнинг 202-моддаси), сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (ЖКнинг 203-моддаси), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш (ЖКнинг 204-моддаси) каби ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга тегишлича жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тадбиркор яккаҳокимликка қарши қонунларни бузганлик учун ўз мол-мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароити эркин рақобатни тақозо этади. Агар эркин рақобатга тўсқинлик қилинса, бозорни монополияга айлантириб олса ва шунга ўхшаш бошқача ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан қонун қоидалари бузилса, бунинг учун Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ жавобгар бўлади. Чунки бу қонун тадбиркорликни ривожлантириш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашуви — баҳслашувига йўл бермайдиган, чеклаб қўядиган ёки уни йўқ қиладиган қўшимча фойда олиш мақсадидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини англатувчи монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва пайини қирқишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси биринчи қисмида кўрсатилишича, республика ва маҳаллий товарлар бозоридаги фаолиятда қатнашаётган, мулкчиликнинг шаклидан қатий назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, айрим манфаатдор шахслар ўртасидаги муносабатларга тадбиқ этилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар, яъни тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошираётган пайтда ўзгалар билан рақобатлашиб янада кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиладилар. Лекин бозорларда ғайриқонуний равишда устун мавқега эга бўлмасликлари керак. Ғайриқонуний устун мавқе деганда хўжалик юритувчи муайян товар бозоридаги улуши монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора белгилаб қўйган энг юқори меъёр чегарасидан ошиб кетган ва бу ҳол унга мустақил равишда ёки бошқа хўжалик субъектлари

билан биргаликда иш кўриб, товарларнинг олди-сотдисига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириб қўйиш, шу тариқа истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зиён етказиш имконини берадиган ҳукмрон мавқе тушунилади.

Бозорларда устун мавқега эга бўлиш — ишлаб чиқарилган ёки сотилаётган товарларнинг ёхуд кўрсатилаётган хизматнинг сифатли бўлиб, ўзига кўпроқ истеъмолчиларни жалб этиб, каттароқ фойда кўришдан иборат. Бундай хўжалик субъектларига қуйидаги хатти-ҳаракатларни қилиш тақиқланади:

- бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида товар ишлаб чиқаришни камайтириш ёхуд тўхтатиб қўйиш, шунингдек уларни муомаладан олиб қўйиш;
- мўмай фойда олиш мақсадида ҳаддан ташқари баланд нарх белгилаш ва уни сунъий равишда шундай ушлаб туриш, нархларни асоссиз равишда пасайтириш, давлат томонидан бошқариб туриладиган нарх-навони бошқача усулда пасайтириш;
- хўжалик юритувчи субъектларга уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган аҳволга солиб қўядиган шартларни тиқиштириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришига бошқача шаклда тўсқинлик қилиш.

Бундан ташқари тадбиркорнинг ғирром рақобат олиб боришига йўл қўйилмайди. Ғирром рақобат, Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида белгиланганидек, хўжалик юритувчи бошқа субъектнинг мол-мулки ва тадбиркорлик нуфузига зиён етказиши мумкин бўлган, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тарқатиш; товар белгисидан, товарнинг фирма номидан ёки маркасидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, шунингдек хўжалик юритувчи бошқа субъект товарининг шаклини, идишини, ташқи безагини айнан кўчириб олишга; илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, савдо ва бошқа соҳага оид маҳфий ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор қилиш; товарларнинг хусусияти, уларни тайёрлаш усули ва ўрни, истеъмол ҳоссалари ва сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитиш; хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини чекловчи хатти-ҳаракатдан иборат.

Ғирром рақобат, сунъий равишдаги устун рақобат ёки шунга ўхшаш ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар орқали монополияга қарши қонунлар бузилганда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора тегишли чора-тадбирларни қўллашга ҳақли бўлади. Жумладан, қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатини тиклаш тўғрисида асоссиз орттирилган даромадни тегишли бюджетга ўтказиш тўғрисида, хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тартибда бўлиб юбориш тўғрисида ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги устун мавқеини бартараф этиш ёки пасайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар тўғрисида ҳўжалик юритувчи субъектлар бажариши шарт бўлган кўрсатмалар беришга, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектларга, бошқарув идораларига ва мансабдор шахсларга жарима солишга ҳақли бўлади.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора томонидан солинган жаримани, ҳўжалик юритувчи субъект жарима солинганлиги тўғрисидаги қарорни олган пайтдан бошлаб 30 кун ичида тўлаши керак.

Жарима миқдори ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг оғир-енгиллигига қараб, айбдор юридик шахс бўлса – 100 минг сўмдан 1 миллион сўмгача миқдорда; жисмоний шахсларга эса – 10 минг сўмгача миқдорда; давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларнинг ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига – 2 минг сўмгача миқдорда жарима солинади.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идорага хабар бермаганлиги ёки қасддан нотўғри маълумот берганлик учун; юридик шахсларга – 50 минг сўмгача; жисмоний шахсларга 5 минг сўмгача; ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масабдор шахсларига – 1 минг сўмгача жарима солишга ҳақли. Жарима тўлашдан бўйин товланган тақдирда, у суд тартибида ундирилади ва бюджетга ўтказилади.

Қонунларни бузганлик учун тадбиркор мулкий ёки қонунларда кўзда тутилган асосларда, суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар жавобгар бўлади. Қонунлар икки маънода тушунилади. Бири якка тартибдаги аниқ бир қонун, масалан, «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун тушунилса, бу ўринда «қонунлар» сўзи фақат ягона бир қонун эмас, балки барча қонунлар билан бирга

Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, низомлар, вазирликлар, давлат муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам тушунилади.

Ана шу қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини белгиловчи қоидалари бузилганида тадбиркорга нисбатан жавобгарлик белгиланади. Жавобгарлик маъмурий тартибда белгиланган бўлиб, қонунбузарга қилмишининг даражасига қараб белгиланади. Агар ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида ўзгаларга зарар етказилса, тадбиркор ўз мол-мулки билан жавобгар бўлади. Жавобгарлик жарима ундириш ёки зарарни қоплаш каби турларда бўлади.

Тадбиркорнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатилари кўпол ёки сурункали, доимий равишда бўлса, тадбиркорга нисбатан жиноий жазо қўлланилади. Бунда суд томонидан тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишгача жазо қўлланиши мумкин.

Тадбиркор вафот этганида унинг ҳусусий мулки ворисларига мерос бўлиб ўтади. Тадбиркорга нисбатан бўлган мулкий даъволар энди унинг ворисларига қайтарилади. Ворислар ўзларига мерос бўлиб ўтган мулк миқдорида жавобгар бўладилар.

Агар меросхўрлар бир нечта бўлса, жавобгарлик уларнинг ҳаммасига тенг миқдорда бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1156-моддасида белгиланганидек, "меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкининг қиймати доирасида салидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар".

Тадбиркорлик фаолияти қонунга зид олиб борилганлик учун мулкий, маъмурий жазо қўллашдан ташқари, агар қонун бузиш жиноят билан боғлиқ бўлса, қонун бузувчига нисбатан жиноий жазо ҳам қўлланилади.

Тадбиркорлик қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик:

а) белгилнган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб тадбиркорлик фаолиятининг бирор тури билан шуғуллниш оқибатида;

б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат олган бўлса-да, қонунда белгиланган мажбуриятларни бузганлиги сабабли келиб чиқади.

Бинобарин, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, фойда ёки даромад олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш жиноий жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 186-моддасига кўра: "Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса,

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Агар ана шу ҳаракатлар, яъни савдо ёки васитачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш кўп миқдордаги фойда /даромад/ олган ҳолда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бундан ташқари қонунда сохта тадбиркорлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. "Сохта тадбиркорлик" деб номланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179-моддасида белгиланишича: "Сохта тадбиркорлик, яъни уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш / солиқларни камайтириш/ ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини тузиш, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян

ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркор хоҳлайдими йўқми бошқа субъектлар билан рақобатда бўлади. Рақобат товар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш жараёнининг узлуксиз ривожланиши ва тараққий этишини таъминлайдиган бир воситадир. Тадбиркорлар рақобатда енгилиб, синиб қолмаслик учун доимо ўз фаолияти натижасининг сифатли, харидоргир бўлишини ва шу асосда кўпроқ фойда кўришни кўзлаб тинимсиз меҳнат қилади. Аммо айрим ҳолларда омадсиз тадбиркорлар тўловга қобилиятсиз бўлиб, касодга учрайдилар. Касодга учраган тадбиркор уни яшириб, ўз манфаати йўлида ўзга шахсга, яъни кредиторларнинг манфаатларига зарар етмаслиги, балки бор ҳақиқатга юзма-юз келиши керак. Акс ҳолда унга нисбатан жавобгарлик қўлланилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 181-моддасида, "Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлиги ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириш кредиторларига кўп миқдорда зарар етишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади" деб белгиланган.

Тадбиркор банкротликни яширишдан ташқари сохта банкротлик учун ҳам жиноий жавобгар бўлади. "Сохта банкротлик, яъни ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса,

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади" (ЖКнинг 180-моддаси).

XI БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДАГИ СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

1-§. Солиқ ва унинг бошқа тўловлардан фарқи

Тадбиркорларнинг солиқ тўлаши Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда белгилаганидек, фуқаро хоҳ якка тартибда, хоҳ жамоа тадбиркорлиги асосида фаолият олиб борсин олган (даромад) фойдадан солиқ тўлаши керак.

Солиқ тўлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинади[1]. Солиқ кодексида солиқ солинадиган объектлар, солиқ миқдори, солиқни ҳисоблаш тартиби, солиқ тўлашдан бўйин товлаганлиги учун қўлланиладиган жавобгарлик каби қоидалар белгиланган.

Демак, ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти солиқ тўлаш билан боғлиқ. Аммо «солиқ» тушунчаси гўё ягона бир маънони англатса-да, лекин бир неча кўринишда мавжуд бўлади. Бунинг сабаби молия билан боғлиқ ягона бир фаолиятнинг бир неча давлат идоралари ваколатига берилганлигидадир. Маълумки, солиққа доир қонун ва қоидаларни белгиловчи ваколатли идора Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳисобланади. Аммо солиқ белгилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш давлатимизнинг бошқа идораларига ҳам берилган. Бу эса солиқ турларининг, мажбурий тўловларнинг кўпайишига олиб келади.

Масалан, мулк эгаси ўз корхонаси олган даромадга эгалик қилишга ҳақли. Агар гап давлат корхонаси устида кетса, мулкдор бўлиб фақат давлат ҳисобланади. Шу корхона тўлайдиган тўловига бир назар ташласак корхона, аввало, давлат корхонасидаги даромаддан солиқ тўлайди, сўнгра қайта тақсимлаш сифатида давлат фойдасига мажбурий тўловлар ажратади. Бунда давлат, биринчидан, сиёсий тизимларнинг субъекти бўлиб солиқ тўловини

[1] *Қаранг*: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., «Адолат», 1999.

белгиловчи сифатида иштирок этса, иккинчидан, шу корхона мулкдори, эгаси сифатида иштирок этади. Ваҳоланки, солиқ кодексида солиқ турлари аниқ белгилаб берилган бўлишига қарамай бир неча хилдаги мажбурий тўловлар ҳам мавжуд.

Тадбиркорлар тўлаши шарт бўлган солиқларнинг турлари: қўшилган қиймат солиғи; фойда (даромаддан) олинадиган солиқ; акциз солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ; тадбиркор фуқаролар олган даромаддан тўлаши шарт бўлган солиқ; фуқаролар томонидан тўланадиган даромад солиғи; ер солиғи, мол-мулкка солинадиган солиқлардан иборатдир. Бундан ташқари бевосита солиқ деб ҳисобланмай бюджетдан ташқари бошқа фондларга тўланадиган бир қатор мажбурий тўловлар ҳам борки, улар ўз хусусиятига кўра солиқдан жуда кам фарқ қилади. Шу сабабли солиқ билан мажбурий тўловларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бир-биридан фарқли белгилари кўриб чиқилса, уларнинг тушунчаси, мазмуни, моҳияти аниқ бўлади.

Чунончи, солиқ ҳамиша давлат томонидан ўрнатилади. Давлатдан бошқа ҳеч ким солиқни белгилаш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас. Дунё давлатларида солиқни белгилаш ҳуқуқи шу давлатлар олий органига берилган. Ўзбекистонда солиқни белгиловчи ва ўрнатувчи ваколатли идора Ўзбекистон Конституциясининг 78-моддасида белгиланганидек Республика Олий Мажлисига берилган.

Солиқнинг яна бир хусусияти унинг доимо бир томоннинг истаги билан белгиланишидир. Солиқ билан боғлиқ қоидаларни ўрнатишда солиқ тўловчиларнинг розилиги айрим-айрим сўралмайди. Тўғри, солиқ тўғрисидаги қонун қабул қилинишида аввал умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Келган таклифлар ижобий бўлса ҳисобга олинади. Аммо солиқни мутлақо бекор қилиш ҳақида солиқ тўловчиларнинг фикри инобатга олинмайди.

Солиқ пул тўловлари кўринишида бўлади. Тарихда натура ҳолатида солиқ тўлашлар бўлган, аммо ҳозирги кунга келиб фақат пул шаклидаги тўловларга айланган. Солиқ ана шу сифати билан бошқа мулк тўловлари, яъни жарима, неустойка, реквизиция ва бошқа тарздаги тўловлардан фарқ қилади.

Солиқ – ҳамма вақт мажбурий тартибда ундирилади. Бу хусусияти билан солиқ барча хайр-эҳсон, моддий ёрдам, қарз беришнинг барча тури, пулларни сақлаш, омонатга топшириш ва бошқалардан фарқ қилади.

Пул суммасини мажбурий тартибда ундиришнинг яна бир сифати унинг солиқ тўловчиларининг ихтиёрий равишда ҳеч бир мажбурловсиз тўлаш ва ўзича тўламаганлардан солиқ инспекциясининг низосиз ундириб олишга ҳақли эканлигидир. Бошқа тўловлар, масалан, ихтиёрий тўланмаган жарималар, неустойкалар, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган мажбуриятларни бажармаганликдан келиб чиқадиган тўловлар мажбурий тартибда суд томонидан ундирилади.

Солиқ - бу қонуний тартибда ундириладиган пул суммасидир. Солиқ мажбурий ундириб олиш бўлса-да, у олинганидан бошлаб тўлиқ давлат мулкига айланади.

Солиқнинг мажбурий тўловлиги шу билан тавсифланадики, кимдир уни тўлашга, кимдир уни ундириб олишга мажбур (давлатнинг солиқ идораси доим ундириб олувчи ҳисобланади). Ҳеч бир шахс, қонун билан белгиланган бўлмаса, солиқ тўлашдан бош тортишга ёки солиқ тўлашдан озод қилинишга ҳақли эмас.

Солиқ мажбурий тартибда ундириб олиб, сўнгра қайтариб берилмайдиган суммадир. Бу эса пул суммасининг бир томонлама ҳаракатини, яъни солиқ тўловчидан давлатнинг пул фондига ўтишини белгилайди. Солиқ ана шу жиҳати билан давлат томонидан олиниб қайтариб бериладиган, масалан, давлат заёмидан фарқ қилади.

Солиқ эквивалентсиз тўлов ҳисобланади. Солиқ тўлаганлик учун бирон товар ёки хизмат учун тўлов бўлмай давлат фойдасига мажбурий тартибда текинга ундириладиган пул суммасидир. Солиқ ана шу хусусияти билан битимлардан, келишувлардан ва бошқа турдаги барча тўловлардан фарқланади.

Солиқни бошқа тўловлардан фарқлайдиган ана шу белгилари молия ҳуқуқида ҳам, амалиётда қўлланилишида ҳам солиқни ундириш билан боғлиқ масалалар низосиз ҳал этилишини англатади.

Солиқнинг яна бир белгиси шундаки, солиқ хусусий корхоналар томонидан тўланган бўлса, шу тўланган маблағга нис-

батан мулк эгаси ўзгаради. Бошқача айтганда солиқ тўлаш билан пул хусусий мулкдан давлат мулкига айланади[1].

Корхоналар олган даромад собиқ тузумда фақат қайта тақсимланган холос. Ўша пайтда бундай тақсимлаш «даромаддан ажратиш» деб аталган бўлса, ҳозир «мажбурий тўлов» дейилади.

Республикамизда жорий этилган солиқлар хилма-хил бўлганлиги учун тадбиркорлар тўлайдиган солиқлар ва бошқа тўловларнинг муҳимлари – тадбиркорликка оидлари хусусида қисқача тўхталайлик. Улар қўшимча қиймат солиғи, даромад солиғи, акциз солиғи, экспорт-импорт солиғи, товарлар учун бож тўловлари, рента тўлови, қимматли қоғозларни чиқаргани ва сотгани учун тўланадиган тўлов, ер солиғи, маҳаллий солиқ, бюджетдан ташқари турли фондларга тўланадиган тўловлардир.

Умуман республикамиздаги солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ турларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) умумдавлат; 2) маҳаллий солиқлар; 3) йиғимлар.

Умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг айримлари Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари билан, бошқа маҳаллий солиқлар эса маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан жорий этилади[2].

Жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа йиғимлар марказий ва маҳаллий хазиналарга ўз вақтида, тўлиқ келиб тушиши лозим. Бу эса давлат олдида турган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялашга хизмат қилади.

2-§. Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи, товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш, уларни сотиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир.

---

[1] *Қаранг:* Сулейменов М. К., Покровский Б. В., Худяков А. И., Жакенов В. А. Право и предпринимательство в Республике Казакстан. Алматы, 1994 й.

[2] *Қаранг:* Й. Турсунов. Солиқлар тўғрисида нималарни биласиз? Т., «Ўзбекистон», 1993 й.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобда турган ёки ҳисобда туриши шарт бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект бу товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш, бажариш ва импорт қилиш оборотидир.

Ўзбекистон республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш, бажариш обороти, шунингдек Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланадиган оборот солиқ солинадиган объекти ҳисобланади. Аммо қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган товар (иш, хизмат)лар обороти бундан мустаснодир.

Товар (иш, хизмат)лар айирбошланган ёки текин берилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот миқдори, солиқ тўловчидан айирбошлаш ёки товар (иш, хизмат)ларни бериш, топшириш пайтида таркиб топган нархлар даражасидан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан бироқ амалда таркиб топган харажатлардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Импорт қилинадиган товар (иш, хизмат)ларга солинадиган солиқ миқдорига, товар (иш, хизмат)ларни божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бож қиймати, шунингдек Ўзбекистон республикасига товар (иш, хизмат)ларни импорт қилишда тўланадиган акциз солиғи, божхона божлари миқдори киритилади.

Қўшилган қиймат солиғидан қонунда белгиланганлар озод этилади. Булар жумласига:

суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;

ссудалар бериш ва ўтказиш;

пул омонатлари, жорий ҳисоб варақлари, тўловлар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операциялар;

қонуний тўлов воситаси бўлган чет эл валютаси ва пуллар муомаласига дахлдор операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

қимматли қоғозлар муомаласига дахлдор операциялар, уларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бундан мустасно;

махсус вакил қилинган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йиғимлар ундириладиган харажатлар;

болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқишга, беморлар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;

дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари;

интеллектуал мулк объектлари бўлган ҳуқуқларни олганлик учун потент божлари, рўйхатга олиш йиғимлари ва лицензия тўловлари;

протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедия протезлаш хизмати кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш – ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотлари;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган товарларни божсиз олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарлар;

ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш;

почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар ва конвертлар сотиш;

алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақаларни олувчиларга етказиб бериши;

Ўзбекистон республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техникавий дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва новация ишлари;

шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари, шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари;

аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва уй-жойдан фойдаланиш хизматлари;

халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ;

сақлаб туриш бўйича ваколатли давлат идораларига қимматбаҳо металларни реализация қилиш оборотлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг удумлари ва маросимлари ўтказишга доир хизматлари;

тиббий санитария-курорт, соғломлаштириш ва туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари;

хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг қиймати;

гидрометеорология ва аэрология ишлари;

геология ва типография ишлари;

умумий фойдаланишдаги йўлларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар ҳажмидан келадиган тушум;

нашриётларнинг, газета ва журналлар таҳририятларининг, матбаа ва китоб савдоси корхоналарининг, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулотлари ва хизматлари;

ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экология экспертизаси хизматлари;

архив ҳужжатларини илмий-техникавий жиҳатдан қайта ишлаш, таъмирлаш, муқовалаш ва улардан фойдаланишга, иш юритишни такомиллаштиришга доир хизматлар;

давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўрганиш хизматлари;

республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда якка тартибда импорт қилувчиларга сотиладиган бинокорлик материаллари;

қурилиш ва махсус монтаж ишларини амалга оширувчи пудрат, таъмирлаш-қурилиш, махсус монтаж ташкилотлари хусусий уй-жой қурилишида бажарилган ишлар ҳажми;

экспорт қилинаётган товарларни, шунингдек, чет эл мамлакатларининг Ўзбекистон республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юклари (транзит юклар)ни ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар;

ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодиса ёки фалокатлар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун олиб келинадиган мол-мулк, шунингдек инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар киритилади.

3-§. Даромад (фойда)дан олинадиган солиқ

Бу тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромаддан тўланадиган солиқдир. Тадбиркорлар томонидан ташкил этилган юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи бу борада салмоқли ўрин эгаллайди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи барча турдаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, чет эл корхоналари, қўшма корхоналар, чет элда фаолият кўрсатиб даромад олган корхоналар бу солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Уларнинг рўйхатдан ўтказилиши ва жойлашиш ўрнига қараб Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва Ўзбекистон республикасининг резиденти бўлмаган юридик шахсларга ажратамиз.

Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтказилган юридик шахс, шунингдек, Ўзбекистон республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юридик шахс Ўзбекистон республикасининг резиденти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахсларга Ўзбекистон республикасидаги ва ундан ташқаридаги фаолият манбаларидан олган даромад (фойда)лари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон республикасининг резиденти бўлмаган юридик шахслар Ўзбекистон ҳудудидаги фаолиятдан олган даромад (фойда)лари бўйича солиқ тўлайди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш учун уларнинг олган жами даромадлари аниқланади. Сўнгра жами даромаддан чегирмалар ажратилиб, қолган даромад (фойда)дан даромад солиғи олинади.

Жами даромаднинг таркибига жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (ёки олган), текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадлар жумласига қуйидагилар киради:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан келадиган тушум;

асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни реализация қилишдан келадиган даромад;

фоизлар кўринишидаги даромадлар;

текинга олинган мол-мулк;

мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад;

текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан берилган субсидиялар бундан мустасно);

даъво муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

илгари чегириб ташланган харажатлар, зарарлар ёки шубҳали қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар.

Ана шу жами даромаддан қонунда белгиланган чегирмалар ажратилганидан сўнг қолган даромадга солиқ солинади.

Жами даромаддан чегирмалар қуйидагилар:

қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, божхона божлари суммалари;

банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари (тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно);

ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатувлар, видео ва аудио ёзув пунктлари, аукционлар, казино, пул ютуғи қўйилган ўйин автоматлари, давлатга қарашли бўлмаган органлар томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари ҳамда оммавий концерт-томоша тадбирларининг харажатлари бундан мустасно);

белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларнинг суммаси;

ижара ҳақи (лизинг тўлови);

асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг кўрсатган хизматлари қиймати;

мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақига ҳисобланган суммалар;

маҳсулотни (хизматларни) сертификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича реклама харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;

солиқ тўлови балансдан солиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимият органлари тасдиқлаган нормативларга мувофиқ қилинадиган ҳужжатлар суммалари, шунингдек, солиқ тўловчи муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашиб, ана шу мақсадлар учун қиладиган харажатларнинг суммалари;

қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа мажбурий тўловлар.

Бундан ташқари яна жами даромаддан қуйидаги харажатлар ва ажратмалар чегириб ташланиши лозим:

кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ва бойликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

мижозларнинг ҳисоб варақалари, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

суғурта ташкилотлари бўйича;

қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

амал қилиши ҳисобот йили охиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари; ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тўланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

суғурта ташкилотларининг захира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар.

Агар амалга оширилган ҳаракат қилинган харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у фақат бир марта жами даромаддан чегириб ташланиши мумкин.

Асосий воситалар сотиб олиш ва уларни йиғишга, номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатлар, шунингдек бошқа капитал харажатлар амортизация тариқасида кейинги даврларда жами даромаддан чегириб ташланиши лозим.

Солиқ суммалари солиқ тўловчиларнинг бевосита ўзлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва белгиланган муддатларда Республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўлаб борилади.

4-§. Акциз солиғи

Тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқлардан яна бири акциз солиғидир.

Акциз солиғи ҳам маҳсулотдан олинадиган соф даромаднинг бир қисмини давлат бюджетига ўтказишдан иборат.

Акциз солиғини тўловчилар бўлиб Ўзбекистон республикасида акциз солиғи тўланадиган товарлар ишлаб чиқараётган ёки бундай товарларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар.

Демак, акциз солиғини тўловчилар бу ёлланма меҳнатни жалб этган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ва юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки чет элдан импорт қилувчи шахслар ҳисобланадилар.

Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган, акциз тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги акциз солиғи суммасини ўз ичига олган қиймати ёки товарнинг фоизи ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Агар товар ишлаб чиқарувчи акциз тўланадиган товарни натурал ҳақ ёки совға сифатида берса, солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида таркиб топган, лекин амалда қилинган харажатлардан кам бўлмаган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган қиймат солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон республикасида товар хоҳ ўз хомашёсидан, хоҳ ўзга шахслар берган хомашёдан ишлаб чиқилмасин, шу товарга акциз солиғи белгиланади. Акциз солиғи берилган хомашёдан ишлаб чиқарилган товарлар бўйича, шу товарларни буюртмачига топшириш пайтида қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги қиймати ёки товарнинг физик ҳажми ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Акциз тўланадиган товар Ўзбекистон республикаси ҳудудида акциз солиғи тўланган хомашёдан ишлаб чиқарилган тақдирда, мазкур хомашё бўйича тўланган акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга ўтказилиши лозим.

Акциз тўланадиган импорт товарлар учун божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бож қиймати, солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Импорт товарлар учун акциз солиғи божхонада расмийлаштириш пайтида тўланади. Акциз тўланадиган импорт товарларни акциз солиғидан озод қилиш божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ оширилади. Акциз солиғи бюджетга, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, акциз тўланадиган товар реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейин учун кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

Солиқ тўловчи акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойдаги тегишли солиқ идорасига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача тақдим этади.

5-§. Тадбиркор фуқаро (жисмоний шахс)лардан олинадиган даромад солиғи

Тадбиркор жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ ҳам солиқнинг бир тури ҳисобланади.

Республикамизнинг бозор муносабатларига асосланган тузумга ўтиб бориши даромад солиғининг ҳам жиддий ўзгаришига олиб келди. Бу ҳолат Ўзбекистон республикасининг янги Солиқ кодекси қоидалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган тадбиркор жисмоний шахслар даромад солиғини тўловчилар ҳисобланади. Улар Ўзбекистон республикаси ҳудудида доимий яшаб турган бўлиши ёки молия йилида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган фуқаролар ўзларининг Ўзбекистондаги ва чет эллардаги тадбиркорлик фаолиятларидан олган даромадларидан Ўзбекистон ҳудудида доимий турмаса ҳам солиқ тўлайдилар. Жами йиллик даромаддан Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ажратилганидан сўнг қолган даромад солиқ солиш объектидир.

Солиқ кодексининг 48-моддасида белгиланишича, жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёҳуд бошқа маблағлар, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар, жисмоний шахсларнинг мулкий даромади: жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромади киради.

Тадбиркор фуқароларнинг даромадига солиқ солиш пайтида тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларидан харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чиқарилади. Аммо жазо чоралари сифатида қўлланилган жарималар, пенияларсолиқ солинадиган даромадлар таркибидан чиқариб ташланмайди. Солиқ солинадиган даромадни ҳисоблашда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида чегирма қилинади.

Тадбиркорлар иш ҳақи, мукофот пуллари ва тадбиркорлик орқасидан топган даромадларидан фойданинг ҳажмига мутаносиб равишда ортиб борувчи ставкаларда солиқ тўлайдилар. Масалан, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоригача да-

ромаднинг 15 фоизи энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараварига бўлган қисмига 15 фоиз ҳажмида ортиқча қисмига 25 фоиз, энг кам иш ҳақининг 5-10 бараварига 5 бараваридан олинадиган солиқ ҳамда 10 бараваридан ортган қисмидан 35 фоиз, энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ортган қисмидан 40 фоиз, энг кам иш ҳақининг 15 бараваридан ортиқ даромадлардан эса 15 баравар энг кам иш ҳақи миқдоридаги даромаддан солиқ ҳамда ортган қисмидан 40 фоиз миқдорида даромад солиғи олинади.

Ўзбекистон республикаси Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзларидан тадбиркорлар ҳам фойдаланадилар. Бундай имтиёзлар даромаднинг ўзига хос манбаига қараб (масалан нафақалар, алиментлар, стипендиялар ва ҳ.к.) даромад олувчи жисмоний шахсларнинг хусусиятларига қараб (масалан ихтирочилар, дипломатия корпуси аъзолари, давлат олдида алоҳида хизмат кўрсатган шахслар, ногиронлар ва ҳ.к.) ҳамда бошқа хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда белгиланади.

Тадбиркор шахснинг даромад солиғини ҳисоблаш ва ундириш уларнинг доимий иш жойи бўлган корхона, муассаса, ташкилот бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар ҳақидан фуқаро ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечикмай жами йиллик даромадлари ҳақида декларация тақдим этишлари лозим.

Тадбиркор фуқаролар томонидан тўланадиган солиқлардан яна бири бу қимматли қоғозларни чиқаришдан олинадиган солиқлардир.

Ўзбекистон республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунга кўра, қимматли қоғозларга нисбатан мулкий ҳуқуқларни вужудга келтириш мақсадида шартнома тузиш ва эмиссия маълумотларини рўйхатдан ўтказиш қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар деб юритилади ва ушбу операцияни амалга ошираётган шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланадилар.

Солиқ миқдори (ставкалари) қуйидагича белгиланади:

- қимматли қоғозлар эмиссияси (чиқариш) маълумотларни рўйхатдан ўтказганлик учун эмиссия номинал қийматининг 0,5 фоизи миқдорида;

- қимматли қоғозлар олди-сотдиси юзасидан тузилган шартнома суммасидан 0,3 фоизи миқдорида;

- давлат қимматли қоғозларни сотиб олувчилардан битим суммасининг 0,1 фоизи миқдорида.

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқларнинг бошқа масалалари, солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

6-§. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Республикамизда маҳаллий солиқлар давлат даромадлари манбаи сифатида маҳаллий бюджетни тўлдириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Чунки маҳаллий солиқлар минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа ресурсларни қайта ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш мақсадини назарда тутади.

Маҳаллий солиқ ва йиғимлар Ўзбекистон республикаси солиқ кодексида назарда тутилган. Кодексда кўрсатилмаган солиқлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат идоралари томонидан жорий этилиши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар белгиланиш усулига кўра Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти идоралари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон республикаси Солиқ кодексининг 7-моддасида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг турлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

1. Мол-мулк солиғи;
2. Ер солиғи;
3. Реклама солиғи;

4. Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ;

5. Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

6. Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

7. Автотранспорт тўхтатиш жойидан фойдаланганлик учун йиғим:

8. Ободончилик ишлари учун йиғим.

Солиқ кодексининг 7-моддасида кўрсатилишича, мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида мажбурий кучга эга бўлади.

Ер солиғи – маҳаллий солиқ сифатида маҳаллий бюджетни тўлдирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ер солиғи солиқнинг махсус тури сифатида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ сифатида олинади.

Аммо қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хиллаштириш мақсадида 1999 йилнинг биринчи январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони билан жорий этилди[1].

Ер солиғининг миқдори ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайди, балки ер майдони бирлиги учун белгиланган ҳақ тарзида тўланиб, ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

Ер майдонлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан ижарага берилганда олинадиган ижара ҳақи томонларнинг келишуви билан белгиланади, аммо бу миқдор ушбу ер участкаси учун белгиланган ер солиғи ставкаларидан кам бўлмаслиги лозим.

[1] «Халқ сўзи», 1998 йил 13 октябр.

Ер солиғига тааллуқли қоидалар Ўзбекистон республикаси Солиқ кодексининг 7-бўлими (96-104-моддалар)да белгиланган бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 98-моддасига кўра қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

- турар жойлар этагида ва жамоа ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- якка тартибда уй-жой қурилиши учун (мерос қилиб қолдириладиган) умрбод эгалик қилишига берилган ер участкалари;
- жамоа боғдорчилик, узумчилик ва полизчиликни юритиш учун берилган ер участкалари;
- хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ёт ерлар;
- мерос бўйича ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга берилган ер участкалари.

Ер солиғи ставкалари маҳаллий шароитлар ва бошқа бир қатор омиллар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Қонунда, ер солиғи соҳасидаги имтиёзлар, солиқдан озод қилинадиган ерлар ҳам белгилаб берилган.

Ер солиғи юридик шахслар томонидан мустақил равишда ҳисоблаб чиқилади ва тўланади. Жисмоний шахслар эса солиқ идоралари томонидан ҳисоблаб чиқиладиган миқдорда ва тартибда тўлайдилар.

Мол-мулк солиғи тўловчилар бўлиб солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар. Юридик шахслар учун асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик баланси қийматидан иборат бўлади. Жисмоний шахслар учун эса мол-мулк бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлари ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати, уларнинг мулки бўлган автомобиллари ва бошқа транспорт воситалари солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига тўрт фоиз ставка бўйича, жисмоний шахслар мол-мулкига эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган ставкалар бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон республикаси Солиқ кодексининг 92-93-моддаларида мулк солиғи бўйича юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар кўрсатилган бўлиб, бу имтиёзлар мол-мулк солиғидан озод этилиш, айрим турдаги мулк объектлари учун солиқдан озод этилиш ёки солиқ солинадиган объектлар доираси – солиқ базасини камайтириш тарзидаги енгилликлардан иборат бўлиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланаётган хусусий тадбиркор фуқаро даромад олган кейинги ойининг 5-санасигача, ҳисобот йили якунлангач, кейинги йилнинг 15 январигача ўз харажатлари ва даромадлари ҳақида белгиланган тартибда декларация тақдим этишлари шарт.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, муҳим давлат аҳамиятига эга бўлмаган, масалан, кўпроқ қум, шағал ва шунга ўхшаш ер устидаги манбалардан фойдаланувчи шахслар ҳам қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда ер усти манбаларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқлардан ташқари турли жамғармаларга тўланадиган бир қатор тўловлар борки, улар ҳам ўз белгиларига кўра солиқ тури ҳисобланади ва мажбурий равишда ундирилади. Бундай мажбурий тўловлар йўлдан фойдаланиш, пенсия, ижтимоий таъминот, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, экологияни сақлаш ва бошқа жамғармалардир.

Йўлдан фойдаланиш ҳисобига ўтказиладиган тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига биноан жорий этилган. Бу жамғарма:

корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар;

сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан олинган йиғимлар;

автотранспорт орқали даромадларнинг икки (2) фоизи ҳисобига йиғилган маблағлар;

«Ўзавтодор» концернига қарашли корхоналар мол-мулкини сотиб олишдан кедиб тушадиган маблағларнинг 50 фоизидан тушган йиғимлар;

«Ўзавтодор» концернига қарашли корхоналар оладиган фойдалардан ажратмалар;

чет эл автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритиш учун олинадиган йиғимлардан иборат.

Республика ва маҳаллий бюджетлардан, бошқа қонуний манбалардан тўланадиган ихтиёрий тўловлардан ташкил топади.

Барча корхона, муассаса, ташкилотлар, алоҳида баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган филиаллар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, чет эл юридик шахслари мазкур тўлов субъектларидир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат (қўшилган қиймат солиғи ва акциздан ташқари)лар объект ҳисобланади.

Йўлдан фойдаланиш жамғармасига тўланиши лозим бўлган маблағлар тўловчининг бевосита ўзи томонидан ҳисоблаб чиқилади ва йилнинг ҳар чораги суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлаб борилади. Бу жамғармага маблағларнинг ўтказилмаслиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Харид қилинган автотранспортдан уни сотиб олган автотранспорт қийматининг – енгил автомобиль учун беш фоиз, юк автомобили учун 10 фоиз миқдорида тўлов тўлаши лозим, тўлов амалга оширилмасдан транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилмайди.

Ногиронлар, умумий фойдаланиш автокорхоналари, йўл таъмирлаш корхоналари, 40 тоннадан ортиқ юкка мўлжалланган, конларда фойдаланиладиган автоағдармалар сотиб олаётган автокорхоналар бу тўловдан озод этилади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, бирлашма, ташкилотлар автотранспортдан тушадиган фойданинг икки фоизи миқдорида тўлов тўлайдилар. Бу тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Хорижий мамлакатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон республикаси ҳудудига киритиш учун ташрифнома ва божхона йиғимларидан ташқари валюта алмаштириш шоҳобчаларида ҳар бир автотранспорт воситаси учун 250 АҚШ доллари миқдорида йиғим олинади. Ушбу йиғимларни олиш масалалари «Чет эл транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилиши учун йиғимлар олиш тартиби»да белгилаб қўйилган.

Пул маблағларининг муайян қисми давлат хазинасига носолиқ тўловлар тарзида келиб тушади. Носолиқ тўловлар ҳам солиқлар ва бошқа йиғимлар сингари давлат олий ҳокимияти, маҳаллий идоралар томонидан ўрнатилади ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Носолиқ тўловлар солиқлардан фарқ қилиб, икки томонлама ҳуқуқ ва бурч келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни олиш мақсадида белгиланган тўловнинг амалга оширилиши бўйича барча шартлар бажарилгани тақдирда ваколатли давлат идораси томонидан ҳужжат-рухсатнома берилади. Лицензиялар бериш тартиби ва лицензия берувчи органлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган «Корхоналар (ташкилотлар)га фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия)лар бериш тартиби тўғрисида»ги низом билан белгиланган. Солиқ билан боғлиқ бўлмаган тўловлар мажбурий равишда тўланмайди. Бу тўловлар фақат маълум бир хизматга эҳтиёж мавжуд бўлганида тўланади. Бунга қуйидагилар киради:

ташқи иқтисодий ва бошқа фаолият туфайли божхона идораларига тўланадиган тўловлар;

суд ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилинганда тўланадиган давлат божи[1];

давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензия (рухсатнома) олиш, товарлар учун сертификатлар олиш пайтидаги тўловлар;

бозорлар, ярмаркалар ва бошқа савдо тармоқларидан фойдаланганлик учун олинадиган катта тўловлар, лотарея ўйинлари ўтказиш учун тўловлар ва б.

Хуллас тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқлар, мажбурий тўловлар, солиқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа тўловлар ҳам давлат даромадларининг муҳим қисмини ташкил этади ҳамда республикамиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида сарфланади.

---

[1] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 9-сон, 228-модда.

XII БОБ. ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИДА ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР

Тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга оширишда ўзгалар билан турли хилдаги шартномали муносабатларда бўлади.

Тадбиркорлик соҳасидаги шартномалар учга: 1) товар ишлаб чиқариш ва топшириш; 2) ишларни бажариш; 3) хизмат кўрсатишга бўлиш мумкин.

1-§. Товар ишлаб чиқариш ва топширишга оид шартномалар

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик тобора ривожланиб боради. Тадбиркорлар ўртасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Ушбу ижтимоий муносабатлар ичида маҳсулот тайёрлаш ва уни топшириш билан боғлиқ мулкий муносабатлар алоҳида ўрин тутади, бевосита хўжалик фаолияти орқали амалга оширилади ва товар-пул тавсифига эга бўлади. Уни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб маҳсулот тайёрлаш ва сотишга оид шартнома ҳисобланади. Бу шартнома ишларни бажаришга, хизмат кўрсатишга оид шартномалардан ўзининг баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилади. Товар ишлаб чиқаришга оид шартномаларнинг асосий фарқи шундаки, улар хўжалик юритиш фаолиятининг маҳсулот тайёрлаш ва сотиш соҳасида қўлланилади. Уларнинг яна бир ўзига хос томони – товар ишлаб чиқаришга оид шартномаларга асос бўлган мулк ёки маҳсулот шу мажбуриятларнинг объекти ҳисобланиб, у бир шахсдан иккинчи шахс тасарруфига ўтказилади.

Товар ишлаб чиқариш ва топширишга оид шартномалар гуруҳига маҳсулот тайёрлаш ва сотиш тўғрисидаги шартномалар, чунончи: олиш-сотиш; маҳсулот етказиб бериш; контрактация; улгуржи савдо; энергия ва газ етказиб бериш кабиларни киритиш мумкин. Мазкур шартномаларни бир гуруҳга бир-

лаштирилганлигининг сабаби улар маҳсулот (мулк)ни олувчи ёки сотувчи шахслар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга, ўзгартиришга ва бекор қилишга қаратилганлигидадир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг барчаси томонлар ўртасида маҳсулот (мулк) тайёрлаш ва сотиш борасидаги хўжалик муносабатларини тартибга солади.

Товар ишлаб чиқаришга ва топширишга оид шартномаларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг элементлари (субъектлари, объектлари, мазмуни)дан ҳам кўриш мумкин. Товар ишлаб чиқариш ва топширишга оид мажбуриятларнинг субъектлари сифатида икки томон иштирок этади. Биринчи томондан маҳсулот, товар ишлаб чиқарувчи ёки топширувчи тадбиркор щахс сотувчи бўлса, иккинчи томондан шартномага кўра келишилган маҳсулот (мулк)ни қабул қилувчи ва унга тегишли суммада ҳақ тўловчи щахс сотиб олувчи ҳисобланади.

Мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарнинг хўжалик фаолияти Ўзбекистон республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган корхоналар тўғрисидаги қонуни билан белгиланади. Қонуннинг 11-моддасига кўра, корхона ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга сотиш ҳамда топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул ёки қарзга беришга, шунингдек, агар Ўзбекистон республикасининг қонун ҳужжатларида ва корхона уставида ўзга ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳақлидирлар. Қонуннинг 21-моддасига асосан корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар билан хўжалик фаолиятининг маҳсулот тайёрлаш ва сотиш соҳасидаги муносабатлари шартнома негизида кўрилади.

Бундан кўриниб турибдики, корхона бошқа юридик шахслар ва фуқаролар билан шартнома асосида ўзига қарашли мол-мулкни сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага ёки қарзга бериш ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқларга эга бўлади.

Тадбиркорлик соҳасидаги товар ишлаб чиқаришга оид мажбурият субъектлари аксарият кичик корхоналар кўринишида бўлади. Кичик корхоналар турларини, уларнинг ҳуқуқий хусусиятларини ўрганишда кичик корхоналарни қандай мулк шакли асосида ташкил этилганлигига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки турли мулк шакллари асосида ташкил топган кичик

корхоналарнинг иқтисодий фаолият юритиши мулк шаклининг ривожланиш қонуниятлари, мақсадлари асосида ҳаракатда бўлади.

Бозор иқтисодиётини жорий этиш асосида кичик корхоналарни вужудга келтириш қуйидаги мулк шакллари асосида ташкил қилинади ва хўжалик фаолияти юритиши учун имкон яратади:

давлат мулк шакли асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

ширкат мулки шакли асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

ижара корхонаси мулки шаклида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

жамоа мулк шакли асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

қўшма корхоналар мулки асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

акциядорлик жамиятлари мулки шаклларида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

чет давлат мулки шаклида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

чет эл фуқаросининг мулки шаклида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

жамоа хўжаликлари мулки асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

халқ корпорацияси мулки шаклида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

аралаш мулк асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

хусусий мулк асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар;

фермер хўжалиги мулки асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар.

Давлатга алоқадорсиз халқаро жамғармалар ва нодавлат хўжалик объектларининг мулки асосида ташкил этиладиган кичик корхоналар.

Кичик корхоналар шартнома муносабатларида қатнашганда ёки қарз шартномаси воситасида қарзга пул маблағлари олганда ўз мулкини гаровга қўйиб олади. Баъзи

ҳолларда таъсисчиларнинг кафолатига мувофиқ ҳам қарз шартномаси асосида қарз олинганда таъсисчилар томонидан берилган кафолати иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий жиҳатдан Молия вазирлигининг амалдаги мажбурий тарздаги йўриқномалари ҳамда Марказий банк томонидан чиқарилган йўриқномалар воситасида кредит бераётган банк томонидан изчил ўрганилади ҳамда таъсисчининг берган кафолати юқоридаги талабларга жавоб берса, кичик корхонага кредитга пул маблағлари берилади.

Хусусий кичик корхоналарга қарз (кредит) берилганида эса шу мулкдорнинг мол-мулки кафолатга берилади ва у нотариал *гувоҳлантирилиши шарт.*

Мақсадли олинган кредит ўша мақсадга ишлатилиши шарт. Чунки бошқа мақсадларга ишлатилса, қарзга кредит олиш учун банкка тақдим этилган техник иқтисодий асосда кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва энг муҳими белгиланган дастурлар ва лойиҳаларнинг амалга ошмаслигига олиб келади ва дастурлаштирилган режа ўз вақтида бажарилмайди, натижада кичик корхона синишга ёки қонунларда мустаҳкамланган қоидаларга кўра, катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалик соҳаси моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи энг муҳим тармоқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш шу куннинг муҳим талаби, иқтисодий тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолди.

Ўтказилган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти, энг аввало, қишлоқ аҳолисида меҳнатга қизиқиш уйғотиш, йил давомида қилган меҳнати натижасидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, мулкка нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириб, уларда мулкдорлик ҳиссиётини тиклаш, ҳақиқий мулкдорлар гуруҳини шакллантиришдан иборат. Бу мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатларининг босқичма-босқич шаклланиб бориши билан хусусий мулкнинг ривожланиб боришига бевосита боғлиқ жараёндир. Ўзбекистон Республикасининг *1998 йил 30 апрелда* қабул қилган Деҳқон хўжалиги, Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунлари ана шу мақсадда тайёрланган ҳуқуқий ҳужжатлардир. Мазкур қонунларнинг ҳар бир моддасида қишлоқ жойларда туб

иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалигини ҳозирги давр қўяётган талаб даражасига кўтариш хусусидаги қоидалар белгиланган. Деҳқон (фермер) хўжалиги ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб турли хил шартномалар тузади.

Товар ишлаб чиқариш ва мулкларни топширишга оид шартномаларнинг субъектлари бўлган томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришлари шарт. Бу мажбуриятлар шартнома объекти билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади.

Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларнинг объекти маҳсулот (мулк) тайёрлаш ёки сотиш мажбуриятини бажариш учун қилинган ҳаракатлардан ва унинг натижасидан иборат. Масалан олди-сотди шартномаси бўйича мулкни топшириш, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича эса маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдир. Бу ишлар, хизматлардан фарқ қилиб, тайёр маҳсулот (мулк) ёки тайёрланиши керак бўлган маҳсулот, товар ишлаб чиқариш ва сотиш шартномасининг объекти ҳисобланади. Ушбу маҳсулот (мулк)ни тайёрлаш, олиш, сотиш хўжаликларнинг бевосита фаолиятлари бўлади.

Олди-сотди шартномасида сотиладиган маҳсулот (мулк) тайёр ҳолда бўлади ва шартноманинг тузилиши ва ижро этилиш вақти бир вақтга тўғри келади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида ва ушбу гуруҳ мажбуриятларига кирувчи барча хўжалик шартномалари (контрактация), энегия ва газ таъминоти)да мул (маҳсулот)нинг топширилиш вақти шартноманинг тузилиш вақтига тўғри келмайди, яъни маҳсулот тайёрланмаган бўлади. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ёки олди-сотди шартномаси орқали ташкилотлар бир-бирларига ишлаб чиқариш фаолияти ёки хўжалик зарурати учун керак бўлган қишлоқ хўжалик машиналари, майда асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ҳамда халқ истеъмолига оид товарларни сотадилар.

Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларда томонлар бир-бирига нисбатан муайян ҳуқуқ ва бурчга эга бўладилар. Шартномаларнинг асосий шартлари (бандлари, реквизитлари) мулкий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида томонларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларнинг мазмунини ташкил этади. Бундай шартларга маҳсулот (мулк)нинг номи, сифати, комплекти, ассор-

тименти ва бошқа шартлар киради. Биринчи томон (қарздор) мулкий тавсифдаги муайян ҳаракатни бажариш мажбуриятига, иккинчи томон (кредитор) ушбу мажбуриятни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларга икки томонлама шартномалар кирганлиги туфайли ҳар икки тарафнинг муайян ҳуқуқ ва бурчлари бўлади. Олди-сотди шартномасида сотувчининг бурчи ва ҳуқуқи сотилган мулкнинг шартномага мувофиқ олувчининг эгалигига ёки оператив равишда бошқариши яъни хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга топширилишдан ва унинг учун белгиланган ҳақни олишдан иборатдир. Олувчининг асосий ҳуқуқи ва бурчи сотилган ашёни қабул қилиши ва бунинг учун белгиланган баҳони тўлашдан, агар сотилган нарса шартнома шартларига мувофиқ топширилмаса, унинг ўзига топширилишини сотувчидан талаб қилишдан иборат бўлади[1].

Контрактация шартномасида қуйидаги мажбуриятлар кўрсатилади:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори (маҳсулотнинг турлари бўйича), сифати, уларни етказиб бериш муддатлари, тартиби ва шартлари ҳамда топшириш жойи;
- тайёрловчи ташкилотлар ва корхоналарнинг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш ва белгиланган баҳолар билан унинг ҳақини тўлаш юзасидан олган мажбурияти, шунингдек деҳқон; фермер ва ширкат хўжаликларига пул аванслар бериш муддатлари ва уларнинг миқдори;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда уларни қабул пунктларига ва корхоналарга ташишни ташкил қилишда хўжаликларга ёрдам кўрсатиш;
- тарафлар бурчларини бажармаганлиги ҳолда уларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

---

[1] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи, Т., "Адолат", 1999, 12-б.

2-§. Ишларни бажаришга оид шартномалар

Тадбиркорлик муносабатларида ишларни бажариш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини юритиш жараёнида намоён бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятида тузиладиган шартноманинг ушбу тури бошқа фаолиятлар (маҳсулот тайёрлаш ва сотиш, хизматлар кўрсатиш)дан асосан ўзининг тартибга солиниш асоси билан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, ишларни бажариш мажбуриятлари хўжаликлар ўртасидаги муносабатлардан вужудга келади ва ишларни бажаришга доир шартномалар воситасида тартибга солинади. Шартномалар ишларни бажариш муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий шакли бўлиб ҳисобланади.

Ишларни бажаришга доир мажбуриятларга бир қатор шартномалар, яъни: пудрат; қурилиш пудрати; илмий-текшириш ва конструкторлик ишларини бажариш; лойиҳалаш ва қидирув ишларини бажариш учун тузиладиган пудрат ва бошқа шартномалар киради.

Ишларни бажаришга доир мажбуриятларнинг субъектлари шу шартномаларда иштирок этадиган томонлар ҳисобланади. Субъектларнинг хўжалик фаолияти, яъни ишларни бажаришга доир мажбуриятлари уларнинг ўз Уставларида белгилаб қўйилади.

Пудрат шартномасида буюртмачи ва пудратчи сифатида қатнашувчи шахслар тадбиркор шахслар бўлиши мумкин. Шартномада буюртмачининг топшириғига биноан маълум бир ишни унинг ёки ўзининг материалидан бутун масъулиятини ўз зимасига олиб бажариш мажбуриятини олувчи шахс-пудратчи бўлса, иккинчи томондан, бажарилган ишни қабул қилиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олувчи шахс-буюртмачи ҳисобланади.

Бу шартномада қатнашувчи тарафлар ҳар икки томондан ҳам мулкчилик шакллари турли тадбиркор ташкилотлар ва фуқаролар бўлиши мумкин. Баъзи бир ташкилотлар бошқа ташкилотнинг буюртмасини бажариш учун махсус ваколатга эга. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ателье каби ташкилотларни ана шундай махсус ташкилотлар қаторига киритиш мумкин. Ўзбекистон республикасининг мулкни та-

сарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунига асосан маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирилиб, улар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бир қанча кичик корхоналарга айлантирилди. Мазкур кичик корхоналар ишларни бажариш бўйича бошқа ҳуқуқий шахслар билан пудрат шартномасини туза оладилар.

Қурилиш пудрати шартномасида пудратчи билан буюртмачи томонлар бўлиб ҳисобланадилар. Пудратчи сифатида тадбиркор қурилиш ташкилотлари иштирок этади.

Ишларни бажаришга доир мажбуриятларнинг объекти пудратчи ташкилотларнинг бевосита хўжалик фаолияти, яъни шартномада иштирок этувчи субъектлар – тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қаратилган ҳаракат ҳисобланади. Пудрат шартномасида пудратчи, яъни маиший хизмат кўрсатиш кичик корхоналари буюртмачи корхоналарнинг кийим-кечак, пойабзал маҳсулотларининг кичик партиясини ёки мебель, тери маҳсулотларини тайёрлаш учун берган буюртмаларини тайёрлаб беришга қаратиллган ишнинг натижаси бўлади.

Қурилиш пудрати шартномасида эса, турли қурилиш объектларини қуриш, шартноманинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Ишларни бажаришга доир мажбурият субъектларининг муайян ҳуқуқ ва бурчлари, шартноманинг бандлари, мажбуриятнинг мазмунини ташкил этади.

Пудрат шартномасида пудратчи ишни лозим даражада, сифатли қилиб белгиланган муддатда бажаришга мажбур. Ишнинг сифати шартнома шартларига, буюртмачининг топшириғига, шунингдек, стандартларга, техник шартларга ёки шундай ишлар учун одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Пудратчи ишни ўзи ташкил этиб, унга раҳбарлик қилиши лозим. У ҳамма ишларни бажаришга буюртмачи олдида жавобгар шахс ҳисобланиб, бош пудратчи сифатида айрим ишларни бажариши учун бошқа ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномасини тузиши мумкин. Буюртмачининг бурчи асосан пудратчи томонидан бажарилган ишни қабул қилиш ва бунинг учун ҳақ тўлашдан иборат бўлади.

3-§. Хизмат кўрсатишга доир шартномалар

Бундай мажбуриятлар хўжалик юритишнинг бозор иқтисоди шароитида тобора ривожланиб тадбиркорлар ўртасида хизмат кўрсатиш муносабати шаклида вужудга келадиган муносабатлардир. Хўжалик фаолиятининг ушбу тури бошқа фаолият турлари маҳсулот тайёрлаш ва тогшириш, ишларни бажаришдан ўзининг фақат хизмат кўрсатишга доир мажбуриятлар (шартномалар) орқали амалга оширилиши билан фарқ қилади. Хизмат кўрсатишга оид мажбуриятларга бир қанча шартномалар, чунончи: ссуда; комиссия; юк ташиш; ҳақ бараварига хизмат кўрсатиш каби шартномаларни киритиш мумкин.

Банк ссудаси шартномаси хизмат кўрсатишга оид шартномалар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу шартноманинг субъектлари бир томондан банк муассасаси ва иккинчи томондан қарз (кредит) олувчи мулкчилик шакллари турлича бўлган шахслар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон республикасининг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мамлакатимиздаги давлат ва тижорат банклари банк тизимини ташкил этади. Ҳар бир банкнинг функцияси уларнинг ўз уставлари билан белгиланади ва шу билан бирга тижорат банкларининг фаолияти уларга Марказий банк томонидан иқтисодий меъёрлар ўрнатиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш йўли билан тартибга солинади[1].

Банк хизмати бўйича пул маблағларини банкда сақлашга мажбур бўлган тадбиркорлар банк муассасалари билан ҳисоб-китоб шартномасини тузадилар. Ҳисоб-китоб шарномаси иштирокчилари бир томондан, банк ва иккинчи томондан, ҳўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган тадбиркорликлар бўлади.

Хизмат кўрсатишга оид мажбуриятлар ичида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган шартнома транспорт экспедициясидир. Бу шартноманинг субъектлари, бир томондан, хизмат кўрсатувчи транспорт корхонаси ва иккинчи томондан, транспрот хизматидан фойдаланувчи ҳар қандай ташкилот-

[1] *Қаранг*: М. Х. Рахманкулов. Роль и осущность гражданского правового договора в условиях рыночной экономики, Т., «Фан», 1994, 87-б.

лар (мижоз) бўладилар. Транспорт корхонаси-экспедитор деб, унинг **хизматидан** фойдаланувчи шахс-мижоз деб аталади. Шартномада экспедиторлар сифатида фақат транспорт экспедицияси ишларини бажариш ҳуқуқи устав ёки низомларда назарда тутилган ташкилотларгина иштирок эта олади.

Темир йўл орқали юк ташишда экспедиторлар, темир йўл уставига мувофиқ темир йўл корхоналари, транспорт экспедицияларини бажарувчи ташкилотларни барпо қила оладилар. Дунё транспортида бу вазифаларни ички сув транспорти уставида кўрсатилганидек, кемачиликнинг транспорт-экспедицияси идора ёки шаҳра агентликлари бажарадилар. Денгиз транспортида экспедиторларнинг вазифаларини денгиз порти тўғрисидаги низомга мувофиқ денгиз портлари амалга оширади. Автотранспортда ҳам экспедиция фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар тузилади.

Хизматлар кўрсатишга доир шартнома субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари маълум бир нарсага, яъни ҳаракатга қаратилган бўлади. Айнан ўша ҳаракат шартноманинг объекти ҳисобланади. Чунончи банк ссудаси шартномасида кредитор /банк/ ва қарздор ташкилотларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қарз беришга қаратилади. Банк ссудаси ташкилотларининг берган мажбуриятларига асосан уларнинг ихтиёридаги товар ва бошқа моддий қимматликларни гаровга қўйилиши билан таъминлаб берилади.

Транспорт корхонасининг ҳаракатлари транспорт экспедицияси шартномасининг объекти ҳисобланади. Бунда экспедитор бўлган транспорт ташкилоти иккинчи тараф харидор-мижоз учун юкни жўнатиш ва қабул қилиш мажбуриятини бажаради. Масалан, юк ташиш шарномасини тузади, шунингдек, муайян хизматларни, ишларни амалга оширади, чунончи ўз ишчи кучи билан юкларни транспортга жойлаштиради.

Хизмат кўрсатишга оид мажбуриятларнинг мазмуни томонларнинг шартномаларда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларидан иборат бўлади. Банк ссудаси шартномасида банк муассасасининг асосий мажбурияти /ҳўжаликларга муайян мақсадларни амалга оширишлари учун маълум муддатларга пул маблағларини белгиланган фоизлар ҳисобига бериш ва ссуда олган томон уни муддатида банк муассасасига қайтаришдан иборат бўлади.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича тарафларнинг мажбуриятлари экспедиция шартномасининг мазмунини ташкил қилади. Бу шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, юк топшириш ва қабул қилиш тартиби ва муддатлари, шунингдек хизмат ҳақининг миқдори транспорт устав (кодекслари ва ўрнитилган тартибда чиқарилган қоидалар, тарифлар намунавий шартномалар, улар бўлмаган тақдирда, тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Экспедиторларнинг мажбуриятлари асосан қуйидагича: биринчидан, юкни қабул қилгандан сўнг уни тўла-тўкис ҳолда жўнатиш станциясига етказиб беришга, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга, юк ташиш шартномаси тузиб, юкни ташиш учун топширишга, юкни транспортга жойлаштиришга) мажбур бўлади, иккинчидан, экспедитор юкни ташувчидан қабул қилишга, уни мижозга юк ташиш ҳужжатлари билан бирга тўла-тўкис етказиб беришга, топширишга мажбур, учинчидан, экспедитор юкларни ўраш ва маркировкалаш бўйича ўзига мажбуриятлар олиши мумкин. Юкларни топшириш, қабул қилиш тартиби ва муддатлари транспорт қоидалари, тарифлари ё наъмунавий шартномалар билан, улар бўлмаганда, ўзаро келишув бўйича белгиланади.

Ҳақ эвазига хизмат кўсатиш, воситачилик, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва шунга ўхшаш бошқа хизмат кўрсатишга қаратилган шартномаларда ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлади.

XIII БОБ. ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИДА ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

1-§. Олди-сотди шартномаси тушунчаси

Тадбиркорлар иштирокидаги олди-сотди шартномаси Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодексининг 386-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган. Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонунда қимматли қоғозлар ва волюта қимматликларининг олди-сотдисига доир махсус қоидалар белгиланган бўлмаса, уларни олиш=сотишга нисбатан ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Олди-сотди муносабатларига Ўзбекистон республикасининг фуқаролик кодексининг мажбуриятлар ҳақидаги умумий қоидалари билан бирга бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда белгиланган олди-сотди шартномаси тўғрисидаги моддалар тадбиқ этилади. Бундан ташқари республикамизнинг биржа ва биржалар фаолияти тўғрисидаги, корхоналар тўғрисидаги тадбиркорлик фаолияти эркинликнинг кафолатлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам қўлланилади. Лекин юқорида санаб ўтилган қонунлар бевосита савдо хизмати билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни тўлатўкис қамраб олмайди. Бу қонунлар савдо хизматига бир томонлама тадбиқ этилади, чунки уларда белгиланган қоидалар олди-сотди шартномасини бевосита тартибга солишга қаратилган эмас. Қонунларнинг номланишидан ҳам маълумки, бири биржа фаолияти, иккинчиси корхоналар, учинчиси эса тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга мувофиқлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалари ҳозирги бозор муносабат-

лари шароитидаги савдо хизматларига тўла-тўкис тадбиқ этилади.

Тадбиркорлар иштирокида тузиладиган олди-сотди шартномаси ўзига хос ҳуқуқий белгиларига эга. Улар қуйидагилардир:

1. Шартнома бўйича тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар шартноманинг барча муҳим шартлари тўғрисида ўзаро келишилган ва шартнома қонунда талаб этилган шаклда расмийлаштирилган вақтда вужудга келади.

2. Олди-сотди ҳақ бараварига тузилади. Бунда сотувчининг топширилган мулки қийматига яраша олувчи муайян миқдорда пул билан белгиланган ҳақ тўлайди.

3. Олди-сотди икки томонлама шартномалар гуруҳига киради. Тарафларда маълум ҳуқуқ ва шунга яраша бурч пайдо бўлади. Сотувчи ашёни топшириш ва бунинг учун ҳақ олиш ҳуқуқини олади. Олувчи эса ашёнинг ўзига топширилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олди-сотди ашёга нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи (мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи) бошқа шахсга ўтказишга қаратилган шартномадир. Мулк эгасининг ўз мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлари (мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тассаруф этиш ҳуқуқлари) олувчига ўтади. Тадбиркорлар иштирокида тузиладиган олди-сотди шартномаси савдо муносабатларининг хусусиятлари ва шаклига қараб қуйдаги турларга бўлинади:

а) чакана олди-сотди;

б) майда улгурчи олди-сотди;

в) ишлаб чиқаришга оид маҳсулотларни сотиш;

г) товарларни насияга сотиш.

Олди-сотди турларининг ҳар қайсиси алоҳида хусусиятларга эга. Уларнинг ўзига хос хусусиялари шартноманинг шаклига қараб ҳам ажратилади. Нақд пул бараварига тузиладиган ва тузиш вақтини ўзидаёқ ижро этиладиган олди-сотди шартномаси, умумий қоида бўйича суммасидан қатъи назар, оғзаки тузилиши мумкин. Бинобарин, бу савдо дўконларида, деҳқон бозорларида тузиладиган олди-сотди шартномалари сотилган ашёларнинг харидорларга дарҳол топширилгани ва шу ондаёқ ҳақ тўланган туфайли оғзаки тузилади.

Айрим турдаги олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади. Жумладан, шаҳарда ва шаҳарга ўхшаш тенглаштирилган манзилларда, уй-жойларни олди-сотди шартномаси, гарчи тарафлардан бири фуқаро бўлган тақдирда ҳам, нотариал гувоҳлантирилиши, туман ва шаҳарлардаги туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказилиши лозим. Қишлоқ жойларда бўлган уй-жойларни олиш-сотиш шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва халқ депутатлари қишлоқ кенгашида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уй-жойларни сотишнинг ушбу қоидасига риоя этмаслик ушбу шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Агар уй-жойга нисбатан олди-сотди шартномаси тузилиб, нотариал тартибда гувоҳлантирилган бўлса ҳам, ҳатто шаҳар ёки туман ҳокимлигида ёҳуд қишлоқ кенгаши рўйхатидан ўтказилмаган бўлса ва тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича нйзо келиб чиққан тақтирда шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди, Уй-жойни олди-сотди шартномаси қонун бўйича талаб қилинган шакилга риоя қилинмаганлиги сабабли ҳақиқий саналмаса, ҳар икки тараф шартнома бўйича олганларини бир-бирига қайтаришга мажбур бўладилар.

Тадбиркорлар иштирокидаги олди-сотди шартномаси доирасида чакана олиш-сотишнинг салмоғи жуда юқори туради. Мамлакатимизда бозор муносабатлари орқали чакана олди-сотдига ниҳоятда кенг йўл очилади. Чакана олди-сотди шартномаси нақт пул бараварига тузиладиган ва тузилиши билан ижро этиладиган бўлса, умумий қоида бўйича миқдоридан қатъий назар оғзаки тузилиши мумкин. Бинобарин, тадбиркор-ларнинг савдо дўконларида, бозорларда сотиладиган товарлари хусусида тузилган олди-сотди шартномалари сотилган ашёларнинг харидорларга дарҳол топширилганлиги ва шу ондаёқ ҳақ тўланганлиги туфайли оғзаки шакилда тузилади. Маълумки, олди-сотли шартномасини тузиш йўли билан тадбиркорлар харидорларга шахсий истеъмол нарсаларни, уй-рўзғор ашёлари, қулайлик туғдирадиган буюмларни, шунингдек қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар, механизмларни сотадилар. Ҳозирги пайтда тадбиркорлар томонидан сотиладиган товарларнинг сифатига ҳар томонлама алоҳида эътибор берилмоқда. Тадбиркорлар сотадиган товарлар олди-сотди шартномасига мос келадиган бўлиши лозим.

Олди-сотди шартномасида товарнинг сифати тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаганда, сотувчи сотиб олувчига белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт (Фуқаролик кодексининг 402-моддаси).

Сифатсиз мол сотилганда харидор молнинг алмаштириб берилишини ёки камчиликларнинг ҳақ олмай туриб бартараф этилишини ёхуд сотилган нарсаларнинг қайта қабул қилиниб, тўланган пулнинг ўзига қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган телевизор, радиоприёмник, соат, фотоаппарат, музлатгич ва бошқа баъзи моллар учун давлат стандартлари ёки техник шартлари билан фойдаланишнинг кафолатланган муддатлари белгиланиши мумкин. Бу муддатлар ашё сотилган кундан бошлаб белгиланади. Сотиб олувчи олинган ашёдан фойдаланишга халақит берадиган камчиликлар чиқиб қолгудек бўлса, бу тўғрида ўз талабини кафолат муддати мобайнида сотувчига билдира олади.

Сотувчи сотилган ашёнинг камчилиги шу ашёдан фойдаланиш ёки уни сақлаш қоидалари сотиб олувчи томонидан бузилганлиги натижасида келиб чиққанлигини исботлай олмаса, ушбу ашёнинг камчиликларини ҳақ олмай тузатишга ёки уни сифатли ашё билан алмаштириб беришга ёхуд уни қайтариб олиб тўланган суммани сотиб олувчига беришга мажбур.

Демак, тадбиркорлар томонидан тузиладиган олди-сотди шартномалари бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлашга қаратилган. Шу сабабли мамлакатимизда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, ташаббускорлик ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солишга, тайёрга айёрликни батамом тугатишга эътибор берилаяпти. Республикамизда мулк эгалари ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоя қилиш ишини таъминлаш ва мулкчиликнинг давлат, хусусий ҳамда бошқа барча шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топдиришга, шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналашувига барҳам беришга; иқтисодиётни ўта марказлаштир-маслик ҳамда якка ҳокимликка барҳам бериш, корхоналар ва ташкилотларнинг

мустақиллигини кенгайтириш, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишига, буйруқбозлик билан, ўз ҳукмини ўтказиб, ҳамма нарсани тўраларча белгилаб, чеклаб қўйиш каби ўзини оқламаган эски усулларни қатъиян тугатишга алоҳида диққатни қаратмоқда.

Бу республикамизда ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқаришда муҳим омил ҳисобланади.

«... Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси).

Ўз-ўзидан маълумки, бу қоида ҳозирги пайтда тадбиркорлик муносабатларининг ривожланишига ва янги мулкдорлар гуруҳининг шаклланишига муҳим замин яратади. Ваҳоланки тадбиркорлар билан тузиладиган олди-сотди шартномалари иқтисодий ислоҳотлар билан узвий боғлиқ. Бу эса товар айирбошлаш жараёнининг ривожланишини монополияга қарши курашни, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришни, меҳнатни рағбатлантириш механизмини яратишни тақозо этади. Бозор муносабатлари шароитида олди-сотди шартномаларининг ривожланиши аҳолини турли ашёлар билан таъминлашга, республикамизнинг иқтисодини янада юқори поғонага кўтаришга, сифат рақобатига, мол ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, ташаббускорликка, тадбиркорликка кенг йўл очиб беради.

2-§. Олди-сотди шартномасининг моҳияти ва шартнома иштирокчилари

Олди-сотди шартномасининг асоси (предмети) мулкдир. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган (ўзига хос белгилари бўлган) ашёлар, шунингдек жисмий аломатлари (сон, оғирлик, ўлчов) билан белгиланадиган ашёлар ҳамда қимматли қоғозлар мулк ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномасининг асоси (предмети) ишлаб чиқаришга тайинланган ашёлардир. Фуқаролар иштирокида тузиладиган олди-сотди шартномаларнинг асоси истеъмол буюмлари, уй-рўзғор

ашёлари ва бошқа воситалардир. Жамғарма банклар томонидан сотиладиган заём облигациялари, шунингдек республикамизда ўтказиладиган лотерея ўйинлари билетлари ҳам олди-сотди асоси (предмети) бўлади. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўрмонлар, пул билан баҳоланмайди. Шунингдек қонунда белгиланган давлат корхоналарининг айримлари ҳам фуқароларга сотилмайди, хусусийлаштирилмайди ва олди-сотди шартномасига асос бўлмайди. Дарҳақиқат фуқаролик муомаласидан чиқариладиган ҳар қандай мулк олди-сотди шартномасига асос (предмет) бўла олмайди. Маълумки мамлакатимиз, ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун хомашё, ёқилғи, ускуна ва технологиянинг айрим турларинигина эмас, балки ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, халқ истеъмоли молларининг айримларини четдан олиб келишга мажбурдир. Бунда ҳам тадбиркорларнинг иштироки муҳим ўрин тутади.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан - қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддаси). Бинобарин тадбиркорлар олди-сотди муносабатларида қатнашганда бошқа шахсларнинг ҳуқуқига зарар етказмаслиги керак.

Тадбиркорлар билан тузилган олди-сотди шартномасида фуқаролар ва тадбиркор юридик шахслар тарафлар, яъни ҳам олувчи, ҳам сотувчи бўлиб иштирок этишлари мумкин. Тадбиркорлар билан олди-сотди шартномасини тузиш йўли билан фуқаролар шахсий истеъмол нарсалари, уй-рўзғор ашёлари, қулайлик туғдирадиган бошқа буюмларни сотиб олишлари мумкин.

Тадбиркорлар олди-сотди шартномаси воситасида ўзларига қарашли мулк объектларини эркин тасарруф этиб, бошқа шахслар (фуқаролар, давлат, ташкилот)га ўтказа оладилар. Жумладан, деҳқон, фермерлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини давлат ёки матлубот кооперациясининг тайёрлаш пунктларига белгиланган нархлар бўйича топширишлари, бозорларда эркин сотишлари мумкин.

Республикадаги савдо биржалари, хусусий савдо корхоналари эгалари, чет эл савдо ташкилотлари билан ташқи савдога оид олди-сотди шартномаларини тузишда иштирок этадилар. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар тўла муомала лаёқатига эга бўлиши лозим.

«Ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомий органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади (Фуқаролик кодексининг 28-моддаси).

3-§. Олди-сотди шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари

Тадбиркорлар билан тузилган олди-сотди шартномаси икки томонлама бўлганлиги сабабли ҳар икки тарафнинг муайян ҳуқуқ ва бурчлари бўлади. Хусусан сотувчининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари сотилган мулкнинг шартномага мувофиқ олувчининг эгалигига топшириш ва унинг баҳоси, ҳақини (ФКнинг 388-, 399- ва 393-моддалари) олишдан иборат. Олувчининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари сотилган ашёни қабул қилиш ва келишилган баҳони тўлашдан, агар сотилган нарса шартнома шартларига мувофиқ равишда топширилмаса, унинг ўзига топширилишини сотувчидан талаб қилишдан иборат бўлади. Олди-сотди шартномасини ижро этиш юзасидан қилинадиган ҳаракатлар, яъни шартнома нарсалари, топширилиш ва олиниши, агар қонунда шартнома ёки ўзаро олинган мажбурият мазмунидан бошқача ҳол англашилмаса, бир вақтнинг ўзида ижро этилиши керак. Сотувчининг юқорида кўрсатилган асосий бурчлари билан бир қаторда яна баъзи қўшимча мажбуриятлари ҳам бор. Сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахснинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши шарт, сотиб олувчи учинчи шахснинг ҳуқуқи бўлган товарни

қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно. Бу қоидани бажармаслик сотиб олувчига харид нархини камайтиришни ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради, сотиб олувчи бу товарга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билгани ёки билиши лозим бўлгани исботланадиган ҳоллар бундан мустасно.

Сотилган товарга эгалик ҳуқуқининг келиб чиқишини белгилаш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 390-моддасида сотувчининг товар топшириш мажбуриятини бажариш пайти кўрсатилган. Бу моддада белгиланишича «Башарти, олди-сотди шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси:

агар шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайтида;

агар товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида юзага чиқади.

Шартномада назарда тутилган муддатда товар тегишли ерда сотиб олувчига топшириш учун тайёр бўлган ва сотиб олувчи шартнома шартларига мувофиқ товар топширишга тайёр эканлигидан хабардор қилинган вақтда товар сотиб олувчи ихтиёрига топширилган деб ҳисобланади. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўл билан тасдиқланган бўлмаса, товар топшириш учун тайёр деб ҳисобланмайди.

Олди-сотди шартномасидан сотувчининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш ёки товарни турган ерида сотиб олувчига топшириш мажбурияти келиб чиқмайдиган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига ёки алоқа ташкилотига топшириш пайтида сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

Олди-сотди шартномаси бўйича мулк олувчида эгалик ҳуқуқининг пайдо бўлиши тўғрисидаги масала билан товар-

нинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфининг ўтишини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. «Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчи товарни сотиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса йўлда бўлган пайтида сотилган товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи шартнома тузилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Олди-сотди шартномасининг товар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи у биринчи ташувчига топширилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақидаги шарти, агар шартнома тузилган пайтда сотувчи товар йўқолгани ёки шикастланганини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса ва бу ҳақда сотиб олувчига маълум қилмаган бўлса, сотиб олувчи талабига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФКнинг 392-моддаси).

4-§. Олди-сотди шартномаси шартларининг бузилганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Маълумки, шартнома иштирокчилари ўз бурчларини бажармаса, унга нисбатан қонунда белгиланганидек жавобгарлик қўлланилади. Бозор муносабатлари шароитида сотилаётган ашёнинг сифатига алоҳида жавобгарлик белгиланган. «Сотувчи сотиб олувчига сифати олди-сотди шартномасига мос келадиган товарни топшириши шарт.

Олди-сотди шартномасида товарнинг сифати тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаганда, сотувчи сотиб олувчига белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

Агар сотиб олувчи шартнома тузиш пайтида сотувчига товарни қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олаётганини хабар қилган бўлса, сотувчи сотиб олувчига ушбу мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

Товар намунаси бўйича ва (ёки) таърифи бўйича сотилганда сотувчи сотиб олувчига намуна ва (ёки) таърифга мос келадиган товарни топшириши шарт.

Агар қонунда белгиланган тартибга мувофиқ сотилаётган товар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига ушбу мажбурий талабларга жавоб берадиган товарни топшириши шарт...» (ФКнинг 402-моддаси).

Товарнинг сифатига нисбатан кафолат муддати ҳам белгиланади. Кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Шу муддат давомида товарнинг камчиликлари аниқланса бу камчилик текинга тузатиб берилади. «Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганда, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу марка (модел, артикул)даги сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишлича қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа марка (модел, артикул)даги сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб даражада камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга»... (ФКнинг 434-моддаси).

«Сотиб олувчи ўзига, озиқ-овқат маҳсулоти бўлмаган товар топширилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида, агар бундан узоқроқ муддат сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ёки сотувчи эълон қилган бошқа жойларда ўлчами, шакли, ҳажми, андозаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштиришга ҳақли, бунда у нархларда фарқ бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга оширади...» (ФКнинг 433-моддаси).

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасининг бутлик тўғрисидаги шартларига мувофиқ бўлган товарни топшириши шарт.

Бут бўлмаган товар топширилган тақдирда, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра сотувчидан:

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар сотувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилишга;

олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли...» (ФКнинг 411-413-моддалари).

«Сотувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарларни шартномага мос келмайдиган ассортиментда топширган тақдирда сотиб олувчи уларни қабул қилишдан ва ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю, уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли...» (ФКнинг 401-моддаси). Сотиб олувчи сотилган товардаги камчиликлар мақбул муддатда, бироқ товар, сотиб олувчига топширилган кундан бошлаб икки йил давомида аниқлангандагина талаб қўйишга ҳақли. Товарнинг кафолат муддати ёки яроқлилик муддати белгиланган бўлса, аниқланган камчиликлар ана шу муддат давомида сотувчига билдирилади. Бундан ташқари сотувчи товарни ўраш ва идишга солиб топшириши шарт. Шартноманинг ана шу шартлари бузилганда ҳам сотувчи қонунда белгиланганидек жавобгар бўлади.

XIV БОБ. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг моҳияти

Маҳсулот етказиб бериш тадбиркорлар иштирокида тузиладиган шартномалардан бири бўлиб, бозор иқтисоди шароитида унинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бу шартноманинг таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-моддасида берилган. Унда белгиланишича «Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 437-моддаси).

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси икки томонлама ҳақ бараварига тузиладиган, консенсуал шартномалар жумласига киради. Бу шартноманинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Маълумки, маҳсулот етказиб бериш шартномаси турли хилдаги мулк шаклларидан қатъи назар тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган субъектлар билан сотиб олувчи ташкилотлар ўртасида тузилади. Бундай ҳолда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи маҳсулот етказиб берувчидан маҳсулот олувчига ўтади. Агар шартнома давлат ташкилотлари ўртасида тузилса мулкка эгалик

ҳуқуқи етказиб берувчидан маҳсулотни олувчига ўтса-да, мулкдор яъни мулк эгаси ўзгармайди, мулк давлат мулки бўлиб қолади.

Гарчи давлат корхоналарига шартнома тузиш эркинлиги берилган бўлса-да, унинг режали характери маълум даражада сақланиб қолган. Давлат корхоналарига мустақилликнинг берилиши маҳсулот етказиб беришнинг мутлақо режасиз иш кўрилиши дегани эмас, албатта[1].

Мазкур шартнома бўйича маҳсулот давлат корхонасидан нодавлат корхонасига етказиб берилганида, мулкка эгалик ҳуқуқи давлатга алоқадорсиз корхонага ўтиб, мулк хусусий мулкка айланади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг иштирокчилари давлат корхоналари, хусусий корхоналар, кооператив ва жамоат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Маълумки, шартномада кўрсатилган маҳсулотлар кўпинча келгусида шартномада белгиланган муддатларда тайёрланиши ёки етказиб берилиши лозим бўлган маҳсулотлар бўлади. Шартнома тузувчилар ўртасидаги бир мунча вақт давом этадиган муносабатлардир. Шунга кўра шартнома бир йилга ёки ундан кўпроқ муддатга тузилиши мумкин.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси халқ хўжалигини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва халқ истеъмолига оид товарларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш юзасидан тузиладиган шартномалардан бири ҳисобланади[2].

Ушбу шартнома воситасида тадбиркорларнинг хом ашёга, материалларга, буюмларга, товарларга бўлган эҳтиёжлари таъминланади. У маҳсулот айирбошлаш вазифасини ҳам бажаради.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузиш воситасида ўз фаолиятлари учун зарур бўлган хом ашё, ускуналар, материал-

---

[1] *Қаранг*: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1997 йил 24 мартда №001 тартиб рақами билан қайд этилган намунавий шартнома. «Банковские ведомости», 44-сон, 1997.

[2] *Қаранг*: Сайфуллаев Ф. Ўзбекистоннинг гражданлик ҳуқуқи, 2-қисм, Т., «Ўқитувчи», 1988, 20-б.

лар, улгуржи ва чакана равишда сотиш учун товар олсалар, иккинчи тараф эса ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш йўли билан сотадилар.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси чекана олди-сотди шартномасидан ўз хусусияти билан фарқ қилади.

Биринчидан, чакана олди-сотди шартномаси фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида тузилса, мазкур шартнома фақат корхона, ташкилот ёки тадбиркор шахслар ўртасида тузилади.

Иккинчидан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси маълум даражада режали тавсифга эга. Олди-сотди муносабатларини тартибга солувчи режали ҳужжатлар тарафларни шартнома тузишга мажбур қилмайди, балки фақат муайян товарлар ҳаракатини, масалан, чакана савдони амалга ошириш юзасидан топшириқларни белгилайди.

Учинчидан, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг тузилиши ва ижро этилиши бир вақтга тўғри келмайди, чакана олди-сотди шартномасида эса шартномани тузиш ва уни ижро этиш бир вақтнинг ўзида бажарилади.

Тўртинчидан, олди-сотди шартномасида товар тайёр ҳолда бўлса, маҳсулот етказиб бериш шартномасида маҳсулот келгусида тайёрланиши лозим бўлади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси кенг тарқалган ҳўжалик шартномаларидан бири бўлиб, халқ хўжалигини моддий-техника билан, аҳолини кенг истеъмол товарлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳеч қайси саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, савдо корхоналари бошқа ташкилотлар билан маҳсулот етказиб бериш шартномаси орқали амалий иш муносабатларида бўлмай туриб, ўзига юклатилган хўжалик вазифаларини бажара олмайди.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси давлат буюртмасини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. У давлат буюртмаси асосида маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилишини тезлаштиради, маҳсулот етказиб бериш ва қабул қилиш жараёнида тарафлар ўртасида бўладиган муносабатларни

аниқлаштиради, мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлайди[1].

Корхона ва ташкилотлар шартномани тузишда, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш юзасидан айрим масалаларни ҳал қилишда маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги қоидаларга амал қиладилар.

Бошқарувнинг иқтисодий услубларига ўтилаётган ҳозирги пайтда маҳсулотлар етказиб бериш бўйича хўжалик алоқаларининг икки шакли мавжуд. Биринчиси – ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдоси ва товарларни эркин сотиш, иккинчиси – маҳсулот ва товарларни етказиб бериш давлат буюртмаларидан иборат.

2-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг иштирокчилари

Шартнома тузишда бевосита иштирок этувчи, ўзига шартнома бўйича мажбурият олувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш шартномасининг қатнашчилари ҳисобланади.

Улар маҳсулот етказиб берувчи ва харидор тадбиркорлардир. Давлат корхонаси, хусусий корхона, фирма ва товар ишлаб чиқарувчи бошқа корхона, улгуржи савдо ташкилотлари маҳсулот етказиб берувчи тадбиркор сифатида иштирок этишлари мумкин. Агар етказиб бериладиган маҳсулот фақат жиҳоз бўлса, харидор буюртмачи деб юритилади. Бирлашма, халқ хўжалигининг барча соҳасидаги корхоналар, хусусий корхоналар, ишлаб чиқариш таъминоти, турли кооперативлар ва улгуржи савдо ташкилотлари харидор (буюртмачи) сифатида иштирок этадилар.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида кўпчилик бўлиб иштирок этувчи шахслар маҳсулот берувчи ташкилот ёки харидор ташкилот томонида, унга бўйсунувчи бирлашма пайчи, шерик ташкилот сифатида иштирок этиши мумкин. Масалан, маҳсулот етказиб берувчи ва харидор бирлашма томонидан унинг таркибига кирувчи мустақил юридик шахс-корхона, ёки

[1] *Қаранг:* Ф. Сайфуллаев. Ўзбекистон Республикасининг гражданлик ҳуқуқи, II-қисм. Т., «Ўқитувчи», 1988, 21-б.

фирмалар ва савдо бўйича давлат акциядорлик уюшмаси[1] бўлимлари иштирок этиши мумкин.

Айниқса ҳозирги бозор иқтисодий муносабатларининг тобора чуқурлашиб бориши маҳсулот етказиб бериш шартномаси иштирокчиларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Шу сабабли мамлакатимизда ишбилармонликни, хусусий ташаббусни ривожлантириш юзасидан сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги идораларни қайта тузиш ҳамда корхоналар, бирлашмалар ва концернларнинг янги шаклларини вужудга келтириш жараёни давом этмоқда. Масалан, савдо вазирлиги ўрнига «Ўзбексавдо» уюшмаси, енгил саноат вазирлиги ўрнига «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ташкил этилди.

Ёқилғи саноати, металлургия, кимё, машинасозлик, маҳаллий саноат тармоқларида, дон маҳсулотлари тизимида давлат концернлари ташкил этилди.

Унинг асосий вазифаси ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида тижорат-хўжалик алоқаларини амалга оширишдан, хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишдан, мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъи назар барча истеъмолчиларнинг моддий ресурсларни эркин харид қилиши ва сотишини ташкил этишдан иборат.

Юқорида тилга олинган субъектлар маҳсулот етказиб бериш шартномасининг қатнашчилари ҳисобланади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида томонлар ўртасида тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномаси бу соҳадаги асосий ҳужжат бўлиб қолади ва у шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини ҳар томонлама кенгайтиради.

3-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмуни

Шартноманинг асосий шартлари (бандлари, реквизитлари) ва тарафларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмунини ташкил этади. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг номи, миқдори, сифати, комплекти,

[1] Собиқ давлат таъминоти бошқармаси шартномалар ва савдо бўйича давлат акциядорлик уюшмасига айлантирилган.

ассортименти, идиши (тараси) етказиб берилиш муддати тўғрисидаги ва бошқа баъзи шартлар шундай шартлар жумласига киради.

Етказиб бериладиган маҳсулотнинг миқдори шартнома билан ёки харидорнинг буюртмаси билан белгиланади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг асосий шартларидан бири маҳсулотни етказиб бериш муддатидир. Шартномада маҳсулот етказиб бериш вақтлари билан бирга товарларни етказиш жадвали (ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳ.к.) белгиланиши мумкин.

Маҳсулот муддатидан олдин ҳам етказиб бериладиган бўлса, албатта харидорнинг розилиги бўлиши лозим.

Маҳсулотни муддатидан олдин етказиб берилганида уни олувчи қабул қилган бўлса, у кейинги даврда етказилиши лозим бўлган товарлар ҳисобига киритилади. Етказиб бериш муддати ўтказиб юборилганида, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчини огоҳлантириб, уни қабул қилишдан бош тортишга ҳақли. Сотиб олувчининг огоҳлантириш хатини олмасдан илгари маҳсулот етказиб берувчи томонидан жўнатилган маҳсулотни сотиб олувчи қабул қилишга ва унинг ҳақини тўлашга мажбур. Агар шартномада бошқача ҳолатлар кўрсатилмаган бўлса, харидор маҳсулот етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, кечиктириб етказиб берилган маҳсулотни қабул қилишдан бош тортиши мумкин (ФКнинг 444-моддаси).

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмунини ташкил этувчи шартлардан бири, маҳсулотни етказиб бериш тартибидир. Мазкур тартибда маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни шартнома бўйича сотиб олувчига ёки шартномада олувчи сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш йўли билан амалга оширилади.

Шартномада сотиб олувчининг бошқа харидорларга жўнатиш хусусида кўрсатма бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) назарда тутилган бўлса, товар етказиб берувчи томонидан жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатилади.

Жўнатиш разнарядкасининг мазмуни ва уни сотиб олувчи томонидан маҳсулот етказиб берувчига юбориш муддати шартномада белгиланади. Агар жўнатиш разнарядкаси юбо-

риш муддати шартномада назарда тутилган бўлса у етказиб берувчига етказиб бериш даври бошланишидан кечи билан ўттиз кун олдин юборилиши лозим.

Сотиб олувчининг белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслиги етказиб берувчига ёки шартномани бажаришдан воз кечиш ё сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари етказиб берувчи жўнатиш разнарядкаси тақдим қилмаслиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Маҳсулот шартномада назарда тутилган турда етказиб берилиши лозим. Маҳсулотнинг муайян турига кирадиган бирон қисмини шартномада назарда тутилганидан кўпроқ миқдорда етказиб берилиши шу турга кирувчи бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини қоплашда ҳисобга олинмайди, бундай етказиш сотиб олувчининг олдиндан берилган ёзма розилиги билан амалга оширилган ҳоллардан ташқари, ўрни қопланиши лозим.

Агар шартномада товарларни сотиб олувчига етказиб берувчи жойлашган ерда топшириш (танлаб олиш) назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи унга топшириладиган товарларни кўздан кечириши шарт. Товарларнинг шартномага номувофиқлиги аниқланганда, уларни олишдан у бош тортишга ҳақли.

Сотиб олувчининг товарларни шартномада белгиланган муддатларда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларни тайёрлиги тўғрисида етказиб берувчининг билдириш хатини олганидан сўнг мақбул муддатда танлаб олмаслиги етказиб берувчига шартномани бажаришдан воз кечиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Сотиб олувчи етказиладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклларига амал қилган ҳолда тўлайди. Агар томонлар тузган битимда ҳисоб-китоб тартиби ва шакли белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқлари билан амалга оширилади.

Агар шартномада товарларни алоҳида қисмларда етказиб бериш назарда тутилган бўлса, товарлар ҳақи сотиб олувчи томонидан сўнгги қисми олингандан (танлаб олингандан) кейин

тўланади. Шартномада бошқача тартиб назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шартномада товарларнинг ҳақи олувчи (тўловчи) томонидан тўланиши назарда тутилган бўлса, олувчи (тўловчи) эса ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортса ёки товарлар ҳақи шартномада белгиланган муддатда тўланмаса, етказиб берувчи сотиб олувчидан етказилган товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажармаганлик учун жавобгарлик

Бозор муносабатлари тадбиркорларга маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича катта масъулият юклайди. Ўз масъулиятини бажармаган тараф шартномага мувофиқ жавобгар бўлади. Томонларнинг жавобгарлиги тузилган шартнома бўйича яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 453-моддасида белгиланишича, етказиб берувчи товарларни шартномада назарда тутилган миқдорда етказиб бермаса ёхуд сотиб олувчининг сифатсиз товарларни алмаштириш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини белгиланган муддатда бажармаса, сотиб олувчи етказиб берилмаган товарларни бошқа шахслардан сотиб олиш ва бу билан боғлиқ барча харажатларни етказиб берувчи зиммасига юклаш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчи сифатсиз ва бут бўлмаган товарлар ҳақини тўлаган бўлса, товарлар камчилиги бартараф этилгунга ва улар бутлангунгача ёки алмаштирилгунча тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товарлар олувчига тегишли даражада сифатга эга бўлган ҳолда етказиб берилиши керак. Тегишли даражада сифатга эга бўлмаган товарлар етказиб берилганида сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига товарни алмаштириш, харид нархини камайтириш ва сифатсиз товарни қайтаришда баҳолардаги фарқни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Сифатсиз товарни худди шундай, бироқ ўлчами, андозаси, нави бошқача бўлган зарур сифатли товарга алмаштириш чоғида, алмаштирилаётган товарни алмаштирилаётган пайтидаги баҳоси билан сифатсиз товар ўрнига берилаётган товар баҳоси ўртасидаги фарқ

қопланиши мумкин. Етказиб берилган товарнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олган маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол алмаштирилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзига етказиб берилган товарларни чакана савдо асосида сотадиган тадбиркор, агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, истеъмолчи томонидан қайтарилган тегишли даражада сифатли товарни етарли муддат ичида алмаштиришни талаб қилишга ҳақли.

Товарлар тарафлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бут ҳолда етказиб берилиши керак. Агар маҳсулот етказиб берувчи бут бўлмаган товарлар етказиб берганда Фуқаролик кодексининг 452-моддасида белгиланган оқибатлар келиб чиқади. Бинобарин ушбу қонунда белгиланишича, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари, қонун ҳужжатларининг талаблари ёки товарларнинг бут бўлишига қўйиладиган одатдаги талабларни бузган ҳолда товар етказиб берилганида сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига товарнинг баҳосини тегишлича камайтириш ёки маълум бир муддатда камчиликларни тугатиш, бут қилиб бериш каби талабни қўйишга ҳақли бўлади.

Белгиланган муддатда маҳсулот етказиб берувчи товарни бут қилиб бермаса, сотиб олувчи бут бўлмаган товарни бут бўлганига алмаштириб беришни ёки шартномани бекор қилишни ва аввалдан тўланган товар қийматини қайтариб беришни ва бунинг натижасида етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Маҳсулот етказиб берувчи берилган товарларнинг бут эмаслиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олганидан кейин товарларни дарҳол бутлаган ёки уларни бут товарлар билан алмаштирилган ҳоллар бундан мустасно.

Маҳсулот етказиб берувчи товарларни шартномада белгиланган миқдорда етказиб бериши керак. Агар маҳсулот етказиб берувчи товарларни шартномада назарда тутилган миқдорда етказиб бермаган бўлса ёхуд сотиб олувчининг тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни алмаштириш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини белгиланган муддатда бажармаса, сотиб олувчи етказиб берилмаган товарни бошқа

маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчилардан олиши мумкин. Бундай ҳолда шу товарларни олиш билан боғлиқ барча харажатларни шартнома шартларини бузган биринчи тараф зиммасига юклаш ҳуқуқига эга бўлади.

Маҳсулот етказиб берувчи товарларни тўлиқ етказиб бермаган ёки сотиб олувчининг товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни буглаш тўғрисидаги талабларини бажармаган ҳолларда сотиб олувчининг бошқа шахслардан товар олишга қилган харажатларини ундириб олишда Фуқаролик кодексининг 456-моддаси биринчи қисмида белгиланган қоидага мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади. Бу қоидада белгиланишича, «Агар сотувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотиб олувчи шартномада назарда тутилган товар ўрнига бошқа шахсдан бирмунча юқори, аммо оқилона баҳода товар сотиб олса, сотиб олувчи сотувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни *қоплашни талаб қилиши мумкин...*»

Шунингдек, маҳсулот қабул қилиб олувчи (сотиб олувчи) томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин мақбул муддат ичида сотувчи товарни бошқа шахсга шартномада назарда тутилганидан бирмунча пастроқ, бироқ мақбул баҳода сотган бўлса, сотувчи сотиб олувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар сотувчи, шунингдек, сотиб олувчи томонидан шартнома бўйича олинган мажбуриятлар юқорида кўрсатилганидек бузилганида, унинг ўрнига бошқа шартнома тузилмаса сотилмай қолган товарнинг жорий баҳоси бўлганида шу жорий баҳо шартнома бекор қилинган пайтдаги баҳодан паст бўлса, бу фарқни зарар сифатида қоплаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин.

Товар топширилиши лозим бўлган жойда одатда ўхшаш шароитларда бир хил товар учун ундириладиган баҳо жорий баҳо деб эътироф этилади. Агар бу жойда жорий баҳо мавжуд бўлмаса, товарни ташиш харажатларидаги фарқни ҳисобга

олган ҳолда бошқа жойдаги унинг ўрнини боса оладиган оқилона жорий баҳодан фойдаланиш мумкин бўлади.

Маҳсулот етказиб берилмагани ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун, қонунда ёки шартномада белгиланган неустойка ундирилади.

Маҳсулот етказиб беришдан бир томонлама бош тортишга ҳам қонун бўйича йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 455-моддасида белгиланганидек «Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Маҳсулот етказиб берувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

Тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш: Товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш кабилар шартномани жиддий бузишдир.

Товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиш, товарларни бир неча бор олиб келмаслик ҳоллари, сотиб олувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши ҳисобланади.

Тарафларнинг келишуви билан маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки уни бир томонлама ўзгартиришнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган ёки тарафлар келишувида белгиланмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисидаги билдириш хатини олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

XV БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СОТИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномалари тушунчасининг моҳияти

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи тадбиркорлар билан шу маҳсулотларни харид қилувчи-истеъмолчилар ўртасида тузилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик ва бу маҳсулотларни қабул қилиб олувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ қишлоқ меҳнаткашлари меҳнат интизоми қоидаларини ҳурмат қилгани ҳолда меҳнатга онгли муносабат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва топшириш муносабатларининг ҳозирги тараққиётига эътибор берсак, бу соҳанинг қанчалик ўзгарганини кўрамиз. Бу ўзгариш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, якка ҳокимликка қарши кураш тадбирларини амалга ошириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш, бозор иқтисодий муносабатларини босқичма-босқич шакллантириб бориш билан узвий боғлиқдир.

Бозор муносабатларини шакллантириш қишлоқ хўжалигида ҳам туб иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал қилмай туриб, - деган эди Президентимиз И. А. Каримов, - тўла маънодаги иқтисодий ислоҳотларимизни дадил давом эттириш мумкин эмас... Буни аввалам бор, далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фермер, деҳқон ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилиши лозим»[1]. Ана шундагина ўтказилаётган

[1] Каримов И. А. Барқарор тараққиётга эришиш – устувор вазифа, «Ишонч», 1998 йил 26 февраль.

иқтисодий ислоҳотларимиз ҳар томонлама чуқурлашади. Бу эса қишлоқ аҳлининг моддий ва маиший фаровонлиги ошиб боришига, ўзлари етиштираётган маҳсулотларни шартнома асосида сотишдан манфаатдор бўлишга олиб келади. Маълумки, жамоа хўжалиги, фермер-деҳқон хўжалиги ижара хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган давлат буюртмасини бажариш, шунингдек давлат буюртмасидан ортиқ маҳсулотларни тайёрловчиларга амалдаги қонунларга биноан шартнома тузиш йўли билан топширадилар ёки деҳқон бозорлари орқали харидорларга сотадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва топширишнинг мақсади ва моҳияти фуқароларни шу маҳсулотларга, саноат корхоналарининг хомашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг янада ривожланиши учун зарурий имкониятлар яратишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш юқорида айтиб ўтилганидек маҳсулотларни етиштирувчилар билан истеъмолчилар ўртасида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Тарафлар ўртасида тузиладиган шартномалардан бири контрактация шартномасидир. Контрактация шартномасининг таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 564-моддасида ифода этилган. Унда таърифланишича, «Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади...»

Шу билан биргаликда ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилишича контрактация шартномасига оид муносабатларга давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контракти тўғрисидаги қоидалар ҳам қўлланилади.

Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, давлат контракти тўғрисидаги қоидалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришнинг айрим турлари, масалан, пахта, ғалла, қоракўл териси, пилла ва шунга ўхшаш турдаги маҳсулотларни етказиб беришга нисбатан қўлланилади. Бу турдаги маҳсулотлар қанча

миқдорда етиштирилса ҳам давлат эҳтиёжи учун шартнома тузиб топширилиши керак. Давлат эҳтиёжлари деб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари тушунилади (ФКнинг 457-моддаси).

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 458-моддасида берилган. Бу қонунда белгиланишича, «Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти бўйича (бундан буён матнда давлат контракти деб юритилади) маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат буюртмачисига ёки унинг кўрматмасига биноан маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашилган муддатда товарлар етказиб беришни, давлат буюртмачиси эса, етказиб берилган товарлар ҳақи белгиланган муддатда тўланишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган давлат буюртмаси товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти тузиш асосида етказиб берилади. Аммо баъзи бир турдаги маҳсулотларга бўлган давлат буюртмаси бажарилганидан сўнг ортиб қолган маҳсулот шу хўжаликнинг ўз ихтиёрига қолдирилади. Хўжалик эса бу маҳсулотни ўз хоҳишлари билан тайёрловчи ташкилотларга контрактация шартномаси тузиб топширишлари мумкин.

Агар улар ўзларининг тасарруфида қолган маҳсулотни контрактация шартномаси тузмасдан, тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотадиган бўлса, улар харидорлар билан олди-сотди шартномаси асосида ҳуқуқий муносабатда бўладилар. Бу муносабат олиш-сотиш шартномаси билан ҳуқуқий расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 386-моддасида олди-сотди шартномасининг тушунчаси берилган. Бу қонунда белгиланишича, «Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади...» Олди-сотди шартномасига берилган ана шу тушунчадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчилар

бўлиб шу маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликлар, воситачи тадбиркорлар ва харид қилувчилар бўлиб, шу маҳсулотларни сотиб олувчилар, яъни харидор фуқаролар ҳамда хомашёни қайта ишловчи корхоналар ва бошқа истеъмолчилар ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш етиштириладиган маҳсулотларга олдиндан ҳақ тўлаб қўйиш йўли билан тузиладиган (фьючерс) шартномаси асосида ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Фьючерс шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий асослари «Биржа ва биржалар фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосини, фьючерс асосидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан белгилаб берилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномаларининг қолган шаклларига нисбатан фьючерс шартномаси бирмунча афзалликларга эга. Унинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: Фьючерс шартномаси тузилган пайтида белгиланган нарх бўйича товарлар олди-сотдиси ва операцияларни муайян вақт оралиғида бажарилишини ифодаловчи муддатли шартнома ҳисобланади. Бу шартнома хўжаликлар ихтиёрида қоладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун бир йилдан кўп бўлмаган муддатга биржаларда ва ярмарка савдоларида тузилади.

Бу шартноманинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, хўжалик етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларинигина эмас, балки шартноманинг ўзини ҳам биржада сотиш орқали нархлар кўтарилиб ёки тушиб кетганида ҳам тарафларнинг зарар кўрмаслигидадир. Бунга сабаб шундаки, фьючерс шартномаси тузилиб белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан бошлаб ўн кун давомида томонлар келишилган қийматнинг ўн беш фоизи миқдорида ёки ундан кўпроқ миқдорда ҳақ ўтказилади. Олинган ана шу маблағга солиқ солинмайди ва ушбу маблағ дебитор ва кредитор қарзлари ҳисобига, шунингдек шартнома тўлиқ бажарилганига қадар хўжаликнинг розилигисиз банк ссудалари бўйича қарзларга тўланмайди. Бу маблағдан хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, уруғлик, минерал ўғитлар,

ёқилғи, машина ва бошқа техника, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун фойдаланиш мумкин[1].

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи кооператив (ширкат) хўжаликлари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотларга олдиндан ҳақ олиб, уни ўзларининг ишлаб чиқаришини ташкил этишга сарф қилади. Бу эса ана шу хўжаликни ўз маҳсулотларини сифатли қилиб тайёрлашга омил бўлиш билан бирга хўжаликнинг дала ишларини бошламасиданоқ, қанча маҳсулот тайёрлаш, кимга етказиб бериш, қанча даромад (фойда) олиш мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқишга имконият яратади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун ҳақнинг олдиндан бир қисмини тўлаш тўғрисидаги (фьючерс) шартномаси ана шу жиҳатлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга мақбул ва манзур бўлиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномасининг бу турига, юқорида айтиб ўтилган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб унга шундай таъриф бериш мумкин: қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қийматини аввалдан тўлаб қўйиш шарти билан тузиладиган (фьючерс) шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилувчи шу маҳсулот қийматининг бир қисмини олдиндан тўлаб ва шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиш мажбуриятини олади, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи эса етиштирган маҳсулотни олдиндан ҳақини тўлаган ана шу шахсга топшириш мажбуриятини олади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномалари, яъни давлат буюртмасига мувофиқ тузиладиган давлат контракти, тарафларнинг ўзаро келишуви билан тузиладиган контрактация шартномаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олди-сотди шартномаси ва ҳақини олдиндан тўлаш (фьючерс) шартномалари ўз хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади, улар умумийликка ҳам эга.

---

[1] *Қаранг*: **Абдусаломов М., Отахонов Ф. Контрактация шартномалари, талабнома ва даъво аризалари. Т., «Адолат», 1998, 30-31-б.**

2-§. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномаларининг субъектлари. Уларнинг ҳуқуқ ва бурчи

Мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунишларидан қатъий назар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни амалга оширувчи ташкилотлар, корхоналар (тайёрловчи, савдо қилувчи, қайта ишловчи ва б.) билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномаларининг иштирокчиси ҳисобланади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги қарори қабул қилинди. Унда деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, уюшманинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмаси маъқулланди. Уюшманинг ўз аъзолари билан ҳуқуқий муносабатлари, томонларнинг ўзаро жавобгарлигини ва манфаатларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга ошириши белгиланди[1].

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган қишлоқ хўжалик корхоналари билан шу маҳсулотларни тайёрловчилар, қайта ишловчилар ва истеъмолчи ташкилотлар ўртасида тузилар экан, уларнинг ҳар бири ўз фаолияти даражасида иштирок этади. Ана шу субъектлардан бири фермер хўжалигидир. Фермер хўжалигининг таърифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ ўн биринчи сессиясида 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида берилган. Қонунда белгиланишича, фермер хўжалиги ўзига узоқ муддат ижарага берилган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Ушбу шартнома иштирокчиларидан бири қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)дир. Ширкат хўжалиги тушунчаси 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги кооперативи

[1] «Халқ сўзи», 1998 йил 23 апрель.

(ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг биринчи моддасида белгиланган. Унда белгиланишича, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг биринчи моддасида белгиланган. Унда белгиланишича, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Бундан маълумки, яъни деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, жамоа (ширкат) хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчилар, истеъмолчилар, қайта ишловчи корхоналар контрактация шартномасида қатнашадиган тарафлар ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалик субъектлари ўртасида тузиладиган контрактация шартномасига оид муносабатлар Фуқаролик кодекси билан бирга қонунларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикасининг Мулк, Деҳқон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги қонунлар, Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги Президент Фармони, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги низом ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маҳсулотни қайта тайёрловчи ва истеъмолчиларга етказиб берилади. Бунинг учун аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан тайёрловчилар ўртасида шартнома тузилган бўлиши керак. Тузиладиган шартнома лойиҳаси кўпинча буюртмачи томонидан тайёрланади. Тайёрланган лойиҳада шартноманинг барча шартлари аниқ ифода этилиб, иккинчи тарафга юборилади.

Иккинчи тараф мазкур лойиҳа нусхасини олиши билан унда белгиланган шартларни кўриб чиқади.

Шартномалар бевосита хўжаликларда ҳам тузилади. Тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилни юборади. У билан шартнома шартлари хусусида келишиб олинади. Шартнома томонларнинг келишувига кўра бир йилдан беш йилгача муддатга тузилади.

Тайёрловчи хўжаликларга вакилни юбормай шартнома лойиҳаларини тузиб уларга жўнатиши мумкин. Агар хўжаликлар турли вилоятларда жойлашган бўлса, шартнома лойиҳаси уларга алоқа ташкилотлари орқали жўнатилади.

Шартнома лойиҳаси олинган кундан бошлаб хўжалик ўттиз кун давомида уни кўриб чиқиши ва имзолаб тайёрловчига қайтариши шарт. Агар шартнома шартлари тўғрисида хўжаликнинг эътирози бўлса, шартнома лойиҳаси олинган кундан ёки тайёрловчининг вакили келган кундан бошлаб ўттиз кун муддат ичида бу ҳақда келишмовчиликлар баёнини тузиб, уни шартнома лойиҳаси билан бирга тайёрловчи ташкилотга жўнатади. Бу ўз навбатида янги таклиф ҳисобланади.

Тайёрловчи ташкилот шартнома лойиҳаси тўғрисида келишмовчилик баёнини олган кундан бошлаб ўттиз кун муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим. Зарур ҳолларда иккинчи томон маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси вакили билан бирга таклиф қилинган барча шартларни кўриб чиқишга ва шартнома лойиҳасига киритишга ҳақли. Агар келишмовчилик баёнини олгандан сўнг таклиф қилинган шартларга улар рози бўлмаса, ўттиз кун муддат ичида уни кўриб чиқиши учун тегишли хўжалик судига жўнатади. Хўжалик суди қабул қилган қарор ҳар икки тараф учун мажбурий кучга эга бўлади.

Агар тайёрловчи келишмовчиликлар баёнини олгач, ўттиз кун мобайнида унинг тартибга солинмаган шартларини ҳал қилиб бериш учун хўжалик судига юбормаса, таклиф қабул қилинган ҳисобланади.

Шартнома тузишнинг бу тартиби давлат контракти шартномасини тузишга қаратилган усуллардан биридир.

Контрактация шартномаси уч нусхада тузилиб томонларнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Шартнома давлат буюртмаси бўйича етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек давлат буюртмаси таркибига кирмай-

диган маҳсулотлар етказиб беришга қаратилган бўлса ҳам давлат рўйхатидан ўтказилади.

Тузилган контрактация шартномасида маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (маҳсулотнинг турлари бўйича), сифати, нархи, шартноманинг умумий суммаси, етказиб бериш тартиби ва шартлари, маҳсулотни топшириш - қабул қилиш пунктлари ва давр (муддат)лари кўрсатилади. Томонларнинг келишуви билан маҳсулот бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олинадиган бўлса, шу маҳсулотнинг миқдори ва ўзининг ёки жалб этилган транспорт билан ташиб олиб кетиш тартиби кўрсатилади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ҳажмларига мувофиқ контрактация шартномаси бўйича сотиш керак бўлган маҳсулотнинг хўжаликда қайта ишланган миқдори ҳам ҳисобга олинади.

Шартномада маҳсулот жойлаштириладиган идиш, ўраш-жойлаш, маркировка қилиш тартиби, тайёрловчининг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиш ва белгиланган нархлар бўйича тўлаш мажбурияти, ҳисоб-китоб қилиш тартиби кўрсатилади. Унда яна тайёрловчининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ташкил қилиш ва тайёрлов пунктига транспортда ташиб келтириш бўйича хўжаликларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳам белгиланиши мумкин. Томонлар юқорида кўрсатилган шартлардан ташқари амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа шартларни ҳам ўзаро келишиб шартнома лойиҳасига киритишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар тузилган контрактация шартномасига мувофиқ тегишли мажбуриятларга эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 466-моддасида уларнинг мажбурияти белгилаб берилган. Унда белгиланишича, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдорда ва турда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва турда олинмаганлиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ва зарарни қоплашни талаб

қилишга ҳақли. Шунингдек, тайёрловчи ҳам контрактация шартномаси бўйича маълум бир мажбуриятларга эга бўлади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 467-моддасига мувофиқ, «Агар контрактация шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиши (қабул қилиб туриши) ва олиб кетишни таъминлаши (таъминлаб туриши) шарт.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас...

Контрактация шартномасига мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шарт».

Томонлар шартнома бўйича олган мажбуриятларини маромига етказиб бажармасалар, белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3-§. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш шартномасини бажармаганлик учун жавобгарлик

Томонлар тузилган шартнома шартларини бажармаслиги ёки маромига етказиб бажармаслиги бўйича жавобгар бўладилар. Уларнинг жавобгарлиги қонунга мувофиқ ёки шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда бўлади. Шартнома шартларини бажармаганлиги ёки маромига етказиб бажармаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг бешинчи бўлимида белгиланган. Жумладан, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада белгиланган ассортимент ва турларини белгиланган муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг

йигирма беш фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, уч ой, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача миқдоридан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни қўшмаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, шартнома бажарилмаганлиги ёки маромига етказиб бажарилмаганлиги сабабли тайёрловчига етказилган зарарнинг жарима билан қопланмай қолган қисми ҳам тўланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини бевосита хўжаликларда қабул қилиб олиш рад этилса, тайёрловчи хўжаликка ҳар бир рад этилган ҳол учун белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмай ўша пайтда шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг тўрт фоизи миқдорида жарима тўлайди. Тез бузиладиган маҳсулотлар бўйича эса унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Қабул қилиш – топшириш жойига етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш асоссиз рад этилганда, тайёрловчи хўжаликка уни етказиб беришга кетган харажатларни қоплайди.

Шартномада белгиланганидек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хўжаликнинг ўзида қабул қилинадиган бўлса, хўжалик топшириладиган маҳсулотни тайёрлаб қўйиши ва бу ҳақда тайёрловчини хабардор қилиши лозим. Агар хўжалик топширилиши шарт бўлган маҳсулотни тайёрламаган ва бу ҳақда тайёрловчини огоҳлантирмаганлиги сабабли тайёрловчи қабул қилиш жойига транспорт юборган бўлса, хўжалик тайёрловчига транспорт ва шу транспортнинг бекор туриб қолишига кетган барча харажатларни қоплаши шарт.

Контрактация шартномаси бўйича топшириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини қабул қилиб олишда сунъий, пасайтирган ёки миқдорини нотўғри аниқлаган бўлса, тайёрловчи хўжаликка тўланмаган суммани ҳамда тўланмаган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Шартномага мувофиқ топширилган маҳсулотнинг қийматини тўлаш кечиктирилгани учун ҳам тегишли жавобгарлик белгиланади. Контрактация шартномасига мувофиқ

топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказилмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этилганда тайёрловчи хўжаликка тўланмаган суммани, уни тўлашдан бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари тайёрловчи хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Хўжалик томонидан юклаб жўнатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиб олгач, тайёрловчи уч ойдан ортиқ муддатга ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаган бўлса, хўжалик судида банкрот бўлган деб топиш ҳақида иш қўзғатиши мумкин.

Тайёрловчи ёки хўжалик томонидан маҳсулот учун ҳисоб-китобларда ортиқча олинган пул суммаси ўз вақтида қайтарилмаганда айбдор томон мазкур суммани қайтаради ва бу маблағдан фойдаланилган барча давр учун 25 фоиз даромад тўлайди.

Шартномада хўжаликни идиш ва ўраш материаллари билан таъминлаш тайёрловчи зиммасига юклатилган бўлса-да, тегишли идиш билан таъминламаганлик учун жавобгарлик белгиланади. Жумладан, хўжаликни тегишли идиш ва ўраш-чирмаш билан боғлиқ материаллар билан таъминламаган бўлса, шу вақтда амалда бўлган қийматнинг икки баравари миқдорида жарима тўлайди.

Хўжаликни идиш билан таъминламаганлик натижасида маҳсулотнинг сифати пасайганлиги ёки тез бузиладиган маҳсулотлар фойдаланишга, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли хўжалик зарар кўрган бўлса, зарарнинг жарима билан қопланмай қолган қисми ҳам ундириб олинади.

Тайёрловчи томонидан хўжаликка берилган идиш йиллик контрактация шартномаси муддати тугаганидан сўнг қайтарилмаса, тайёрловчи қайтарилмаган идиш қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди.

Шунингдек, тайёрловчи ҳам идишни хўжаликка ўз вақтида қайтармаса, шу идиш қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди.

Контрактация шартномасига мувофиқ томонлар, яъни хўжалик тайёрловчи томонидан жўнатилган транспортнинг, худди шунингдек, тайёрловчи ҳам хўжалик транспортининг бекор туриб қолишида айбдор бўлса (асосий ва қўшимча вақт меъёридан ортиқ), бекор туриб қолганлиги учун амалдаги қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Шартнома шартларини бузганлиги учун юқорида кўрсатилганидек айбдор томоннинг жарима тўлаши уни шартномада белгиланган мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди. Аммо табиий офатлар ёки тайёрловчининг айби билан шартнома шартларини бажармаганлик учун хўжалик тегишли ташкилотларнинг хулосаси ва асосларига биноан жавобгарликдан озод бўлиши мумкин.

Маҳсулотлар етказиб бериш бўйича тузиладиган давлат контракти тузиш муддатини кечиктирганлик учун ҳам қонунда жавобгарлик белгиланган. Жумладан, контрактация шартномасини тузиш муддатини ўтказиб юборганлик ёки ундан асоссиз бўйин товлаганлик учун томонлар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

Бундан ташқари шартномада томонларнинг келишувига кўра мажбуриятларни бажармаганлик ёки маромига етказиб бажармаганлик учун амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа жазо чоралари белгиланиши ҳам мумкин.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида давлат контракти шартномасининг ижро этилишига назар ташласак, аввало шартнома тузилишидаги камчиликларни, сўнгра эса шартномани ижро этмаслик ёки маромига етказиб бажармаслик оқибатида зарар келиб чиқаётганининг гувоҳи бўламиз. Шу сабабли республикамизда санация ўтказиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқишга ва уларнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

XVI БОБ. ИШ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Пудрат шартномаси асосида иш бажариш

Бу турдаги тадбиркорликда шахс маълум бир ишни тузилган шартномага мувофиқ бажариб беради. Бу пудрат шартномаси асосида расмийлаштирилади.

Пудрат шартномаси тарафлар ўртасида тузиладиган ва бир ишни бажаришга қаратилган шартномалардан биридир. Шу сабабли пудрат шартномаси бир қанча турдаги ишларни, хусусан, маиший эҳтиёжни таъмин этиш, қурилиш ишларини бажариш, лойиҳалаш, қидирув, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариб бериш юзасидан тузилади ва у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-702-моддалари қоидалари билан ҳуқуқий тартибга солинади. Бундан ташқари пудрат ишларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун Фуқаролик кодексининг мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, Мулк тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги ва бошқа қонунлар, Фармонлар, қарорлар ҳамда пудрат ишларининг алоҳида турларини тартибга солишга қаратилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиқ этилади.

Пудрат шартномасининг тушунчаси Ўзбекистон Республикаси фуқоролик кодекси 631-моддасининг биринчи қисмида берилган. Унда белгиланишича, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда қабул қилиб олиш ва бунинг учун хақ тўлаш мажбуриятини олади.

Пудрат шартномасининг айрим турлари (маиший хизмат пудрати, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва техналогия ишлари пудрати)га, агар ушбу кодекснинг бундай тур-

даги шартномалар тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Пудрат шартномасига оид қонунларни, ҳуқуқий муносабатларга тўғри тадбиқ этиш учун унинг ўзига яқин бўлган бошқа турдаги шартномалардан фарқини ажратиш лозим. Пудрат шартномаси мулкни топширишга қаратилган шартномалар; олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, айирбошлаш, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти; корхонани сотиш, кўчмас мулкни сотиш тўғрисидаги шартномалардан фарқи шундаки, бу шартномага доир қоидалар ишни бажариш жараёнининг боришини бошқаришга тадбиқ этилса, мулкни топширишга қаратилган шартномаларда бажариш манбаи, жараёни мутлақо аҳамиятсиз бўлиб, шартномага мувафиқ мулк топшириши етарли ҳисобланади.

Пудрат шартномасининг асоси (предмети) бўлиб маълум бир бажарилган ишнинг натижаси ҳисобланади.

Пудрат шартномаси меҳнат шартномасидан ҳам фарқ қилади. Унинг фарқи шундан иборатки,меҳнат шартномасида хизматчи, топшириқни бажарувчи фақат фуқаро бўлса, пудрат шартномасида пудратчи тадбиркор фуқоролар билан бирга турли тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ташкилотлар ҳам бўлади. Меҳнат шартномаснинг асоси (предмети) ходимнинг меҳнат фаолияти бўлса, пудрат шартномасида, пудратчининг меҳнати натижаси бўлади. Меҳнат шартномасининг хусусиятларига эътибор бериш керак. Агар пудратчи сифатида корхонанинг лавозим рўйхатида турувчи ишчи ёки бир гуруҳ ишчилар иштирок этса, унда бу муносабатга меҳнат қонунлари тадбиқ этилади ва уни «ижара пудрати» деб аташ нотўғри. Бу муносабат пудрат ҳам, ижара ҳам эмас, ҳатто уларнинг қўшмаси ҳам эмас. Агар корхонанинг ёки иш берувчининг ишчиси таркиби (лавозим жадвали)да турмаган шахс ёки бир гуруҳ шахслар ишни бажарувчи бўлса ва иш берувчининг топшириғини бажариб, моддий қиймат эвазига ўз меҳнати натижасини топширса, бу муносабат оддийгина пудрат ҳисобланади. Бунда топшириқ берувчининг материалидан, еридан фойдаланиш ёки меҳнати ҳақи ҳисобига етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмини олиб қолиши пудрат шартномасининг ҳуқуқий ҳолатига ҳеч қандай

таъсир этмайди. Шу сабабли уни ижара пудрати деб аташга эҳтиёж йўқ. Бу соф пудрат шартномасидир.

Пудрат шартномаси ўзига хос ҳуқуқий белгиларга эга бўлиб, у консенсуал, икки томонлама, ҳақ баравариға тузиладиган ва ишни бажаришга қаратилган шартномалар гуруҳига киради.

Шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви билан тузилади ва шу вақтдан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. Унинг бу хусусияти консенсуал шартнома эканлигини англатади.

Пудрат шартномаси икки томонлама шартнома ҳисобланади. Шартномада қатнашган тарафлар бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчга эга бўлади. Пудратчи шартномага мувофиқ бажарилган ишнинг келишилган қийматини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи ҳам ишнинг қийматини тўлаш бурчига ва ишни бажариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Пудрат шартномаси ҳақ баравариға тузилади. Бажариладиган ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Пудрат шартномаси бўйича бажариладиган иш маълум бир ашёни тайёрлаш, масалан, ишлаб чиқариш техникасига оид бўлган маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича олиш мумкин бўлмаган асбоб-ускуналар ва шунга ўхшаш маҳсулотларни ясаб олиш, фуқароларнинг маиший эҳтиёжлари учун буюмлар тайёрлаб бериш ёки ашёларни қайта ишлаб, таъмирлаб бериш, хомашёга қайта ишлов бериш ёхуд бошқача тартибда ишни бажариб буюртмачига топшириишдан иборат.

2-§. Шартнома иштирокчилари

Иш бажариш соҳасидаги шартномада икки тараф иштирок этади. Улардан бири пудратчи ишни бажарувчи, иккинчиси эса, буюртмачи — иш юзасидан топшириқ берувчидир. Тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи давлат жамоат ташкилотлари ва корхоналар, хусусий корхоналар, шунингдек, тадбиркор, ишбилармон фуқаролар пудратчи ва буюртмачи ҳисобланадилар.

Давлат корхоналари ўз низомларида тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат этилган бўлсагина шартномада пудратчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

Маълум бир буюртмани бажариш учун буюртмачи билан пудратчи ўртасида шартнома тузилади. Агар қонунда ёки тарафларнинг келишуви билан ишни пудратчининг шахсан ўзи бажариши белгиланган бўлмаса, пудратчи маълум бир ишларни бажариш юзасидан, бошқа пудратчи билан шартнома тузиши мумкин. Бундай ҳолда пудратчи бош пудратчи, маълум бир қўшимча ишни бажариш учун бош пудратчи билан шартнома тузган пудратчи, ёрдамчи пудратчи деб аталади.

Бош пудратчи ёрдамчи пудратчини келишилган шартнома бўйича ишни бажариш билан боғлиқ зарур материаллар билан таъминлашга мажбур. Ишни бажариш муддати бош пудратчи билан ёрдамчи пудратчи ўртасидаги келишув билан белгиланади. Ёрдамчи пудратчи ишни бажариш билан боғлиқ муддатга ва бошқа барча шартларга қатъий риоя этиши керак ёрдамчи пудратчи бош пудратчи билан тузган шартнома бўйича ишни бажариш муддатини кечиктирганда ёки шартнома шартларини бошқача тарзда бузганида бош пудратчи олдида жавобгар бўлади. Бунда бош пудратчи-буюртмачи, ёрдамчи пудратчи эса, пудратчи сифатида кўрилади. Мажбурият бажарилмаганлиги учун, башарти қонун ҳужжатлари ёки шартномада ёрдамчи пудратчининг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартнома бўйича пудратчи жавобгар бўлади. Бош пудратчи ҳам ёрдамчи пудратчи олдида шартнома бўйича жавобгар бўлиши мумкин. Бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармагани ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлади, буюртмачи олдида эса ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлади.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасида шартнома тузилганида шартноманинг бажарилиши юзасидан фақат пудратчи жавобгар бўлади. Бош пудратчи ишнинг бажарилиши юзасидан фақат пудратчи сифатида жавобгар бўлади. Бош пудратчи ишни сифатли бажариш учун ёрдамчи пудратчи жалб қилганида ҳам бажарилган иш юзасидан буюртмачи олдида ўзи жавобгар бўлади. Буюртмачи шартнома бўйича фақат пудратчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлади. Буюртмачи билан ёрдамчи пудратчи ўзаро ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатда бўлмайди. Шу

сабабли буюртмачи ҳам ёрдамчи пудратчи ҳам, бош пудратчи билан тузган шартномалари шартларининг бузилиши билан боғлиқ талабларини бир-бирига қўйишга ҳақли эмас. Қонунда ёки шартномада бош пудратчи билан тузилган шартнома шартлари бузилганлиги учун буюртмачи билан ёрдамчи пудратчининг ўзаро бир-бирига талаблар қўйиши бундан мустаснодир.

Агар қонунда ёки шартномада пудратчининг ишни шахсан ўзи бажариши кўрсатилган бўлса-ю, пудратчи ишни бажариш учун ёрдамчи пудратчи жалб қилган бўлса ва шу ёрдамчи пудратчи шартномани бажаришда қатнашиб, зарар етказганда шу зарар учун буюртмачи олдида пудратчи жавобгар бўлади.

Буюртмачи ишни бажариш юзасидан бош пудратчидан бошқа шахслар билан ҳам шартнома тузиши мумкин. Бундай пайтда албатта буюртмачи бош пудратчининг розилигини олиши шарт. Бош пудратчи ишнинг бир қисмини бажарган бошқа шахслар билан иш бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатда бўлмайди. Шу туфайли бош пудратчи ишни бажаришда иштирок этган бошқа шахсларнинг ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун буюртмачи олдида ҳеч қандай жавобгар бўлмайди. Ишнинг маълум бир қисмини бажарган бош пудратчидан бошқа шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида ўзлари жавобгар бўладилар.

Пудрат ишини бажариш муддати шартноманинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Одатда, шартномада ишни тугаллаш муддати кўрсатилади. Аммо тарафларнинг ўзаро келишуви билан ишни бошлаш, шунингдек, ишнинг айрим қисмини тамомлаш муддати (оралиқ муддатлар) ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, турар-жойни таъмирлаш шартномаси бўйича, хусусан, буюртмачининг манфаатлари нуқтаи назаридан ишнинг бошланиши ва оралиқдаги муддатлар кўрсатилиши мумкин. Маиший пудрат шартномаси бўйича ишни бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар, чунончи, кийим тикиш, таъмирлаш ишларининг охирги муддатлари кўрсатилади.

Пудрат шартномасида тарафларнинг келишуви бўйича бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ишни бажаришнинг бошланғич ва охирги муддатларини, шунингдек, оралиқ муддатларини бузганлик учун пудратчи жавобгар бўлади.

Масалан, турур-жой ва ёрдамчи биноларни фуқароларнинг буюртмалари бўйича таъмирлашда ишнинг охирги муддатини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Айрим ишларни бажариш бўйича оралиқ муддатлари ҳам белгиланиши мумкин. Ана шу оралиқ муддатларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланади. Аммо иш шартномада белгиланган охирги муддатда тўлиқ бажарилса, пудратчи оралиқ муддатни бузганлик учун белгиланган жавобгарликдан озод бўлади.

Тарафлар шартномани бажаришнинг белгиланган муддатларини бир томонлама ўзгартиришга ҳақли эмас. Фақат пудрат шартномасида кўрсатилган ишни бажаришнинг бошланғич, охирги ва оралиқ муддатлари шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

3-§. Ишни баҳолаш

Пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади. Улар шартномада кўрсатилган бўлмаса, ишнинг баҳоси Фуқаролик кодекси 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади. Бу қонунда белгиланишича, «...ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак...»

Пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишнинг баҳоси ишни бажариш билан боғлиқ пудратчининг барча харажатлари, чиқимлари (масалан, тикиш учун кетадиган материаллар, ясаш, ямаш, барпо этишга сарфланган нарсалар қиймати, агар улар буюртмачи томонидан тақдим этилган бўлмаса) ҳамда бажарган иш учун тўланадиган ҳақдан иборат бўлади.

Пудратчи томонидан бажариладиган ишнинг баҳоси смета (харажат ва чиқимлар рўйхати) тузиш йўли билан аниқланади. Смета қатъий ёки тахминий бўлиши мумкин. Агар шартнома тузиш пайтида кейинчалик бажарилиши лозим бўлган ишни ва зарур материаллар миқдорини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаса, бундай ҳолларда тахминий смета тузилади. Сметанинг тахминий бўлишлиги шартномада ёки сметанинг ўзида алоҳида қайд этилган бўлиши керак. Қатъий смета бўйича

шартноманинг аниқ қиймати муайян ишлар учун белгиланган баҳода тарафларнинг келишуви билан аниқ белгиланади. Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. У тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради ва пудрат шартномасининг бир қисми ҳисобланади. Агар пудратчи томонидан бажариладиган ишнинг баҳоси шартномада қатъий ёки тахминий қилиб белгиланган бўлмаса, шартнома бўйича бажариладиган ишнинг баҳоси қатъий белгиланган деб ҳисобланади.

Пудратчи томонидан ишни бажариш жараёнида қўшимча иш бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминий белгиланган баҳосини анча оширишга тўғри келса, бу ҳақда буюртмачини ўз вақтида огоҳлантириши шарт. Пудратчи томонидан тахминий сметани ошириш зарурлиги хусусида огоҳлантирилгандан кейин буюртмачи тахминий сметани оширишга рози бўлмаса, пудратчи шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда шартномани бекор қилган пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар смета қийматининг оширилиши пудратчи билан боғлиқ бўлса, буюртмачи сметадан ортиқча сарфланган харажатларни тўламасдан мажбуриятнинг бажарилишини пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини ошириш зарурлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантириши шарт. Агар пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини ошириш зарурлиги ҳақида буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган бўлса, пудратчи сметадан ортиқча харажатларни ўз ҳисобига ўтказиб, шартнома бўйича олинган бурчни бажаришга мажбур. Лекин у шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажаради. Қўшимча қилган меҳнати учун ҳақ олишга ҳақли бўлмайди.

Пудрат шартномаси бўйича қатъий сметани қоида бўйича тарафлар ўзгартиришга ҳақли эмас. Ҳатто бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам тарафлар сметани ошириш ёки камайтиришни талаб қилишга ҳақли эмас.

4-§. Буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Пудрат шартномаси буюртмачининг топшириғига мувофиқ тузилади. Шу сабабли буюртмачи ишнинг бориш жараёнини ва сифатли бажарилаётганлигини истаган вақтда пудратчининг иш фаолиятига аралашмаган ҳолда текшириб туришга ҳақли. Буюртмачи пудрат ишининг бажарилиш жараёнини текшириб, пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаганлиги ёки ишни суст бажариши натижасида уни шартномада белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслигини аниқласа, буюртмачи шартномадан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолда пудратчидан ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Шу билан бирга буюртма кечиктирилиб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартнома ўз аҳамиятини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

Буюртмачи пудрат ишини текшириб ишнинг шартномада белгиланган вақтда тегишли даражада бажарилмаслигини аниқласа, пудратчи билан келишиб ана шу камчиликларни йўқотиш учун пудратчига маълум муддат белгилашга ҳақли. Бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин.

Буюртмачи пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг натижасини белгиланган муддатда қабул қилиб олиши лозим. Бажарилган ишнинг натижасини буюртмачи шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда қабул қилиш чоғида уни пудратчи иштирокида кўриб чиқишга ҳақли. Иш натижасини қабул қилаётганда шартнома шартларидан чекиниш бўлганлигини ёки бошқа камчиликлар борлиги

аниқланган буюртмачи бу ҳақда пудратчини дарҳол хабардор қилиши керак.

Бажарилган пудрат иши ёзма тартибда қабул қилиниши лозим бўлса, ишнинг қабул қилинганлиги ёзма тартибда расмийлаштирилади. Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликлари аниқланган бўлса, бу камчиликлар ва уларни тузатиш тўғрисида ана шу ҳужжатда ёки алоҳида ҳужжатда кўрсатилган бўлиши керак. Ана шундагина буюртмачи бу камчиликларни асос қилиб кўрсатишга ҳақли бўлади.

Буюртмачи топширилаётган пудрат ишини албатта кўриб, текшириб, синаб кўриши лозим. Масалан, телевизор, радио, машина ва шунга ўхшаш техника воситаларини қабул қилиб олишда текширилиб қабул қилиниши лозим. Агар буюртмачи ишни текширмай қабул қилган бўлса уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликларни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Пудратчи томонидан бажарилган ишда яширин камчиликлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бундай камчиликлар шартнома шартларидан чекинишлар туфайли ҳам ёки пудратчи томонидан қасддан йўл қўйилиши оқибатида ҳам содир бўлади. Буюртмачи ишни қабул қилиб олганда яширин камчиликлар, яъни шартномадан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланмаган бошқа камчиликлар, шу жумладан, пудратчи қасддан яширган камчиликлар кейинчалик аниқланса, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат давомида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт. Бу муддат узрли сабабсиз ўтиб кетса, буюртмачи томонидан қўйилган талаб пудратчи томонидан қаноатлантирмаслигига сабаб бўлади.

Бажарилган пудрат ишининг камчиликлари ёки шу камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан пудратчи билан буюртмачи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, пудратчи ёки буюртмачи экспертиза тайинлашни талаб қилиши мумкин. Экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар пудратчи зиммасида бўлади. Аммо экспертиза пудрат шартномаси бузилганлигини аниқласа, ёки шартноманинг бузилиши билан пудратчининг ҳаракатлари ўртасида ҳеч қандай сабабий боғланиш бўлмаса, экспертиза харажатларини қоплаш пудратчи зиммасига қўйилмайди.

Бундай ҳолда экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш шу экспертизани ўтказишни талаб қилган тараф зиммасига қўйилади. Агар экспертиза ўтказишни ҳар икки тараф биргаликда талаб қилган бўлса, экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳар икки тараф томонидан тенг миқдорда қопланади.

Буюртмачи бажарилган пудрат ишини ўз вақтида қабул қилиб олиши лозим. Агар ўз вақтида қабул қилиб олинмаса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 646-моддасида белгиланган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Унда белгиланишича, "... агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортганида, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда тушган пулни эса, пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номини киритиб қўйишга ҳақли. Пудратчи пудрат нарсасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли..."

Бажарилган ишнинг тасодифан бузилиши ёки тасодифан нобуд бўлиш хавфи шу ишни топширишни ёки қабул қилишни кечиктирган тарафнинг зиммасига қўйилади. Агар буюртмачи бажарилган ишни белгиланган муддатда қабул қилиб олмаган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг бузилиш ёки тасодифан нобуд бўлиш хавфи шу ашё топширилиши лозим бўлган кундан бошлаб буюртмачига ўтган ҳисобланади.

5-§. Ишнинг сифати ва кафолат муддати

Пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг сифати талаб даражасида бўлиши лозим. Бажарилган иш сифатли деб ҳисобланиши учун шу иш пудрат шартномаси шартларига мувофиқ бўлиши, агар шартномада ишнинг сифати ҳақида тегишли шарт бўлмаганида, ёки шарт тўлиқ бўлмаганида эса, шунга ўхшаш ишларга қўйиладиган одатдаги талабларга мос бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишнинг сифати шартномада кўрсатилган шартлар ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши керак. Шунингдек, бажарилган ишнинг натижасини сифатли деб ҳисоблаш учун яна у маълум бир муддат давомида шартномада назарда тутилганидек, фойдаланишга яроқли бўлиши лозим.

Қонун ҳужжатларида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт.

Бундан ташқари пудратчи қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатдан бирмунча юқори бўлган талабларга жавоб берадиган ишни бажаришни шартнома асосида ўз зиммасига олиши ҳам мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчи буюртмачига ишнинг сифатига кафолат бериши назарда тутилган бўлса, пудратчи бутун кафолат муддати давомида пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида, одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келадиган, шартномада белгиланганидек, фойдаланишга яроқли бўлган иш натижаларини буюртмачига топшириши керак. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш натижасининг сифатига берилган кафолат ишнинг натижасини ташкил этувчи ҳамма нарсага тегишли бўлади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилган ёки қабул қилиши лозим бўлган пайтдан ўта бошлайди.

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ёхуд у пудрат шартномасининг хусусиятларидан келиб чиқмаса, Фуқаролик кодекси 404-моддасининг тегишли қоидаларига кўра белгиланади. Агар пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган ишга кафолат муддати белгиланган бўлса-да, ундан буюртмачининг фойдаланишига пудратчига боғлиқ бўлган ҳолатлар тўсқинлик қилаётган бўлса, бу ҳолатлар пудратчи томонидан бартараф қилингунга

қадар кафолат муддатининг ўтиши бошланмай туради. Агар пудрат шартномасида бошқача белгиланган бўлмаса, кафолат муддати, пудрат иши натижасидан аниқланган камчиликлар туфайли фойдаланиб бўлмаслиги ҳақида пудратчи огоҳлантирилган бўлса, бу камчиликлар бартараф қилингунча кафолат муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг кафолат муддати иш натижасидаги камчиликлар ва фойдаланишга зид тўсқинликлар пудратчи томонидан бартараф қилинганидан сўнг қайта бошланади.

6-§. Иш сифати талаб даражасида бўлмаганлиги учун пудратчи жавобгарлиги

Пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг сифати талаб даражасида бўлмаганлиги учун пудратчи жавобгар бўлади. Агар, иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаганда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ўз хоҳишига кўра, пудратчидан шу камчиликларни мақбул муддатда бепул бартараф этишни ёки иш учун белгиланган баҳони мазкур камчиликларга мутаносиб равишда камайтиришни ёхуд шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, буюртмачига шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли.

Бундай ҳолда буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг хусусиятига кўра уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига, қайтариб бериши шарт.

Агар пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишдаги йўл қўйилган камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган

даражада бўлса, ёки аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган оқилона муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни пудратчидан талаб қилишга ҳақли.

Пудрат шартномасида бажарилган ишнинг муайян камчиликлари учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш хусусида шарт бўлиши, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди.

«... Ишни бажариш учун материал берган пудратчи унинг сифати учун сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар бўйича жавобгар бўлади» (ФКнинг 650-моддаси).

Буюртмачи пудрат ишини қабул қилиб олганидан сўнг, қонун ҳужжатлари ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган иш натижасининг талаб даражасида сифатли эмаслиги билан боғлиқ талабларни ФКнинг 651-моддасида белгиланган муддат давомида аниқлаган тақдирда, пудратчига нисбатан талаб қўйишга ҳақли.

Пудратчи томонидан бажарилган ишга унинг сифати хусусида кафолат муддати белгиланиши мумкин. Агар пудратчи томонидан бажарилган иш натижасида кафолат муддати белгиланмаган бўлса, иш натижаларидаги камчиликлар оқилона муддатда, бироқ иш натижаси топширилган кундан бошлаб, икки йил мобайнида аниқланган тақдирда, буюртмачи иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйиши мумкин. Буюртмачи қонун, шартнома ёки иш муомаласи тартибида бошқача муддат белгиланган бўлмаса, ФКнинг 651-моддасида белгиланган муддат давомида ишнинг сифати лозим даражада эмаслиги хусусида пудратчига талаб қўя олади.

Пудратчи томонидан шартномага мувофиқ бажарилган ишнинг талаб даражада сифатли эканлиги хусусида кафолат муддати белгиланади. Буюртмачи томонидан бажарилган иш натижасидаги камчиликлар ана шу муддат давомида аниқлансагина бу камчиликлар хусусида унга талаб қўя олади.

Агар пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган иш натижасининг сифати хусусида белгиланган кафолат муддати икки йилдан кам бўлса, буюртмачи ишда йўл қўйилган камчиликларни ана шу кафолат муддати ўтгандан сўнг ҳам аниқлаши мумкин. Бироқ ФКнинг 651-моддасининг бешинчи қисмида белгиланганидек бажарилган иш натижаси буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган ёки қабул қилиб олиниши лозим бўлган пайтдан эътиборан икки йил давомида аниқланган тақдирда пудратчига нисбатан талаб қўя олади. Буюртмачи пудратчига нисбатан талаб қўйиши учун ишдаги камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунгача ёки топшириш пайтида юзага келган сабабларга кўра, пайдо бўлганлигини исбот қилиши лозим. Шунда улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган иш натижасининг сифати талаб даражасида эканлиги хусусида кафолат муддати белгиланади. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати бажарилган иш натижаси буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган кундан ёки қабул қилиниб олиниши лозим бўлган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

Пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблашда, агар қонун ҳужжатларида, тарафлар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёки у пудрат шартномасининг хусусиятларидан келиб чиқмаса, Фуқаролик кодексининг 404-моддаси иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларининг қоидалари мувофиқ тарзда қўлланилади.

Пудратчи томонидан пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган иш сифатли эмаслиги хусусида буюртмачи даъво қўзғатишга ҳақли. Даъво қўзғатиш қонунда белгиланган муддат ичида бўлиши керак. Бундай муддат Фуқаролик кодексининг 150-моддасида уч йил қилиб белгиланган. Буюртмачи ишни қабул қилиб олгандан сўнг иш сифатининг тегишли даражада эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб даъво қўзғаш муддати ўта бошлайди.

Агар қонун ҳужжатлари ёки пудрат шартномасида пудратчининг иш сифатига кафолат бериши назарда тутилган, кафолат муддати белгиланган ва ишдаги камчиликлар хусусидаги ариза кафолат муддатида берилган бўлса, даъво қўзғаш мудда-

ти камчиликлар хусусида ариза берган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилаётган ишни ўзаро келишувга мувофиқ қисмларга бўлиб қабул қилиши ҳам мумкин. Бундай пайтда ишнинг сифати лозим даражада эмаслиги хусусида даъво муддати пудрат ишининг бир қисми қабул қилиниб ундаги камчиликлар аниқланганидан сўнг эмас, балки пудрат шартномасида белгиланган ишнинг ҳаммаси бутунлай қабул қилиб олинган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Пудрат шартномаси бўйича тарафлар сир тутилиши лозим бўлган маълумотларни, албатта сир сақлаши шарт. Буни ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларида рақобат кураши, қолаверса, ҳар бир субъектнинг қонуний манфаати ҳам талаб этади. Бир томон пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли иккинчи томондан янги ечимлар ва техникавий билимлар, жумладан тижорат сири деб ҳисобланиши мумкин бўлган маълумотлар ҳам олиши мумкин. Бундай маълумотларни олган томон ана шу маълумотни берган томоннинг розилигисиз уни учинчи шахсга ошкор қилишга ҳаққи йўқ. Бундай махфий сақлаш шарт бўлган ахборотдан фойдаланиш тартиби ва шартлари томонларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Пудрат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганда пудратчи буюртмачига иш учун берган материал ва ускуналарни қайтариб бериши шарт. Агар буюртмачи ушбу Кодекснинг 642-моддасининг 4-қисмида белгиланганидек, пудрат шартномаси бажарилгунча, шартномадан бир томонлама воз кечса ёки 650-моддаси 3-қисмига мувофиқ пудрат шартномасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатда пудратчи уни бартараф этмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳолда пудратчи буюртмачи томонидан берилган материалларни ускуналарни ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашё ва бошқа мол-мулкни буюртмачига қайтариб бериши шарт. Буюртмачига қайтармаса, буюртмачи кўрсатган шахсга топшириши, агар бунинг иложи бўлмаса, - материаллар, ускуналар, ашё ва бошқа мол-мулкнинг қийматини тўлаши шарт.

XVII БОБ. АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Маиший хизмат пудрати

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни асосида биринчи навбатда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш бошланган эди. Мазкур Қонунга мувофиқ деярли барча маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, устахоналар, модалар ателъеси ва бошқалар хусусийлаштирилди. Ҳозирги пайтда хусусий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқда. Бундай фаолият билан шуғулланаётган пудратчи фуқароларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг маиший эҳтиёжи ёки бошқа шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган маълум бир ишни маиший пудрат шартномаси бўйича бажариб бериш, буюртмачи эса, тузилган шартномага мувофиқ бажарилган ишни қабул қилиб олиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Шартнома фақат фуқаро буюртмачиларнинг шахсий маиший эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан тузилади. Фуқароларнинг маиший эҳтиёжи уларнинг кундалик турмуши, яшаши билан боғлиқ бўлган турли ашёларни яратиб бериш, фойдаланиш хусусиятини оширишга бўлган маиший ва бошқа шахсий эҳтиёжлардир. Мана шу эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида фуқаролар хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартнома тузадилар. Маиший хизмат пудрати шартномаси қонун ҳужжатлари ёки шартномада, шунингдек буюртмачи қўшган формулярлар ёки стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи буюртмачига патта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат берган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Аммо бу шартноманинг тузилганлигини исботлашда ана шу ҳужжатлар буюртмачи қўлида бўлмаган пайтда ҳам шартнома тузилганлиги-

ни ёки унинг шартларини тасдиқловчи гувоҳларнинг кўрсатмалари важ қилиб келтирилиши мумкин. Демак, гувоҳларнинг кўрсатмасига асосланиб пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг муҳим шартлари хусусида баҳслашиш мумкин.

Маиший хизмат пудрат ҳаммага нисбатан шартнома тузиш таклиф қилинган шартномадир. Бу шартнома алоҳида гуруҳ кишилар билан тузилмай, балки ҳар бир буюртма бермоқчи бўлган фуқаро билан ҳам тузилиши мумкин. Ана шу хусусиятлари билан у оммавий шартнома ҳисобланади.

Маиший пудрат шартномаси пудратчи билан буюртмачининг ўзаро келишувига мувофиқ тузилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 657-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, пудратчи маиший пудрат шартномасини тузишда ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас. Агар ана шундай қўшимча ишлар ёки хизматлар буюртмачининг розилигисиз киритилса, буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли.

Буюртмачи маиший пудрати шартномасига мувофиқ иш бажарилиб, унинг натижаси ўзига топширилгунга қадар бир томонлама бош тортишга ҳақли. Шартномани буюртмачи бекор қилмоқчи бўлса, бу хусусда пудратчига маълум қилиниши лозим. Бундай ҳолда у, пудратчи бажарган иш қийматини шу иш учун белгиланган умумий баҳога мутаносиб қисмини тўлаши шарт. Шу билан бирга шартномани ўз хоҳиши билан бекор қилгунча пудратчининг ишни бажариш юзасидан қилган харажатларини, агар бу харажатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаса пудратчига тўлаб, шартномани бажаришдан воз кечишга ҳақли.

Тузилган шартномада буюртмачини ушбу ҳуқуқларидан маҳрум қилувчи шартлар бўлса, у ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартнома бўлганлиги учун пудратчи маиший пудрат шартномаси тузилгунча таклиф қилаётган иш хусусида тегишли ахборот бериши лозим. Шу билан бирга пудратчи яна бажарадиган ишларнинг турлари ва бу ишларнинг хусусиятлари, баҳоси, ҳақ тўлаш

шакли тўғрисида буюртмачига зарур ва ишонарли ахборотни топшириши шарт. Бундай ахборотлар пудратчи бажарган ҳар бир иш учун берилиши, гоҳида тузиладиган маиший пудрат шартномаси ва бажариладиган ишга доир маълумотлар бўлиши мумкин. Айрим ишларнинг хусусиятларига кўра уни бажарадиган шахсни аниқ кўрсатиш лозим бўлади.

Пудратчидан бажариладиган ишнинг хусусиятлари ва шунга ўхшаш муҳим ахборот тўлиқ ёки етарлича бўлмаганлиги оқибатида шартнома тузилган бўлиб, буюртмачи назарда тутган хусусиятларга эга бўлмаганида, буюртмачи бажарилган ана шу ишга ҳақ тўламай шартномани бекор қилиш ва бунинг оқибатида ўзига етказилган зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи иш натижасини буюртмачига топшираётганида ундан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун риоя этиш зарур бўлган талабларни, шунингдек тегишли талабларга риоя қилмаслик буюртмачининг шахсан ўзи ва бошқа шахслар учун нохуш оқибатларга, масалан, электр қуввати билан боғлиқ қоидаларга, тез ёнғин оладиган, портлайдиган ёки заҳарланишга олиб келиши мумкинлигини ҳам маълум қилиши шарт.

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг шунингдек, буюртмачининг ҳам материалидан фойдаланиб бажарилиши мумкин. Шартнома бўйича иш пудратчининг материалидан фойдаланиб бажарилиши билан белгиланган бўлса, буюртмачи материал ҳақини шартнома тузилаётган пайтда тўлайди. Агар тарафлар материалнинг қийматини бўлиб тўлаш хусусида келишиб олган ва бу шартномада кўрсатилган бўлса, буюртмачи шу қисмини тўлайди. Қолган қисми эса, пудратчи бажарган ишни қабул қилиб олаётганида тўла ҳисоб-китоб қилинади.

Фуқаролик кодексининг 660-моддаси иккинчи қисмининг мазмунидан шу нарса аниқланадики, маиший хизмат пудрати шартномаси бўйича иш пудратчи материалидан бажарилмай, балки пудратчи томонидан буюртмачига насияга берилган материалдан бажарилиши мумкин. Бундай ҳолда иш буюртмачи материалидан бажарилган бўлади. Чунки буюртмачи насияга берилган материалнинг қийматини келишилган вақтга қадар тўлайди. Бундан ташқари маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалидан бажарилаётганда унинг қиймати тарафларнинг келишуви билан бўлиб-бўлиб

тўланиши мумкин. Иш пудратчи материалидан бажарилаётган бўлса пудратчи томонидан берилган материал баҳосининг шартнома тузилгандан кейин ўзгариши қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди.

Иш буюртмачининг материалларидан фойдаланиб бажарилиши ҳам мумкин. Бундай пайтда пудратчи томонидан буюртмачига шартнома тузилганлиги хусусида берилаётган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳоси кўрсатилиши лозим.

Материалнинг паттада ёки бошқа ҳужжатда кўрсатилган нархи унинг ҳақиқий қийматига тўғри келмаганлиги тўғрисида низо чиқса, буюртмачи унинг ҳақиқий нархини суд йўли билан исбот қилиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи буюртмачи томонидан берилган материални тўғри, мақсадга мувофиқ тарзда тежамкорлик билан сарфлаши лозим. Пудратчи топшириқни бажарганидан кейин ишлатилган материаллар тўғрисида ҳисоб бериши ва ортиб қолган қисмини буюртмачига қайтариши керак.

Шартномада ишнинг баҳоси пудратчи билан буюртмачининг келишуви бўйича белгиланади. Аммо ишнинг баҳоси тегишли тартибда эълон қилинган нарх (прейскурант)да кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Пудратчига бажарган иш учун ҳақ иш буюртмачига тўла топширилганидан сўнг тўланиши керак. Аммо тарафларнинг келишувига мувофиқ шартнома тузилаётганда ҳақни тўлиқ тўлаши аввал бўнак бериб, иш тўлиқ топширилганидан сўнг ҳисоб-китоб қилиш ҳақида бир битимга келиши мумкин.

Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган пудрат ишини қабул қилиб олаётганида ёки қабул қилиб, ундан фойдаланаётган пайтда камчиликлар аниқланса, бу камчиликлар хусусидаги талаблар Фуқаролик кодексида назарда тутилган умумий муддат (уч йил) давомида кафолат муддати белгиланганда эса, шу муддат давомида қўйилиши лозим.

Маиший пудратдаги шартномасига мувофиқ бажарилган иш буюртмачининг ўзи ёки бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган камчиликларни текин бартараф этиш тўғрисидаги талаб, агар қонунда белгиланган тартибдан узоқроқ муддат (хизмат муддати) назарда ту-

тилган бўлмаса, буюртмачи ёки унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида қўйилиши мумкин. Бундай талаб ушбу камчиликлар қачон аниқланганлигидан қатъи назар, шу жумладан улар кафолат муддати тугаганидан сўнг аниқланганида ҳам қўйилиши мумкин. Мазкур талаблардан қайси бири қўйилган бўлмасин уни пудратчи ўз вақтида бажариши шарт. Агар талабни пудратчи бажармаса, буюртмачи Фуқаролик кодексининг 663-моддасида кўрсатилган муддат давомида иш учун тўланган ҳақнинг қўйилган талабига мутаносиб равишда тегишли қисмини қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар бажарилган ишдаги камчиликлар борлиги аниқлангандан сўнг уни буюртмачи ўз кучи ёки учинчи шахслар ёрдамида бартараф этган бўлса, бу иш билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи тайёрлаган иш шартномада белгиланган муддатда буюртмачи томонидан қабул қилиб олинмаса, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб иш натижасини икки ой сақлаши керак. Мазкур муддат ўтгандан сўнг пудратчи ишнинг натижасини бозор баҳосида сотишга ва олинган пулдан ўзига тегишли бутун тўловларни чегириб, қолган суммани Фуқаролик кодексининг 249-моддасида кўрсатилганидек депозитга буюртмачининг номига ўтказишга ҳақли.

Агар ишни қабул қилиб олиш учун буюртмачи келмаганида ёки бошқача тарзда бўйин товлаганида пудратчи 664-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолда иш натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ва келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли. Иш фақат буюртмачининг материалидан бажарилган бўлсагина бу қоида тадбиқ этилади, агар иш пудратчи материалидан бажарилганида уни қабул қилиб олиш учун буюртмачи келмаганида ёки бошқача тарзда бўйин товлаганида фақат келган зарарни ундириб олишга ҳақли бўлади. Маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи Фуқаролик кодексининг 434-436-моддаларига мувофиқ сотиб олувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Агар иш сифатсиз бажарилган бўлса, буюртмачи ишни ўхшаш материалдан сифатли қилиб қайтадан бажариб беришни талаб қилиши ёки камчи-

ликларни текинга бартараф этишни талаб қилиш ё иш баҳосини мутаносиб равишда камайтириш ёхуд шартномани бекор қилиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шартнома бажарилмаган бўлса, буюртмачи ундан неустойка ва шартномани бажармаганлиги сабабли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли.

2-§. Юк ва йўловчи ташиш

Юк ва йўловчи ташиш бевосита тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган муносабатдир. Шунинг учун ҳозирги вақтда республикамизда турли транспорт воситаларини кўпайтириш ва шу асосда юк ва йўловчи ташишни ҳамма жойда етарлича ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор бериляпти.

Юк ва йўловчилар ташиш тадбиркор транспорт ташкилотлари билан мижозлар ўртасида тузилган шартномалар орқали расмийлаштирилади.

Транспорт ташкилоти ва юк жўнатувчи ўртасида тузилган юк ташиш шартнома бўйича транспорт ташкилоти (юк ташувчи) жўнатувчи томонидан топширилган юкни тайинланган манзилга етказиб вакил қилинган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса ташиш учун белгиланган кира ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур шартномада юк ташувчи турли хилдаги юк ташувчи транспорт корхонаси, хусусий транспорт эгалари қатнаша оладилар. Жумладан юк темир йўл орқали ташиладиган бўлса, темир йўл транспорти корхонаси, ҳаво транспортида ҳаво транспорти корхонаси, автомобил транспортида эса туман, вилоят ёки шаҳар автохўжалиги ёки автоколонна, хусусий автомобилларнинг эгаси бундай шартнома иштирокчилари бўла олади.

Бир жойдан иккинчи жойга юк жўнатувчи турли хилдаги давлат корхоналари, жамоа корхоналари, фирмалар, ижарачилар, деҳқон хўжаликлари, фуқаролар юк жўнатувчи сифатида қатнаша оладилар.

Томонлар шартнома бўйича маълум ҳуқуқ ва бурчга эга бўладилар. Жумладан, юк ташувчи ўзига топширилган юкни белгиланган жойга зарарлантирмай етказиб уни қабул қилишга вакил қилинган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Юк жўнатувчи ҳам шартномага мувофиқ жўнатиладиган юкни

транспорт ташкилотига ўз вақтида топшириш, хизмат ҳақини тўлаш сингари мажбуриятларга эга бўлади.

Йўловчи ташиш шартномаси бўйича транспорт ташкилоти киракаш йўловчини агар унинг юки бўлса, уни ҳам келишилган манзилга етказиб қўйиши, йўловчи эса ўзи учун ҳам, юки учун ҳам белгиланган хизмат ҳақини тўлашга мажбур бўлади.

Юк ташиш юзасидан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан аввал юк ташувчи транспорт ташкилотига юкнинг кам келганлиги ҳақида талаб (даъво) билдирган бўлиши лозим.

Юк ва йўловчи ташиш транспорт турига кўра бир неча тарзда амалга оширилади. Жумладан, темир йўл транспорти орқали, ҳаво транспорти орқали, денгиз транспорти орқали, автомобил транспорти орқали юк ва йўловчи ташиш шартномаларига бўлинади. Йўловчилар шартнома бўйича маълум ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Чунончи темир йўл транспортидан фойдаланаётган йўловчи истаган поездига, хоҳлаган вагонидан жой талаб қилиш, беш ёшдан катта бўлмаган болаларни, ўттиз олти килограммгача, шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар эса эллик килограммгача юкни текин олиб кетиш; қўл юки қилиб жўнатиш, билетнинг муддатини ўзгартириб олиб, йўлда ўн суткагача бирон жойда қолиш, тасодифан касал бўлиб қолган тақдирда, бутун даволаниш давомида билетнинг яроқли муддати узайтирилишини талаб қилиш ҳуқуқларига эга бўлади. Шунингдек, йўловчи маълум бир мажбуриятларга ҳам эга. Жумладан, йўловчилар ўзи учун юк топширган бўлса, унинг учун кира ҳақини тўлаш, қоидалар билан белгиланган тартиб-интизомга риоя қилиш, поезд, самалётлар ва бошқа транспорт воситаларидаги ашёлардан тўғри фойдаланиш, текширувчи талаб қилганида дарҳол билетни кўрсатиш, узоққа кетувчи, йўловчилар кўрпа-ёстиқ олган бўлсалар, тайинланган жойга етишдан олдин уни топшириш мажбуриятларини оладилар.

Юк ва йўловчи ташиш билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига доир қонунлар: Фуқаролик кодекси, Ҳаво кодекси, Темир йўл транспорти, автомобил транспорти уставлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади.

Юкнинг кам келганлиги, зарарланганлиги ёки йўлда йўқотилганлигини исботлайдиган ҳужжат уни қабул қилиб олаётганида тузиладиган далолатномадир. У юк ташувчи транспорт

ташкилотига талаб қўйиш ёки даъво қилиш учун юридик далил ҳисобланади. Бундай ҳужжат бўлмаганда даъвогар талаб билдириш ёки даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Юкнинг кам келганлиги, зарарланганлиги ёки йўқотилганлиги туфайли етказилган зарарни ундириш учун даъво қўзғатишдан аввал бу ҳақда талаб билдирилган ва талабга қониқарсиз ёки муглақо жавоб олмаган бўлиши лозим. Шундан сўнг судда даъво қўзғатиш мумкин.

3-§. Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги асосий ва муҳим вазифалардан бири аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришдир. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёни бевосита аҳоли ҳуқуқий маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Шу сабабли аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни юксалтириш, унинг мазмуни ва моҳиятини, ҳуқуқий асосларини ташкилий тизимини янада ривожлантириш муҳимдир. Жумладан, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи идоралар билан фуқаролар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар фақат шартномага асосланган бўлиб, ана шу шартномавий муносабатлар билан боғлиқ мажбуриятларни ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлигини кучайтириш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи идоралар фаолиятини янада ривожлантириш, мазкур идораларнинг ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш зарур.

Бинобарин, Республикамизнинг мустақиллигини белгиловчи декларация, давлат мустақиллиги асослари, ундан кейин Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга мувофиқ қабул қилинган бир қатор қонунлар, жумладан, адвокатура тўғрисидаги қонунлар аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш муносабатларини тартибга солишда муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, Республи-камизда инсон ҳуқуқлари, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ва уларни амалга ошириш юзасидан асосий вазифа чора-тадбирлар белгилаб берилган. Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий

маркази тузиш тўғрисида», «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида», 1997 йил 25 июндаги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги қарори ва бошқа ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шу соҳадаги идоралар билан фуқаролар ўртасида тузиладиган ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномалари асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси мижозга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи идоралар томонидан бажарилиши шарт бўлган фаолиятдир. Бу шартноманинг иштирокчилари бўлиб, бир томондан мижоз-фуқаро айрим ҳолларда эса ташкилотлар, иккинчи томондан эса ҳуқуқий маслаҳат берувчи идоралар иштирок этадилар. Булар *адвокатура, нотариат ва ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи хусусий* корхоналардир.

Адвокатура ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокат (шерик)лар билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир.

Нотариал ҳаракатларни қонунга мувофиқ давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идорасининг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги юритади.

Бинобарин, Ўзбекистонда хусусий нотариат ва хусусий адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилган.

Адвокатлик фаолияти билан олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик билан шуғулланиш

ҳуқуқини берувчи лицензияни олган фуқаро шуғулланиши мумкин.

Нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Хусусий нотариал амалиёти билан шуғулланиши учун олий маълумотли юрист малака имтиҳонини топширганидан ва нотариат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлгандан сўнг қонунда белгиланган тартибда нотариат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган хусусий нотариат идораларини ташкил қилган бўлиши керак.

Бундай идоралар билан мижозлар ўртасида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган бўлиши лозим. Шартнома ёзма шаклда тузилади.

Шартноманинг ўзига хос ҳуқуқий белгилари уни бошқа яқин бўлган турдош шартномалардан фарқлашга асос бўлади. Унинг Ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақ бараварига тузилади;

шартнома тузилганидан сўнг ҳар икки тарафда ҳам ҳуқуқ ва шунга яраша бурч бўлганлиги сабабли икки томонлама шартнома ҳисобланади;

шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг кучга киради;

ниҳоят бу шартнома мазмун, моҳияти жиҳатидан аҳолининг ҳуқуқий хизматга бўлган эҳтиёжини таъминлаш; унинг яна бир муҳим хусусияти аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш билан боғлиқдир.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналарнинг асосий мақсади тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, аҳолига пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатишдир.

Тузилган шартномага мувофиқ тарафлар маълум бир ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналар фуқаролар билан тузиладиган шартномага асосан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга бурчли бўлади. Булар: ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар ва тушунтиришлар; қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ёки ёзма

маълумотлар; ҳуқуқий тавсифдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар бериши, тақдим этиши мумкин.

Нотариал масалалар бўйича ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корхоналар «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддасига асосан битимларни ва васиятларни тасдиқлаб бериши, эр-хотиннинг умумий мулкдаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш, ҳужжатнинг бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржимаси тўғрилигини шаҳодатлаш, ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш, кўчмас мулкнинг очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома бериш, фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқлаб бериш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни бажарадилар.

Шу билан биргаликда, нотариал масалалар бўйича аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бир қатор нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунида қайд этилган. Унда белгиланишича, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширади, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш бундан мустасно[1].

Аммо шуни ҳисобга олиш лозимки, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи хусусий нотариал юридик шахслар ўзларининг хусусий амалиёти билан шуғулланишлари даврида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли бўлмайдилар.

Аммо нотариуслар белгиланган тартибда ва шартларда шартнома бўйича нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар ва бунинг учун хизмат ҳақи оладилар.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналар ҳуқуқий хизмат кўрсатишни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг ҳамма сўровларини ҳам қаноатлантиришга ҳақли бўлмайдилар. Улар фақат қонунга мувофиқ келадиган ва ўз фаолияти доирасида

[1] Ўзбекистон Республикасининг адвокатура, нотариат тўғрисидаги қонунлари. Т., «Адолат», 1997, 24-б.

бўладиган сўровларга, хизматларга жавоб берадилар. Агар хизмат кўрсатишни сўраб қилинган мурожаат бўйича амалга ошириладиган фаолият қонунга зид бўлса, бу ҳаракатлар бошқа идоралар томонидан амалга оширилиши керак бўлса, муомалага лаёқатсиз фуқаро ёки зарур ваколатлари бўлмаган вакил ҳуқуқий ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилганида, битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса, ҳуқуқий ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ бўлмаса, ҳуқуқий хизмат кўрсатишни рад этишга ҳақли бўлади.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномасини амалга ошириш муддати хизмат учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган, давлат божи ундирилган ва хизмат ҳақи тўланган кундан бошланади. Агар шартномани амалга ошириш учун қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориб аниқлаш лозим бўлиб қолганда ушбу муддат кечиктирилиши мумкин.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича тарафлар ўзларининг бурчларини сифатли қилиб бажариши лозим.

Агар тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаса ёки маромига етказиб бажармаса улар қонунда белгиланганидек жавобгар бўлади.

Жавобгарлик қонунда ёки тарафлар ўртасида тузилган шартнома билан белгиланиши мумкин. Агар ҳуқуқий хизмат кўрсатишда қонунларни бузганлик учун тадбиркор мулкий ёки қонунларда назарда тутилган асосларда суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар жавобгар бўладилар.

Агар тарафлар ўртасида тузилган шартномада жавобгарлик бирмунча ошиқроқ белгиланган бўлса, шартномани бузган тараф ана шу белгиланган миқдорда ва тартибда жавобгар бўлади.

XVIII БОБ. ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

1-§. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бу аҳолига алоқа ташкилотлари орқали хизмат кўрсатиш, тиббиёт хизмати, ветеринария хизмати, аудиторлик, маслаҳат, ахборот, таълим бериш, сайёҳлик хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлардир. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда.

Шу сабабли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорликка давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилинган қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш хизмат кўрсатувчи тадбиркор билан шу хизматдан фойдаланувчи шахслар ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Шартноманинг таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 703-моддасида берилган. Бу қонунда белгиланишича, - ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш) буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади...».

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича бир тараф ижрочи, иккинчи тараф буюртмачи сифатида иштирок этадилар. Ижрочи бўлиб тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган хусусий фирмалар, корхоналар, нодавлат корхоналари ҳамда давлат ташкилотлари иштирок этадилар. Шунингдек, якка тадбиркорлар ҳам ижрочи сифатида хизмат кўрсата оладилар.

Ижрочи бўлиб шартномада қатнаша оладиган ташкилотлар, корхоналарнинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш фаолияти уларнинг уставларида, низомларида кўрсатилган бўлиши, якка

тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар эса белгиланган тартибда рухсат олган бўлишлари шарт.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ўзига хос хусусиятлари билан бошқа шартномалардан фарқланади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тарафларнинг келишуви билан тузилади. Уларнинг айримлари, жумладан, алоқа, тиббиёт ва ветеринария, аудиторлик, ҳуқуқий, ахборот, таълим бериш, сайёҳлик каби хизмат кўрсатиш томонларнинг ўзаро келишуви билан тузилиб кейинчалик ижро этилиши сабабли консенсуал шартнома бўлса, фуқароларнинг хат-хабарларини бошқа жойга жўнатиш, тиббий кўрикдан ўтказиб, соғлиғи ҳақида маълумот олиш, бир марталик ветеринария хизмати, ҳуқуқий, маслаҳат каби хизматларнинг айримлари ҳақ тўлаш билан бажарилганлиги сабабли аниқ шартнома ҳисобланади.

2. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш учун аксарият ҳолларда ҳақ тўланади. Айрим ҳолларда текинга хизмат кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолларда тузилган шартнома текинга тузилган шартномалар гуруҳини ташкил этади.

3. Тарафлар ўртасида шартнома тузилгандан сўнг ҳар икки тарафда ҳам ҳуқуқ ва шунга яраша бурч пайдо бўлади. Шу сабабли бу икки томонлама шартнома ҳисобланади.

Бу шартнома аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг аҳамияти тобора муҳим бўлиб бормоқда. Ана шу хусусиятлари туфайли у мутлақо янги шартнома сифатида фуқаролик кодексида ўз ифодасини топди.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи ҳам, шунингдек, буюртмачи ҳам маълум бир ҳуқуқларга ва бурчларга эга бўлади. Бинобарин, ижрочи ўзи айбдор бўлмаган ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда буюртмачи ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт. Бунда ижрочининг хизмат кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси четариб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, хизмат қиймати бутунлай тўланиши керак. Шартнома ижро этилиши билан бекор бўлади. Шунингдек, ижрочи шартномада белгиланган хизматни бажариш орқали ёки қисман бажа-

риш билан шартнома ижро этилган ҳисобланади. Шартномада тарафларнинг жавобгарлиги Фуқаролик кодексининг 706-моддасига кўра, «ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даржада бажармаган ҳолларда у келтирган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар қийматининг икки бараварида.ı ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин».

Шартнома умумий қоида бўйича тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор бўлиши мумкин. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шарти билан талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно. Ижрочи шартнома бекор қилинганда буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

2-§. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш турлари

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бир неча турларга ажратилади. Улар хизмат кўрсатишнинг хусусиятига қараб алоқа хизмати, тиббий хизмат, ветеринария хизмати, аудиторлик хизмати, ҳуқуқий хизмат, маслаҳат хизмати, ахборот хизмати, таълим бериш (пуллик) хизмати, сайёҳлик хизмати ва шунга ўхшаш бошқа хизматлардан иборат. Бу хизматлар ўз хусусияти, хизмат кўрсатиш ҳолати, характери ва ҳуқуқий тартибга солиниши жиҳатидан бири иккинчисидан фарқланади. Аммо уларнинг умумий ўхшашлиги ҳам мавжуд. Чунончи, мазкур шартномада бир томонда хизмат кўрсатувчи (ижрочи), иккинчи томонда эса ундан фойдаланувчи-буюртмачи иштирок этади. Шу сабабли уларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси сифатида таъриф берилган.

Фуқаролар, шунингдек, юридик шахслар, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ва хизмат кўрсатиш учун белгиланган тартибда рухсат олган ташкилотлар ижрочи сифатида қатнашадилар. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олган фуқаролар ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсата олади.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи корхоналар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳисобланади ва хизмат кўрсатиш фаолиятига эга бўлади.

Хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шу хизматдан фойдаланувчилар ўртасида шартнома тузилади. Шартнома ёзма тартибда расмийлаштирилади.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ҳар икки тарафда ҳам ҳуқуқ ва бурч келиб чиқади. Чунончи, алоқа хизмати кўрсатиш шартномасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилот буюртмачиларга почта ҳужжатларини белгиланган манзилга жўнатиш, мижозларга кундалик матбуот хабарлари, шунингдек, газета-журналларни уйига ёки бошқа белгиланган жойларга вақтида етказиб бериш, телефон хизмати кўрсатиш бўйича тузилган шартномалардан келиб чиқадиган вазифаларни ўз вақтида маромига етказиб бажариш бўлса, буюртмачилар бунинг учун белгиланган хизмат ҳақини тўлаб туришга мажбур бўлади.

Тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқига хизматни бажаришга ихтисослашган ташкилот, шунингдек, етарлича тиббий хизмат кўрсатиш билимига ва бу ҳақда тегишли ҳужжатларга эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда рухсат олган шахслар эга бўладилар. Тиббий хизматдан фойдаланувчилар эса, агар бундай хизмат кўрсатиш текинга бажариладиган бўлмаса, келишилган ҳақни тўлашга мажбур бўлади.

Ветеринария хизмати бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилот буюртмачи фермерларга ёки аҳолига уларнинг молини даволаш бўйича малакали хизмат кўрсатиш мажбуриятини олса, буюртмачи шартнома бўйича белгиланган хизмат ҳақи ва бошқа мажбуриятларни бажариши шарт бўлади.

Ахборот, маслаҳат бериш ва сайёҳлик хизмати кўрсатиш бўйича ушбу вазифаларни бажарувчи ташкилот тегишли хизматни шартнома бўйича сифатли қилиб бажаришга, буюртмачи эса келишилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашга мажбур.

Нотариат, адвокатура ва бошқа ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, фирмалар қонунга мувофиқ ва тарафлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ҳуқуқий хизмат кўрсатишга, буюртмачилар эса келишилган ҳақни белгиланган вақт ва тартибда тўлашга ҳақли бўлади.

Таълим (репититорлик) хизмати тегишли гувоҳномаси, яъни рухсатномаси бўлган ва малакали ихтисосга эга хусусий тадбиркор томонидан ёки бу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган фирма томонидан кўрсатилади. Мижоз, яъни таълим олишга муҳтож шахс белгиланган ёки келишилган хизмат ҳақини тўлашга мажбур.

3. Аудиторлик хизмати. Бу хизмат тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида аудит тушунчаси берилган. Унда белгиланишича, Аудит муайян ваколатлар берилган шахслар аудиторлар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик юритаётган субъектлар молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига қай даражада мувофиқлигини, шунингдек мукаммаллиги ва асослилигини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва бошқа молиявий ҳисобот юритишга доир талабларга қай даражада монандлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган молия ҳужжатларининг экспертизаси ва таҳлилидир. Аудит шунингдек консальтингни — мижоз билан шартнома асосида хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади[1].

Аудитор — белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ва аудиторларнинг касб рўйхатига киритилган мутахассисдир.

Аудиторлик хизмати аудиторлик фирмаси томонидан олиб борилади. Аудиторлик фирмаси — юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган уставига кўра фаолият соҳаси аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган корхонадир.

Аудиторлик фирмалари кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар тарзида тузилиши мумкин.

[1] Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон. Т., «Адолат», 1993, 42-б.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин ўз фаолиятларини бошлайдилар.

Маълумки, иқтисодиётнинг бозор муносабатлари томон юз тутиши молиявий назоратнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятини туғдиради. Молиявий назоратнинг муқаддам давлат томонидан ташкил этилган тафтиш тизими мулкчиликнинг турли шаклларига асосланиб тузилган янги корхоналарнинг эҳтиёжларини қондира олмай қолган эди, у билан бирга нодавлат корхоналарининг ташкил топиши ва уларнинг манфаатлари ҳам аудит хизматининг ташкил этилиши, шунингдек, юзага келган янги иқтисодий шароитда пайдо бўлган муаммоларни ечиш борасида амалий ёрдам кўрсатувчи ҳамда фаолият кўрсатаётган корхоналарда қонунчилик бузилишининг олдини олувчи аудит хизмати кўрсатувчи ташкилотнинг бўлишини тақозо этган эди.

Корхоналарнинг фаолиятига ёрдам берувчи аудит хизмати тафтишдан фарқ қилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Тафтиш ўтказишдан асосий мақсад корхоналардаги ўғрилик, кўзбўямачилик ва бошқа камчиликларни топиш ва унинг асосида айбдорни жавобгарликка тортишдир. Аудиторлик текширувининг асосий мақсади эса, мижоз корхона молиявий ҳисоботини бухгалтерия ҳисоботи бўйича амалдаги низом, андоза ва кўрсатмаларга мос келиши нуқтаи назардан баҳолаш, бу борада унга амалий ёрдам кўрсатиш ва мижоз билан ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишдан иборат.

2. Тафтиш олдига қўйилган вазифа корхона фаолиятларининг сақланишини таъминлаш, қонунбузарларни ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолларининг олдини олишдир. Аудит амалга оширадиган вазифа эса, мижоз корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш, унинг таъсир доирасини кучайтириш, рақобатга бардошлилик даражасини ошириш, фирма даромадининг ривожланиш истиқболларини белгилаш бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

3. Тафтиш бошқарувининг бўйсунувчи, итоат этиши бўйича амалга оширилган текширув бўлиб, асосан юқори ташкилотлар ва жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар эҳтиёжини қондириш мақсадида амалга оширилади. Аудит эса уфқий йўналиш бўйича ташкил этилган текширув

бўлиб, мижоз фирма ва у билан шартнома асосида боғлиқ бўлган банклар, солиқ маҳкамалари, суғурта компаниялари каби ҳамкорлар ва ҳиссадорлар манфаатини кўзлаб амалга оширилади.

4. Тафтиш ўтказувчи шахс, асосан, тафтиш идорасининг ходими ҳисобланади ва унинг хулосаси кўпчилик ҳолларда раҳбарнинг иродасига боғлиқ бўлади. Аудит эса, мустақил эксперт мақомига эга бўлиб, текширув бўйича мустақил хулоса беради.

5. Тафтиш юқори ташкилотлар ва жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар томонидан асосан мажбурий тарзда ташкил қилинади. Аудит эса асосан корхонанинг ўз хоҳишларига кўра, уларнинг мурожаати асосида амалга оширилади.

6. Тафтишнинг харажатлари асосан текширувни тайинлаган юқори ташкилотлар гомонидан қопланса, аудиторлик текширувининг ҳаракатлари шартномага мувофиқ текширув ўтказилаётган фирма ҳисобидан қопланади.

7. Тафтиш натижалари текширувни белгиланган ташкилотларга катта миқдорда давлат мулкини талон-торож ёки қонундан четга чиқишлар аниқланганда, тергов ва суд муассасаларига тақдим қилиши мумкин. Аудиторлик текшируви натижалари эса, агар у жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар томонидан махсус тайинланмаган бўлса, ишга ёллаган фирма раҳбариятига берилади ва зарурийтга кўра, унинг асосий ҳолатлари хиссадорлар йиғилишига тақдим этилиши мумкин. Бу маълумотлар бошқа ташкилотларга фирма раҳбариятининг рухсати билангина берилади. Бошқа ҳолларда мустақил аудитор фирмаси томонидан сир сақланади.

Агар аудиторлик текшируви натижалари асосида берилган кўрсатмалардан текширув ўтказилган корхона зарар кўрса, шу зарарни мижоз, аудитор ёки аудиторлик фирмасидан қонунда кўрсатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга.

8. Фаолият хусусиятига кўра тафтиш юқори ташкилотлар томонидан берилган буйруқ ёки кўрсатмаларни бажариш билан боғлиқ жараёндир. Аудит эса тадбиркорлик фаолияти. Аудитор корхонанинг молиявий ҳисоботини текшириш билан чекланиб қолмай балки мижозга ҳақ эвазига молия, бухгалте-

рия ҳисоботи, валюта муомалаларини юритиш, банк иши, суғурта компаниялари фаолияти, ташқи бозорга чиқиш сингари фаолият йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш билан ҳам шуғулланади.

Тафтиш ва аудиторлик фаолияти, шунингдек текширув натижаларини расмийлаштириш тартибга кўра фарқланади. Масалан, тафтиш ўтказиш натижалари далолатнома ҳолида расмийлаштирилади ва у корхона фаолиятида қонунчиликка риоя қилиш ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш ва айбдорларни жазолаш мақсадида юқори ташкилотлар ёки текширувни тайинлаган идораларига тақдим этади. Унинг маълумотлари аксарият ҳолларда кенг халқ оммасига эълон қилинмайди. Аудиторлик текшируви натижалари эса, аудитор ҳисоботи ва хулосаси ҳолида расмийлаштирилади. Аудитор хулосаси муҳим ҳужжат бўлиб, у мижоз томонидан молиявий ҳисоботлар билан бирга матбуотда эълон қилиниши мумкин. Бу эса у билан ҳамкорлик қилаётган ва қилмоқчи бўлган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг эътиборини ўзига жалб қилиш учун қулай имконият яратади.

Демак, аудит хизмати тафтиш ўтказишнинг ўрнини эгалламайди. Чунки молиявий тафтиш ўтказиш ҳам ўз аҳамиятига эга. Аммо аудиторлик хизмати ҳозирги бозор иқтисоди муносабатларига ўтишда муҳим бўлиб, хўжалик субъектлари бўлган корхона, ташкилотларга хўжалик, тадбиркорлик фаолиятини қонунга мувофиқ тарзда юргизишда ниҳоятда катта ёрдам кўрсатмоқда. Демак, молиявий тафтиш ҳам аудиторлик хизмати ҳам, тадбиркорларнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини тўғри юргизишда муҳим ўринга эга.

Аудиторлик хизмати тарафлар томонидан тузилган шартномага асосан олиб борилади. Мазкур шартномага мувофиқ ҳар икки томонда ҳам ҳуқуқ ва бурч пайдо бўлади. Агар улар аудиторлик хизмати кўрсатиш шартномасини бузса, шартномада белгиланганидек ҳамда Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган тартибда мулкий, маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилади.

XIX БОБ. ВОСИТАЧИЛИК

Воситачилик асосида фаолият кўрсатиш ҳам тадбиркорликнинг бир туридир. Воситачилик муносабатлари муқаддам фақат воситачи дўконлар орқали олиб борилган бўлса, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида воситачиликка кенг йўл очиб берилди ва у ҳар хил хизмат кўрсатиш соҳаларида тузилмоқда. Бу муносабатда воситачи бўлиб тадбиркор фуқаролар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар (биржалар, воситачи савдо дўконлари) фаол қатнашиб хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Воситачилик хизмати топшириқ берувчи (комитент) билан воситалик қилувчи тараф ўртасида тузилган шартномага мувофиқ кўрсатилади.

1-§. Воситачилик шартномаси тушунчаси ва аҳамияти

Воситачилик шартномасининг тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 832-моддасида берилган. Бу қонунда белгиланишича, «воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи), иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади...»

Воситачилик шартномаси ҳуқуқий хизмат кўрсатишга мўлжалланган шартномалар жумласига киради. Унинг ёрдамида вакилликка оид муомалалар, энг асосийси, савдо-воситачилик муомаласи бўйича вакиллик қилиш хизмати амалга оширилади. Бошқача сўз билан айтганда, у савдо воситачилиги муомалаларини расмийлаштиради[1].

Воситачилик шартномасидан ички ва ташқи савдо соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан: воситачи дўконларнинг ҳар хил истеъмол моллари, енгил автомашина-

[1] Раҳманқулов М. Ҳ. Хозяйственный договор: социально-экономическая сущность и отдельные виды. Т., «Фан», 1993.

лар сотиш бўйича фуқаролар билан тузиладиган шартномалар; матлубот кооперацияларининг жамоа хўжаликлари билан тузадиган шартномалари; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун ижара корхоналари билан тузиладиган шартномалар шулар жумласидандир. Воситачиликнинг бу туридан ташқи савдо муомаласида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда республиканинг ташқи савдо ташкилотлари чет элдан бизнинг корхоналар учун келтирилган молларни харид қилиш бўйича воситачилик топшириқларини бажарадилар.

Воситачилик шартномасидан фақат ички ва ташқи савдо соҳаларида эмас, балки транспорт воситалари муомаласида, қимматбаҳо қоғозлар муомаласи соҳасида, банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш фаолиятида ҳам кенг қўлланилади. Воситачилик шартномасининг биржа савдосида, яъни брокерлик идоралари ва брокерларнинг харидорларга хизмат кўрсатишда воситачилик вазифасини бажариши унинг соҳада қўлланишидир.

Савдо-воситачилик муомалалари кўпинча қўшимча хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Масалан: молларни сақлаб бериш, суғурта қилиш ва элтиб бериш каби хизматларни ҳам воситачилик томонидан бажарилиши мумкин.

Воситачилик шартномаси томанларининг ўзаро келишув асосида тузилади. Шартноманинг ижро этилиши маълум бир даврга ча давом этади. Шу сабабли у консенсуал, яъни тарафларнинг келишуви билан тузиладиган шартномалар гуруҳига киради.

Воситачилик шартномаси – иштирокчиларга тенг ҳуқуқ ва бурчлар келтириб чиқарадиган икки томонлама битим. Воситачилик шартномасида, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, аниқ белгиланган пул маблағи ёки воситачи бажарган битим баҳосининг маълум бир фоизи миқдорида ҳам белгиланади.

Воситачилик шартномаси ёзма шаклда тузилади ва воситачининг комитент топшириғи билан иш юритиш назарда тутилади. Сотиладиган мол-мулклар воситачилик шартномасининг эмас, балки воситачининг учинчи шахслар билан тузиладиган битимининг объекти ҳисобланади.

Воситачилик шартномаси бўйича томонлар воситачи ва комитентдир. Бу шартномада фуқаролар ҳам, юридик шахслар

ҳам иштирок этишлари мумкин. Қоида бўйича воситачи – юридик шахс бўлиб (воситачи дўкон, матлубот кооперацияси тизимидаги тайёрлов идораси, брокерлик идораси, банк ва б.) ҳисобланади. Муқаддам фуқаро воситачи сифатида бир марталик воситачилик шартномасида қатнашган бўлса, ҳозирги пайтда воситачи сифатида иш юритаётган фуқароларнинг фаолият доираси (биржада брокерлик, уй-жойларни сотиш ва алмаштириш бўйича маклерлик) кенгайиб бормоқда.

Воситачилик шартномаси кўп жиҳатдан топшириқ шартномасига яқиндир. Уларнинг асосида вакиллик муносабатлари ётади яъни битим топшириқ берувчи манфаати ва унинг ҳисобига вакил томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга улар ўртасида муҳим фарқ бор. Фарқлардан бири шундан иборатки, вакил топшириқ берувчи номидан фуқаролик муомалаларида қатнашади. У битим тузиш учун зарур бўлган ишончнома ёки ваколат берувчи биронта ҳужжатга асосан ҳаракат қилади. Воситачи вакилдан фарқ қилган ҳолда, доимо ўз номидан иш юритади. Шунинг учун ҳам битим тузишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар комитентга эмас, воситачига нисбатан вужудга келади. Шундай экан, иш юзасидан келиб чиқадиган низоли масалаларни (масалан, мол жўнатилаётганида унинг муддати кечикканлиги ёки сифати етарли даражада бўлмаслиги оқибатидаги низоларни) шахсан воситачи ҳал этади. Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ё у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси топшириқ шартномасидан мақсади ва вазифалари билан ҳам фарқ қилади. Воситачилик вазифаси фақат битим тузиш (одатда комитент мол-мулкларининг олди-сотдиси бўйича) бўлса, топшириқнинг объекти, асосан, турли "ҳуқуқий ҳаракатлар"бўлиши мумкин. Масалан, вакилнинг мажбурияти ва ҳуқуқлари битимлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда (жумладан, судда вакиллик қилиш) ҳам келиб чиқади. Шундай қилиб, воситачилик ҳуқуқий фаолиятларнинг фақат битим тузишга оид бўлган кичик бир қисмини ўз ичига олади. Ниҳоят, воситачилик шартномаси доимо ҳақ эвазига ҳам, шунингдек, текинга ҳам тузи-

лиши мумкин. Топшириқ қонунда белгиланган махсус кўрсатма, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина ҳақ бараварига тузилади.

2-§. Воситачилик шартномасининг мазмуни ва унинг бажарилиши

Воситачи тузилган шартномани бажаришда комитент номидан эмас, балки ўз номидан фаолият кўрсатади. Аммо воситачилик шартномаси бўйича:

воситачи ва комитент ўртасида;

воситачи ва учинчи шахслар ўртасида;

комитент ва учинчи шахслар ўртасида /муайян шароитларда/ ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Воситачи ўз зиммасига олган топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ, воситачилик шартномасида бундай кўрсатмалар бўлмаган) эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ топшириқ берувчи учун энг фойдали шартлар асосида бажариши шарт. Агар воситачи битими комитент топшириқ берувчининг кўрсатмасидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида тузган бўлса, қўшимча фойда, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар ўртасида тенг тақсимланади (ФКнинг 834-модда, 2-қисми).

Бошқача айтганда, қўшимча фойда олиш одатда фақат воситачи фаолиятига эмас, балки топшириқ берувчининг сотиладиган ёки сотиб олинадиган молларга бўлган талаб ва таклифлар таъсирига ҳам боғлиқ.

Шу билан бирга мол-мулк комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотилмаганида яна ҳам кўпроқ зарар бўлишини исбот қилиб бўлмаса, орадаги фарқни комитентга тўлайди. Воситачи комитентдан рухсат сўраши шарт бўлган ҳолларда у комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга комитентнинг розилигини олдиндан олиш имкониятига эга бўлмаганлигини ҳам исбот қилиши шарт (ФКнинг 837-модда, 2-қисми).

Агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқори нархда сотиб олган бўлса, бундай харидни қабул

қилишни истамаган комитент воситачидан учинчи шахс билан битим тузилганлиги ҳақида билдириш олганидан кейин оқилона муддатда бу ҳақда воситачига маълум қилиши шарт. Акс ҳолда харид комитент томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади. Бундай ҳолларда комитент тузилган шу битимдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлмайди, яъни унинг кўрсатмаларига тўла-тўкис амал қилинган ҳисобланади.

Шартноманк ижро этишда, жумладан, битим нархини белгилашга тааллуқли бўлганда ҳам воситачига комитент кўрсатмаларидан четга чиқишга рухсат этилади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, бу фақат комитент манфаатлари учун зарур бўлган ҳолларда ва унинг розилигини олиш имкони бўлмаган ёки оқилона муддатда ундан зарур кўрсатмаларни олиш мумкин бўлмаган ҳолларга тааллуқлидир. Лекин шундай шароитда ҳам у четга чиқиш ҳақида комитентни имконият бўлган заҳоти хабардор қилиши зарур. Акс ҳолда қонуннинг мазкур талаблари бузилганлиги оқибатида комитент кўрган зарар учун воситачи жавобгар ҳисобланади.

Учинчи шахс билан битим тузилганда, гарчи унда комитентнинг номи келтирилган ёки у учинчи шахс билан бевосита муомалага кирган бўлса ҳам, воситачи барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Воситачи битимни бажариш билан боғлиқ мажбуриятларни бажариши учун барча ҳуқуқлардан фойдаланиши лозим. Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни ўша шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда комитентга дарҳол хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва улар билан комитентни таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битимга оид бўлган ҳуқуқларни унга топшириши шарт.

Воситачи учинчи шахс билан тузилган битим бажарилмагани учун комитент олдида жавобгар бўлмайди (ФКнинг 834-моддаси). Воситачи, битим бажарилиши учун эмас, балки комитент манфаатларини кўзлаган ҳолда учинчи шахс билан тузган битимларининг ҳақиқийлигига жавоб беради.

Комитент молларига ҳақ тўлаш ёки уларни жўнатиш бўйича учинчи шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар учун белгиланган даъво муддати ўтган тақдирда, воситачи жавобгар ҳисобланади. Воситачи ушбу учинчи шахсни танлашда зарур эҳтиётқорлик қилмагани учун, масалан, бекор қилинган ёки

тўловга лаёқатсиз деб топилган юридик шахс билан битим тузганда ҳам, комитент олдида жавобгар бўлади.

Шартномада делькредерлик (учинчи бир шахс кафолат бериш муомаласи) ҳақида шартлар мавжуд бўлган ҳолларда учинчи шахс томонидан битимнинг бажарилмаганлиги учун воситачи комитент билан тенг жавобгар бўлиши ҳам, қўшимча равишда (субсидиар) жавобгар бўлиши ҳам мумкин. Аммо юқорида келтирилган асос (битим бўйича талаблар ҳақиқийлиги, шахс танлашда эҳтиёткор бўлиш ёки воситачилик шартномасида делькредерлик ҳақидаги шартлар) мавжуд бўлса, воситачи ўзи тузган битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилмагани учун жавоб бермайди.

Комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлари комитентнинг мулки бўлади (ФКнинг 838-модда, 1-қисми). Демак, уларни сақлаш, ташиш, тасодифан йўқолиши ёки шикастланиши хавф-хатарлари комитент зиммасида бўлади. Агар комитент шартнома шартига кўра хавф-хатарлар учун жавобгарликни воситачи ёки бошқа шахсга қўшимча ҳақ тўлаш эвазига юкласа, у жавобгарликдан озод бўлади. Шу билан бирга воситачи комитентнинг мол-мулкини сақлаш мажбуриятига ҳам эга бўлади.

Фуқаролик Кодексининг 840-моддасига биноан «Воситачи ўз ихтиёридаги комитент мол-мулкининг йўқолишига, етишмаслигига ёки шикастланишига олиб келган ҳар қандай камчилик учун комитент олдида жавобгар бўлади», яъни комитент кўрган зарар учун воситачи айбдор ҳисобланади. Агар воситачи комитент юборган ёки воситачига комитент учун келган мол-мулкни қабул қилиб олаётганида бу мол-мулкни ташқаридан кўздан кечирганда сезиб қолиниши мумкин бўлган шикастланиш ёки етишмовчилик мавжуд бўлса, шунингдек комитентнинг воситачи қўлида турган мол-мулкига бирон-бир шахс зарар келтирган тақдирда воситачи комитентнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши, зарур далил-исботларни тўплаши ва буларнинг барчаси ҳақида дарҳол комитентни хабардор қилиши шарт.

Воситачи комитент мол-мулкни фақат унинг кўрсатмаси бўйича ва унинг ҳисобидан суғурталаши лозим. Мол-мулкларни бундай суғурталаш воситачи томонидан воситачи-

лик шартномасида қайд этилган ёки иш муомаласи одатларида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлади.

Топшириқ бажарилгандан кейин воситачилик шартномаси бўйича олинган барча нарсалар комитентга топширилиши шарт. Комитент: воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиши; ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши; воситачини воситачилик топшириғини бажариши юзасидан учинчи шахс олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт (ФКнинг 841-моддаси).

Комитент шартномада белгиланган тартибда воситачига ҳақ тўлаши ва воситачи ишини учинчи шахс (делькредере) томонидан бажарилиши мажбуриятини олган ҳолларда эса қўшимча ҳақ ҳам тўлаши, воситачилик топшириғини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт.

Ниҳоят, комитент мол-мулкни сақлашда воситачи томонидан етказилган зарардан бошқа барча харажатларни, яъни топшириқларни бажаришга кетган (транспорт харажатлари ёки суғурталаш) чиқимларни воситачига тўлаши шарт. Аммо қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкини сақлаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас (ФКнинг 842-модда, 2-қисми).

Қонунда комитент топшириғини бажариш билан боғлиқ бўлган мукофот ва унга оид бошқа пулларни тўлашда воситачи учун қўшимча имтиёзлар белгиланган. Воситачи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 838-моддасининг 2-қисмида кўрсатилишича, воситачи ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли. Воситачи воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли (ФКнинг 839-моддаси).

3-§. Воситачилик шартномасининг бекор бўлиши

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 845-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилинади:

комитент шартномани бажаришдан бош тортганда;

воситачи шартномани бажаришдан бош торттанда;

воситачи вафот этганда, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ночор деб топилганда.

Комитент воситачига берган топшириғини истаган вақтда бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Бунда воситачининг топшириғи бекор қилиниши муносабати билан кўрган зарари умумий асосларда қопланади. Воситачилик шартномаси амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган тақдирда комитент шартнома бекор қилиниши ҳақида, агар шартномада хабар қилишнинг узоқроқ муддати назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин воситачини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда комитент воситачига у шартнома бекор қилингунча тузган битимларга ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунича қилган харажатларни тўлаши шарт.

Топшириқ бекор қилинган тақдирда комитент воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкини воситачилик шартномасида белгиланган муддатда, борди-ю, бундай муддат белгиланмаган бўлса, дарҳол тасарруф этиши шарт. Агар комитент бу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлаб қўйишга, топширишга ёки уни комитент учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли (ФКнинг 843-моддаси).

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Шартнома амал қилиш муддати кўрсатилмасдан тузилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда воситачи комитентга шартномани бекор қилиши ҳақида, агар хабар қилишнинг узоқроқ муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабар бериши керак (ФКнинг 877-моддаси).

Воситачи топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида хабардор қилинган комитент воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида билдиришнома

олган кундан эътиборан, агар шартномада бошқача муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кун ичида воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкини тасарруф этиши шарт.

Воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган воситачи воситачилик ҳақини олиш ҳамда шартнома бекор бўлган пайтда ўзига тегишли бўладиган харажатларни, шунингдек, шартнома бекор қилингунча ўзи тузган битимлар учун воситачилик ҳақини ундириб олишга ҳақли бўлади.

Фуқаро вафот этган, муомалага лаёқатсиз, ёки лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилган ҳолларда ҳамда воситачи юридик шахс тугатилган тақдирда воситачилик шартномаси бекор қилинади.

Воситачи юридик шахс қайта ташкил этилганида унинг воситачи сифатидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари, башарти қайта ташкил этиш юз берганлиги ҳақидаги маълумотни олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида комитент шартномани бекор қилганлиги ҳақида хабар бериш қонуний ворисларга ўтади. Комитент фуқаро вафот этган, у муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб топилган тақдирда, шунингдек юридик шахс тугатилган тақдирда воситачи ўзига берилган топшириқни комитентнинг меросхўрларидан ёки ҳуқуқий ворислари (вакиллари)дан тегишли кўрсатмалар келгунча бажариб туриши шарт (ФКнинг 848-моддаси).

XX БОБ. МУЛК ИЖАРАСИ ВА ПРОКАТГА ОИД ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Мулк ижарасининг қўлланиш соҳаси

Тадбиркорлик фаолиятининг бир тури сифатида мулк ижараси бозор муносабатларига ўтиш шароитида тобора ривожланиб, унинг кўлами янада кенгайиб бормоқда. Лекин у бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келиб чиққан бутунлай янги ҳуқуқий муносабат эмас. Мулк ижараси илгари ҳам бўлган ва тегишли қонун-қоидалар билан тартибга солиб турилган эди. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиб бориши жараёни мулк ижараси билан боғлиқ муносабатларнинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда «Ижара», »Ижарачи», «Ижарага берувчи» деган сўзлар ва тушунчалар кундалик турмушимизда кенг қўлланилмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш шакллари орасида ижара муносабатлари сезиларли ўрин эгаллаяпти. У янгича мулкий муносабатларнинг вужудга келишига туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга, хўжаликни ҳар томонлама самарали юргизишга ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, ижара меҳнат унумдорлигини кескин оширишга, иш ҳақини кўпайтиришга сабаб бўлмоқда. Энг муҳими шундаки, ижара муносабатларида инсон ўз меҳнати натижасининг ҳақиқий эгасига айланади, ишлаб чиқаришнинг асосий куч сифатида фаолияти янада ортади. Шахс эркин меҳнат қилади, куч-қудрати ортиб боради, тадбиркор бўлади, ўз қадр-қимматини чуқур англайди.

Ижара мулкдорнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа буюмларини муайян тўловлар эвазига вақтинча ишлатиш ёки фойдаланиш учун бошқа шахсга ўзаро келишувига мувофиқ топширишга айтилади.

Ижара муносабатларида ижарага берувчи ижарага берилган мулкнинг эгаси бўлиб қолаверади. Ижарачи эса вақтинча,

шартномада кўрсатилган муддат давомида мулкдор ҳуқуқини олади ва бунинг учун ижара ҳақи тўлайди. Шу билан бирга ижарачи ўз фаолияти давомида ижара мулкидан фойдаланиб олинган маҳсулот ва даромадларнинг мустақил эгаси ҳисобланади.

Ижара шартномасига асосан бир тараф ижарага берувчи, маълум бир мулкни иккинчи тарафга — ижарага олувчига ҳақ бараварига вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Ижарачи шартнома муддати тугаши билан ижара мулкини қайтаришга мажбур бўлади.

Мулк ижараси шартномаси ижара ёки прокат деб ҳам аталади. Ижаранинг ана шундай аталиши шартнома нарсасининг бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкинлиги ёки мумкин бўлмаслигига қараб белгиланади. Агар мулк бир жойдан иккинчи жойга кўчирилмаса, масалан, турар жой бўлмаган бинолар, савдо бинолари, сарой ва бошқалар ижарага олинганида одатда «аренда» шартномаси деб аталади.

Ижара нарсаси бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши мумкин бўлган фуқароларнинг маиший эҳтиёжини қондиришга қаратилган анжомлар (яъни спорт буюмлари, уй-рўзғор ашёлари ва шунга ўхшаш бошқа мулклар) ижарага берилганда «прокат» деб аталади. Бундай аталишлар ҳуқуқий жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Аммо мулкдан вақтинча ҳақ бараварига фойдаланишда бўладиган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда улар ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу хусусиятлар юқорида айтилганидек маиший прокат шартномасининг тузилишида яққол кўринади. Чунки прокат шартномаси орқали фуқароларнинг турли маиший эҳтиёжлари таъминланади. Шу сабабли фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш шаклларидан бири бўлган аҳолига маиший хизмат кўрсатишга катта аҳамият берилмоқда.

Кейинги пайтларда ижара шартномаси қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда кўп тузилмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосан, деҳқончиликда, чорвачиликда, устахоналарда, транспорт ишларида, қурилиш майдончаларида, ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, йўл қуриш ишларида, ишлаб чиқаришга техника янгиликлари илғор тажриба ва рационализаторлик таклифларини жорий этишда, шахсий ёрдамчи хўжаликни юри-

тишга ёрдам беришда, моддий-техника таъминоти ва хўжаликларга хизмат кўрсатишни ташкил этишда, маҳсулот тайёрлашда, хўжаликларда ва қишлоқларда умумий овқатланишни ташкил этишда, ногиронлар, меҳнат фахрийлари ва қарияларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш сингари ишларда кўпроқ ижара пудрати тузилмоқда.

Ижара пудрати муносабатларида ижарачи ишлаб чиқариш воситаларини муайян муддатга олиб, маҳсулот етиштириб бериш мажбуриятини олади. Бунда ҳар иккала томон ўзаро ижара ва пудрат шартлари билан боғланади. Чунончи, ижара шартлари ишлаб чиқариш воситаларини ёллаш, ишлаб чиқаришни мустақил ташкил этиш, даромадни мустақил тасарруф этиш бўлса, пудрат шартларида буюртма бўйича ишлаш, маҳсулотни буюртма бўйича сотиш, маъмуриятга бўйсуниш кабилардан иборатдир. Ижара пудрати ёки хўжалик ички ижараси жузъий (қисман) ижаранинг бир шаклидир. Ижарачи хўжаликдан маҳсулот етиштириш ҳажми бўйича топшириқ олади. Топшириқда етиштирилган маҳсулотни қандай тартибда ва қаерга топшириш ҳақида кўрсатма берилади.

Мулк ижараси шартномасининг барча муҳим шартлари тўғрисида тарафлар ўзаро келишилган ва қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Шартнома нарсаси, муддати ва ҳақнинг миқдори, шунингдек тарафларнинг шартнома шартларини бузганда қўлланиладиган жавобгарликлар мулк ижараси шартномасининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Томонлар шартнома шартларига рози бўлиб ўзаро келишганларидан ва уни белгиланган шаклда расмийлаштирганларидан сўнг шартнома тузилган ҳисобланади.

Мулк ижараси шартномаси ўзига хос белгиларга эга. Улар шундан иборатки, ижара шартномаси бўйича ижарачига мулкка эгалик қилишнинг икки жиҳати: мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ўтади. Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи эса мулк эгасида қолади. Мулк ижараси шартномаси мамлакатимиз иқтисодий, хўжалик ва маданий ҳаётининг кўп соҳаларида: чунончи, ташкилотлар ўртасидаги қурилиш ускуналари ва қишлоқ хўжалик машиналарини прокатга беришда, савдо бинолари, маиший хизмат ва умумий овқатланиш, кино установкалари ва

кинолентaларни ижарага олишда, шунингдек ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўлланилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижара шатномасининг аҳамияти шундан иборатки, давлат, кооператив, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўзларига қарашли мулкдан тўлиқ фойдаланишларига қулай имкониятлар яратилади. Бу билан моддий ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишига маълум даражада ҳисса қўшилади.

Тадбиркор ижарага мулк топшираётганида аввало фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Ижарачи эса ўзининг шу мулкка бўлган эҳтиёжини таъминлашни назарда тутиб ихтиёрий равишда шартнома тузади.

Шартнома ижарачи ва ижарага берувчининг ўзаро муносабатлари акс эттирилган асосий ҳужжатдир. Унда ижарачига бериладиган ер, буюмлар рўйхати, уларнинг қиймати, муддати, ижара тўлови ва бошқа тўловлар, ижарага олинган буюмларга нисбатан томонларнинг мажбурияти, ижара ишлаб чиқаришни моддий-техника билан таъминлаш шартлари, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва янги техника жорий этиш тадбирлари, ижтимоий ривожланиш масалалари, кадрлар тайёрлаш масалалари, тупроқ унумдорлигини ошириш, чорва моллар зотини яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари, табиий офатдан келган зарарни қоплаш тартиблари, олинган ўзаро мажбуриятларни бажармаганлиги ёки уни бузганлиги учун томонларнинг моддий жавобгарлиги турлари ва бошқалар кўрсатилади.

Истеъмол қилинмайдиган ва хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар шартномага асос ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уй-рўзғор буюмлари, спорт буюмлари, музика асбоблари, транспорт воситалари, қурилиш машиналари, турар жой бўлмаган кичик уй-жойлар, омборлар, гаражлар, савдо бинолари ва бошқа иншоотлар ижара ашёлари ҳисобланади. Республикамизнинг ижара тўғрисидаги қонунига мувофиқ ижара объектлари янада кўпайди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида ер, боғлар ва токзорлар, ўрмонлар, ҳовузлар, кўллар, чорва моллари ва паррандалар, корхона, бирлашма, ташкилотлар, фермалар, асалари уялари, устахоналар, гаражлар, ғишт заводлари, қайта ишловчи цехлар, тегирмонлар, хирмонлар, ёқилғи қуйиш жойлари, омборхоналар, трактор,

комбайн, автомобиллар, тиркама, осма машиналар ҳамда механизмлар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, арава, чанғи, эгар-жабдуқлар, техника жиҳозлари, иншоотлар, бинолар, йўллар, маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, болалар боғчалари ва яслилар, ўйингоҳлар, спорт майдончалари ва бошқалар ҳам ижарага бериладиган бўлади.

2-§. Ижара шартномасининг томонлари

Фуқаролар, шунингдек фуқаролар гуруҳи, яъни жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, бригада жамоаси, фермер жамоаси, устахона жамоаси, гараж жамоаси, бир гуруҳ механизаторлар, бир гуруҳ чорвадорлар, қўлда ва от-уловда иш бажарувчи бир гуруҳ ходимлар, бир гуруҳ мутахассислар, жамоа хўжалиги ва давлат хўжалигининг айрим ходимлари, қайта ишлаш цехининг жамоаси, кооператив жамоаси, саноат корхонаси жамоаси, қурилиш ташкилотлари жамоаси, транспорт ташкилоти жамоаси, хўжаликда ишламайдиган айрим фуқаролар ижара шартномасида томонлар сифатида қатнашишлари мумкин. Шунингдек, юридик шахслар, фуқаролар ҳамкорлигида ишловчи корхоналар, Ўзбекистон ва чет эл юридик шахслари иштирок этувчи халқаро ташкилотлар, чет эл юридик шахслари ва фуқаролари ижарага берувчи бўлиши мумкин.

Мулк ижараси шартномаси маълум бир муддатга тузилади. Агар шартномада муддат белгиланмаган бўлса, шартнома ноаниқ муддатга тузилган ҳисобланади. Бундай ҳолда шартномани бекор қилишни хоҳлаган тараф иккинчи тарафни бир ой олдин, кўчмас мулклар ижарага берилган бўлса, уч ой олдин огоҳлантириб, шартномани бекор қилиши мумкин. Қонун ёки шартномада ноаниқ муддатга тузилган мулк ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантириб қўйишнинг бошқа муддатлари ҳам белгиланиши мумкин.

Қонунда мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкнинг айрим турларини ижарага олиш учун энг кўп (сўнгги) муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, башарти ижара муддати шартномада белгиланган бўлмаса ва қонунда белгиланган охирги муддат тугагунича тарафлардан ҳеч қайсиси шартномадан воз кечмаса, сўнгги муддат ўтиши билан шу шартнома бекор бўлади. Қонунда белгиланган

охирги муддатдан ортиқ муддатга тузилган бундай мулк ижараси шартномаси охирги муддатга тенг муддатга тузилган ҳисобланади.

3-§. Ижарага олувчи ва ижарага берувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Ижарага олувчи ҳам, ижарага берувчи ҳам шартномага мувофиқ маълум ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади. Ижарага берувчининг асосий бурчи мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда ижарачига топширишдан иборат.

Мол-мулкни ижарага бериш учун уни тайёрлаш, топшириш, агар далолатнома ёзиш ва имзолаш лозим бўлса уни тақдим этиш ижарага берувчининг зиммасида бўлади. Агар шартномада бошқача ҳол белгиланган бўлмаса, мол-мулк, барча ашёлар ва унга алоқадор ҳужжатлар (техникавий паспорт, сифат кўрсаткичи, сертификат ва ҳ.) билан бирга ижарага олувчига топширилади. Алоқадор ашёлар ёки тегишли ҳужжатлар ижара мулкига қўшиб топширилмаса ва бунинг натижасида ижара мулкидан унинг ўз вазифасига мувофиқ фойдалана олинмаса, ижарага олувчи бундай ашёлар ва ҳужжатларни ўзига топширишни ёки шартномани бекор қилиб, ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчига бериладиган мол-мулкни шартномада белгиланган муддатда, башарти шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи Фуқаролик кодексининг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ижарага олинган мулкка нисбатан ижарачи фақат мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи ижарачига ўтмайди. Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 545-моддасида белгиланганидек ижарага олувчи ижара мулкидан шартномага мувофиқ, шу мулкнинг тайинла-

нишига қараб, мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишга мажбур.

Айрим ашёлардан қай тартибда фойдаланиш лозимлиги намунавий шартномаларда белгиланган бўлади. Масалан, прокатга олинган ашёни топширишда прокатхона ходимлари мазкур ашёдан фойдаланиш қоидалари билан ижарачини таништиришга, маиший техникага оид буюмлар топширилишида эса бу ашёлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги қўлланмани қўшиб беришга мажбурдирлар.

Агар мулк арендага олинадиган бўлса, ижарага олувчи бу мулкдан қай тарзда фойдаланиш зарурлиги белгиланган қоидалар билан таништирилиши, мулкни фақат шартномада кўрсатилган мақсад учунгина фойдаланиш зарурлиги, ижарага берувчининг рухсатисиз бошқа шахсларга ижарага берилмаслиги огоҳлантирилиши лозим бўлади.

Ижарага олинган мулк яна ижарага топширилиши мумкин. Бу иккиламчи ижара деб ҳам аталади. Масалан, ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг ёки бошқа мулкларнинг бир қисми яна бошқа ижарачига берилади. Иккиламчи ижара ижарачиларни хўжалик жиҳатдан бир-бирлари билан боғлайди.

Бундай ҳолда: ижарага берувчи, ижарачи, ижарачидан яна иккиламчи ижарага олувчи ўзаро муносабатда бўладилар.

Иккиламчи ижарада ижарачининг ўзи қисман ижарага берувчи сифатида иштирок этади. Меҳнатсиз даромад олишга йўл қўймаслик учун ижарага олинган буюмнинг ҳаммасини ижарага бериши ман этилади. Шунингдек, ер ва табиий объектларни ва маиший прокат буюмларини иккиламчи ижарага берилишига рухсат этилмайди.

4-§. Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик

Томонларнинг жавобгарлиги қонун ёки шартнома билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 32-моддасида томонларнинг жавобгарлиги белгиланган. Жумладан, шартнома тузиш тартиби ва шартларини бузишда, шартнома мажбуриятларини бажармасликда, шартномани бир томонлама ўзгартиришда ёки бекор қилишда, шартномани ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби ҳамда

шартларни бузишда айбдор томонлар, шунингдек давлат идораларининг мансабдор шахслари бу муносабатда айбдор бўлса, уларга ҳам қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик қўлланилади.

Шунингдек юридик шахслар ва фуқаролар ўзлари етказган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тўлашлари шарт. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 541-моддасида ижарага олувчига мол-мулкни топширмаганлиги ёки топширишни кечиктирганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Агар мулк ижарачига топширилмаса, ижарачи бу мулкни ўзига топширилишини талаб қилиш билан бирга ижронинг кечиктирилиши туфайли кўрган зарар тўланишини ёки бутунлай шартномадан воз кечиб, кўрган зарари тўланишини ҳам талаб қилишга ҳақли бўлади.

Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда кечиктирилган ижрони қабул қилишдан бош тортишга фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Ижарага берилган мол-мулкдаги камчиликлар учун ижарачи жавобгар бўлади. Ижара мулкидаги камчиликлар аниқланганида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 542-моддасига мувофиқ ижарани ўз хоҳишига кўра: ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилинган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга, ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирилган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфланган харажатлар суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга, шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли.

Ижарага берилган мол-мулкдаги камчиликлар хусусида хабардор бўлган ижарага берувчи шу мулкни дарҳол тегишли ҳолатда бўлган мол-мулкка алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этиши лозим.

Агар ижарага олувчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд унинг камчиликларини бартараф этиш харажатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиш ижарага олувчи кўрган зарарни қопламаса, у за-

рарнинг қопланмай қолган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчи шартнома муддати тугаши билан ижарага олинган мол-мулкни ўзига топширган ҳолатда, меъёрий эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтариши лозим.

Агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, кечиктириб қайтарилган барча вақт учун ижара ҳақини тўлашни ижарага берувчи талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчининг кўрган зарарини қопламаган тақдирда, зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарарни тўлиқ миқдорда ундириши мумкин (ФКнинг 554-моддаси).

5-§. Ижара шартномасининг бекор бўлиши

Мулк ижараси шартномаси шартнома муддати тугаб, ижара мулки қайтарилиши билан бекор бўлади. Айрим ҳолларда шартнома ижарага берувчининг талаби билан: жумладан, Фуқаролик кодексининг 551-моддасида белгиланганидек, ижарага олувчи ижарага берувчининг огоҳлантиришига қарамай мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса: мол-мулкни жиддий ёмонлаштирса; шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса:

қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини бажариш ижарага олувчи зиммасида бўлган ҳолларда шартномада белгиланган муддатларда, шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддат-

ларда мол-мулкни капитал таъмирлашни амалга оширмаса, шартнома муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

Ижара шартномасининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, ижарачи ижарага олинган мулкни сотиб олиши ҳам мумкин. Фуқаролик кодексининг 563-моддасида ва «Ижара тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида белгиланишича, ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан бутунлай ёки унинг бир қисмини сотиб олиши мумкин. Сотиб олиш шартномасида сотиб олинаётган мол-мулкнинг тури ва баҳоси, сотиб олиш шакллари ва манбалари, сотиб олиш тартиби ва муддатлари, сотиб олишда учинчи шахсларнинг, жумладан, кредиторларнинг қатнашуви, кафолатлари, сотиб олинаётган мол-мулкнинг сифати ва бошқа қоидалари белгилаб қўйилиши мумкин.

Сотиб олиш билан боғлиқ шартномани томонлар бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёки шартномани бир томонлама бекор қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ёки шартномада белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар.

Сотиб олиш шартномасини тузиш ва уни бажариш билан боғлиқ низолар суд орқали ҳал қилинади.

6-§. Прокат шартномасининг ҳуқуқий асослари

Аҳолига хизмат кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномалардан бири прокат шартномадир. Прокат шартномасининг тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 558-моддасида берилган. Унда белгиланишича, «Прокат шартномаси бўйича доимий тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун кўчар мол-мулкни топшириш мажбуриятини олади.

Прокат шартномаси бўйича топширилган мол-мулкдан, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, истеъмол мақсадларида фойдаланилади.

Прокат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Прокат шартномаси оммавийдир».

Хусусий аломатлари билан белгиланган ва истеъмол қилинмайдиган ҳар хил ашёлар прокат шартномасининг асоси бўла олади. Булар спорт анжомлари, музика асбоблари, машиналар, уй-рўзғор буюмлари, турар-жой ҳисобланмайдиган бинолар ва иншоотлар, турли хилдаги техника воситалари, қисқаси бир марта фойдаланиш билан ўзининг дастлабки қимматини йўқотмайдиган ҳамда истеъмол қилинмайдиган кўчар мулклардир.

Прокат шартномасининг муддати Фуқаролик кодексининг 559-моддасида белгиланган. Бу шартнома бир йилгача муддатга тузилиши мумкин.

Мулк ижараси шартномаси аниқ белгиланмаган муддатга қайтадан тузиш ва ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар прокат шартномасига нисбатан қўлланилмайди.

Бундан ташқари ижарага олувчи прокат шартномасини истаган вақтда бекор қилиши мумкин.

Шартномада барча ҳолларда, тадбиркор мулк эгаси, яъни фуқаролар ёки ташкилотлар буюмларини ижарага берувчи, фуқаролар ижарага олувчи сифатида қатнашади.

Шартномага мувофиқ фуқаро ашёни олиш учун прокат берувчига ўз паспортини ёки паспорт ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжатини, агар шундай ҳужжатни ижарачи талаб этса, фақат кўрсатиши мумкин.

Автомашина, мотоцикл ёки мопед прокатга олинадиган бўлса, фуқаро бошқара олиш ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги гувоҳномасини ҳам кўрсатиши лозим.

Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи вақт-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммадаги тўловлар шаклида белгиланади.

Ижарага олувчи мол-мулкни муддатидан олдин қайтарган тақдирда ижарага берувчи унга мол-мулкдан фойдаланганлик учун олинган ҳақдан мулкдан фойдаланмаган кунлар учун тегишли қисмини мол-мулк амалда қайтарилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисоблаб қайтаришга мажбур бўлади.

Прокат шартномасига мувофиқ, томонлар маълум ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Ижарага берувчи тадбиркорнинг бурчи, шартномага мувофиқ фойдаланиш учун яроқли ашёни тақдим этиши, прокатга берилган нарсанинг фойдаланишга

яроқли эканини ижарага олувчи ҳузурида текшириш, ашёдан фойдаланиш усулларини, қоидаларини тушунтириш, прокатга олинган ашё бузилганида, йўқотилганида ёки бут бўлмаган ҳолда қайтарилганида мулкий жавобгарлик тўғрисида ижарачини огоҳлантириш кабилардан иборат.

Ижарага берувчи прокатга олинган нарса прокатга олувчининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилиб қолса, бу тўғрида хабардор бўлгач тезлик билан бошқасига алмаштириб бериши шарт. Прокат шартномаси бўйича ижарага топширилган мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш ижарага берувчининг бурчидир (ФКнинг 563-моддаси). Агар ижарага олувчи ашёдан нотўғри фойдаланаётган ёки шартнома шартларини бошқача тарзда бузаётган бўлса, ижарага берувчи ашёни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳақли бўлади.

Прокат шартномасига мувофиқ, ашёни ижарага олувчи ҳам ҳуқуқ ва бурчларга эга. Прокатга олувчининг бурчлари ижара ҳақини тўлаш, мулкдан тайинланишига мувофиқ фойдаланиш, прокатга олинган ашёни ўзбошимчалик билан таъмирламаслик, нарсани бошқа шахсга фойдаланиш учун бермаслик, муддати тугаши билан ашёни бутун ҳолда ижарага берувчига қайтариб топширишдан иборат.

Прокат шартномасига кўра, ўз зиммасидаги бурчларни бажармаганлик учун томонларга мулкий жавобгарлик юклатилади. Жумладан, прокат олувчининг ихтиёрида бўлган мол-мулк унга боғлиқ бўлмаган ҳолда зарарланса, уни таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатлар ижарага берувчи зиммасида бўлади. Агар прокатга олинган нарса ижарачининг айби билан яроқсиз ҳолга келса, у худди шундай нарсани қайтаришга ёки қийматини тўлашга мажбур. Прокатга олинган нарсаларнинг айрим қисмлари қайтарилмаса, ижарага олувчи бундай қисмларнинг қийматини тўлиқ миқдорда тўлайди.

Агар чинни, биллур ёки шунга ўхшаш идишлар синган, алмаштирилган, йўқолган бўлса, бу ҳақда мулк эгаси далолатнома тузиб, уни ижарага олувчига тақдим этади. Ижарага олувчи худди шу турдаги буюмни прокат пунктига топшириши шарт. Агар келишилган муддат ичида янгисини топширса, синган идишларнинг чакана қиймати ундирилади. Агар ижа-

рага олувчи ана шу буюмларнинг синганини прокатга тақдим этмаса, унинг қиймати уч баравар миқдорда ундириб олинади.

Прокат шартномаси томонларнинг хоҳиши билан муддатидан олдин бекор бўлиши мумкин. Масалан, ижарага олинган мулкдан шартномага ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланилмаса, ижарага олувчи қасддан ёки бепарволиги орқасидан мулкни сифатсизлаштирса, ижара ҳақини тўлаш муддати ўтгандан сўнг бир ой давомида тўламаса ижарага берувчининг талаби билан бекор қилиниши мумкин.

Ижарага олувчи шартномани муддатидан аввал бекор қилса, ижарага берувчи олинган ижара ҳақидан тегишли қисмини қайтаришга мажбур.

Агар ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида вужудга келган бўлса, ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни таъмирлаш ва транспортда ташиш харажатларини тўлайди (ФКнинг 561-моддаси).

Прокат шартномаси бўйича ижарага олувчига топширилган мол-мулкни иккиламчи ижарага беришига, ижарага олувчи, прокат шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига, бу мол-мулкнинг бепул фойдаланиш учун бериб қўйилишига, ижарага олувчининг ҳуқуқларини гаровга қўйишига ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса тариқасида, ишлаб чиқариш кооперативларига пай бадаллари тариқасида қўшишга йўл қўйилмайди.

XXI БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари

Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг муҳим фаолиятларидан бири ташқи муносабатларини аниқ ва тўғри белгилашдир. Ўзбекистон Республикаси ҳам давлат мустақиллигига эришганидан бошлаб, ўзининг ташқи муносабатларини мустақил белгилаб олди. Чет эл давлатлари билан тенг ҳуқуқ асосида ҳамкорлик ўрната бошлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги баён ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартлари ва инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа заҳираларни, айирбошлайдиган валютани сотади ва сотиб олади, - деб кўрсатилган[1]. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Конституциясининг IV бобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари белгилаб берилди. Унда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991, 11-сон, 246-модда.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Республикамизнинг ташқи сиёсати Конституциямизнинг ана шу қоидасига мувофиқ олиб борилмоқда. Бошқа мамлакатлар билан тўла ишонч негизида икки ҳам кўп томонлама ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ва шу қонунларга мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бунга мисол қилиб «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»[1], «Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисида»[2] ва бошқа қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар иштирокида корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг таркибий бўлимларини ташкил этиш фаолияти тўғрисидаги қарори ҳамда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлимларини давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низом сингари бир қанча ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар билан Республикамизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариб ҳамда чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда сифатли моллар ишлаб чиқариладиган корхоналар очиб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб жаҳон бозорига чиқиб боришларига ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Жумладан, «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 9 июн.

[2] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон. Т., «Адолат», 1999, 13-25-б.

тўғрисида»ги фармон билан экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ва инвестиция сиёсатидаги муҳим устуворлик ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Шу билан бирга хорижий инвесторларнинг мулкка ва даромадларини олиб кетишга бўлган ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминловчи, улар учун қулай инвестиция муҳитини яратувчи кафолатлар ва имтиёзлар яратиш белгиланди, хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатлар чиқариш, ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш тақиқланди. Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун 1996 йил 1 июндан бошлаб қўшимча имтиёзлар жорий қилинди. Бу имтиёзлар қуйидагилардан иборат эди: Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредити олиш ҳуқуқи берилди, яъни бюджетга тўланадиган фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи юзасидан тўловлар икки йилгача муддатга кечиктирилди.

Устав фондида хорижий сармоя улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этган корхоналар мулк солиғи тўлашдан озод қилиш кўрсатилди. Бу тадбиркорликнинг янада ривожланишига, сифатли моллар ишлаб чиқариб, тадбиркорларимизнинг чет мамлакатлар бозорига кириб боришига ва ўзига муносиб ўрин олишига кафолат яратилди.

2-§. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси берилган. Унда белгиланишича, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти деганда, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсларининг, хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек

халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади[1].

Шунга кўра мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Бинобарин, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини ёритиш ва уларни турларга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқий ҳолати ва ваколатлари доирасига қараб қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шаслар;

2. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари маълум бир мулкка эга бўлиши ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши ёки ташқи иқтисодий фаолиятини қонуний олиб боришлари, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари ва мустақил мулкий жавобгарликни амалга оширишлари мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият субъекти бўлиб корхона, ташкилотлар ва турли хилдаги жамиятлар ҳисобланади. Аммо акционерларнинг ташқи иқтисодий фаолият субъекти бўлиши масаласи баҳслидир, чунки акционернинг қўлидаги акция биринчидан акционерлар жамиятининг бошқарувида қатнашиш ва иккинчидан акционерга фойда (дивиденд) олиш ҳуқуқини беради. Акционер бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни ўз номидан олиб бора олмайди.

---

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 9 июн.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъекти сифатида акционерлик жамияти қатнаша олади. Худди шундай тартибда давлат ташкилотлари ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боришлари учун мулкдордан тадбиркорлик фаолиятини юритишга розилик олишлари керак. Шундагина улар ташқи иқтисодий фаолият юзасидан олинадиган даромадларини белгиланган тартибда тасарруф қилишлари мумкин.

Тадбиркорлик фуқаролар ва корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари бўлиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб ўз фаолиятини юритиш учун рухсат олган бўлиши лозим.

Жисмоний ва юридик шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида белгиланганидек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил тарзда амалга оширадилар. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади[1].

Ташқи иқтисодий фаолият юритадиган банклар субъект сифатида махсус тартибда рўйхатга олинади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида кўрсатилишича, «Банклар Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз шўъба банкларини, шоҳобчаларини ва ваколатларини очишлари, банклар ташкил этишда қатнашишлари мумкин»[2].

3-§. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташқи иқтисодий фаолият юритадиган юридик шахслар ўз фаолиятларини устави (Низоми), «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари

[1] «Халқ сўзи», 2000 йил 15 июн.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 5-6 сон, 54-модда.

ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда битимлари асосида юритадилар.

Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи юридик шахс ўз фаолиятини олиб бориш учун махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши керак.

Юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати унинг устави ёки низоми тасдиқланган вақтдан эътиборан, башарти у мазкур турдаги ташкилот ҳақидаги умумий низом асосида ҳаракат қилиши лозим бўлса, ташкил этилиши тўғрисида ваколатли орган томонидан қарор чиқарилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида белгилаб берилган. Унда шундай дейилади:

Мулкчилик шакллари ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг турларидан қатъий назар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуққа эгадир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти амал қилиб турган қонунлар доирасида ташқи иқтисодий алоқалардаги ўз иштирокининг турлари, шакллари ва йўналишларини мустақил белгилаши, уз хоҳишига кўра ташқи иқтисодиётни амалга ошириши учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома асосида ёки бошқача тарзда ҳақ тўлаб ёхуд тўламасдан жалб этиш ҳуқуқига эга. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига, шу жумладан чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақлидир. Ўз қарорига кўра, иқтисодий фаолият натижаларига эгалик қилиш, жисмоний шахсларга ўтказиши ёхуд уларга ишониб топшириши мумкин. Ҳуқуқлар ана шу тарзда ўзгага ўтказилган тақдирда томонлар ўзаро муносабатларини шартнома (битим) асосида тартибга соладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунида резидентларнинг валюта операцияларини амалга ошириш тартиби белгилаб берилган.

«Резидентлар» жумласига, Ўзбекистон Республикасида муқим яшаш жойи бўлган, шу жумладан вақтинча Ўзбекистон

Республикасидан ташқарида турган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тузилган ва рўйхатдан ўтган юридик шахслар, шу жумладан чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикасининг иммунитетга ва дипломатия имтиёзларига эга бўлган хориждаги дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг чет элдаги хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ваколатхоналари киради.

Шу қонунда белгиланганидек, «юридик шахс бўлмиш резидентлар ўзларига тегишли валюта маблағларидан ишлаб чиқариш ва ўз меҳнат жамоаларини ижтимоий-маданий ривожлантириш мақсадларида ҳамда қонунларга зид бўлмаган бошқа мақсадларда мустақил равишда фойдаланишлари мумкин» (14-модда, 5-банди).

Шу билан биргаликда жисмоний шахс бўлмиш резидентлар томонидан чет элда чет эл валютасида счётлар ва омонатлар очилиши, уларда валюта маблағлари сақланишига резидентларнинг чет элда бўлиш даври учун, бошқа ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда йўл қўйилади (14-модда, 9-банди).

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасида ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари белгилаб берилган. Яъни ташқи иқтисодий фаолият субъектлари: ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши; Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши шарт. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари маълум бир фаолиятни амалга оширадиган бўлса шу фаолият албатта қонунга мувофиқ бўлиши керак. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қонунда ташқи иқтисодий фаолият объектлари белгилаб берилган. Ташқи иқтисодий фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг фаолияти ана шу объектлар доирасида бўлиши лозим. Бун-

дай объектлар олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматдор қоғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига нисбатан бўлган иқтисодий фаолият ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно. Тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолият халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий фаолияти, чет эл инвестицияларини жалб этиш Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти шаклида олиб борилади.

Ташқи иқтисодий фаолият йўналишларидан бири бу халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликдир. Республикамизнинг тадбиркорлари бу турдаги тадбиркорликда хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ишлаб чиқариш, молия, банк ва суғурта фаолияти, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш, илмий техникавий, маданий, экология, гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадилар. Бундан ташқари тадбиркорлар томонидан товарларни экспорт ва импорт қилиш йўли билан ташқи савдо фаолияти кенг ривожланмоқда.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, уларни қайта олиб кириш мажбуриятини олмасдан, олиб чиқиб кетилиши экспорт, деб эътироф этилади.

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига, уларни қайта олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олмасдан, олиб кириш импорт деб аталади. Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарларнинг айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгилаши мумкин.

Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш

тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Товарлар экспортини амалга ошираётганида назорат ўрнатилиши мумкин. Экспорт назоратини ўрнатишдан мақсад Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек халқаро мажбуриятларга риоя этишни таъминлашдир. Экспорт назоратига тушадиган ташқи иқтисодий фаолият объектларининг рўйхати, шунингдек уларни олиб чиқиш ёки транзит тарзида олиб ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тегишли давлат идоралари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ экспорт, импорт тақиқланиши ҳамда чекланиши мумкин. Экспорт, импортни тақиқлаш ҳамда чекланишнинг асосий мақсади фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий ахлоқ-одобга ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий меросини сақлаш, маданий бойликларни қонунга зид тарзда олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқача ўтказишдан ҳимоя қилиш; республиканинг тўлов балансини сақлаб туриш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш; тиклаб бўлмайдиган табиий ресурслар тугатилишининг олдини олиш ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолият белгиланган тартибда давлат томонидан тартибга солиб турилади. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш: ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш; валюта билан тартибга солиш: солиқ билан тартибга солиш; тариф ва нотариф билан тартибга солиш; Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш; ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш; миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш; қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияга нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш; олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш; техникавий, фармакология, санита-

рия, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш; ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш кабилар билан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солинишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳам ўз ваколатлари доирасида иш олиб борадилар. Шу билан биргаликда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланади.

Аввало ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятларига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг аралашишига ҳақли эмаслигидир. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилиши мумкин эмас. Агар ана шундай ҳужжатлар қабул қилиниб ташқи иқтисодий фаолият субъектига зарар етган бўлса, ушбу зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Тадбиркорлар томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири чет эл инвестициясини жалб этишдир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестицияси деб чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти объектларига ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларига киритилаётган моддий ва номоддий неъматларнинг барча турлари ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар қандай даромад эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳам инвестиция фаолияти амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига моддий ва моддий бўлмаган неъматларни ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларни қўйиш билан боғлиқ ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳаракатларининг йиғиндиси Ўзбекистон Рес-

публикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

биринчидан, юридик шахслар ташкил этиш ёки устав фондларида улушбай асосда, шу жумладан, мол-мулк ва акциялар сотиб олиш йўли билан қатнашиш;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ваколатхоналар, фирмалар ва бошқа алоҳида бўлинмалар таъсис этиш;

учинчидан, қимматли қоғозларни, шу жумладан хорижий давлатларнинг резидентлари томонидан тасдиқланган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

тўртинчидан, концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, излаб топиш, қазиб олиш ёхуд улардан фойдаланишга мўлжалланган концессияларни қўлга киритиш;

бешинчидан, мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш;

олтинчидан, хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг ҳамда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинади. Ҳимоя қилиш турли усулларда олиб борилади. Булар ҳимоя чоралари, компенсация чоралари, демпингга қарши чоралар.

Шулардан бири ҳимоя чорасидир. Бундай ҳимоя чораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар бирон-бир товар худди шундай товарни ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарни Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказишни юзага келтирадиган миқдорларда ёки шундай шартлар асосида чет элдан олиб кирилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ шундай зарар етказилиши хавфининг олдини олиш ёки бундай зарарни бартараф этиш учун зарур бўладиган муддатдаги ҳимоя чораларини кўришга ҳақлидир. Албатта ҳимоя чораларини қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига бевосита субсидияланган товарлар олиб кирилган тақдирда, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг худди шундай товарларни ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарларни ишлаб чиқарувчиларига зарар етказса ёки зарар етказиш хавфини юзага келтирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки кенгайтиришга тўсиқ бўлувчи шарт-шароитларни юзага келтирса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари ва тамойилларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига бундай товарларни олиб кириш орқали етказилган зарарни ёки зарар хавфини бартараф этиш учун компенсация чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экспорт қилган мамлакатдаги реал баҳодан ёки экспорт қилиш пайтидаги ишлаб чиқариш баҳосидан паст нархда товарлар олиб кирилган тақдирда, агар бундай олиб киришлар Ўзбекистон Республикасининг худди шундай товарларни ишлаб чиқарувчиларига зарар етказса ёки зарар етказиши мумкин бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари ва тамойилларига мувофиқ демпингга қарши чораларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Ташқи иқтисодий фаолият шартнома тузиш орқали олиб борилади. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги шартномани амалга ошириш натижасида юзага келадиган низолар шартномада назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

Шартномада низоларни ҳал қилишни тартибга солувчи қоидалар бўлмаган тақдирда, қўлланиладиган ҳуқуқ ва ҳал қилинадиган жой халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига мувофиқ белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан низолари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

АДАБИЁТ

1. И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1-ж.. Т. «Ўзбекистон», 1996.
2. И. А. Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». 2-ж.. Т. «Ўзбекистон», 1996.
3. И. А. Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-ж.. Т. «Ўзбекистон», 1996.
4. И. А. Каримов. «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби». 5-ж.. Т. «Ўзбекистон», 1997.
5. И. А. Каримов «Хафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан». 6-ж. Т. «Ўзбекистон», 1998.
6. И. А. Каримов. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз». 7-ж . Т. «Ўзбекистон», 1999.
7. И. А. Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». 8-ж.. Т. «Ўзбекистон», 2000.
8. И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т. «Ўзбекистон», 1999.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. «Ўзбекистон», 1992.
10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 1996.
11. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. 1998.
12. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1990 йил 31 октябрь.
13. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган. 1994 йил 22 сентябрь.
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган. 1994 йил 22 сентябрь.
15. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган. 1997 йил 24 апрель.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Машғулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 7 май.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги қонуни. 1994 йил 6 май.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 28 декабрь.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил 28 декабрь.
20. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил 28 декабрь.
21. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 26 апрель.
22. Ўзбекистон Республикасининг «Товарлар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.
23. «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 9 декабрь.
24. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 26 апрель.
25. «Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, 2000 йил 25 май.
26. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 29 август.
27. «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил 9 апрель.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 5 март Фармони
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1996 йил 12 март Фармони.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 20 март Фармони.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк аудит тизимини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида». 1996 йил 24 июль Фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 9 август Фармони.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни ва уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 13 декабрь Фармони.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1997 йил 31 январ Фармони.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1997 йил Фармони.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорини хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1997 йил 31 март Фармони.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантириш давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 31 март Фармони.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголлик маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида»ги 1997 йил 19 июнь Фармони.
39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилиш аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоат фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июнь Фармони.
40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида илосҳатларни давом эттириш тўғрисида»ги 1997 йил 17 сентябрь Фармони.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 18 февраль Фармони.
42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 март Фармони.
43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 20 март Фармони.
44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 1998 йил 27 март Фармони.
45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 9 апрель Фармони.
46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги 1998 йил 6 июль Фармони.
47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 16 ноябрь Фармони.
48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишини ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрь Фармони.
49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда болалар пойабзали ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 24 ноябрь Фармони.
50. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 3 декабрь Фармони.

51. «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабрь Фармони.
52. «Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1992 йил 26 февраль.
53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчиларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабрь Фармони.
54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли парчалар ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 5 феврал Фармони.
55. «Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 1992 йил 26 февраль.
56. «Хусусий тадбиркорлик ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1995 йил 14 февраль.
57. «Бизнес-фонд»нинг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир ташаббуси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1996 йил 9 июль.
58. «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1998 йил 27 май.
59. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, 1991 йил.
60. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 1994 йил.
61. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори, 1997 йил июль.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида 3

I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

1-§. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси 5
2-§. Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тамойиллари 8
3-§. Бозор муносабатларини ривожлантириш ва шакллантиришда тадбиркорликнинг аҳамияти 15
4-§. Тадбиркорлик ҳуқуқининг турдош ҳуқуқлари – хўжалик, фуқаролик маъмурий ҳуқуқлардан фарқи 17

II БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Тадбиркорликнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари 22
2-§. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари 25
3-§. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатдан афзалликлари 31
4-§. Хусусийлаштириш усуллари 33
5-§. Хорижий давлатларда хусусийлаштириш жараёни 36

III БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАИ

1-§. Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи тушунчаси 42
2-§. Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларининг турлари 42

IV БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

1-§. Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида фуқаролар 49
2-§. Давлат кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси тузган жамоа тадбиркорлари, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлишлиги 52
3-§. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари 56
4-§. Хусусий корхоналар ва бирлашмалар тадбиркорлик фаолиятининг субъекти 60

V БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ 63

VI БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУР (ШАКЛ)ЛАРИ 67

VII БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ 74

VIII БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ 86

IX БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1-§. Тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ... 94
2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ... 96

X БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК 101

XI БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДАГИ СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

1-§. Солиқ ва унинг бошқа тўловлардан фарқи ... 124
2-§. Қўшилган қиймат солиғи ... 127
3-§. Даромад (фойда)дан олинадиган солиқ ... 131
4-§. Акциз солиғи ... 134
5-§. Тадбиркор фуқаро (жисмоний шахс)лардан олинадиган даромад солиғи ... 136
6-§. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ... 138

XII БОБ. ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИДА ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР

1-§. Товар ишлаб чиқариш ва топширишга оид шартномалар ... 144
2-§. Ишларни бажаришга оид шартнома ... 150
3-§. Хизмат кўрсатишга доир шартномалар ... 152

XIII БОБ. ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИДА ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

1-§. Олди-сотди шартномаси тушунчаси 155
2-§. Олди-сотди шартномасининг моҳияти ва шартнома иштирокчилари 159
3-§. Олди-сотди шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари 161
4-§. Олди-сотди шартномаси шартларининг бузилганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги 163

XIV БОБ. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг моҳияти 166
2-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг иштирокчилари 169
3-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмуни 170
4-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажармаганлик учун жавобгарлик 173

XV БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СОТИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномалари тушунчасининг моҳияти 177
2-§. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномаларининг субъектлари. Уларнинг ҳуқуқ ва бурчи 182
3-§. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш шартномасини бажармаганлик учун жавобгарлик 186

XVI БОБ. ИШ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Пудрат шартномаси асосида иш бажариш 190
2-§. Шартнома иштирокчилари 192
3-§. Ишни баҳолаш 195
4-§. Буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари 197
5-§. Ишнинг сифати ва кафолат муддати 199
6-§. Иш сифати талаб даражасида бўлмаганлиги учун пудратчи жавобгарлиги 201

XVII БОБ. АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Маиший хизмат пудрати 205
2-§. Юк ва йўловчи ташиш 210
3-§. Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш 212

XVIII БОБ. ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

1-§. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси 217
2-§. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш турлари 219

XIX БОБ. ВОСИТАЧИЛИК

1-§. Воситачилик шартномаси тушунчаси ва аҳамияти 225
2-§. Воситачилик шартномасининг мазмуни ва унинг бажарилиши 228
3-§. Воситачилик шартномасининг бекор бўлиши 232

XX БОБ. МУЛК ИЖАРАСИ ВА ПРОКАТГА ОИД ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Мулк ижарасининг қўлланиш соҳаси 234
2-§. Ижара шартномасининг томонлари 238
3-§. Ижарага олувчи ва ижарага берувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари 239
4-§. Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик 240
5-§. Ижара шартномасининг бекор бўлиши 242
6-§. Прокат шартномасининг ҳуқуқий асослари 243

XXI БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

1-§. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари 247
2-§. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари 249
3-§. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 251
Адабиёт 259

360-22 67,9(2)
И 153



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Ибратов Бобоқул (1942 йилда туғилган) - ҳуқуқшунос, юридик фанлари доктори, профессор. Тошкент Давлат юридик институтининг "Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи" кафедраси мудири. Фуқаролик, хўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида илмий рисолалари ва китоблари эълон қилинган. "Маиший хизмат ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари", "Ижара ҳақида нималарни биласиз?", "Пудрат ва қонун" китоблари нашр этилган. "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи", "Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи" номли нашр этилган дарсликларга ҳаммуаллифдир. "Хўжалик ҳуқуқи" фани бўйича дарслик яратиш борасида иш олиб бормоқда.